ISBN 978 9943-398-50-2

*Шоира Дониярова*

# ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА МИЛЛИЙ РУҲ ВА ҚАҲРАМОН

ДОНИЯРОВА ШОИРА ХУРСАНОВНА

# ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА МИЛЛИЙ РУҲ ВА ҚАҲРАМОН

*Монография*

Тошкент
«MUMTOZ SO'Z»
2011

**УДК: 821.512.133:82-31**
**ББК 84.3(5Ў)**

**Масъул муҳаррир:** Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор **Наим КАРИМОВ**

**Тақризчилар:**
Филология фанлари доктори, профессор
**Дамин Тўраев,**
филология фанлари доктори
**Қурдош Қаҳрамонов**

**84.3(5Ў)**
**Д22**
**Дониярова, Ш.**

Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон: Ш.Х.Дониярова; масъул муҳаррир Наим Каримов. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011. – 198 б.

УДК: 821.512.133:82-31
ББК 84.3(5Ў)

ISBN 978-9943-363-50-2

*© Дониярова Ш., 2011*
*© MUMTOZ SO'Z, 2011*

# КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жамиятнинг барча жабҳаларида бўлгани каби адабиёт ва санъат соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбек адабиётшунослиги истиқлол йилларида яратилган сток бадиият намуналарини миллийлик мезонлари асосида таҳлил этиш имкониятига эга бўлди. Бу борада кейинги йилларда яратилган йирик насрий асарлар – романларда кузатилган миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси миллий адабиётшунослик томонидан жиддий ўрганилишига эҳтиёж туғилди. Инсон руҳиятининг миллийлик билан боғлиқ бадиий талқинини назарий асосда фундаментал тадқиқ этиш ҳам адабиётшуносликдаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Зеро, адабиётдаги янгиланиш ва умуман, бугунги бадиий тафаккур тараққиётининг ривожланиш тамойиллари ижодкордан янгича фикрлаш тарзини қалбан ҳис этишлари ва «тушовланган тафаккур» исканжасидан қутулиб олишлари адабий жараён тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шу боисдан миллий ўзанда яратилган бадиий асарларни янгича илмий тафаккур асосида жиддий қайта таҳлилдан ўтказиш, қаҳрамон характери ва унинг руҳий-маънавий олами талқинига ҳар томонлама назар ташлаш эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Зеро, Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Маънавият – инсоннинг руҳан покланиши, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир...»[1]

Шўролар тузуми мафкураси ва маънавий қадриятлари парокандаликка учраганидан сўнг XX аср 90-йилларининг бошларида турли соҳаларда бўлганидек, ижод аҳли орасида ҳам маълум даражада эсанкираш ҳолатлари содир бўлди. Чунки бу даврга келиб энди бадиий асар моҳиятини белгиловчи услуб, метод ва бошка баҳолаш мезонлари янгиланган, эскича андозалар ўз аҳамиятини йўқотган эди.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» каби бадиий баркамол романларидан сўнг миллий романчилигимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий», Аскад Мухторнинг «Давр

---

[1] Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият. 2008. – Б.19.

менинг тақдиримда», «Чинор», Пиримқул Қодировнинг "Уч илдиз", "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", Одил Ёқубовнинг «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» каби асарлари ҳисобига бир-бирига ўхшамаган, мавзу кўлами ва поэтик табиатига кўра ранг-баранг романлар билан бойиди. Бу асарлар шўролар даврида яратилган ва ғоябозликка асосланган насрий асарлардан фарқли ўлароқ, китобхонларга катта маънавий озуқа бера олиши билан ажралиб турадиган асарлар эди. Шу боис, бугунги кунда шўро даври ўзбек адабиётига баҳо бераётганда барча асарлар устидан ёппасига қора чизиқ тортмасдан, бу даврга оид бадиий юксак намуналарнинг миллий поэтик тафаккур тарихидаги муҳим ўрнини камситмаган ҳолда, холисона муносабат билдириш лозим. Зеро, ўша пайтда ҳам улуғ истеъдодлар баъзан очиқдан-очиқ, баъзан рамзий тасвирлар орқали миллатнинг ўзига хос қиёфасини акс эттирувчи асарларни яратишга ҳаракат қилдилар. Улар маънавий курашни давом эттириб, сохта гражданлик пафоси авж олган адабиётимизда қатағонга учраган ижодкорларнинг миллий руҳни ифода этишдаги анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилдилар. Бугунги кунда ана шу адибларнинг фидоийлиги натижасида шўро даврида асоссиз равишда қораланган ва халқ душмани тамғаси остида қатағон қурбони бўлган кўплаб ватандошларимизнинг номлари тикланиб, асарлари адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин эгалламоқда.

Истиқлол даври адабиётида миллий руҳни англаш ва талқин этишда батамом янгиланиш кўзга ташланди. Бадиий тафаккурнинг эврилишига хос бундай тамойилларни ҳозирги замон романчилиги изланишларида ҳам кўриш мумкин. Бу жараён ўзбек миллий романчилигида ўзига хос бадиий бўёқларда акс этаётгани, воқелик тасвирида ранг-баранг чизгиларнинг қўлланилиши, жанрий ва услубий ўзгаришлар ҳамда қаҳрамон характерининг талқинида миллий руҳ мужассамлашганлиги билан белгиланади. Шунингдек, бугунги кун миллат кишисининг ботиний ва зоҳирий олами, унинг тафаккур кенгликлари, қизиқишлари, турмуш тарзи, миллий ўзлигини англаш жараёни, ижтимоий ҳаётга бўлган фаол муносабати, эртанги кунга ишончи ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги жонбозликлари роман жанрида ўзининг кенг кўламли бадиий

ифодасини топаёттани ҳам романчилигимизда ўзига хос руҳий-маънавий янгиланишлар даври бошланганлигини кўрсатади.

Карийб бир асрлик ижодий тажрибага эга бўлган ўзбек романчилигининг сўнгги давр намуналарига хос миллий руҳ ва қаҳрамон характерининг тасвири, уни акс эттиришда эришилаётган ютуқ ва камчиликларни ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан биридир.

# ТАРИХИЙ ШАХС ОБРАЗИНИ ЯРАТИШДА ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

### Характер яратишда тарихийлик ва бадиийлик

Тарихийлик нафақат ўзбек миллий романчилиги, балки жаҳон насрининг ҳам асосий адабий-эстетик принципларидан бири ҳисобланади. Бадиий асарда тарихийлик принципларининг намоён бўлишида тарихий шахс, макон ва замон, давр ва қаҳрамон муносабати каби кўплаб масалалар етакчи омил сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек адабиётида машҳур тарихий шахслар ҳаёти асосида яратилган романларнинг сюжет йўналишида ҳам, тўқима образ ёки воқеалар силсиласи акс эттирилган асарларда ҳам, қаҳрамонлар нутқининг стилизациясида ҳам тарихийлик бош ижодий принцип сифатида бўй кўрсатганини кузатиш мумкин.

XX асрнинг сўнгги чораги жаҳон ва рус романчилигида тарихийлик тамойиллари маълум даражада сақланган бўлса-да, анъанавий романчиликдан фарқли равишда тарихий ҳақиқатни янгича идрок этувчи, ҳажман ихчам асарлар ҳам яратилмоқда. Бу типдаги романлар тарихий шахснинг янгича поэтик талқини, воқеликка фалсафий муносабати, миллийлиги, ифода усуллари ва бадиий тил имкониятларидан фойдаланишдаги ўзига хосликлари билан бугунги кун ўқувчисининг диққат-эътиборини тортаётганини кузатиш мумкин[2].

XX аср жаҳон романчилигининг йирик намояндалари саналган Уильям Фолькнер, Жеймс Жойс, Герман Гессе, Носсак, Кёппен, Хьюберт Ламио, Макс Фриш каби адиблар анъанавий романчилик уфқларини янгича поэтик идрок ва теран фалсафий мушоҳадакорлик билан кенгайтирдилар. Бу адиблар қаҳрамон руҳиятини кашф этишда воқелик тафсилотидан кўра, "мен"нинг ички дунёси тасвирига, чунончи, коллизия ва ички монологлар, руҳий оламдаги зиддиятли жараёнлар тасвирига эътиборни кучайтирдилар. Жаҳон романчилигига хос бўлган бу хусусият кейинчалик В.Шукшин, Ф.Абрамов, А.Гельман, В.Распутин, В.Астафьев, В.Белов, А.Битов сингари рус адибларининг романларига ҳам «кўчган»[3].

---

[2] Судьбы романа. Сборник статей. – М.: Прогресс, 1975. – С.13.

[3] Қаранг: Лейдерман Н.Л., Липовецкий М.Н. Современная русская литература. Т. 2. / Семидесятые годы. – М.: Academia, 2006.

Адабий алоқалар ва ўзаро ижодий таъсир туфайли бугунги ўзбек адабиётининг «қиёфаси» ҳам ўзгариб, жаҳон ва рус романчилигига хос устувор йўналишлар бўй кўрсатаётганини Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Асад Дилмурод каби романнавислар ижоди мисолида кўриш мумкин. Табиийки, давр ва бадиий тафаккурдаги эврилишлар боис тарихийлик принципларига қўйиладиган мезонлар ҳам янгиланиб бормоқда. Тарихни поэтик идрок этишда фақатгина буюк шахслар ва уларнинг тарих олдидаги оламшумул хизматларини воқеалар қатламида акс эттириш билангина чекланиш даври ўтди. Эндиликда адиблар қаҳрамоннинг руҳий оламини чизишда нафақат тарихий воқеликнинг муайян бир даври, алоҳида олинган айрим кўриниш ва эпизодларини тасвирлаш, балки бугунги кун кишисининг орзу-умидлари, идеаллари билан боғлиқ муаммолар фонида кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратишмоқда. Тарихий романларда аввалгилардек, асос-эътибори билан тарихдаги бирор воқеа ва ҳодисанинг бадиий тасвири эмас, балки айни воқеликнинг замон қаҳрамони онгидаги акс-ланиши ва муносабати етакчи аҳамият касб этмоқда[4].

Шўролар тузуми халқимизни ўз ўтмишидан, тарихидан узилиб яшашга маҳкум этган эди. Зеро, ўша давр сиёсатининг мақсади ҳам минг йиллик анъаналарга эга миллий қадриятларни топташ, ўтмишни сохталаштириш ва миллий ўзликдан бегона қилишга қаратилган эди. Шунинг учун фидойи ёзувчиларимиз ўз асарларида халқимизнинг ҳақиқий тарихини тасвирлаш ва буюк аждодларимизнинг ҳаққоний сиймосини яратишга ташна эди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан бошлаб ижтимоий ва маънавий ҳаётга демократик тамойилларнинг кириб кела бошлаши ва ниҳоят, мустақиллик даврига келиб адабиётда миллатнинг асл фарзандлари ва миллий қаҳрамонлар, табаррук авлиёлар ва эл ардоқлаган шоирлар тўғрисида ҳақ гапни айта олиш имконияти пайдо бўлди. Натижада ижод аҳли катта иштиёқ билан тарихий шахслар сиймосини яратишга киришдилар. Бироқ бу даврда яратилган тарихий романларнинг барчасини ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб жой эгаллаган «Ўткан кунлар», «Навоий», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» каби бадиий тафаккурни янгилай олди дейиш қийин.

---

[4] Болтабоев Ҳ. Ҳужжатлар тили ва бадиийлик сеҳри / Меҳрга йўғрилган ижод. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – Б. 62.

Шу нуқтаи назардан мунаққид П.Шермуҳамедовнинг қуйидаги фикрлари характерлидир: «Инсоннинг беҳаловат руҳияти шуниси билан ҳайратланарлики, у ҳеч қачон тарихий воқеалар, муҳим ҳодисалар, ибратли фактларга лоқайд қарамайди ёки уни шунчаки билиш билан қаноат ҳосил қилмайди... Одамлар қалбидаги бу маънавий эҳтиёжни санъаткор адиб ўз пайтида туйиб, шундай бир бадиий олам кашф этадики, у кўзгу янглиғ аждодларимизнинг ҳақ-ҳуқуқи, озодлиги йўлида олиб борган мардонавор курашини тиниқ акс эттиради. Зеро, тарихий воқеа-ҳодисалар санъаткор қаламининг кучи билан «тирилтирилмаса», ўтмишимиз ниҳоятда қашшоқлашиб, хира тортиб қолган бўлур эди»[5]. Ушбу иқтибосдан маълум бўлишича, бадиий асарда тарихийлик ва бадиийлик тамойиллари бир бутун ҳолда, ўзаро муштарак тарзда акс этсагина мақсадга эришиш мумкин. Тарихий ҳақиқат ҳар қанча ибратли ва ҳайратланарли бўлмасин, у адиблар қалами остида қайта яратилар экан, маълум маънода бугунги кун билан, давр ва шахс муаммоси билан боғланмаса, тўла маънода маърифий ва эстетик қувватга эга бўлолмайди. Қолаверса, тарихий мавзуда асар ёзаётган адиб муайян адабий жанр доирасида иш кўради ва бу жанрга мансуб асар бадиийлик талаблари ва мезонлари даражасида яратилсагина муваффақият қозониши мумкин. Бизнингча, тарихий романларга ҳам худди шундай бадиийлик мезонлари асосида ёндашув зарур. Демак, ёзувчи бирон бир тарихий мавзуга қўл урар экан, бу типдаги асар яратишнинг ўзига хос жиҳатларини, ижодкорлик масъулиятини чуқур англаши, тарихий давр воқелиги ва тарихий шахс руҳиятини яхши ўзлаштирган бўлмоғи шарт.

Адабиётшунос олим С.Мирвалиев тўғри таъкидлаганидек, «ёзувчи тарихчи яратган асар асосига ҳам суянади, нима бўлганлигини тарих фанидан ўрганиб, унинг қандай бўлганлигини бадиийлаштиради. Яъни ҳаётий ҳақиқатлардан бадиий ҳақиқат, санъат ҳақиқатини келтириб чиқаради»[6]. Дарҳақиқат, ижодкор тарихий мавзуда асар ёзишга киришар экан, у фақат тарихий фактларгагина суяниб қолмасдан, балки улардан ижодий фойдаланиб, олим қайд қилганидек, «романга хос фабула, ҳатто деталлаштириш

[5] Шермуҳамедов П. Тарихчи ва ижодкор нигоҳи // Шарқ юлдузи. – 1977. – 3 сон. – Б. 205.
[6] Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969. – Б.116.

ҳам роман асосида турувчи бош ғояга бўйсундирилиши, уни чуқурлаштириш учун хизмат қилиши лозим бўлади»[7].

Истиқлол йилларида яратилган романларда воқеликни тарихан холис, ҳаққоний тарзда акс эттиришга интилиш кучаймоқда. Айни чоғда асардаги тарихий шахслар образи талқинида адибларнинг ўзига хос бадиий-эстетик концепцияси, поэтик тафаккурининг намоён бўлиши хозирги ўзбек насрининг миллий хусусиятларидан бирига айланиб бормоқда. Истиқлол даврига келиб ўзбек тарихий романчилигида ифода шакли ва фалсафий моҳиятига кўра ранг-баранг асарлар дунё юзини кўрмоқда. Бироқ, афсуски, романчиликка хос ушбу тараққиёт тадрижига бугунги кун танқидчилиги ўзининг холис баҳосини етарлича беролмаётир.

Зеро, кейинги йиллар тарихий романчилигида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган янги романлар талайгина. Ўзига хос бадиий талқин усули ва воқеликни акс эттириш мезонларининг оригиналлиги билан алоҳида ажралиб турадиган Пиримқул Қодировнинг «Она лочин видоси» номли тарихий романи ҳам шу жиҳатдан характерлидир[8].

П.Қодировнинг мазкур романи темурийлар тарихининг кенг халқ оммасига унчалик маълум бўлмаган қоронғу саҳифаларини акс эттиришни ўзига мақсад қилиб олгани билан аҳамиятли. Роман воқеаси Шоҳрух Мирзонинг ўз суюкли маликаси Гавҳаршод бегимга атаб қурдирган маҳобатли қасрнинг таърифи билан бошланади. Боғи Сафед (Ойдин боғ)нинг кок ўртасида оқ мармардан қурилган ушбу қаср темурийлар шон-шавкатини кўз-кўз қилиш билан бирга асарнинг бош қаҳрамони Гавҳаршод бегимнинг темурийлар сулоласида тутган мавқеи ҳақида ҳам муайян тасаввур уйғотади. Гавҳаршод бегим Шоҳрух Мирзонинг суюкли маликаси бўлиши билан бирга Мирзо Улуғбекдек жаҳонга машҳур олимни вояга етказган она ҳамдир. Гавҳаршод бегим асарда Мовароуннаҳрни қирқ йилга яқин адолат билан бошқарган Султон Улуғбекнинг оқила маслаҳатгўйи сифатида ҳам намоён бўлади. Шу боис романда даврга хос ўзаро тож-тахт талашувлари, темурийлар ўртасидаги низолар ва уларнинг бир-бирига бўлган адоватлари Гавҳаршод бегимнинг нозик қалбини ларзага солувчи изтироблар билан уйғун ҳолда тасвирланган.

---

[7] Кўрсатилган асар. – Б.119.

[8] Қодиров П. Она лочин видоси. – Тошкент: Шарқ НМК, 2001. – Б. 239.

Асарда Амир Темур давлатининг емирилиши жараёнида рўй берган муаммолар, ички низолар ва тахт талашишлар натижасида темурийлар шажарасининг бирин-кетин инқирозга юз тутиши билан боғлиқ фожиалар ишонарли лавҳа ва эпизодлар, психологик талқинлар орқали маҳорат билан чизилган. Айниқса, Гавҳаршод бегим образи тасвирида чуқур руҳий кечинмалар ҳаётий, бадиий юксак ифода этилган. Ёзувчи Гавҳаршод бегимни суюкли келин, вафодор ёр, меҳридарё она сифатида китобхон кўз ўнгида жонлантирар экан, ўзбек аели, ўзбек онасига хос барча эзгу хислатларни унинг сиймосида мужассамлаштиришга ҳаракат қилади.

Муаллиф романда Гавҳаршод бегимнинг темурийлар хонадонига келин бўлиб илк қадам қўйиш онидаги шукуҳли дамларни, унинг пойқадами нафақат Шоҳруҳ Мирзо хонадонига, балки бутун темурийлар сулоласи, қолаверса, она юртга бахт олиб келишига ишора сифатида ҳаяжон ва завқ-шавқ билан тасвирлайди. Адиб Амир Темурнинг келинига қарата: "Бизнинг хонадонга қўйган пойи қадамингиз қутлуғ бўлсин, болам!"[9] дейиш билан ўз шавкати ва авлоди ворисийлигининг бардавомлиги унинг ҳам зиммасида эканига ишора қилганига эътибор қаратади.

Гарчи ўзбек адабиётида Гавҳаршод бегим образига илк маротаба мурожаат қилинмаётган бўлса-да (маълумки, М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» номли асарларида ҳам бу образ тасвирланган бўлиб, уларда давр талабларига кўра бирёқлама ёндашув етакчилик қилган эди), Пиримқул Қодиров асарида Гавҳаршод бегимга хос эзгуликка йўғрилган инсоний туйғуларнинг бадиий талқини ўқувчини сеҳрлаб, қаҳрамон сиймосининг янги-янги қирраларидан ҳикоя қилади. Асарда тасвирланган образлар моҳиятидаги чуқур фалсафий мушоҳада, теран руҳий таҳлиллар ўта нозик дид ва маҳорат билан асар бадииятига сингдирилганлиги диққатга сазовор. Айни фикримизни мунаққид У.Норматовнинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: "Янги романдаги Гавҳаршод бегимнинг шижоати, донишмандлиги, изтиробга тўла дил розлари билан танишганда тарихда шундай табаррук онахонларимиз ўтганидан кўнглингиз кўтарилади. Кези келганда айтиб ўтай: 60-70-йилларда яратилган айрим асарларда, ҳаттоки улкан алломa М.Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" трагедиясида муайян сабабларга кўра бу буюк сиймо образи бир оз бирёқлама, ўта мутаассиб

---
[9] Қодиров П. Она лочин видоси. – Тошкент. Шарқ НМАК, 2001. – Б. 4.

аёл тарзида талқин этилган, унда оқпадар Абдуллатифга мойил, буюк олим Улуғбекка зид қўйилган эди. Романда эса бу тарихий сиймонинг асл қиёфаси очилади: у кўпни кўрган донишманд, тадбиркор, шижоаткор кайвони онахон сифатида гавдаланади"[10].

Адабиётшунос олим тўғри қайд этганидек, асарнинг ҳар бир бобида Гавҳаршод бегим образининг янги қирралари, ўзига хос жиҳатлари очила боради. Гавҳаршод бегим тарих кечмишида рўй берадиган бўлажак фожиани аввалдан сезгандек, Абдуллатифнинг феъл-атворида бобоси Халил Султонга хос хусусиятлар борлигидан, бир кунмас бир кун унинг ана шу феъли ўз қилмишини қилиши мумкинлигидан доимо ханотирда юради. Ҳатто Абдуллатифнинг ўз падарига хиёнат қилиши мумкинлигини қалбан ҳис қилган. Гавҳаршод бегим: "Ихтиёриддин қалъасида бир йил тинч ётсин. Васвасага бериладиган одати бор. Табиблар даволасин. Майли, аҳли ҳарами ҳам ёнида бўлсин. Қалъада шоҳона хоналар бор. Майдан бошқа нозу неъматлар муҳайё қилингай. Бирор йилда Абдуллатиф шифо топиб, эҳтимол, феъли ҳам ўзгарар. Унгача алғов-далғовлар ҳам босилгай. Мирзо Улуғбекнинг тинчини ўйлаб шу таклифни қилмоқдаман. Бориб айтинг, жаноб элчи, мен ўғлимга фақат яхшилик истайман"[11], дея хавфнинг олдини олишга ҳаракат қилади. Бу хатти-ҳаракатлар Гавҳаршод бегимнинг узоқни кўра оладиган зукко аёл сифатида характер қирраларини намоён қилади.

Фарзандлари, кейинчалик невара-ю эваралари ўртасида тинимсиз давом этган низолар туфайли Гавҳаршод бегим оғир азоб-уқубатларга, аламли ўй-мушоҳадалару чексиз изтиробларга дучор бўлади. Бу руҳий драматизм чуқур психопоэтик талқин ва реал тарихий негизга эга бўлганлиги боис, ҳеч шубҳасиз, китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди. Адибнинг тарихий воқеликни бадиий тўқима билан уйғунлаштирган ҳолда образ яратиш усули ўзининг кўп йиллик тадрижий тараққиётига эга. Чунки Пиримқул Қодиров шўро давридаёқ бобурийлар сулоласи ҳақида "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони" каби романларини юксак маҳорат билан яратган эди. Бу асарларида Бобур ва авлодларининг тарих олдидаги буюк хизматлари ҳам, шунингдек, Умаршайх мирзо ўлимидан сўнгги воқеалар тасвири билан бошланиб, то севимли фарзандлари қисматигача

---

[10] Норматов У. Гўзал инсон мадҳи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1998. – 19 июнь.
[11] Қодиров П. Она лочин видоси. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2001. – Б.59.

бўлган катта даврни акс эттирувчи воқеалар фонида Бобуршоҳ ва унинг ворислари ҳаёти бутун мураккаблиги, изтиробу ўртанишлари, қалб жароҳатлари, юксак ҳарбий ва ижодий салоҳияти, инжа туйғулари ҳамда фожиавий кечмиши билан ҳаққоний, тарихийлик ва бадиийликнинг юксак уйғунлигида битилгандир.

Ёзувчининг «Она лочин видоси» романи истиқлол туфайли қўлга киритилган имкониятлар натижасида, яъни бадиий тафаккурдаги янгиланишлар жараёнида Амир Темур образининг тарихий-маънавий асосини бутун бўй-басти билан кўрсатиш эҳтиёжи туфайли юзага келган. Амир Темурнинг ҳарбий салоҳияти, мамлакатда ўрнатилган кучли тартиб-интизом, юксак миллий ғурур ва буюк саркарданинг кўнгил чамангига хос ранг-баранг чизгилар асарда ўзига хос тарзда тасвирланган. Асар ўзининг хронологик қамровига кўра аввалги романларидан фарқ қилади. Асар Амир Темурнинг суюкли фарзанди Шоҳруҳ Мирзо билан унинг рафиқаси Гавҳаршод бегимнинг никоҳи ҳамда улуғ Темурнинг сўнгги ҳарбий юришлари тасвири билан бошланиб, то Ҳусайн Бойқаронинг салтанат тахтини эгаллаши ва Алишер Навоийнинг ватанпарварлигини акс эттирувчи лавҳалар билан ниҳояланади.

Катта бир давр воқеаларини қамраб олган романда ҳаёт ҳақиқати ва тарихий шахслар қисмати тарихийлик тамойиллари асосида ҳаётий, бадиий юксак, равон услубда, фалсафий мушоҳадаларга бой тарзда ифодаланган. Асар тили ғоят ширали, гўзал ташбеҳу рамзларга бой, руҳий кечинмалар тасвири ранг-баранг ва ўқимишлилиги билан муаллиф маҳоратини тўла намоён қилади.

Тарихда қондош авлод вакиллари, яъни оға-инилар, ота-болалар, амакивачча ва тоға-жиянларнинг тож-тахт талашиб бир-бирларига қилич кўтариб, аёвсиз уруш олиб бориши воқеалари кўп бора кузатилган. Темурийлар сулоласида рўй бераётган шундай воқеа-ҳодисалар сабаб Гавҳаршод бегим ҳамиша изтироб исканжасида яшайди. Романдаги рамзий тимсол – она лочин ўртанишлари аслида Гавҳаршод бегимнинг қалб фарёдларига бир ишорадир. Ёзувчи ушбу ҳақиқатни асарда она лочин шаънига Амир Темур томонидан берилган таърифни эслатиш орқали акс эттиради: "Ёдингизда борми, Ҳазрат отам лаёқатли неваралар тарбиясини кайвони хотинлари Сароймулк хонимга топширган эдилар. Раҳматлик Биби

хонимни отам "она лочин" деб улуғлар эдилар. "Авлодларимни лочиндай юксакка парвоз этадиган қилиб тарбияланг!" дердилар"[12].

Шоҳрух Мирзо томонидан айтилган ушбу эслатма Гавҳаршод бегимнинг зиммасига жуда муҳим вазифа юкланаётганлигини маълум қилади. Бироқ фарзанд, невара ва эвараларнинг ҳар бири ўзига хос табиати, руҳияти ва истаклари билан турлича бўлиши оқибатида юзага келган муаммолар олдида она ожиз қолади. Ўзаро қирғинбарот жангга киришган жигаргўшаларининг тақдиридан хавотирланган она қалби ўртанади. Негаки, ғолиб ҳам, мағлуб ҳам унинг ўз жигаргўшаси, юрагининг бир парчаси. Образли айтганда, у бармоғини тишласа ҳам оғрийди, бу бармоғини тишласа ҳам...

Асар сўнгида киши қалбини ларзага соладиган фожиа рўй беради: Гавҳаршод бегим - "она лочин" умри поёнида хўрланиб, эваралари томонидан ваҳшийларча ўлдирилади. Бу фожиали ўлим ўша даврдаёқ кўпгина олим ва тарихчиларнинг қалбини ларзага солган эди. Чунки темурийлар сулоласига мансуб шаҳзодаларнинг салтанат учун ўзаро курашлари авж олганига қарамай, улар азалдан ўз оналари, айниқса, Гавҳаршод бегимга ўхшаб салтанат ишларида ҳам беназир маслаҳатчи бўла олган оқилаларни ғоят қадрлашган. Шунинг учун ҳам "она лочин"нинг ўлими гўёки темурийлар салтанатининг келгуси ҳалокатидан дарақдек даҳшат касб этади. Романнинг ўзида ҳам бунга ишоралар мавжуд.

"Амир Темурнинг вафотларидан кейин унинг буюк салтанати қандай парчаланиб кетганидан хабарларингиз бор. Шоҳрух Мирзо ўғлимиз Улуғбек билан бирга ягона марказий давлатни қандай қайта тиклаганларига мен гувоҳ бўлганман. Улар доимо илму маърифат аҳлига, ҳалол одамларга таяндилар. Барча темурийларга бағрикенглик билан муносабатда бўлдилар". Ушбу сатрларни ўқиган китобхон юксак тараққий этган буюк салтанатнинг инқирози боисини англагандай бўлади.

Адабиётшунос Михли Сафаров бу асар ҳақида ёзаркан: "Роман фақат Гавҳаршод бегим фожиаси тўғрисида эмас. Чунки Гавҳаршод бегим қаноти остида Абдулатифдай, Абусаиддай ваҳший кимсаларгина эмас, балки Мирзо Улуғбекдай, Алишер Навоийдай, Ҳусайн Бойқародай илм-фанни, адабиёт ва санъатни, бунёдкорликни юксак чўққиларга кўтарган буюк зотлар ҳам камол топган. Романдаги

---

[12] Қодиров П. Она лочин видоси. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2001. - Б. 22-23.

Қақнус қуши уларнинг тимсолидир"[13] - деган фикрни баён етади. Олимнинг ушбу қарашлари бир жиҳатдангина тўғри: дарҳақиқат, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқародек жаҳоний даҳоларни камол топтирган зотнинг қисмати темурийлар салтанати тарихида бошқача кечиши керак эди. Бироқ тарих ғилдирагини четга буриб бўлмайди, у шафқатсиз равишда шундай ҳукм қилган экан, адибнинг вазифаси мана шу ҳаётий фожиани етиштириб чиқарган сабабларни чуқур таҳлил қилишдан иборат эди. Романда айни шу масала адиб диққат-марказида турувчи масалалардан биридир. Гавҳаршод бегимнинг назарида унинг бир қаноти Абдулла Мирзо бўлса, иккинчиси, Абулқосим Бобур эди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам мамлакат ободлиги ва илм-фаннинг ривожига эътибор беришда онага қанот бўлишди: "Неча йиллар мен бу золимлар улусидан қанотим борича учиб қочдим. Аммо бир қанотим Самарқандда куйди, яна бир қанотим Ҳиротда куйди, энди, мана, қанотсиз қушдек аросатда қолдим. Аммо ҳамон ҳаётим борича югуриб, Ҳақ таоло даргоҳига руҳимни пок етказиб бориш ҳаракатидамен"[14].

"Она лочин видоси"да лочин шунқорлари онасининг ўлимига сабабчи бўлгани асосли кўрсатиб берилган. Асардаги "лочин" ва "шунқорлар" тимсоли орқали П.Қодиров бадиий тажрибада кўп синалган оталар ва болалар муносабатига янгича нуқтаи назардан эътибор қаратади. Бироқ айни мана шу масаланинг бадиий талқинида ёзувчи бошқа асарларда учрамайдиган ўзига хос ечимни топганки, бу она сиймосининг янгича поэтик мазмун кашф этиши билан белгиланади. Асарда "Она лочин" нафақат ўтмиш аждодларимиз вакили, балки улар анъанасини авлодлар руҳига сингдириш учун ҳам хизмат қиладиган марказий қаҳрамондир. Бу образ, бир томондан, миллий романчилигимизда кўп бора тасвирланганидек, ўзбек оналарига хос барча инсоний туйғуларни мужассамлаштирган бўлса, иккинчи томондан, миллат тарихига дахлдор буюк шахслар қисматига жавобгар инсон сифатида ҳам кўз ўнгимизда гавдаланади.

Гавҳаршод бегим образида оналик қалби билан тарих олдидаги масъулият ҳисси уйғун тарзда тасвирланган. "Она лочин" ўз "шунқор"ларининг келажакда ҳам яшаб қолиши учун қайғурибгина

[13] Сафаров М. Улуғ Она қиссаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 19 ноябрь.
[14] Қодиров П. Она лочин видоси. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2001. – Б.168.

қолмай, балки миллат тарихи ва тақдирида чуқур из қолдирган темурийлар сулоласининг бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун муҳим таянч нуқтаси эканини англаш имконини ҳам беради. Зеро, ана шу нуқтанинг қай томонга оғиши ва фаолият йўналиши, маълум маънода, авлодлар қисмати ва миллат тарихи учун ҳам аҳамиятли бўлиши мумкин. Ёзувчи мана шу ғоят муҳим, диққатга сазовор нуқтани соф миллий ўзанда, темурий шаҳзодаларнинг ўз оналарига бўлган ҳаққоний муносабати фонида кўрсатиб бера олган.

Ҳолбуки, Мирзо Улуғбек–Абдулатиф муносабати орқали темурийлар хонадонидаги ота ва болалар қисматининг фожиали томонлари акс эттан бўлса, Гавҳаршод бегим тақдири нафақат она ва бола муносабати, балки миллат ва унинг тарихини яратувчилар ўртасидаги чигал муаммолар силсиласи ҳам рамзий бўёқларда тасвирланганки, бу ёзувчининг тарих сабоқларини нақадар теран англай ва чуқур таҳлил қила олишидан далолат беради. Энг муҳими, ёзувчи тарихнинг аччиқ ўтмишидан бугунги кун учун аҳамиятли бўлган маърифий хулосалар чиқара олади. Роман шу жиҳати билан муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Романдан келиб чиқадиган ушбу тарихий сабоқ нафақат темурийлар салтанати учун, балки миллат тарихидан ҳикоя қилувчи бошқа сулолалар қисматини англашга хизмат қилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган ҳолда тасвирланган. Асарда акс эттан ушбу тарихий воқеалар орқали биз темурийлар давлатининг парчаланиши миллат таназзулига ҳам, темурийзода аёлларнинг қисматига ҳам чексиз азоб-уқубатлар олиб келганлигини кўрамиз. Жумладан, асар бошида тасвирланишича, Амир Темурнинг ўлимидан сўнг унинг суюкли хотини Бибихонимга нисбатан ҳам суиқасд уюштирилган. Бибихонимнинг ўлими китобхон учун яна бир фожиали тасвир бўлиб, романда шундан сўнг мунтазам равишда темурийлар сулоласига мансуб аёллар охир-оқибат азоб ва изтироб исканжасида фожиали ўлим билан юзлашаверганлиги тасвирланади.

«Она лочин видоси» романи ўқувчида Гавҳаршод бегимга нисбатан ҳам меҳр, ҳам фахр, ҳам ачиниш туйғусини уйғотади. Шунингдек, тарихнинг аччиқ қисмати, темурийлар давлатининг емирилишига сабаб бўлган омиллар тўғрисида мушоҳада юритишга ундайди. Натижада ёзувчининг бадиий маҳорати ва бетакрор адабий услуби ҳақида муайян хулосаларга келиш имконияти яратилади.

П.Қодиров тарихий мавзудаги бадиий изланишларига ўзига хос тарзда хотима ясаб, "Амир Темур сиймоси" номли эссе яратдики[15], бунда адиб ўзининг илгари нашр этилган бадиий асарлари орқали айтиб улгурмаган фикрларини ёки Амир Темур образига хос жиҳатларнинг роман ва қиссаларига сиғмаган баъзи бир қирраларини публицист қалами билан ёритишга ҳаракат қилади. Адиб ўзининг бу эссесида Амир Темур сиймоси ҳақидаги баъзи ғаразли қарашларга қарши курашади, ҳатто тарихий асарларда кузатилган нохолисликни ҳам қайд этиб, улар билан жиддий баҳсга киришади. Айни жиҳат ўзбек мунаққидларининг ушбу асар муносабати билан эълон қилинган мақола ва тақризларида ҳам акс этган.[16]

Маълумки, истиқлол даври тарихий романларидаги бу каби сифатлар адибларнинг шўро даврида орттирган ижодий тажрибалари асосига қурилгани сир эмас. Гарчи шўро мафкураси тарихни асл ҳақиқатида акс эттиришга монеълик қилган бўлса-да, адибларимиз тарихий воқелик ҳақидаги факт ва материалларни нозик кузатишлар орқали бадиий ҳақиқатга айлантириш учун имкон қадар ҳаракат қилганлар. Бунга Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Алининг роман жанридаги тажрибаси ва ижодий йўли бир мисол бўла олади. Адиб тарихий манбалар орқали сарбадорлар ҳаракатини жиддий ўрганиш натижасида 1984-1989 йиллар оралигида «Сарбадорлар» номли роман ёзган эди[17]. 1997 йилда бу асар тўлдирилиб, қайта нашр қилинганига қарамай, асосан, ўзгаришсиз (Темур образи Темурбекка айланганини эътиборга олмасак) ҳолда чоп этилган[18].

Муҳаммад Али ўз асарида ватанимиз тарихини бор мураккабликларию шавкати билан кўрсатишга ҳаракат қилган, буюк соҳибқирон образининг бадиий талқинига алоҳида аҳамият берган эди. Академик М.Қўшжоновнинг фикри билан айтганда: «Китоб жилдларини ёпа туриб, табиийки, баъзи бир такрорларга, чўзиқликларга, бадиият талабига жавоб бермайдиган бир бет, ярим бет баёнларга дуч келганимизни ҳам айтиб ўтамиз. Бу хилдаги камчиликларни

---

[15] Қодиров П. Амир Темур сиймоси // Жаҳон адабиёти. – 2006. - 7-8-сонлар.

[16] Қаранг: Меҳрга йўғрилган ижод: Адиб Пиримқул Қодиров ижоди замондошлар талқинида / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2008.

[17] Муҳаммад Али. Сарбадорлар // Шарқ юлдузи. - 1990. 10-сон. - Б. 44-125; Қайта нашри: Сарбадорлар. - Адабиёт ва санъат, 1997. – 560 б.

[18] Бу ҳақда қаранг: Ҳамроева М. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин (Амир Темур образининг насрий талқинлари). Филол. фанлари номзоди... дисс. автореферати. – Тошкент: 2008. – Б.11.

адибнинг роман яратишдаги биринчи тажрибаси эканига йўйгимиз келади»[19].

Айни асарга муносабатда проф. Н.Каримовнинг қуйидаги кузатишлари ҳам эътиборли: «Шу вақттача шоир сифатида ижод қилиб келган Муҳаммад Али ўз олдига улкан ижодий мақсад ва вазифа қўйиб... халқимиз тарихининг Амир Темурни етиштириб берган катта бир даврини бадиий таҳлил қилиш машаққатини ўз зиммасига олди. У Ойбек ва Миркарим Осимдан кейин адабиётимизда пайдо бўлган бўшлиқни тўлдиришга уринди... М.Алининг мазкур романларида бадиий тасвирдан кўра тавсифийлик устуворлик қилишига қарамай, бу асарлар қодириёна ва ойбекона тарихий романлар яратиш йўлидаги қутлуғ қадамлардир»[20].

Ҳар икки олим «Сарбадорлар»даги айрим камчиликларни эътироф этганига қарамай, асарнинг нафақат Муҳаммад Али ижодида, балки ўзбек романчилиги тараққиёти учун ҳам муҳим қадам эканини тўғри таъкидлашади. Дарҳақиқат, ушбу фикрнинг исботи тариқасида шуни айтиш керакки, шўро романчилиги ўша давр ўзбек адабиётининг бош ижодий мезони соцреализм доирасида яратилган асарлар сирасидангина иборат эмас. Зеро, профессор Б.Қосимов ўзининг «Улуғ салтанат сирлари» мақоласида «Соҳибқирон ҳазратларининг 660 йиллик тўйлари кунларида матбуотда бир маълумотга кўзим тушган эди. У киши ҳақида Ғарбда 400, Шарқда 900 дан ортиқ асар ёзилган экан» деган маълумотни бериши[21] ҳам шундан далолат беради.

Бугунги кунгача Амир Темур ҳақида кўплаб асарлар яратилганти, бироқ Соҳибқирон характер ва руҳиятининг барча қирраларини бирдек мукаммал бадиий тасвирлай олган асарлар ҳали яратилмагандек кўринади. Гарчи баъзи нуқсонларига қарамай тарихни бадиий идрок этишда (айниқса, Амир Темур сиймоси талқинида) Муҳаммад Алининг "Сарбадорлар" романи бу борадаги муҳим бекат бўлганлигини эътироф этиш жоиз. Бироқ, роман ёзилган пайтда ўша даврда яратилган бошқа асарлардаги каби (атоқли олимимиз айтган «қодириёна ва ойбекона тарихий романлар яратиш йўлидаги» уриниш бўлса ҳам) Амир Темур сиймосини миллий қаҳрамон

[19] Қушжонов М. Ёзувчи камолоти / Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2006 – Б.19.
[20] Каримов Н. Тарих ва адабий жараён / Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 60.
[21] Қосимов Б. Улуғ салтанат сирлари // Халқ сўзи. – 2003. – 18 март.

сифатида талқин этиш учун ҳали етарли ижтимоий шароит ва адабий тажриба шаклланмаган эди.

Муаллифнинг тарихий мавзудаги янги романи – «Улуғ салтанат»га[22] бўлган муносабатда ҳам ўзбек адабиётшунослиги холисона йўл тутди: бу асарни (гарчи ҳали тугалланмаган бўлса ҳам) ушбу мавзудаги етук романлардан бири сифатида баҳолади. Бироқ роман ҳақида яратилган ўнлаб мақола ва тақризларнинг ҳеч бири[23] "Хўш, бу асарда Амир Темур сиймоси миллий қаҳрамон сифатида талқин этилганми?" деган масалани кўндаланг қўйгани йўқ. Бунга сабаб, биринчидан, худди адабий жараёндаги каби адабиётшуносликда ҳам қатъий стереотипга айланган қонуниятлардан келиб чиқиб иш кўришга одатланганимиз бўлса, иккинчи жиҳатдан, Амир Темур шундай оламшумул миқёсдаги сиймоки, уни биргина миллийлик тушунчаси доирасида таҳлилга тортишнинг ўзи камлик қилади. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, бунёк шахслар сиймоси акс этган тарихий романларни миллийлик тушунчасидан айри ҳолда тадқиқ этиб ҳам бўлмайди. Негаки, миллийлик – бу фақат ташқи кўриниш, урф-одат, яшаш тарзи, макон ва замон билан боғлиқ тушунча бўлибгина қолмай, балки биринчи навбатда, ҳар қандай миллатнинг генетик илдизида, қонида, руҳиятида намоён бўладиган ҳодисадир. Шу боис бадиий асар қаҳрамони руҳий олами тадқиқининг марказида, энг аввало, миллийлик мезонлари туриши тақозо этилади. Шунга кўра биз ўзбек миллатининг дунё миқёсида довруғ ном қозонишига асос бўлган, «Оврўпани Усмонли турк империяси босқинидан саклаб қолган» оламшумул сиймога миллий қаҳрамон сифатида ёндошганда, шонли тарихимиз ва қадриятларимиз бадиий таҳлили учун етарли материал беришини таъкидламоқчимиз. Чунки Наполеон Бонапарт, Петр I, Карл ва Людовикларнинг миллий қаҳрамон сифатида тарихга киришида фақат француз, рус, олмон ва инглиз тарихчиларининг асарларигина эмас,балки бу сиймолар тарихи акс этган тарихий романлар ҳам муҳим роль ўйнаган. Буни

[22] Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. – Тошкент: Шарқ НМК, 2006.

[23] Қодиров П. Шоир ёзган роман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 24 октябрь; Расулов А. Улуғ салтанатнинг шаклланиши // Жаҳон адабиёти. – 2003. –11–сон. Б.135–138; Бердимуродов А. Улуғ салтанат шукуҳи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 13 август; Алимбеков А. Рўй–рост ёзиш ҳуқуқи // Шарқ юлдузи. – 2003. – 4 сон. – Б.146–148; Алимбеков А. Тарих жозибаси // Моҳият. – 2005. – 30 декабрь. Юсупова Г. Ҳозирги ўзбек романларида Амир Темур ва темурийлар образининг бадиий талқини: Филол. фанлари номз. дисс... автореф. – Тошкент: 2006. – Б.26.

унутмаслик зарур. Шундай экан, Амир Темур сиймосида миллат руҳининг қай даражада акс этганлиги тадқиқи масаласи миллий муҳитни тарихий шароитга айлантирган адибларнинг бадиий маҳорати масаласи биринчи ўринга чиқади. Сўнгги давр тарихий романчилигига шу нуқтаи назардан ёндошганда Амир Темур сиймосининг бадиий талқинида миллат фидойиси ва улуғ давлат арбоби, миллий давлатчилик асосларини яратувчи сифатида эътибор қаратилаётганлиги диққатга сазовордир

«Улуғ салтанат» ҳақида фикр юритган М.Қўшжонов романнинг айни шу жиҳатларига эътиборни жалб этади: «Амир Темур сингари саркарда ҳақида ҳар хил йўсинда асарлар битавериш мумкин. Қаҳрамоннинг ҳаёти кўпроқ жанглар билан боғлиқ. Шу маънода у ҳақдаги асарни жангнома тизмаси сифатида битиб қўя қолиши мумкин эди. Муҳаммад Али бошқача йўл танлади. Улуғ саркардани у кўпроқ кундалик маиший ҳаёт, оила, қариндош-уруғ ва дўст-ёрлар муҳитида кўрсатади. Фарзандларининг тарбияси, каттароқ бўлганда уларнинг қисмати, ҳар хил йўсинда рўй берган ташвишлари, уларни уйли-жойли қилиш, ўзига муносиб келин топиб уйлантириш, фарзандларининг бошига бирон иш тушса, уларга ҳамнафас бўлиб, дардига шерик бўлиш, хоказо ва ҳоказолар...»[24] Дарҳақиқат, мунаққид ҳақли равишда таъкидлаганидек, Муҳаммад Али ўз қаҳрамонини жангу жадал ва салтанат ишларидан тез-тез «қайтариб», оилавий муҳитга тортиб туради. Қаҳрамон сиймосида миллий колорит акс этиши мумкин бўлган бадиий саҳналар кўпроқ оилавий шароитда ва ўз яқинларига бўлган муносабатда кўринади. Миллийлик унсурларининг хурматли олимимиз тилга олган "болаларни уйли-жойли қилиш, ўғилга муносиб келин топиб уйлантириш, суюкли фарзанд Жаҳонгир Мирзонинг ўлимидан ота сифатида изтироб чекиши, ақли расо келин – Хонзода бегимнинг бева қолишидан изтиробга тушиши, келинини қизим деб айтиши" каби миллий талқинларини назардан кочирмаган ҳолда, романда буюк тарихий шахснинг миллий қиёфаси мукаммал яратилган дейишга асос берадиган далиллар етарли эмаслигини ҳам қайд этишга тўғри келади. Бироқ, шунга қарамай, Муҳаммад Али талқинидаги буюк соҳибқироннинг ота сифатида айтган ушбу сўзларига диққат қилайлик: «Сизни келиним эмас, қизим, дегандим... Энди... қизим эмас, ўғлим

[24] Қўшжонов М. Ёзувчи камолоти / Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б 24.

дейман. Ўғлим ўрнида ўғлим!..» Бу сўзлар келинни юпатиш учун айтилган шунчаки таскин сўзлар эмас. Жаҳонгир Мирзодай алп келбатли ўғлини йўқотган отанинг, вориси вафот этгач, улуғ салтанатнинг эртасидан хавотирга тушаётган сулола бошчисининг юрак дардлари. Қолаверса, бу сўзлар ўзбекона оилавий муҳитда айтилаётгани учун ҳам унинг буюк соҳибқирон образининг миллийлигини таъминловчи бадиий унсурлардан бири сифатида баҳоланишига тўла асос бор.

Асарда Амир Темур ўғли Жаҳонгир Мирзонинг ўлимию, унинг беваси Хонзодабегимнинг бахтсизлигидан изтироб чекади. Бироқ қахрамон бошқа темурийзодаларга бефарқ бўлмаса-да, уларга нисбатан бўлган меҳр чўғи сустроқ тасвирлангандек таассурот қолади. Айни пайтда, асарда Амир Темур, ҳаётда бўлганидек, мард, танти, олийҳиммат инсон сифатида талқин этилади. Ёзувчи асарда тарихий фактларни жонлантириб, уни бир неча бор хиёнат қилган, ўзини буюк Амир Темурнинг рақиби деб билган шахсларга қайта-қайта ҳиммат кўрсатиб, хиёнатларидан ҳам кўз юмган, Чингизхон авлодидан бўлган Тўхтамишхонга нисбатан муносабатда ҳам сабр-қаноатли ва кечиримли бўлган буюк шахс сифатида тасвирлайди.

Соҳибқирон Тўхтамишхонга бир неча бор ёрдам қўлини чўзади, у тўғрида ёмон гумонларга бормайди. Адиб тарихий воқеликни тасвирлар экан, «Тўхтамиш ўғлон иккинчи марта ёғийдан «калтак» еб, ҳузурига кочиб келганда, Амир Темур олийжаноблик ва валломатлик одатига кўра унинг хатоларини юзига солмай, аввалгидан ҳам ортиқроқ сийлаб, кўнглини кўтаради. Қўшин бериб, Амир Улжайту Апардий каби кадхудони ҳамроҳ қилиб такрор Соброн томонга юборди»[25] дея Темур характеридаги жўмардликни миллий туйғуларга эш ҳолда тасвир этади.

Шубҳасиз, Амир Темур сиймосида миллий руҳни кўрсатиш учун Муҳаммад Али унда халқимизга хос бўлган хислатларни намоён қилишга ҳаракат қилади. Бироқ, аёнки, халқимизга хос ўзбекона бағрикенглик ва ишонувчанлик хислатлари қанчалик ижобий фазилат саналмасин, афсуски, ҳар доим ҳам ғалаба келтирувчи омил бўлавермайди. Шу боис ҳарбий саркардалар ва йирик салтанат соҳибларига бу хусусият баъзан панд бериб қўйишига гувоҳ бўламиз. Айни ҳолатни биз муаллифнинг эътирофларида ҳам кузатамиз. Ёзувчи Муҳаммад Али А.Алимбеков билан суҳбат қиларкан,

---

[25] Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. - Тошкент: Шарқ НМК, 2006. – Б.131.

эътиборни шу жиҳатга қаратади: "Амир Темурга хос бўлган фазилатлардан (балки камчиликдир!) бири унинг ўта ишонувчанлигида, деб ҳисоблайман, аслини олганда, бу умуман, ўзбекларга хос хусусият. У Тўхтамишхонга ишонди, лекин, афсуски, чингизийзода бу ишончни оқламади, хиёнатга юз бурди"[26]. Демак, ёзувчи ушбу қатъий фактда миллий руҳга хос бўлган жиҳатларни ҳис қилган ва тарихий ҳақиқатга содиқ қолган ҳолда миллий руҳни кучайтиришга эришган. Натижада миллат табиатига хос баъзида эътиборли хислатлар ҳар доим ҳам салтанат бошқарувида наф беравермаслигини ҳаққоний кўрсата олган.

Романда Амир Темурга хос сифатлардан яна бири ўз яқинларига, оила аъзолари, қариндош-уруғларига нисбатан ҳаддан ташқари кўнгилчан қилиб тасвирланишида кўринади. Айниқса, унинг темурий хонзодаларга муносабати, яъни опаси Қутлуғ Туркон оға, Саroймулкхоним, Хонзодабегимнинг кўнглига қараши, уларни қадрлаши ва ҳар қандай ҳолатда кентфеъллик қилиши, бамаслаҳат иш юритиши, хоҳиш-истакларига монеълик қилмаслиги Амир Темурдек жаҳонгашта саркардани маъёридан ошиқроқ тарзда оилапарвар қилиб кўрсатади. Бундан ташқари, асарда тасвирланишича, атрофидаги амирлар ва маҳрамларнинг ҳам фикрларини чуқур ўйлаб кўрмай, уларга ишониб тез розилик беради. Ўзининг ўй-хаёли эса фақат юрт ободончилиги, боғ кўкартириш, янги-янги саройлар қуриш билан банд. Унинг бу хусусиятлари ўз тилидан шундай баён қилинади: «Огоҳ бўлсинларким, бизнинг қудратимиз Аллоҳ каломини дилимизга жойлағанимизда, кишига эзгулик тилаган хуш феълимизда, мойил иморату хайру эҳсонга бағоят ружу қуйғанимизда! Киндик қони тўкилғон ерни эъзозлағанимизда! Ҳуббул Ватани минал иймон! Бизнинг қудратимиз - умр деган савдони меъморликдан иборат эканлигини теран англамоғимизда». Шу боис, у Самарқанд атрофидаги боғларни барпо қилиш орзуси билан яшайди ва бу ишни амалга оширишда ўзи ишонган шахс – Амир Сайфиддин некузга суянади.

Адиб Самарқандда қад кўтарган масжид, мадраса, кутубхона ва бошқа бинолар темурий маликалар ташаббуси билан уларнинг ўз маблағлари ҳисобига қурилганига алоҳида урғу беради. Унинг таъкидлашича, Амир Темур хонадонида фарзандларининг тақдири,

[26] Муҳаммад Али, Алимбеков А. Бадиий тарих манзаралари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати . – 2006. – 27 январь.

тўй-томошаларни ташкиллаштириш, келин ёки куёв танлаш масалалари ҳам аёллар томонидан бажарилади. Асарда, айниқса, кундошлар муносабати, жуда табиий тасвирланган. Бизнингча, ёзувчи кундошлар ўртасида бир оз конфликт чиқариб, «Эр бериш, жон бериш» деган ақидага амал қилиб, маликаларнинг руҳий изтиробларини барча мураккабликлари билан акс эттира олганда асар янада ишонарли чиқар эди, деб ўйлаймиз. Романнинг биринчи китобида тасвирланганидек, Сароймулкхонимнинг Темур ҳаётидаги изчил ўрни кейинги китобда сояда қолиб кетади. Бу романда Амир Темурнинг муҳаббати Сароймулкхонимга эмас, балки ёш хотинларига каратилгани бўрттириброқ тасвирланган. Суюкли хотин деб танилган Сароймулкхоним қасрда ноиложликдан юргандай ва ҳаётнинг мазмунини темурий шаҳзодаларни тарбия қилишдангина иборат, деб билгандай таассурот қолдиради. У ғоҳ-гоҳида фарзандсизлигидан ўкиниб қўяди, холос.

Асарда малика Хонзодабегим образига катта эътибор берилади. Унинг изтироблари, айриликдан ўртанишлари, ёш бошига бева қолиш қисмати ва охир-оқибат, қайнона ҳамда қайнота ҳиммати билан яна турмушга узатилиши бир оз муболаға билан тасвирланади. Ушбу муболаға заминида, бизнингча, ёзувчи ўзининг холислик принципларидан бир оз чекиниб, маликага қайишаётгани, унинг қисматига ачиниш оқибатида ҳаётининг изга тушиб кетишига "кўмаклашаётгандай" туюлади. Чунки ўз келинини бошқа бировга узатиш тараддуди фарзандини йўқотган хонадон учун қанчалик оғир кечишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шундай экан, қайнона ва қайнотанинг ўз келинини турмушга бериш учун кўрсатган "жонбозликлари", бизнинг назаримизда, ўзини оқламагандай, тарих ҳақиқатига ҳам, ўзбекона бағрикенгликка ҳам, бадиий ҳақиқат қоидаларига ҳам унчалик мос тушмаётгандай тасаввур беради.

Асарда Амир Темур халқпарвар, фукаропарвар шахс сифатида кўзга ташланади. У вақти-вақти билан қаландар либосида шаҳар кезиб, халқининг турмуш тарзи, орзу-ўйлари, гап-сўзлари, истаклари ва кайфиятини кузатади. Жанг ва сафарларда жангчиларга намуна бўлиш мақсадида улар билан бирга овқатланади, сафнинг олдида юриб, жанг қилади, уларнинг жанговор руҳини кўтаришга ва ғалабага ишончини оширишга ҳаракат қилади. Амир Темурнинг мардлиги ва жангчиларга ўрнак бўлиш мақсадида қилган хатти –

ҳаракатлари Хоразм шоҳи талаб қўйган кезларда янада яққолроқ кўзга ташланади. Яккама-якка жанг қилишни истаган Хоразм шоҳи Амир Темурнинг важоҳатини кўриб қўрқиб кетади ва жанг майдонига чиқмайди. Бу ҳолат Хоразм шоҳига хайрихоҳ бўлган жангчиларнинг руҳиятига ҳам таъсир қилади. Айни ҳолни хоразмликларнинг мағлубиятини таъминлаган асосий омиллардан бири сифатида ҳам қайд этиш мумкин. Демак, Амир Темурнинг табиатига хос бундай хусусиятлар юқорида кўриб ўтилганидек, жангда нафақат панд бериши, балки унга ғалаба келтирувчи омиллардан бири сифатида ҳам қаралса арзийдиган ҳолатдир. Романда Юсуф сўфининг қўрқоқлиги фош бўлганидан кейин ҳам, Амир Темур уни "қуда" деб самимий муносабатини бузмайди ва Қаршидан атай бериб юборилган ўрикни унга ҳам илинади. Асарда келтирилган ушбу тасвир ҳам миллий бағрикенглик намунаси сифатида кўзга ташланади.

Биз роман воситасида Амир Темурнинг шахсиятига ва руҳий табиатига сингиб кетган миллий хусусиятларни таҳлил қилар эканмиз, шарқшунос олим У.Уватовнинг ушбу сўзларини келтириб ўтишни лозим топдик: "Соҳибқирон асарда шахсияти бой буюк Инсон, бунёдкор, илм-фан ҳомийси, мамлакатни бирлаштирган адолатли раҳбар, кечинмаларга бой зукко қалб эгаси, нозик дидли шахс, фарзандларига меҳрибон ота, суюкли маҳбуб, енгилмас саркарда тимсолида намоён бўлади. У юртни севган зот. Адолат туғини баланд тутган юрт сардори. Жаҳонга кенг назар ташлашга қодир донишманд". Бу жиҳатларнинг ҳаммасини биргина миллий қаҳрамон образига жамлаш ёзувчи учун осон кечмаган, албатта. Чунки юқорида тилга олинган хислатларнинг барчасини бир шахс шахсиятида тасвир этиш анчайин мураккаб кечиши аниқ. Шундай экан, бундай мураккаб, кўптармоқли тасвирлар замирида Амир Темур характерига хос зиддиятлар ҳам юзага қалқиб чиқади. Унинг феъл-атворида ўз муҳибларига меҳрибонлигу ғанимларга нисбатан шафқатсизлик, адабиёт ва илм-фан соҳибларига ҳомийлик, бунёдкорлик ва уруш асносида Хоразмдаги айрим осори атиқаларнинг вайрон бўлиши каби ҳолатлар Амир Темурнинг бадиий сиймосининг ҳаққоний тасвирланишига ёзувчи томонидан астойдил ҳаракат қилинганини англатади.

Амир Темур характерига хос яна бир фазилат унинг мард ва тантилигида кўринади. Фарзанд қаторида билиб, бошини силаб, муносиб иззат-икром кўрсатилган Тўхтамишхон сотқинлик қилга-

нида, у билан можаролар туфайли кўп сарсонгарчиликларни бошидан кечирганда ҳам иродаси мустаҳкам ва сабр-тоқатли эканини намойиш қилади. Бироқ соҳибқироннинг мана шундай мард ва тантилигидан фойдаланган айрим шахслар хиёнатга қўл уриши боис Амир Темур ўз яхшиликлари учун жабр кўрган шахсга айланади. Бу ҳолатни соҳибқироннинг қизи Султон Бахт бегимнинг эри Амир Муҳаммад Мирзонинг хиёнати билан боғлиқ тасвирларда кўриш мумкин. Ёзувчининг талқинича, адолатпарвар соҳибқирондан кўра, бу хиёнат ва ёвузликка нисбатан Умаршайх Мирзо кескин чоралар кўради. Шу сабаб, назаримизда, асарда бу образ анчагина ишонарли чиққандек таассурот қолдиради. Ундаги шижоат, журъат, рақибга нисбатан беаёв нафрат, жанг майдонларидаги қатъиятлилик, кузатувчанлик ва сезгирлик, суҳбатдошининг руҳий ҳолати, кўз қараши ҳамда ранги-рўйидаги ўзгаришлардан унинг яширин фикрини англаб олишлик каби жиҳатлар китобхонга бу характернинг нақадар қудратли эканини англашга ёрдам беради.

Амир Муҳаммад Миракнинг укаси Абулфатҳни тутиб келтиришгач, у билан савол-жавоб қилган Умаршайх Мирзонинг «Фурсат ўтмасун! Бу нонкўрни Амир соҳибқирон ҳузурига олиб борингиз! Жазосини ўзлари берсинлар»[27] деган сўзларида ҳам катта ҳаётий мантиқ ётибди. Биринчидан, бир неча бор огоҳлантиришига қарамай, отаси бу сотқинларга ишонган эди. Шу сабаб шаҳзода уларнинг асл қиёфасини фош этмоқчи бўлади. Иккинчидан, Умаршайх сотқинликни отасига маълум қилиб, хиёнаткорнинг ўзини эса соҳибқирондан рухсат олмай қатл қилиш орқали ёвузлик илдизига болта урганлигини исботламоқчи бўлади. Бироқ унинг бу ишидан отаси ғазабланади. Албатта, куёвини ўлдиргани учун эмас, балки куёвни йўлдан урган кучлар жазосини олмай, сир бўлиб қолганлиги учун афсусланади. Шу боис Умаршайх Мирзони шошқалоқликда айблайди, лекин Умаршайх Мирзо бу ишнинг орқасида турган ҳомийлар кимлигини яхши билади. Чунки отаси Тўхтамишхонга ҳомийлик қилиб юрган вақтларда унинг кўз қарашлари, кибрли боқишлари Амир Муҳаммад мирзо билан кўз уриштиришларидан кўнглида бир ёвузлик борлигини сезган эди. Ҳатто бир сафар шаҳзодалар тўпланган зиёфатда иккаласи жиддий баҳслашиб ҳам қолади.

---

[27] Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. - Тошкент: Шарқ НМК, 2006. – Б.292.

Жангдан енгилиб қайтган Тўхтамишхон Амир Темурни кам қўшин берганликда айблайди. Буни эшитган Умаршайх мирзо унга Амир Улжайту апардий, Шодравон найман, Ёруқ Темур, Хитой баҳодир каби жасур саркардалар нобуд бўлганини эслатиб қўяди ва ғазаб-нафрат билан: «Отилмаган сопқон ҳам бошга тегадур, ҳам кетга!.. Ҳа! Неча марта Амир соҳибқирон қўшинни созлаб бердилар. Барида ҳам маъракаи майдондан тирраки эчкидай шаталоқ отиб қочиб қолдингиз! Уят борму?.. Тағин қўшин кам беришди деб нолийсан! Номуси йўқ, инсофсиз! Қўрқоқ!»[28] – дейди. Бироқ аламзада Тўхтамишхон бу гаплардан тўғри хулоса чиқариш ўрнига кибрга берилади. «Бу гапларни кимга сўйлаётирсиз, ҳей амирзода! Ўйлаб гапирингиз! Билингизким, мен подшоҳзодамен. Буни эсингиздан чиқармангиз!.. Эсингиздан чиқармангиз!! Индамаса гапираверасизму?»[29] – дея кўнглига ёвуз ниятларни тугиб қўяди. Бир дақиқада бир-бирига қилич кўтаришгача бориб, бошқаларнинг аралашуви билан ўрталаридаги бу низо вақтинча бартараф этилган бўлса-да, айни воқеадан сўнг улар ўртасида кескин конфликт пайдо бўлади. Одатда бадиий асардаги ҳар қандай конфликт китобхонни ҳаяжонга солади. Ўқувчи қарама-қарши кучлар орасидаги муросасиз зиддиятнинг ечимини кутади. Шу сабабли, катта кучга эга бўлган шахсларнинг қарама-қаршилиги ва улар ўртасидаги кураш ечими ғоят қизиқарли кечиши табиий. Ёзувчи бу каби конфликтлар тасвиридан ўзига хос оригинал хулосалар чиқаради. Чунончи, Тўхтамишхон жангда енгилса-да, Умаршайх Мирзони доғда қолдириб, унинг қўлидан тирик қочиб кетади. Романдаги мана шу тасвирлар орқали ёзувчи Амир Темур сиймосига турли жиҳатдан ёндашишга ҳаракат қилади унинг шахсиятини зиддиятга бой воқеалар тўфонида, қарама-қаршиликлар гирдобида тасвирлайди. Романда Амир Темур сиймосини яратишда ижодкорнинг унга бўлган меҳр-муҳаббати, ҳурмати ва самимийлиги яққол сезилиб туради.

Муҳаммад Али романларида тарихийлик тамойилларининг ўзига хос табиати ҳақида тадқиқотчи И.Ёқубов қуйидагича ёзади: «адибнинг мақсади миллатнинг отаси бўлган буюк шахснинг авлодларга намуна бўлгулик ибратли инсоний фазилатларини ҳаётий лавҳалар орқали замондошимизга етказишдан иборат... Муҳаммад Али соҳибқирон буюклигини унинг ақлу заковати, салоҳияти, фав-

---

[28] Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. – Б.164.
[29] Ўша жойда.

кулодда инсоний фазилатларидан кидириб тўғри йўл танлаган, турли қавмлардан чиққан шижоатли ва жасур, садоқатли ва мард амирлардан иборат дўстлари даврасида «миллат тарихида куёшдай балқиган сиймо» сифатида тасвирлаган»[30].

"Миллат отаси»нинг «миллат тарихи»даги роли масалалари талкин этилган ушбу рисолада айрим баҳсталаб ўринлар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, муаллифнинг максади фақатгина ибрат бўларли қаҳрамон яратиш билангина чегараланмайди. У ўзи яратаётган образни авлодларга намуна килиб кўрсатиш учун эмас, балки Амир Темур сиймосини имкон қадар холисона, ўз мураккабликлари билан, яъни тарихий манбаларда қайд этилмаган жиҳатлари билан бадиий тасвирламоқчи бўлади. Иккинчидан эса, унинг атрофидаги "дўстлари давраси", И.Ёқубов ёзганидек, фақатгина "жасур, садоқатли ва мард амирлардан иборат" эмас. Буюк соҳибқирон ўзининг амирлари орасида хиёнаткор, манфаатпараст шахслар борлигини яхши билгани ва ҳатто, улар бир неча марта султон соҳибқиронга панд бергани романда очик – ойдин тасвирланган. Бундан кўзланган мақсад эса, мана шундай хиёнат ва зиддиятлар гирдоби аро нафақат ўзини, балки бутун бир сулоласи ва миллатини тарих саҳнасига чиқара олган миллий қаҳрамоннинг бадиий сиймосини яратиш эдики, И.Ёқубов рисоласида масаланинг мана бу жиҳатларига етарлича эътибор қаратмаган.

Муҳаммад Али Амир Темур сиймосига қай жиҳатдан ёндашмасин, яъни уни оилавий муҳитда тасвирлайдими ёки улуғ салтанат асосчиси сифатида таърифлайдими, бундан қатъи назар миллий қаҳрамон сифатида талқин этганлиги билан эътиборлидир. Шунинг учун ҳам романни ўқиган киши Амир Темурнинг сарой дабдабаларидаги тасвирида ҳам, «хонаки кийим»да юрган оддий киши сифатида кўрганда ҳам уни, аввало, миллий қаҳрамон сифатида қабул қилади. Шу жиҳати билан асар истиқлол даврида яратилган тарихий романлар орасида ўз ўрнига эгадир.

Дониш Насафий (Евгений Березников)нинг шу мавзуда ёзилган «Буюк Темур» роман-бадиасида ҳам нафақат тарихий воқеалар, ҳарбий юришлар ва жанг манзаралари, балки шулар қаторида қадимий расм-удум ва маросимлар, турфа байрамлар, маиший лавҳалар, халқ ўйинлари тасвирига кенг ўрин берилган.

---

[30] Ёқубов И. Муҳаммад Али ижодида тарихий жараён концепцияси ва лиро–романтик талкин. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.29 –30.

Тулкин Ҳайит қаламига мансуб бўлган «Турон тунлари» асарида эса оддий бир йигит образи орқали ўша вақтдаги тарихий вазият, амирлар ўртасидаги ўзаро ихтилоф оқибатлари ва юртнинг оғир аҳволини очиб беришга эришилган. Адиб Амир Темур ва Амир Ҳусайн ҳамда Амир Сайфиддин муносабатлари тасвири орқали соҳибқироннинг зийрак, тадбиркор, синчков ва фаҳм-фаросатда юксаклик фазилатларини кўрсата олган. Бироқ бу романлар ўз олдига бевосита буюк соҳибқироннинг бадиий сиймосини миллий қаҳрамон сифатида кўрсатишни мақсад қилиб қўймаганлиги учун уларни кенг кўламда таҳлилга тортмадик.

Юқорида сўз юритилган Пиримқул Қодиров ва Муҳаммад Али романларининг таҳлили орқали шундай хулосага келиш мумкинки, ҳар икки адиб ҳам миллий қаҳрамон бадиий қиёфасини яратишда тарихий давр ва ижтимоий муҳит масалаларига алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда миллатга хос энг юксак инсоний сифатларни ўз асарининг марказига қўйганлар. Амир Темур, темурийзодалар ва маликалар образининг бадиий қиёфаларини яратишда ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб иш кўрганликлари учун ҳам миллат тақдири учун жавобгар ва миллийликнинг барча қирраларини ўзида акс эттирган йирик шахслар қисматини тасвирлаш орқали уларни миллий қаҳрамон даражасига кўтаришни мақсад қилганлар.

## Тарихий романларда эстетик идеал ва адабий қаҳрамон муносабати

Ҳар қандай бадиий асарда миллий қаҳрамон ёки миллий руҳ ифодаланар экан, у муайян даражада тарихий воқеалик акс этган сюжет асосида яратилади. Бундай асарларнинг яратилишида тарихийлик принципларига таяниш лозим бўлади. Истиқлол даври ўзбек романчилигида тарихий мавзуни ёритувчи янгича бадиий шакл ва воситалар билан иш кўришга иштиёқ сезилмоқда. Жумладан, ўзига хос бадиий тафаккур тарзи ва поэтик тасвир услубининг янгидан-янги қирраларини кўрсатишга ҳаракат қилаётган адиблардан бири Омон Мухтор ижодида ҳам тарихий мавзу алоҳида ўрин тутмоқда. Ёзувчи ўзининг «Тепаликдаги хароба» асарида туркий шоирларнинг «маликул каломи» ҳисобланган Мавлоно Лутфий сиймосини яратишга ҳаракат қилган[31].

[31] Омон Мухтор. Тепаликдаги хароба. Роман. – Тошкент: Ёзувчи, 1999.

Ёзувчи романда Мавлоно Лутфийнинг истеъдодли шоир ва улуғ мутафаккир сифатидаги хислатларини тасвирлаш баробарида унинг оддий инсоний сифатларига ҳам эътибор қаратади. Асарда Лутфий шахсияти, руҳий кечинмалари, инсоний дарду дунёси маҳорат билан чизилган. Ёзувчи талқинича. Лутфий, аввало, бошқалар сингари оддий инсон, кўпчиликка хос бўлган инсоний туйғулар унга ҳам бегона эмас. Маълумки, одамзод бу фоний дунёда орзу-армонлар билан тирик. Ҳар қандай инсоннинг ҳам яширин сир-асрорлари, пинҳон тутилган орзу-умидлари бўлади. Бундай туйғулар Мавлоно Лутфийга ҳам бегона эмас.

Омон Мухтор даврнинг етук шоири ва ўз замонаси фарзанди бўлган Лутфийнинг орзу ва армонларини тасвирлар экан, уни муҳаббат мотиви билан боғлаб талқин қилади. Омон Мухтор қаҳрамони мавлоно Лутфий ҳам худди Мажнуну Фарҳод, Баҳромлар каби ишқ ўтида куйиб-ёниб, ошиқ бўлиб, ёр хаёли билан умр ўтказади. Адиб унинг Гулгунга бўлган муҳаббати тасвирида инсоний фазилатларининг ҳам ҳаётий асосигача катта эътибор қаратади. Орзу бошқа, ҳаёт бошқа бўлганидек, Лутфий Гулгунни нечоғлик севмасин, ижтимоий мансубиятидаги тафовутнинг катталиги туфайли ўз кўнгил асрорларини пинҳон тутади, кейинчалик ота-онасининг хоҳиши билан бошқа қизга уйланишга мажбур бўлади. Жисман ўзи севмаган аёл билан оила олдидаги бурчини адо этиб, фарзандли бўлиб яшаб келса-да, руҳан Гулгун билан бирга бўлади.

Лутфий ўз даври, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга шоирона қалб билан нигоҳ ташлайди. Ўзининг узун умри мобайнида фақат муҳаббат армони, ёр соғинчи ва назм ишқи билан яшаган шоир жамиятдаги ўрнини топишга руҳий иштиёқ ва меҳр сезмайди, умр бўйи дарвешона бир тарзда оддийгина ҳаёт кечиради. Таассуфки, тарихий манбаларда шоир Лутфийнинг ҳаёти ва ижодига доир фактлар кам учрайди, ҳатто бу улуғ бобокалонимизнинг асл исми ким эканлиги ҳам адабиётшуносликда ҳанузгача қоронғу бўлиб қолмоқда[32].

Омон Мухтор буюк шоир ҳаётига тааллуқли воқеаларнинг бадиий тасвирини беришда Лутфий образини Лутфулло тимсолига

---

[32] Бу жиҳатдан адабиётшунос олим В.Раҳмоновнинг Пулатжон Қайюмийнинг "Тазкираи Қайюмий" асарига таянган ҳолда унинг исми Умар экани ҳақидаги қарашлари масалага бир мунча аниқлик киритса-да, бироқ XX аср муаллифи Пўлатжон Қайюмийнинг қайси манба асосида бундай тўхтамга келгани ҳали ойдинлашган эмас.

сингдиради. Лутфуллога хос сифатлар ўз навбатида, Мирзо Ғолиб руҳиятининг бадиий сиймоси қатларига кўчирилади. Шу сабаб, асарда тасвирланган воқелик Мирзо Ғолибнинг бошидан ўтказган воқеа-ҳодисалар билан унинг хаёлотида содир бўладиган ўй-фикрлар уйғунлигида ифода этилади. Бу воқеалар Мирзо Ғолиб яшайдиган замон билан Лутфий яшаган давр, яъни мозийни уйғунлаштирувчи рамзий шаклда берилади. Шу боис, Омон Мухторнинг бу асари сиртдан қараганда анчайин мураккаб композицияни ҳосил қилган бўлиб, ўқувчи назарида мазмунан тушунарсиз бир шаклда ифодалагандай бўлиб кўринади.

Омон Мухтор асари Мирзо Ғолибнинг шаҳарга ошиқиши, яъни ёлғиз қолган ҳомиладор хотинидан хавотирланиб, қисқа йўл танлаши оқибатида адашиб қолиши воқеалари билан бошланади. Шундан сўнг вақт ортга чекиниб қаҳрамон хаёлотида Лутфий ҳаёти ва у билан боғлиқ воқеликлар тафсилоти жонланади. Натижада узоқ йўл юрган қаҳрамон тепаликда жойлашган бир ташландиқ кулба олдидан чиқиб қолади. Рўй бераётган воқеалар қаҳрамон тилидан ҳикоя қилиниб, кулбани баҳайбат ит мунтазам қўриқлаши тасвирланади. Шунингдек, қаҳрамон бу кулба ичида учта жасад борлигини айтиб, улар кимнинг жасади, деган масалага жиндек изоҳ бериб, улардан бири Лутфий, иккинчиси Машраб, бошқаси эса Байрон, дея таъриф беради.

Адиб тасвирига кўра, бу жасадлар бир-бирларининг оёқларига бош қўйиб, фожиали тарзда ётишади. Бироқ адиб «улар ухлашганга ўхшайди»[33], - деган изоҳни қайта-қайта такрорлайди. Асарда адиб қаламга олган ит ҳам, уйқудаги буюк зотлар жасади ҳам сирли ҳолатда ғойиб бўлиб қолади, баъзан эса яна пайдо бўлиб, қаҳрамонни ҳайратга солишади. Бу гўё қаҳрамон нигоҳидаги илоҳий бир кучнинг таъсири бўлиб кўринади. Бироқ ёзувчи нега уларнинг бирини Лутфий, иккинчисини Машраб ва учинчисини инглиз шоири Байрон деб атаётгани изоҳсиз қолади. Эҳтимол, бу билан адиб ана шу уч буюк шоир ижоди ва ҳаётидаги ўхшаш жиҳатларга эътибор қаратмоқчи бўлгандир. Бироқ бу фикр асарда ўзининг ифодасини топмаган. Асардаги Машраб ёки Байрон номини истаган улуғ шоир исми билан алмаштирсангиз ҳам, асарнинг умумий мазмунига путур етмайди. Қолаверса, адиб улар яшаб ўтган даврлар оралиғидаги фарқнинг катталигига ҳам эътибор бермайди. Тўғри, бадиий асарда

[33] Омон Мухтор. Тепаликдаги хароба. Роман. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б.190.

тасвирланган бадиий вақт тушунчаси ҳар доим ҳам тарихий-хронологик ёки календарь вақтига тўғри келавермаслиги мумкин. Жаҳон адабиётининг энг улуғ романларига хос бу хусусият М.Бахтин асарларида ўринли тадқиқ этилган. Адабиётшунос олим бу жиҳатдан замон ва маконни ўзаро ажратмаган ҳолда, яъни яхлит бир бутунликда олади ва ҳар икки бадиий ҳодисани ўзаро бирлаштирадиган хронотоп назариясини яратгани маълум[34]. Бироқ ёзма адабиётда ёзувчи томонидан қаламга олинаётган ҳар бир ҳодиса ёки шартлилик бадиий жиҳатдан асосланиши керак. Шу жиҳатдан уч жасад ҳодисаси етарли бадиий шарҳланмагани каби ёзувчи уларнинг қўриқчиси сифатида келтирган ит тимсолига ҳам муносиб бадиий маъно юкланмаган кўринади. Ёзувчи талқинида «уйқудаги зотлар» абадий барҳаётликнинг тимсолидир. Қолаверса, худди шу каби воқеалар ислом таълимотида ҳам учрайди. Жумладан, "Қуръони карим"нинг "Қаҳф" сурасидаги «Асҳоб ул-каҳф», яъни «Ғор эгалари» ҳақидаги ривоят сюжетнинг эпик ривожи натижасида шаклланган афсоналарда ҳам шу образларни кўриш мумкин. Фольклоршунос олим М.Жўраев ва Ш.Шомусаровнинг «Ўзбек мифологияси ва араб фольклори»[35] китобида бу сюжетнинг тарихий асослари ва фольклордаги талқинлари таҳлилга тортилган. Аслида уйқудаги авлиёлар ҳақидаги сюжет «Қуръони карим»нинг «Каҳф» сурасидаги 10-12-оятларида келтирилган. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Эсланг, ўшанда улар паноҳ истаб боришиб: «Парвардигор, бизларга ўз ҳузурингдан раҳмат-марҳамат ато этгин ва бизларнинг ишимизни ўзинг ўнглагин», дедилар. Шундан сўнг улар ғорда 300 йил ухлайдилар ва уйғониб яна адолатсизликни кўришгач, қиёматга қадар уйқуга кетадилар. Ерга тегиб турган ёнбошлари чириб кетмаслиги учун Аллоҳ ҳазрати Жаброилга уларни у ёнбошидан бу ёнбошларига айлантириб туришни буюради. Гарчи уларнинг кўзлари очиқ бўлса-да, ўзлари уйқуда, итлари Қитмир эса қўриқчилик қилади.

«Қуръони карим»да «Ғор эгалари»нинг аниқ сони ва исмлари айтилмайди. Мазкур суранинг 22-оятида ёзилишича, «Ҳали улар (яъни пайғамбар алайҳиссаломга замондош бўлган яҳудий ва

---

[34] Бахтин М.М. Формы времени и хронотопа в романе / Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература, 1986. – С.121-291.

[35] Жураев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологиси ва араб фольклори. - Тошкент: Фан, 2001. - Б. 54-72.

носароларнинг айримлари ўша Асҳоб ул-каҳфни) «Учтадир. тўртинчилари итларидир», десалар, айримлари: «Улар бешта бўлиб, олтинчилари итларидир». «Уларнинг саноқларини энг яхши биладиган зот Парвардигоримдир. Уларни жуда оз киши билур», денг»[36] деган баёнлар мавжуд.

Омон Мухторнинг «Тепаликдаги хароба» романининг кулбани қўриқловчи ит ҳақидаги лавҳасини ўқир эканмиз, "Қуръони карим"даги «Ғор одамлари», яъни қиёматтача ухлайдиган авлиёлар образи беихтиёр ёдга тушади. Албатта, адиб "Қуръони карим"нинг юқоридаги сурасида баён қилинган воқеалардан ижодий таъсирланган бўлиши мумкин. Асарда тасвирланган буюк зотлар ҳамиша барҳаёт, улар жисман ўлган бўлса-да, руҳан абадий тирикликка дахлдор бўлган шахслар ҳисобланадилар, демоқчидир. Лекин вақт нуктаи назаридан бир-биридан узоқ даврларда яшаб ўтган бу буюк зотларнинг муайян бир рамзий макон кесмаси ва замон ўлчамида учраштирилиши, яъни уларнинг бир кичик хароба кулбада бир-бирларининг оёқларига бош қўйган ҳолатда тасвирланишини ёзувчи изоҳисиз шундай кабул қилиб бўлмайди. Эҳтимол, адиб уларнинг бу ҳолатда ётишларини тасвирлаш орқали бу шоирлар шеърият оламида бир-бирларининг давомчилари, деган фикрни илгари сурмокчи бўлгандир. Аммо бу фикр ҳам етарли даражада асосланмаган, Лутфий дунёвий шеъриятнинг вакили бўлса, Машраб қаландарийлик тариқатининг асосчиларидан, Байрон эса миллий жиҳатдан ҳам, макон ва замон нуктаи назаридан ҳам тилга олинган ўзбек шоирларидан жуда ҳам олисда. Бизнингча, уларнинг ҳар бири ўзига хос бадиий олам соҳиблари бўлгани учун бугунги кун ўқувчисига уларни ўз ўрни, ўз овози ва ўз қиёфаси билан ишонарли тасвирлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, уларнинг миллат маънавияти тараққиётидаги хизматларига урғу бериш бу зотларни кулбада дучлаштиришдан кўра муҳимроқ бадиий вазифа бажарган бўлар эди, деб ўйлаймиз. Романдаги айни ҳолат ушбу муаллифнинг «Афлотун» романида ҳам қўлланилган бўлиб, унда антик файласуф Суқрот ҳаким билан XX аср бошларида яшаган адиб Фитратнинг бир нуқтаи назардан талқин қилингани каби асар моҳиятига мос тушмай қолган[37].

---

[36] Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. - Тошкент: Чўлпон. 1992. - Б. 206-208.

[37] Бу хақда қаранг: Тўйчиев А. Ўзбек насрида жадид образи талқини: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент: 2001. – Б.13.

Ёзувчи асар давомида Лутфий характерининг адибона бадиий талқинини яратишдан кўра унинг ғазалларидан келтирилган намуналарнинг кўпроқ олимона таҳлилини қилишга уринадики, бу асарнинг бадиий савиясини анчайин тушириб юборади. Лекин илмий тадқиқотга мойиллик руҳида битилган ушбу таҳлиллар ҳамда ижодкорнинг ўзига хос услубий изланишларини эътиборга олмаганда, асарда тасвирланган воқелик аслида зерикарли тарзда баён этилади. Ўқувчи асардан муайян маънавий озуқа, янгилик олишга ҳаракат қилади ва унинг нигоҳи қайта-қайта Лутфий сиймоси билан учрашаверади. Романда тасвир объекти бўлиб хизмат қилган ўнлаб персонажлар йўл-йўлакай тилга олинаётгандек таассурот қолдиради. Уларнинг уй-хаёллари, орзу-истаклари, турмуш тарзи ва ҳаёт йўли бир қизил ипга тизилган маржондек ўқувчи кўз ўнгидан бир зумда ўтиб кетади, холос.

Энг афсусланарлиси, асардаги ҳам тарихий, ҳам замонавий қаҳрамонлар талқинида миллий руҳ ва колорит сезилмайди. Тасвирдаги мавҳумот унинг миллий руҳига ҳам соя ташлаган. Шу боис қаҳрамоннинг муайян ҳолатдаги руҳияти талқини ҳам анча нохуш тарзда ифодаланган: у ҳушига келганда асарда кечаётган воқеаларни ўйлаб, мушоҳада қила бошлайди, ҳушидан кетганда бевосита ўша давр воқелигининг иштирокчисига айланиб қолади. Ёзувчининг бу тасвирларида кўпинча, баёнчилик устуворлик қилиб қолган. Лекин қаҳрамон бошқача руҳий ҳолатда яна Лутфий даврига хаёлан саёҳат қилиб, асар сюжет тизимида алоҳида бир воқеалар йўналишини ташкил этадиган янги тақдирларни, яъни образларни топади. Бу тақдирларнинг йўллари ўзаро қисқа бир муддат давомида бир нуқтада туташадию, аммо бир-бирлари билан боғланмай, яна айри-айрилигича қолаверади. Лутфий ва Амири Саъид Абул Ҳасан Насрнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар китобхонга аввалдан маълум даражада таниш бўлса-да, адиб уларни яна қайтадан баён қилишга киришиб кетади. Бухоро тарихи билан боғлиқ фактлар ҳам асар моҳиятини очишдан кўра, унинг ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилгандай таассурот уйғотади. Шунга кўра юқорида санаб ўтилган тарихий далиллар, маълумотлар ва Лутфий ғазаллари асардан олиб ташланса, адиб яратган образлар тизими воқелик баёни қамровидаги катта бўшлиқда муаллақ ҳолда қолиб кетади. Ёзувчининг айтмоқчи бўлган сўзлари, ўқувчига етказмоқчи бўлган фалсафий қарашлари ҳам асар учун танланган бадиий шакл ва услубга

мос келмай қолган. Зеро, адибнинг бадиий нияти билан унинг услубий ифодаси ўртасидаги мувозанат бузилгани боис, ҳаётий воқелик тасвирида ана шундай мантиқий номутаносиблик юзага келган. Асарнинг сюжет қурилиши ва ички мантиқидаги нотугаллик оқибатида романда тилга олинган буюк адиблар тимсоли орқали ифодаланиши кўзда тутилган миллий руҳият етарли даражада очилмай қолган.

Омон Мухтор ўзининг тарихий мавзудаги тажрибаларини takомиллаштира бориб, «Ишқ аҳли» романида Алишер Навоий образини яратиш орқали улуғ шоир яшаган давр воқелигини тасвирлашга ҳаракат қилган[38]. Бу асарни яратишда қўлланилган бадиий усул, бизнингча, антологик услубнинг бир кўриниши сифатида қабул қилиниши мумкин. Унда Алишер Навоийнинг асарларидан парчалар, ғазалларидан намуналар келтирилиб, яна илмий услубга яқин йўсинда таҳлил қилишга ўтилади. Адиб бу усулни қўллаш орқали Навоийни китобхонга таништириш, унинг ижодини ўрганишга доир йўлланмалар бериш, шоирнинг ҳаёт йўли, шахс сифатидаги жиҳатлари, ўй-хаёллари, истак ва хоҳишлари, қалбини қамраб олган туйғулари ва характерига хос чизгилар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилади. Бу маълумотлар асарда бадиий талқин ва руҳий кечинмалар билан йўгрилганлиги боис маълум даражада сюжет ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Омон Мухтор ушбу романда Алишер Навоийнинг буюк ижодкор сифатидаги даҳолигига сажда қилиш эмас, балки жаҳоншумул асарлар ёзган бу беназир ижодий салоҳият соҳибининг қалбини оддий инсон сифатида тушуниш, унинг руҳий оламини англаш, хуллас, кўнгил кўзгусига назар ташлашни мақсад қилган. У онгли равишда Алишер Навоий сиймосини тирик инсон сифатида кўришни ва кўрсатишни истайди, ўқувчи кўз ўнгида шоирнинг ана шундай образини гавдалантиришга ҳаракат қилади. Бу ҳақда адабиётшунос Қ.Йўлдошев шундай ёзади: "Ҳазрат Навоий тимсолини бадиий тадқиқ этиш жараёнида О.Мухтор эришган ютуқ, биринчидан, "унинг манглайига ДАҲО бўлиш учун аввалдан фожиа муҳри босилган"ини топганида бўлади. Негаки, ҳамиша сафарбар ва кураш ҳолатида бўлиш учун кишига жуда улкан ҳамда доимий фожиа ҳамроҳлик қилиши жоиз. Доимий сафарбарликсиз эса даҳолик бўлиши мумкин эмас. Ёзувчининг иккинчи кашфиёти Алишер ҳеч

---

[38] Омон Мухтор. Ишқ аҳли // Шарқ юлдузи. - 2001. 1-сон.

қачон Алоҳида Бир Кишига ўзини бағишламаган! Бағишлаёлмаганини кўрсатганида, даҳо ҳатто ўзи истаган тақдирда ҳам, ҳеч қачон бир кишига, бу киши ким бўлишидан қатъи назар унга тегишли эмас. Даҳолик шараф эмас, балки қисматдир. Ва бу қисмат уни жамоага, миллатга ёки бутун инсониятга тегишли қилиб қўяди"[39].

Айни нуктаи назардан, яъни миллий қаҳрамонни даҳолик хислатлари билан йўғрилган ҳолатда кўрсатиш масаласида адабиётшунос олимнинг эътирофларини қабул қилиш мумкин. Аммо романдаги Ҳазрат Навоий тимсолида, гарчи қаҳрамон доимий сафарбарликда кўрсатилганига қарамай, унга хос бўлган даҳолик қисмати тўлақонли акс этган, деб бўлмайди. Адиб аслида Навоий образини илоҳий ишқ соҳиби сифатида тасвирлашдан кўра оддий бир инсон қиёфасида, қалбини самимий муҳаббат забт этган бир ошиқ сифатида тушунишни истайди. Лекин бадиий асарнинг мантиқий мутаносиблик мезонидан чалғиб кетган адиб  Навоий даври ва темурийлар давлати ҳақидаги ҳаммага маълум фактларни баёнчилик услубида тасвирлашга берилиб кетиши асар савиясига путур етказган. Натижада ўзига хос бадиий ният билан бошланган асар бир қарашда тарихий фактлар ва манбалар тавсифидан иборат илмий-бадиий изланишга ёки янада аниқроқ айтадиган бўлсак, "илмий бадиа"га айланиб қолган. Шу билан бирга, ушбу асарда Навоий даврининг ижтимоий ва сиёсий муҳитини тасвирлаш ҳамда асосли фактлардан мисол келтиришга катта ўрин берилади. Қайд қилиш керакки, Навоий ҳаётининг энг мураккаб ва сирли нуқталарини синчковлик билан ўрганган адиб улардан ўз бадиий ниятини амалга оширишда самарали фойдаланган. Бироқ ёзувчининг бадиий ниятида даҳо образи орқали ифода қилиниши лозим бўлган оламшумул ғоялар танқислиги, етишмаслиги кўриниб қолган. Тўғри, Ҳазрат Навоий олижаноб, самимий инсон, у атрофидагиларга муносабатда мана шу инсонийликнинг улуғвор бир қиёфасини ўзида намойиш қилади. Бироқ Алишер Навоий таржимаи ҳоли бундай улуғвор хислатлар, воқеалар, тамсилларга тўла эдики, муаллиф айни ўша жиҳатларни синчковлик билан кузатганда, Ҳазрат Навоий образидаги даҳовий жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратган бўлар эди.

Адиб биз билан бўлган бир суҳбатида «Мен асар ёзаётганимда китоб  ўқиган пайтимда ёзиб қўйган чизгиларимдан, яъни ўзига хос

---

[39] Йўлдошев Қ. Янгиланишлар мунтазамлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати . – 2007. - 19 апрель.

картотекадан фойдаланаман»[40], – деган эди. Ушбу асарда унинг мана шу сўзларини исботлайдиган кўплаб фактларни учратишимиз мумкин. Баъзан воқеликни тасвирлашда Алишер Навоий ҳаётига дахлдор тарихий фактлар у ёки бу маънода такрорланиб келаверади. Бунинг натижасида асар матнида ўринсиз қайтариқлар кўпайиб кетган.

Асар ҳикоячи-қаҳрамон вазифасида келган ёзувчи тилидан баён қилинади. Ҳикоячи-қаҳрамон сўзларига қулоқ тутар эканмиз, адиб бу мавзуга қўл уришга анчайин чўчиганлигини англаймиз. Кўп йиллар давомида Навоий салобати унинг хаёлини банд этади. Узоқ тайёргарликдан сўнг адиб бу сиймога мурожаат этишнинг ўзига хос усулини топади. Яъни воқеаларни баён этишда мактуб шаклини қўллайди. Ана шу мактубларнинг ҳар бирига Навоий ҳақидаги маълумотларни жамлаб, алоҳида-алоҳида дафтарлар орқали ўз бадиий мақсадини ифода этади.

Роман таркибан уч қисмдан иборат, ҳар бир фасл Барнога ёзилган мактуб билан бошланади. Биринчи мактуб кириш, яъни асарга йўлланма вазифасини ўтайди. Асосий воқеалар ҳикоячи-қаҳрамон вазифасида келган ёзувчи тилидан гапириб бериладиган бу асарнинг бошланишида шундай қайдномага дуч келамиз: «Унинг ҳаёти ва ижоди бошдан-охир катта-кичик, ҳар хил зиддиятларга қурилган. Афтидан, қисматнинг ўзи уни шундай ҳолатга солган»[41]. Кўриниб турибдики, ёзувчи ҳам ана шу зиддиятлар таҳлилига катта эътибор беради ва уларнинг туб моҳиятини англаш орқали улуғ шоир шахсиятини бадиий таҳлил қилишга ҳаракат қилади.

Романда қаҳрамон характерининг моҳиятини очишга хизмат қиладиган иккита катта зиддият мавжуд: улардан бири Навоий ва ёр (Гули, Давлатбахтбегим) муаммоси бўлса, иккинчиси, шоир ва шоҳ (Навоий ва Ҳусайн Бойқаро) муносабати масаласидир. Бу зиддиятлар бир-бирига шу қадар боғлиқки, бирини иккинчисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ёзувчи асарда тасвирланаётган воқеликни Навоий асарларидан олинган назмий жавоҳирлар билан безаган. Асарда Навоий, Гули ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муаммоли муносабатлар акс этувчи лавҳалар бирдан узилиб, воқеа тугуни пайдо бўлади ҳамда ечимга етмасдан навбатдаги зиддият билан боғлиқ тугунга уланиб кетаверади. Шу тариқа асар воқеалари талқини зан-

---

[40] Омон Мухтор, Ш. Дониёрова. Менинг ўз овозим бор // Моҳият. - 2001. – 9 февраль.
[41] Омон Мухтор. Ишқ аҳли // Шарқ юлдузи. - 2001. – 1-сон. - Б.17.

жирсимон тарзда бир-бирига уланиб кетаверади. Ҳатто асарнинг бир ўрнида Гули, Навоий ва Ҳусайн образлари ва даврга оид воқеалари тасвири бир ёқда қолиб, бугунги куп тафсилотига ўтиб кетилади, яъни Шаҳрия, ҳикоячи-қаҳрамоннинг хотини образи орқали навбатдаги ҳикоя бошланади. Қаҳрамоннинг муҳаббат бобидаги қиссаси хаёлий тўқима тафсилотларини бир-бирига улаш, яъни «ямаш» вазифасини ўтайди. Шу жиҳатдан Омон Мухторнинг ушбу романи шўро йилларида Навоий, Гули ва Ҳусайн Бойқаро учлигининг европача талқинини бермоқчи бўлган Б.Вадецкийнинг «Фоний» романига уйғун ҳолда яратилгандай таассурот уйғотади. Бироқ, рус адиби "роман" деб тавсия этган асарида қаҳрамонлар сиймоси тасвирида миллий колорит ҳосил қилишга ҳаракат қилмай, масалага жўн бир севги учбурчаги тарзида ёндашган эди. Гарчи рус адибининг талқинида ҳам қаҳрамонлар образлари орқали ипи қўрилган бўлса-да, унинг асари анчайин руҳсиз чиққан. Асар ўзбек китобхонини улуғ шахслар ҳаётидан олинган гўзал лавҳаларнинг бадиий ифодаси билан кучли эстетик завқ беролмайди. Унда Навоийдай улуғ бир мутафаккир Гулини ҳарамга тортгани учун Бойқародан ўч олувчи қасоскорга айлантирилган. Гулининг ушбу сўзларига эътибор беринг: «Сарой аҳли билан сен-менга бориб ўтирмай, яхшиси, мендан бутунлай воз кечиб қўя қолинг. Ҳадя қилган совғаларингизни ҳам ўзингизга қайтариб бераман».

Гулининг бу сўзлари китобхонни ҳайрон қолдириши билан бир қаторда, мунаққид таъкидлаганидек, «Гули ва Навоийнинг ғайритабиий муомалалари китобхонни ишонтирмайди. Аввало, Гулининг севган одамига айтганлари жуда ҳиссиз, сўник сўзлар бўлиб қолган. Сўнгра унинг «ҳадя қилган совғаларингизни ўзингизга қайтариб бераман» деб айтган сўзлари худди нотаниш кишига қилинган совуқ муомалани эслатади. Асарда Алишер Навоий образи хира. У ҳамиша нимадандир куюниб, ачиниб юради. Баъзан куйиниб юришининг сабабини ўзи ҳам билмайди»[42]. Ушбу танқидий таъкидлар руҳсиз, ҳиссиз, миллийликдан йироқ асарлар ёзиб, ўзи билмаган мавзуда миллий адибларга "дарс бермоқчи" бўлган айрим ёзувчиларга нисбатан берилган тегишли жавобдир. Бинобарин, Б.Вадецкийнинг асари шу каби жиддий камчиликлари борлиги сабабли эл эътиборига тушмади.

---

[42] Қўшжонов М. Омон Мухтор. Ишқ аҳли // Шарқ юлдузи. – 2001. – 1-фасл. – Б.17.

Омон Мухтор романи эса бу қадар бадиий жиҳатдан тарқоқ эмас, чунки у қаҳрамонларнинг миллий характер қирраларини очишга ҳаракат қилади ва қаҳрамон сажияси ҳам талабдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган. Ижодкор асарида Алишер Навоий ҳаётидаги энг катта ҳаётий зиддият – шоҳларга «эҳтиромдан кўра кўпроқ эътироз»ида эканига урғу қаратган. Назаримизда, адиб асар сюжетини ҳаракатга келтирувчи етакчи йўналишни тўғри танлаган. Алишер Навоий нафақат буюк шоир, балки миллат кишиси сифатида темурий шаҳзодаларга жуда катта ҳурмат билан қарайди. Уларнинг инқирозини куюнчаклик билан изтиробли кузатади ва ҳамдардлик билан уларни ҳимоя қилишга интилади. Ана шу жиҳатларига кўра, бу асар китобхонни Алишер Навоий сиймосига бир қадар яқинлаштиради. Адибнинг адабиёт тарихига оид жумбоқли масалаларни ечишга бўлган уринишлари ҳам бадиий таҳлиллар орқали амалга оширилганини унинг ўзига хос янги ифода усули деб баҳолаш мумкин.

Омон Мухтор асар композициясини ташкил этувчи сюжет чизиғини бир мақсад атрофида босқичма-босқич жамлашга интилади. Асардаги ҳар бир мактубдан сўнг кичик-кичик тугунчалар юзага келади. Ана шу тугунлар атрофидаги воқеалар талқини ва баёни эса ўз тадрижий ривожига кўра муайян мақсадларга йўналтирилади. Ёзувчи тасвирлаган ҳар бир образ ва бадиий тасвир чизгиларидан тарих зарварақларининг бизга маълум ва номаълум бўлган қирралари қад кўтаради. Романда ўрни-ўрни билан муаллиф ровий вазифасини бажарувчи ҳикоячи-қаҳрамон тилидан ҳикоялар сўзлайди. Ундан кейин воқеалар ривожи тобора кенгайиб бораверади. Асарда ёзувчининг ўз фикрини айтишга шошилгани сюжетдаги услубий тартибсизликни ҳосил қилади, китобхонни тасвирдаги воқеликдан узоқлаштиради. Чунки бундай асарларда тасвирланган тарихий сиймолар ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар олиб ташланса, адиб айтмоқчи бўлган янги гап тарихий фактлар соясида кўзга ташланмай қолиб кетади.

Омон Мухторнинг тарихий романларида кенг кўламли бадиий тасвирдан кўра баёнчилик устуворлик қилгани ёки бадиий ният билан адиб танлаган поэтик услуб ўртасидаги мувозанатнинг бузилишидек ҳолатлар учраб туради. Чунки ёзувчининг ўзи ҳам биз билан қилган суҳбатида «Мен назмда ҳам, насрда ҳам парча-парча ҳолида ёзаман. Ўша парчаларни ёзадиган асаримга мос келган

ўринларда қўллаб кетавераман. Бир вақтда бир неча шеър ёки роман бошлаб ёзавераман. Битта-битта ёзишга, яъни бир асарни тугатмагунимча бошқасини бошламасликка одатланмаганман. Шунинг учун ҳам бир вақтда бир неча романларим ёки шеърларим бирданига эълон қилинаверади. «Майдон»даги ҳикояларни мен бир неча йиллар аввал ёзганман. Ўшалардан фойдаландим. Шунинг учун ҳам улар бир-бирини такрорламайди. Менинг ўттиз йиллик кузатишларимнинг маҳсули сифатида «Майдон» асарим юзага келган. Мен бошқа шоирларнинг ўзим яхши кўрган шеърларидан бир-икки сатрини яхши кўриб ёдлаб юраман-да, кейин шундан ҳам фойдаланаман»[43].

Романнинг айни хусусиятлари ҳақида фикр юритган профессор Санжар Содиқнинг қуйидаги қарашларида жон бор: «Ниҳоят, «Ишқ аҳли» асарининг ўзига хос жанр хусусиятларидан яна бири унинг фалсафий ёки публицистик мулоҳазаларга бойлигида кўринади. Улар билан танишар эканмиз, Омон Мухтор Навоийнинг севги тарихи асосида роман ёзишдан кўра кўпроқ улуғ шоирнинг ишқ аҳли фалсафасини ифодалашга уринганининг гувоҳи бўламиз»[44].

Дарҳақиқат, профессор Санжар Содиқ таъкидлаганидек, Омон Мухтор ўзининг ушбу асарида тарихий романчилик анъаналарини маълум даражада янгилашга уринганини кузатиш мумкин. Қолаверса, Алишер Навоий сиймосини ишқ аҳлининг қалб изтироблари ва тафаккур оламининг кенгликлари тарзида ифодалашга ҳаракат, маълум даражада, миллий қаҳрамон образини яратишга ҳаракат, демакдир. Юқорида таҳлилга тортилган асарларнинг худди ана шу жиҳатлари тарихий романчиликнинг янги шакл ва мазмун билан бойитилган намуналари сифатида баҳоланишга лойиқ. Шу жиҳати билан Омон Мухтор истиқлол даври адабиётига ўзига хос миллий руҳ олиб кирганини таъкидлаш жоиз.

Миллий руҳ ва миллий қаҳрамон образини яратишда тарихий фактлардан кўра халқнинг тарихий хотираси ва унинг бадиий асардаги эстетик талқинларига таяниш Омон Мухторнинг ихчам романларига хос етакчи хусусиятлардан биридир. Муаллифни бевосита тарихий ҳодисанинг ўзи эмас, балки ўша воқеа-ҳодиса ёки қаҳрамон талқинининг бугунги кун кишиси томонидан қандай қабул қилиниши қизиқтиради. Бу жиҳатдан романнавис ўзининг ҳар икки

---

[43] Кўрсатилган асар.
[44] Содиқ С. Романми ёки рисола? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2004. - 30 январь.

асарида ҳам персонификация усулини қўллайди: яъни асар қаҳрамонларининг тарихий манбалардагидек эмас, балки ёзувчи эстетик идеалига мос ҳаракатланиши уларни бизнинг замонамизга яқинлаштиришга хизмат қилади. Ҳатто айрим ўринларда у тарихий шахсдан кўра кўпроқ замонавий қаҳрамондек таассурот қолдиради. Бошқа қаҳрамонларга муносабатда, унинг ўй-хаёллари талқинида муаллиф мутлақ замонавий қаҳрамон билан иш кўраётгандай бўлади. Бу билан бирга вақт девори олис тарих ва замонамиз ўртасидаги тўсиқ бўлиб қолмаслиги учун имкон қадар ҳаракат қилади. Бироқ тарихийлик тамойилларининг бузилишига, яъни ёзувчи яратган қаҳрамон, бир жиҳатдан, ўзи яшаган тарихий муҳитдан ажралиб қолгандай тасаввур берса, иккинчидан, у ўз даврида эмас, балки бугун учун яшаётгандай, бугунги кун одамларига нимагадир айтмоқчи ёки писанда қилмоқчи бўлган одамдай иштирок этади. Омон Мухторнинг роман жанридаги изчил изланишларини маъқуллаган ҳолда биз таҳлилга тортган романлар услубидаги изланишлар ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермаслиги, айниқса, миллатга намуна бўларли миллий руҳ ва миллий қаҳрамон сиймосини яратишда бирдан-бир поэтик намуна бўла олмаслигини кўрсатади.

Халқимиз тарихида Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий каби босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб борган ва ўз шахсий майлларидан миллат тақдирини устун қуйган шахслар - миллий қаҳрамонларимиз яшаб ўтган. Зеро, уларнинг тимсолида озодлик, миллат эрки ва халқимиз жасорати мужассам. Ёзувчи Асад Дилмурод ўзининг тарихий мавзудаги бир қатор ҳикоялари, қисса ва романларида, жумладан, “Маҳмуд Торобий”, “Фано даштидаги қуш”, “Паҳлавон Маҳмуд” асарлари билан яхши таниш. Унинг асарларида халқимизнинг олис ўтмишидаги тарихий воқеалар, халқ қаҳрамонлари ва машҳур тарихий шахсларнинг шавкатли ва шонли ҳаёти ҳамда фаолияти, аччиқ тақдири ва фожиавий қисматлари ҳикоя қилинади.

Адабиётшунос И.Ёқубов “Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин” мақоласида Асад Дилмуроднинг тарихий асар яратиш борасидаги ижодий тажрибаларини таҳлил қилар экан, шундай хулоса чиқаради: “Адибнинг “Маҳмуд Торобий” номли илк романига ҳам руҳий-ижодий тайёргарлик босқичи миллий истиқлолдан анча илгари бошланган эди. Унинг “Яроқдаги битик” ҳикоясидаёқ Маҳмуд Торобийдаги саркардаларга хос барқарорлик ва жасорат туйғуси

она қонидан ўтганлиги кўрсатилганди. Романга манба тўплаш жараёнида Асад Дилмурод адабиётимизда мазкур мавзуда 1941 йилда битилган Ойбекнинг "Маҳмуд Торобий" драматик достонлари тажрибаларига таянади. Зеро, Ойбек Маҳмуд Торобийга бўлган муносабатда биргина драматик достон билан қаноат ҳосил қилмай, "Халқ қалқони" (А.Дейч билан ҳамкорликда) пьесасини ёзишга киришган, "Ғалвирчи" насрий драмасига қўл урган, аммо улкан ижодий ниятларини тўла рўёбга чиқаришига давр имкон бермаганлиги сабабли бошқа ижодий режалари ижросига киришган даҳо санъаткор эди. Ҳамид Олимжоннинг "Муқанна", Мақсуд Шайхзоданинг "Жалолиддин" драмалари, адабиётимиз тарихида яратилган кўплаб тарихий романларни Асад Дилмурод маънавий-руҳий илҳомланган асарлар сирасига киритиш мумкин"[45].

Дарҳақиқат, олимнинг фикрларини давом эттирган ҳолда ўзбек адабиётида бадиий адабиётнинг турли тур ва жанрларида тарихий асарлар яратган А.Қодирий, Ойбек, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, Мирмуҳсин, П.Қодиров, О.Ёқубов каби истеъдодли адибларимиз тажрибаси Асад Дилмуроднинг тарихий асар яратиши учун асосий ижодий мактаб бўлганлигини таъкидламоқчимиз.

Шундай қаҳрамонлар бўладики, минглаб йиллар кечса-да, уларнинг жасорати халқ дилига чуқур муҳрланган бўлади, натижада халқ улар ҳақида афсона, ривоят, достон ва нақллар яратади, шу тариқа уларнинг улуғ ишлари оғиздан-оғизга кўчиб, абадиятга муҳрланади. Мана шундай миллий қаҳрамонлардан бири Маҳмуд Торобийдир. Бу мавзуда Ойбекнинг "Маҳмуд Торобий" драматик достони[46] (1941) ҳамда Миркарим Осимнинг шу номдаги тарихий қиссаси (1962)дан кейин Асад Дилмуроднинг "Ярoғдаги битик" ҳикояси ва ниҳоят, "Маҳмуд Торобий" романи дунё юзини кўрди.

"Маҳмуд Торобий" романи[47] учта қисм, ҳар қисм эса боблардан ташкил топган. Романда оддий ҳунармандликдан улуғ саркардалик мақомига эришиб, минглаб халқни ўзига эргаштира олган ва миллат эрки учун курашган инсон образи тасвирланган. У ўз шахсий ҳаётидан халқ ҳаётини, тақдирини устун қўяди. Асад Дилмурод Маҳмуд Торобий образини ортиқча идеаллаштирмайди, уни мукам-

---

[45] Ёқубов И. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008, № 4. - Б.31

[46] Бу ҳақда қаранг: Каримов Н. Ойбек гулшанида қолган гунчалар. – Тошкент: Фан, 1985.

[47] Асад Дилмурод. Маҳмуд Торобий. - Тошкент: Шарқ НМК, 1998. - Б.300.

мал шахс сифатида тасвирлашга интилмайди ҳам. Романда Маҳмуд Торобий образи бир жиҳатдан улуғвор ният учун жонини фидо қилган ўктам инсон сифатида, иккинчи томондан эса, салтанат ва ҳокимият найрангларидан қўрқаётган, иккиланишлар ичида умр кечираётган оддий инсон сифатида ҳам тасвирланади. Романнинг илк саҳифаларидаёқ бадиий асарда тасвирланган қаҳрамонлар жисмонан бақувват, келбатли, жанговор, руҳан эса ботир, қўрқмас, мард инсон сифатида намоён бўлишади. Китобни ўқиганда беихтиёр халқимизнинг ватанпарвар ва мард, жасур сиймолари кўз олдимизга келади. Адиб уларнинг миллий кийиниши, юриш-туриши, хатти-ҳаракати ва дунёқараши, хуллас, барча жиҳатларига миллийлик мезонларидан келиб чиқиб ёндашади. Романда Маҳмуд Торобий ва унинг пири, устози Шамсуддин Маҳбубий бошчилигидаги мўғул боскинчиларига қарши олиб борилган халқ қўзғолони ва бу ғазовот тафсилотлари ҳикоя қилинади. Асарда Чингизхоннинг авлоди Чиғатойхон ва уларга сотилган маҳаллий бой-амалдорлар Бурҳониддин, Бўринайхон, машҳур савдогар Маҳмуд Ялавоч образлари ҳам яратилган. Тарих саҳнида мўғул боскинчилари қўлида қўғирчоқ бўлган ноиблар, доруғалар, амирлар аёвсиз танқид остига олинади. Улар Шамсуддин Маҳбубий, Муҳиддин Камол, Суйгуна Зебо, Зор Жаҳон, Ҳур Қийғир каби образлар Чиғатой, Маҳмуд Ялавоч, Бурҳониддин, Бўринайхон, Оловхон Юсуф, Алиакбар хожа ал-Бухорий образларига қарама-қарши қўйилган ҳолатда тасвирланади. Бу эса иймон поклиги, руҳ мусаффолиги ҳақидаги, адибнинг одам ва одам ҳақидаги бадиий-эстетик фалсафий концепциясини кўрсатишга хизмат қилади. Асардаги мана шу руҳни тўғри илғаган ёш тадқиқотчи А.Ҳамрақулов "А.Дилмурод романида қўзғолонга олиб келган асосий сабаблардан бири сифатида миллий ва диний қадриятларнинг топталиши қаламга олинган... романда бу омил таъкидлаб кўрсатилган бўлиб, бу нарса асар яратилган давр шароити билан изоҳланади... А.Дилмурод романидаги талқин тарихий ҳақиқатга мувофиқ эканлиги, у замона ғалаби билан ўтмишни сохталантирмағани, балки ўтмишдан замонаси билан муштарак нуқталарни излагани яна бир карра исботини топди"[48], - деб ёзади.

48 Ҳамроқулов А. Ўзбек адабиётида Маҳмуд Торобий қўзғолонининг бадиий талқини. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 54-55.

Кўринадики, Асад Дилмурод романида миллий қаҳрамон фақат Ватан озодлиги учун курашгувчи фидойи шахс бўлибгина қолмай, балки юртда миллий ва диний қадриятларнинг барқарор бўлиши учун ҳам курашга отланган миллий қаҳрамон қиёфасида намоён бўлади. Романдаги бундай бадиий талқин тарихий ҳақиқатга ҳам тўла мос келади. Тарихчи Л.Бойматовнинг ёзишича, мўғуллар босиб олинган ўлкада зўравонликни авж олдириш билан бирга «оқар сувда таҳорат қилмаслик", "қўйни бўғизлаб сўймаслик" каби халқ урф-одатларини оёқ ости қилганлиги учун ҳам оддий мусулмонларнинг ғазабини қўзғатган[49]. Бу каби тарихий воқеалар романда ҳам ўз аксини топганлиги ушбу асарни миллат руҳига яқинлаштиради, унинг қадриятларини эъзозлаб-авайлаш кераклигини яна бир марта уқтиради.

Китобхон роман мутолааси чоғида асардаги фожиавий лаҳзалар билан танишар экан, инсоният тарихидаги хунрезликларнинг барчаси ҳокимият, тож-тахт, салтанат учун ҳар қандай қабиҳликлардан тап тортмайдиган шахслар томонидан қилинганлигининг гувоҳи бўлади. Маълумки, мўғул салтанатининг асосчиси Чингизхон ўз қиличи билан халқимиз бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўргуликларни солган. Ёзувчи XIII асрдаги мўғул босқини даврини кўрсатиш орқали эътиқод ва эрк, фитна ва фисқу фасодларга ўралашган инсон тақдирини тасвирлайди ҳамда тарих ғилдираклари остида эзилиб, чилпарчин бўлган мураккаб характерли шахслар образини яратади. Шомонийлар эътиқодининг мудҳиш урф-одатлари ҳақидаги, яъни Малика Гуранинг ўғли Ганду Чинонинг руҳи шод бўлиши учун, унинг хизматига маъсума қизларнинг қурбонлик сифатида қатл этилиши учун уюштирилган маросим тасвири китобхонни ларзага солади.

Суйгуна Зебо образи кўп жиҳатдан Эрон босқинига қарши дадил кураш олиб борган Тўмарис образини эслатади. Унда эркакларга хос довюраклик, мардлик, курашчанлик, эркка ташналик мужассам. Малика Гура эса романда фожиавий қисмат соҳибасига айланган аёл образи сифатида талқин этилса-да, жоҳилликдан ёруғликка чиқа олган етук образ. У Чингизхоннинг невараси бўлиши баробарида эрию уруғ-аймоғига, динига хиёнат қилиб бўлса-да, Маҳмуд Торобийни озод этади. Назаримизда, Малика Гуранинг Маҳмуд Торобийга бўлган муҳаббати ва айни пайтда улар ўртасидаги севги саргузаштлари

---

[49] Бойматов Л. Маҳмуд Торобий қўзғолони // Ёшлик. – Тошкент, 1989. – 1 сон. – Б. 65.

асарга ўзгача жозиба бахш этгандай туюлади. Умуман, романдаги Маҳмуд Торобий билан Гура хотин, Муҳиддин Камол билан Суйгуна Зебо ўртасидаги соф муҳаббат мотивлари ўқувчини тўлқинлантиради. Бироқ, ёзувчининг талқинича, муҳаббат кишини эзгу ишларга ундаш билан бирга айрим манфаатпараст шахслар қўлида қуролга айланиши ҳам мумкин. Чунки асардаги севгисига эришиш учун ҳар қандай разиллик ва хоинликлардан қайтмайдиган кишилар образлари фикримиз далилидир. Шундай кимсалардан бири Оловхон Юсуфдир. У севгани Сузук васлига етишиш учун ҳар кандай қабоҳатдан қайтмайди, халқ олкишлаган қаҳрамон Маҳмуд Торобийнинг кушандасига айланади. Ғазавотчилар ўлимларини бўйнига олиб, улуғ муҳорабага киришадилар. Романда тиз чўкканича "Ҳурлик учун" деб жон таслим этган Суйгуна, ўлими олдидан чўккалаганча ватан тупроғини кўзларига суртган Муҳиддин Камол, копга солиниб дарёга оқизилган Субуҳабиби, онаси ортидан йиғлаб чопаётганда қилич зарбидан калласи думалаб тушган Маҳмуд Торобийнинг ўғли Жалолиддиннинг мудҳиш тақдири, "Алвидо, бегим, жасадлар ичра жасад бўлгум!" дея шивирлаб жон таслим этган Гура ва ниҳоят, ўлими олдидан "Ёмон аччиқ бўлар экан ўзингники..." каби сўзларни айтган Махмуд Торобий ва унинг сафдошларининг аламли тарихи китобхонни беэътибор қолдирмайди.

Ғазовотчилар ўз сардорларининг ҳаётини хам асраб қололмайдилар. Гура Маҳмуд Торобийни жон-жаҳди билан ҳимоя қилишга уринса-да, бунинг уддасидан чиқа олмай шаҳид кетади. Ёзувчи тасвирлаган хунрезликлар ва тарихимизнинг фожиавий лавҳалари ислом динини оёкости қилиб, халкнинг маънавий, моддий бойлигига боскинчилик ва зуғум билан шикаст етказган мўғул боскинчиларига қақшатқич зарба бера оладиган, ватани, унинг ҳар бир қарич тупроғию анъаналарини, миллий кадриятла-рини муқаддас билувчи ботир ўғлонлари ва мард, жасур аёллари борлигини кўрсатишга хизмат қилиши билан ибратлидир. Ёзувчи ўзининг бу бадиий ниятини Маҳмуд Торобий, Муҳиддин Камол. Суйгуна Зебо, Шамсиддин Маҳбубий, Ҳур Қийғир, Кичкина Қийғир каби бир қатор қаҳрамонлар тимсолида мужассамлаштира олган. Улар китобхонда мозийдаги юртдошларимизга нисбатан фахр ва ифтихор туйғусини уйғотиб, мухим тарбиявий вазифани хам адо этишади.

Асад Дилмурод тарихий воқеаларни шунчаки қуруқ ҳикоя қилибгина қолмаган, тарихий фактларни ўзининг хаёлоти ва тасаввур бойлигидан келиб чиқиб ифодалайди. Гап шундаки, романдаги Бўринайхон ва у билан боғлиқ кана ва канахона тасвири, Маҳмуд Ялавочнинг тушидаги ерости салтанати, яъни абадий ёвузлик худоси Эрлик ҳукм сурувчи мамлакатга тушиб қолиши ҳақидаги туш лавҳалари, Маҳмуд Торобийнинг Хизрга ўхшаб, дарвеш Адоий қиёфасида Маҳмуд Ялавоч билан учрашувлари, Суйгуна Зебонинг қатл майдонидан омон қайтиши, Малика Гура билан Маҳмуд Торобий ўртасидаги муҳаббат лавҳалари, Муҳиддин Камол, Нигина, Садафбиби ва Суйгуналарнинг ғорга қамалиб қолиб, сўнгра душман қўлида ҳалок бўлиш лавҳалари асарда чуқур драматизм билан суғорилган.

Романда чин маънода ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги абадий кураш талқин этилган. Назаримизда, романдаги чуқур инсоний гоялар "Қуръони карим"даги юксак гуманизм ва Аллоҳга бўлган эътиқод билан суғорилишидан ташқари, ёзувчи асарнинг жуда кўп ўринларида рамзий ишоралар билан иш кўраётганини китобхон ҳис этиб туради. Асад Дилмурод Бўринайхон образини тасвирлар экан, унинг халқ орасида "кана" номи билан машҳур бўлганини таърифлайди. Унинг кўзига осмондаги ой ўрнида катта кана осилиб тургандек бўлиб кўринади. Назаримизда, бу бадиий деталлар асарда рамзий моҳият касб этган, яъни Бўринайхон тимсолида оддий халқнинг қонини кана мисоли сўриб олаётган маҳаллий ҳукмдорлар образи тасвирланган.

Маҳмуд Ялавоч тарихий шахсини бадиий асарга олиб киришда ҳам Асад Дилмурод ўзига хос мезонларга амал қилади. Бу ҳақда И.Ёқубов шундай фикр билдиради: "Савдогар Маҳмуд Ялавоч шахси ва унинг ўғли Масъудбекка нисбатан тарихий-адабий манбаларда келтирилганидек стереотиплар асосида ёндашмайди, балки мураккаб тақдир эгалари сифатида талқин ва таҳлил этади"[50]. Маҳмуд Ялавоч бир умр жон ва мол, мансабу мартаба қайғуси билан яшайди. У ўзининг ҳийлакорлиги ва айёрлиги билан Чингизхондек мўғулнинг кўнглига йўл топган. Тарихда энг айёр, уддабурон савдогар сифатида донг таратган тарихий шахс. У ҳақда тарихий манбаларда, жумладан, А.Якубовскийнинг "1238 йилги

[50] Ёқубов И. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент. 2008.- 4сон. - Б.32.

Торобий қўзғолони" асарида ёзилишича, мўғуллар мамлакатни бошқаришни бутунлай Маҳмуд Ялавочга топшириб қўйишган. У эса ўз ҳокимиятининг бардавом бўлиши учун ўз элига нисбатан хунрезликлар қилишдан тортинмаган[51].

Асад Дилмурод Маҳмуд Ялавочнинг қилган макрлари, ўз халқи ва қавмига қилган сотқинлигини унинг тушидаги жазо орқали кўрсатиб беради. Маҳмуд Ялавоч хоинлиги учун бу дунёдаёқ ўз жазосини олади. Тушида шомонийлар динидаги ерости мамлакати Эрлик ҳукм сурувчи ёвузлик мамлакатига сургун қилинади. У ерда Маҳмуд Ялавоч Чингизхон ва унинг хотини билан кўришади. Маҳмуд Ялавочнинг Ёвузлик салтанатига маҳкум этилишида жуда катта фалсафий маъно мавжуд. Маҳмуд Ялавоч мўғул босқинчиларининг хунрезликларидан халқига етказилаётган зуғумни жуда яхши тушунади. Аммо, афсуски, у салтанат, мол–дунё ва жон қайғусида ватанига, халқига хоинлик қилади. Унинг бу жинояти минглаб одамларни қиличдан ўтказган қонхўр Чингизхон қилмишидан кўра ҳам даҳшатлироқ эканлиги асарда бадиий бўёқларда акс эттирилган.

Оловхон Юсуф образи ҳам кўп жиҳатдан ўз нафсига қул бўлган инсон тимсолидир. Отаси Зор Жаҳон бундай ўғилнинг баҳридан кечиб юборади. Жоҳил Оловхон Юсуф шу қадар ёвузликка борадики, тахт, мансаб учун гаровга қўйилган Маҳмуд Торобийни ўлдирибгина қолмасдан, шу пайтгача ўзига ҳамтовоқ бўлиб келган Алиакбар хожа Бухорийни ҳам ўзига рақиб билиб, уни ўлдиради. Бу лавҳаларда инсоннинг нафс балоси туфайли маънавий жиҳатдан нақадар тубанлашуви, ёвузлик инстинктлари жўш уриб, инсонийлик қиёфасидан маҳрум бўлган ўта жоҳил бир махлуққа айланиши мумкинлиги ҳаққоний кўрсатиб берилган.

Романда қўзғолончилар жисман енгилган бўлишса-да, руҳан ёвуз кучлар устидан ғалаба қозонганини сезиб турамиз. Зеро, ўлимни ҳам писанд қилмасдан душман қаршисига чиққан Суйгуна ва Муҳиддин Камол жасорати, соф муҳаббат туфайли руҳан покланиб, Аллоҳга сажда қилган Малика Гура нижоати, ўлими олдидан мардларча "Ур, иним, ура қол, бас, маҳтал қилма! Бу жон омонат, омонат жонни шундай кунда топширмасам, қачон топширамсн?!

[51] Якубовский А. Восстание Тараби 1238 г. К истории крестьянских и ремесленных движений в Средней Азии // Доклады группы востоковедов па сессии АН СССР 20 марта 1935 г. – М.- Л.: 1936. – С. 113.

Эсимни таниганимдан бери орзу қилдим Аллоҳ дийдорига етишмакни, шул саодатни сенинг қиличингдан буюрган экан! Ур, ура қол, махтал қилма!.."[52] деган Маҳмуд Торобийдек қаҳрамонлар аслида душмандан енгилган эмас. Улар романда тасвирланган ҳар қандай йўл билан бўлса-да моли ва жонини ҳимоя қилган калтабин шахслардан минг чандон устун туриб, мардона ўлимни ўзларига саодат деб билишади.

Асад Дилмурод романда халқимизнинг афсонавий қаҳрамонига айланган Жалолиддин Мангуберди тарихи ва у билан боғлиқ тафсилотларни тез-тез ёдга олади. Чиғатой Маҳмуд Торобий қиёфасида бобоси Чингизхонга қарши курашган, тилларда достон бўлган, мўғулларга какшаткич зарба берган Жалолиддин Мангуберди сиймосини кўргандек бўлади. Аслида романда тасвирланган Маҳмуд Торобий ва унинг оиласи, яқинлари тақдири Жалолиддин тақдирига жуда ўхшашдир. Шунингдек, Темур Малик ҳақидаги хотиралар ҳам тез-тез эсга олишади.

Маҳмуд Торобий образида миллий қаҳрамонга хос хусусиятлар мустаҳкам эътиқод, эгилмас иймон, эркка ташналик ва озодлик учун кураш каби энг юксак фазилатлар мужассам. Роман асосида, адабиётшунос И.Ёкубов таъкидлаганидек, "жаҳолат ва ёвузлик, хиёнат ва қабоҳатнинг инкори орқали эътиқод бутунлиги, иймон мусаффолиги, эрк соғинчи, юртга садоқат сингари ардоқли туйғуларни улуғлаш ётади"[53]. Бундан ташқари, Асад Дилмурод Маҳмуд Торобий жасоратини бадиий талқин этиш орқали халқимиз тарихидаги мураккаб бир давр ҳаёти ҳамда ғоят чигал инсон руҳиятини китобхонга ҳаққоний етказа билган. Китобхонни нафақат, ўтмишда бўлган воқеалар ва шахслар қисмати ҳақида сўзлашга, балки бугунги инсоннинг турмуши, интилишлари, эътиқоди, имони, ишончи ҳақида чуқуррок ўйлаб кўришга даъват этади. Роман қаҳрамонлари тимсолида адиб муҳаббат ва нафрат, меҳр ва оқибатсизлик, улуғворлик ва тубанлик, яхшилик ва ёмонлик, мустаҳкам эътиқод ва бебурдлик сингари қарама-қарши туйғулар параллеллизми орқали ўзининг бадиий-эстетик фалсафасини китобхонга сингдиришга эришган.

---

[52] Асад Дилмурод. Маҳмуд Торобий. - Тошкент: Шарқ НМК, 1998. – Б. 285.
[53] Ёкубов И. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. - 4-сон. - Б.32.

Асад Дилмурод бу романни ёзиш учун тарихий маълумотлар ва манбалар билан жиддий танишганлиги кўриниб турибди. Романдаги Ҳур Қийғир, Кичкина Қийғир, Зувалак, Дарвеш Адоий, Зор Жаҳон, Оловхон Юсуф, Жўра Говбош, Эрдана Қузғун каби кўплаб тўқима образларнинг исмлари, уларнинг номлари замирига юкланган бадиий-эстетик мазмун киши диққатини ўзига тортади. Жумладан, Маҳмуд Торобийнинг укалари Қийғир эркесвар қуш маъносини англатса, Маҳмуд Ялавочнинг югурдаги Зувалак исми "зувиллаб юриш" маъносини билдиради. Оловхон – жаҳли тез, узоқни ўйлаб иш кўрмайдиган, лов этиб ёниб, тез учувчи шахс. Зор Жаҳонни рамзий маънода бу дунёда эркка ташна, озодликка зор бўлиб яшаган инсон тимсоли дейиш мумкин.

Романда тасвирланган шиддаткор жанг, босқинчиларга қарши олиб борилган мардонавор кураш саҳифалари кўп жиҳатдан Жалолиддин Мангубердининг Чингизхонга қарши олиб борган кураш тарихини ёдга солади. Хусусан, Шамсуддин Маҳбубийнинг хатти-ҳаракатлари Чингиз босқинчиларига қарши жасорат билан курашган кекса сўфий, қўлида туғ тутганча "ғазавот" эълон қилиб, жон берган урганчлик Шайх Нажмиддин Кубро сиймосини эсга солади. Демак, романдаги бир қатор тарихий ва тўқима образлар тимсолида босқинчиларга қарши курашган минглаб халқ қаҳрамонларининг ҳаёти ва тақдири мужассамлаштирилган. Қолаверса, адиб бу тарихий романга қўл уришдан аввал мўғул босқинчиларига қарши олиб борилган ўзбек халқининг кураш тарихини акс эттирган В.Яннинг "Чингизхон", Мирмуҳсиннинг "Хўжанд қалъаси" каби тарихий ва бадиий асарларидаги ижодий тажрибаларни жиддий ўрганганлиги шубҳасиздир.

Маҳмуд Торобий образи романда сийму зарга, шон-шуҳратга учмайдиган кўнгли мусаффо, дарвештабиат киши тимсоли сифатида талқин этилади. Унинг дунёқараши, одамларга, халқига бўлган муносабати, самимиятида миллий қаҳрамон дейишга арзийдиган кўплаб фазилатлар мавжуд. Маҳмуд Торобий халқ орасида ёлғиз ўзи айланишни, уларнинг ҳаётини яқиндан кузатишни, бозорларни кезишни жуда хуш кўради. Назаримизда, бу ўринда ҳам Асад Дилмурод рамзий-фалсафий маънони илгари сурган бўлиб, дунё аслида одамлар келиб-кетувчи бозорга ўхшатилади. Рамзий маънода "бозор" – янги дунёни кузатаётган Маҳмуд Торобий образи донишманд инсон тимсолидир. Кўринадики, ёзувчи нафақат та-

рихий роман тажрибалари, қолаверса, бугунги модерн романчилик тажрибаларини "Маҳмуд Торобий" романида синтез қила олган. Асардаги ҳар бир жумла, воқеа-ҳодиса замирида катта фалсафий мазмун яширинган. Маҳмуд Торобийга туҳмат қилишга уринган мулла Ибод тимсолида бировга чоҳ қазиб, ўзи ўша чоҳга қулаб тушган жоҳил киши образи мужассамлашган.

Хулоса қилиб айтганда, романда кўзголончилар жисман мағлубиятга учраган бўлсалар-да, руҳан кўнгил поклиги, иймон бутунлиги, эътиқод собитлиги жиҳатдан қузғунлар устидан ғалаба козонди, дейиш мумкин. Маҳмуд Торобий образида ота-онасининг қони билан ўтган эрксеварлик фазилати мужассам, ватан тупроғини ҳар нарсадан муқаддас билувчи миллий қаҳрамондир. Зеро, унинг онаси Озода Зайнаб "ўз уйим – ўлан тўшагим" деб ўз вайрона кулбасини ҳар нарсадан азиз кўриб, душман қўлида жон беради. Момоларимизнинг ўз оиласига, фарзандларига меҳру муҳаббати, турмуш ўртоғига садоқати айнан Озода Зайнаб, Субуҳабиби образлари талқинида ифода этилган. Романда тасвирланган қаҳрамонларнинг ҳар бири ўз қиёфасига эга бўлиб, улар китобхон кўзи ўнгида ўзбек халқининг XIII асрдаги тарихий ҳаёти ҳаққоний гавдаланишига хизмат қилган.

Истиқлол арафасида ва мустақиллик йилларида яратилган тарихий романларда ёзувчининг миллий руҳ ва миллий қаҳрамон характерини яратишда турлича услублар ва услубий воситалар билан иш кўрганини кузатиш мумкин. П.Қодиров ва Муҳаммад Али романларида бевосита реал ҳаётда яшаётган қаҳрамонлар билан иш кўриш воситасида миллий руҳни асар давомида бадиий жонлантиришга ҳаракат қилинса, ёзувчи Омон Мухтор ушбу мақсадга билвосита, яъни тарих ва замонни уйғунлаштириш йўлидан борганини кузатамиз. Асад Дилмурод талқинича, тарихда эзгулик ва ёвузлик нисбати доимо бирга юради. Улардан бирини ибрат қилиб кўрсатиш билан бирга ёвузликка нисбатан доимо беаёв бўлишликни тарғиб қилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам миллат тақдирига жавобгар бўлган буюк тарихий сиймолар образи билан иш кўриш ўзбек романнавислари асарларининг туб моҳиятини ташкил этиб, улар воситасида тарих – замон – келажак муносабатлари бадиий талқин марказига қўйилганини англаш мумкин.

## ДАВР ЗИДДИЯТИ ВА ҚАҲРАМОН ХАРАКТЕРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

### Ўзбек романчилигида авлодлар қисматининг бадиий ифодаси

Миллий колорит ёки миллий руҳни ўзида мужассамлаштирган қаҳрамонлар образини этномаданий қадриятлар доирасида эмас, балки миллийликнинг кушандасига айланган шўро даври муҳити акс этган воқеа-ҳодисалар фони орқали ҳам тасвирлаш мумкинми, деган масала адабиётшуносларни қизиқтириши табиий. Собиқ иттифоқ таркибидаги баъзи бир республикаларнинг адабиётшунос олимлари ҳам ўз миллий адабиёти намуналарини таҳлил ва талқин қилиш орқали ушбу саволга жавоб беришга уринган эдилар. Айниқса, Болтиқбўйи Республикалари адабиётшунослиги ҳар бир халқ адабиётида ўзига хос миллий руҳ ифодаси учун жиддий курашган адабий минтақалардан бири бўлди. Хусусан, Литва романчилигининг 50-70-йиллардаги тадрижий ривожини кузатган адабиётшунос олим А.Бучис «миллий роман ўзининг тараққиётига зарар қилмаган ҳолда асримизнинг турлича қарама-қарши қарашларини ифода қила оладими, агар шунга қобил бўлса, бу жараён қандай кечиши мумкин? Миллий қаҳрамоннинг онгости шуурини бериш орқалими ёки бошқа ҳаётий воқеалар баёни туфайлими, бунга қандай эришиш мумкин?», деган муаммони Й.Авижюс, Ю.Балтушис, Ю.Марцинкявичюс, Й.Микелинскас романлари таҳлили орқали тадқиқ этган эди[54]. Бу ҳолни нафақат замонавий литва романларида, балки бу минтақадаги миллий кўтарилишга у қадар хушламай муносабат билдирган Марказий Осиё халқлари романчилигида ҳам кузатиш мумкин. Айниқса, шўро мафкурасининг нураш даври ҳисобланган 90-йилларнинг бошига келиб миллий ҳурликни ўзига хос равишда ҳис қилиш ёзувчилар тафаккурида янги типдаги образларни шакллантирди. Бунинг натижасида ижодкорларнинг асарларидаги қаҳрамонлар тасвирида миллий руҳ ва миллий дунёқарашга эга бўлган инсон образининг ўзига хос тарздаги бадиий ифодаси акс эта бошлади. Янгича воқеликни қабул қилиш, уни таҳлил этиш ва инсонни ҳар томонлама тасвирлаш ижодкорлар учун осон кечмади. Чунки «ўзбекнинг ўзига хос табиатини, кўнглидаги сезимлар ва майлларни акс эттириш ғоят мураккабдир. Чунки ўзига хослик

---

[54] Бучис А. Роман и современность. – М.: Сов. писатель, 1977. – С. 407-408.

ичкарига кўчди. Бу ҳол тасвирнинг теранлигини, бадиий нигоҳнинг ўткирлигини тақозо этади»[55]. Миллийлик масаласига қаратилган баҳс-мунозаралар адабиётшуносликнинг доимий диққат марказида бўлиб келганлигининг асосий сабаби миллатнинг ўзлигини англаши ва уни бадиий ифода этиш масаласи адабиётнинг абадий ва анъанавий мавзуси эканлиги билан белгиланади.

Шўро даври романларида миллийлик адабиётнинг бош тамойили сифатида эмас, балки қаҳрамон ва персонажларнинг айрим хатти-ҳаракатларида, халқнинг урф-одатлари тасвиридагина ўз аксини топган бўлса, мустақиллик даврида яратилган романларда миллий характер ва миллий руҳ романнинг бош ижодий тамойилига айланди. Натижада маънавий тикланиш жараёни фаол кечган бу даврда унутилиш арафасига келиб қолган миллий қадриятларни тиклаш ва халқимиз тарихини истиқлол мезонлари асосида холисона баҳолашга интилиш кучайди. Бу ҳолат айни пайтда адабиётнинг ҳам бош тамойилига айланди. Зеро, «ҳар бир адабиётнинг бош хусусияти миллийлигидир. Шунинг учун ҳам миллий адабиёт деймиз. Дунёда эса минглаб миллатлар, элатлар бор. Бирини иккинчиси билан адаштирмайсиз. Чунки бири иккинчисидан "нимаси" биландир фарқ қилади. Мана шу "нимаси" бўлмаган, ўзлиги йўқ миллат узоқ яшай олмайди, бошқасига сингиб кетади», – деб ёзган эди профессор Б.Қосимов[56].

Дарҳақиқат, адабиётдаги миллий ўзликни англаш деганда воқеликнинг миллат характерига мос жиҳатларини тасвирлаш, миллий анъаналарни қадрлаш ҳамда миллий ифтихорни туйиш натижасида бадиий адабиётда миллийлик тамойилларини кенгроқ акс эттириш назарда тутилади. Шу нуқтаи назардан истиқлол даври ва мустақиллик арафасида яратилган романларни кузатганда, халқимизнинг миллий табиати ва менталитетига хос кўплаб хислат ва хусусиятлар акс эта бошлаганини, миллат кишисининг "феъли"ни кўрсатиш, унинг дарди, қувончу кўнгил кечинмалари тасвирига кўпроқ эътибор қаратилганини пайқаш қийин эмас. Айниқса, сўнгги даврларда яратилган романларда бу яққол намоён бўлмоқда. Сабаби, роман жанри бу борада кенг имкониятларга эга бўлиб, у ўз бағрида турли тарихий воқеаларни ҳам, халқ руҳиятининг кўзгусига айланган қа-

---

[55] Йўлдошев Қ. Замон, қаҳрамон ва ўзлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2003. - 14 март.
[56] Қосимов Б. Олам ичра олам бўлмоқ // Жаҳон адабиёти. - 1998. - 1–сон. – Б. 10.

димий анъана ва удумларни ҳам, миллат кишисининг қалбида кечган ботиний эврилишларни ҳам бутун борлиғича акс эттириш имкониятига эгадир. Шунинг учун ҳам миллий қаҳрамон ва миллий руҳиятнинг бадиий талқини масалаларини роман таҳлили доирасида ўрганиш қаҳрамон характерининг давр муаммолари тизимидаги ифодасига доир янги назарий умумлашмалар қилишга имконият яратади.

Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида[57] шўро даври одамларининг бесамар умри, завол кетган эътиқоди, тасвирлари орқали миллат кишисининг фожиали қисмати акс эттирилади. Романнинг бош ғояси ўзининг алданиб яшаганини англаб етмаган шахс фожиасини кўрсатишдан иборатдир. Ёзувчи асарида манфур сиёсат туфайли миллат бошига тушган фожиа, турли хил баҳона-сабаблар билан халқнинг асл фарзандларини йўқ қилишга қаратилган қатағонлик амалиётларининг айрим кўринишларини қаламга олар экан, ана шу жараёнда фаол иштирок этган басир, сўқир қиёфасини, фожиали қисматини тасвирлайди. Романнинг асосий қаҳрамонларидан бири Комиссардир. Унинг асли исми Соат Ғаниев бўлса-да, муаллиф уни исми шарифи билан эмас, балки расмий тарзда *Комиссар* деб таништиради ва асарни ўқиш давомида унинг бу тутими тўғри эканини англай борамиз. "Бу одамнинг Соат Ғаниев деган исми-шарифи бор. Бирок. исми-шарифидан кўра, Комиссар деган лақаб унга муносиб. У шахс эмас, касб, мансаб, мартаба, мафкура, сиёсат одами"[58].

Энг муҳими, бу типдаги "советлашган" қаҳрамонлар миллий копоритдан маҳрум оддий инсонларга хос бўлган ҳис-туйғулардан ҳам бебаҳра, онгу шуурида ҳар қандай топшириқни сўзсиз бажариш лозим, деган тушунчадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бундай тасвир ёзувчининг ютуғи сифатида баҳоланиши мумкин. Бу қаҳрамоннинг ўй-мушоҳадалари орқали биз Иккинчи жаҳон урушининг аянчли фожиалари билан танишамиз. Шунингдек, қатағон сиёсатининг фожиали оқибатлари туфайли қурбон бўлган қанчадан-қанча хурфикрли зиёлилар ва уларнинг яқинлари тақдирларидан бохабар бўламиз. Қолаверса, собиқ иттифоқнинг инқирози бошланган 80-йилларда «Ўзбеклар иши» номи билан ташкил этилган навбатдаги қатағонлик сиёсати туфайли бадном қилинган халқимизнинг беайб

---

[57] Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар: Роман. – Тошкент: Шарқ НМК, 1994.
[58] Норматов У. Шахс жумбоғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати . – 2001. – 19 январь.

фарзандлари қисмати, Афғон уруши туфайли бевақт нобуд бўлган қанчадан-қанча ёш-ёш йигитларимизнинг фожиали ҳаёти акс этган лавҳалар миллат фожиаси даражасига кўтарилади. Миллий ўзлигидан айрилган ёш авлоднинг ҳам руҳан, ҳам жисман ногирон бўлиб қолиши каби ҳодисалар Ўткир Ҳошимов томонидан романга хос мушоҳада доирасида катта маҳорат билан тасвирлашган. Асарда акс этган аср қисмати миллат пешонасига битилган фожиа сифатида талқин қилинади.

Романнинг етакчи қаҳрамонларидан бири шўро сиёсати тарбиялаган киши, шу сабабли у коммунистик эътиқодни ўз ҳаётининг бош мезони сифатида қон-қонига сингдириб олган. Шу юрт, шу заминнинг фарзанди бўлишига қарамай, маҳалладошлари ва миллатдошларидан ҳар бирининг қиёфасида "ёт унсур"ни кўради ва уларга қарши шафқатсизлик билан курашади. У табиатан ҳар бир нарсадан, ҳар бир одамдан шубҳаланувчи, ҳеч кимга ишонмайдиган диёнатсиз кимса. Шубҳа бандаси бўлиб яшаганлиги сабабли қонқонига сингиб кетган бу одат ва салбий ҳислатлар қариган чоғида ҳам уни тарк этмайди. Умрининг поёнида одамлардан ажралиб, якка ўзи яшашга мажбур бўлади. Садоқатли ва меҳрибон хотинининг вафотидан сўнг уйланган рус аёли унга юзсизларча хиёнат қилади. Умрининг мазмуни бўлган фарзандлари ҳам ундан юз ўгиради. Шу боис, унинг бирдан-бир овунчоғи ҳам, ўзи бажариши лозим бўлган энг муҳим иши ҳам тонгда туриб сут олиб келиш ва навбатда турган одамларнинг гап-сўзларига зимдан қулоқ тутиб, улардан сиёсий айб қидиришдан иборат. Аслида энди унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, у давру-даврон сурган "доруламон" йиллар ортда қолиб кетган, бироқ қалбидаги тарки одат уни сира тарк этмайди. Шунинг учун ҳам гоҳ-гоҳ бўлиб турадиган турли тадбирларда шўро даврида олган медалларини тақиб, қатнашиб туриш унга завқ бағишлайди. Ана шу завқдан маст одамдек карахт бўлиб, ўзи қурган жамиятнинг аллақачон қулагани ва бугунги ёшларнинг янги жамият қуриб, янгича яшаётганлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди. Шу боис, бугунги кун кишиларининг барчаси унинг кўзига нодон ва ношуд бўлиб кўринаверади.

Комиссар ўзлигини англай билмагани каби шиддат билан ўзгариб бораётган замонни ҳам тушуна олмайди. Асарда тасвирланишича, унинг биринчи хотини, Комиссар билан бир умр бирга яшаган аёл бутунлай бошқа олам кишиси эди. Бағри кенг она, вафодор

ва садоқатли хотин, имонли ва меҳрибон аёл миллий анъаналарни ўзида мужассам этган миллат киписи эди. Камтарин ва камсуқум, табиатан итоаткор бўлган бу аёлнинг ўлими ҳам осон юз беради. Ўткинчи дунёга қўл силтаб, бир зумда жон таслим қилади. Мана шу бир-бирига қарама-қарши характердаги кишиларнинг бир умрга бирга яшашга маҳкум этилганлигининг ўзи ҳам бу оламда ноҳақлик ва адолатнинг ёнма-ён туришидан далолат беради. Бироқ бу аёл ўз эрининг канчалик ноҳақ эканлигини билса-да, ҳеч қачон унинг камчиликларини юзига солмайди ва унга тик қарамайди, ҳатто ўз норозилигини ҳам бaралла айтмайди. Муштипарликни ўзига сингдирган бу аёл миллат кушандасига айланган шахснинг қўлига тушиб, у билан муроса-мадора қилиб, бутун умрини ўтказган. Ёзувчи миллатга хос бу хусусиятни ўзида мужассам этган қаҳрамонни миллий қаҳрамон сифатида кўрсатишдан тийилади, чунки муштипарлик миллатнинг умумий хусусияти эмас, балки айрим шахсларгагина хос бўлган сифатдир. Уни умуммиллий хусусият даражасига кўтариш мард, танти, кези келганда, курашчан халққа нисбатан нохолислик бўлишини муаллиф яхши сезган. Шунинг учун ҳам асосий эътиборни ана шу аёл билан юзма-юз яшаб, бир умр қисматдош бўлган кишига қаратиб, манқуртлашган шахс тақдирини тасвирлаган.

Асарда яна бир худди шундай характерга эга бўлган миллат аёлининг вакили – Қурбоной хола образи ҳам бор. У ёшлигида адолатсизликлар сабаб қамалган отасидан бевақт жудо бўлган, Комиссар каби номардлар томонидан хўрланган онаси номусга чидай олмай ўзини осиб қўйишига гувоҳ бўлган. Энди бахтимни топдим деганда турмуш ўртоғидан ҳам эрта айрилган бу аёл қизи билан ёлғиз яшаб, кўча супуриб умргузаронлик қилади. Бироқ тақдир унга канчалик адолатсизлик қилган бўлмасин, бир умр ўз эътиқодига содиқ яшайди, ўзлигини, имон-эътиқодини йўқотмайди. Шунингдек, Комиссар уни қанчалик таъқиб этмасин, нолишни ва қасос олишни билмайди. Унинг ҳаётга ўз қарашлари бор, бу инсонга ишонч, ҳурмат, садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалол пул топиш бўлиб, буларни жамиятдаги ижтимоий қийинчиликлардан баланд қўяди. Қийналганда Аллоҳдан шафқат сўраб, шодланганда унга шукрона келтириб, жойнамоз устида чин дилдан дунёга тинчлик, одамларга хотиржамлик тилаб яшайди.

Қурбоной хола ўзига нисбатан қилинган шафқатсизликларга қарши курашмайди. Қасд олиш ва курашувчанлик унга бегона. Ҳатто эсини танигандан буён таъқиб қилиб келаётган Комиссарни гарчи ёмон кўрса-да, очиқ қарғамайди, унга нисбатан бўлган нафратини очиқ сездирмайди ҳам. Қурбонойнинг бу хатти-ҳаракатидан Комиссар ажабланади. Қурбоной холанинг сабр-тоқатини ўз каричи билан ўлчаган Комиссар: «Сен мени қарғасанг керак-а?» – деб сўрайди. Қурбоной холанинг сукутини ўз каричи билан баҳолайди ва «қўрқади», – деган хулосага келади. Ваҳоланки, Қурбоной хола қўрққанидан эмас, «Худонинг борлигини қалбига жойлаб», барча кўргиликларга кўникиб яшайди. Комиссарнинг кирдикорларини унинг виждонига ҳавола қилади ёки «Худога солади». Қурбоной хола даврнинг қанча эврилишларига тик қараган, мустаҳкам имон билан яшаган, ҳеч бир даврда ўзлигини йўқотмаган аёл. Романнинг бошидан охирига қадар мана шу икки қарама-қарши образнинг хусусиятлари параллел тасвирланади. Улар ўртасида ошкора кураш ўрнини муросасозлик фалсафаси эгаллаган бўлса-да, ҳар икки характер талқинидаги зиддиятлар қаҳрамонларнинг ички дунёси тасвири орқали англашилади. Бири – миллатнинг эзгулик тимсолига айланган мағрур аёли ва иккинчиси – миллатнинг ичидан чиққан сотқин ва худбин киши. Бу икки инсон ўртасидаги ниҳоний курашда Қурбоной холанинг маънавий жиҳатдан баркамоллигини, шунинг учун унинг ғолибликка муносиб эканини ёзувчи ишонарли бўёқларда тасвирлай олади.

Бир вақтлар ўзича мағрур юриб, сохта сиёсий масалаларда ўзини баланд билган ва ўжарлик билан "мен жамиятга керакли шахсман" деган Комиссар бу муштипар аёл қаршисида ожиз эканлигини жуда кеч ҳис этади. Асардаги ҳар бир қаҳрамон муайян давр кишиси, шу сабабли даврга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган қаҳрамонлар руҳияти талқини асарнинг ўқ илдизини ташкил этади. Чунки бу кишилар ўзлари яшаган ва тарбияланган давр ақидаларига содиқ инсонлар.

Комиссар ва Қурбоной хола қатағон йилларининг вакили сифатида романга киритилган бўлса, бошқа бир қаҳрамон Рустам турғунлик даври фарзанди сифатида талқин қилинади. Рустам бир дунё орзулари жўш урган, севиб-севилиб юрган ёшлик, талабалик дамларида ҳарбий хизматга чақирилиб, Афғон урушининг оловли чангалига тушиб қолган. Унинг ҳарбийда орттирган дўстлари кўз

олдида жон таслим қиладилар. Натижада таъсирчан ва нозик туйғулар эгаси бўлган Рустамнинг ҳам дийдаси қотади. Ҳарбий мажбурият туфайли ўзи ҳам тинч аҳоли вакиллари бўлган афғонларга қарши ўқ узиб, одам ўлдиради. Айниқса, ўзи ўлдирган афғон аёлининг очиқ қолган кўзлари ва ўлиб ётган онасининг кўкрагини эмиб турган ёш боланинг мўлтираган нигоҳи ва бу фожиаларга чидай олмаган итнинг нолакор улиши Рустамнинг юрак-бағрини эзади. Ана шу воқеалар бир умрлик аччиқ хотира бўлиб, кўз олдида сақланиб қолганлиги учун ҳам Рустам барча "афғон"чилар сингари асабий, жаҳлдор бўлиб қолади.

Романда акс этган фожиавий тасвирлар Ўткир Ҳошимовнинг дастлабки асарларига хос бўлган лиро-романтик услубдан чекиниб, ҳаётнинг шафқатсиз реалистик манзараларини тасвирлаб адиб сифатида намоён бўлишига хизмат қилади. Адиб танлаган шавқатсиз реалистик услуб айнан роман концепциясига мос равишда танланганини таъкидлаш зарур. Ёзувчи урушнинг даҳшатли фожиаларини фақат қирғинбарот жанг лавҳалари тасвири орқали эмас, балки унинг қаҳрамонлар қисмати ва қалбида қолдирган оғир асоратлари орқали намоён қилиши асарнинг таъсир кучини янада оширган. Роман Рустамнинг "охирги кундалигидаги" ёзувлардан бошланади: "Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди. Оёқ остида касалманд хазонлар инграйди... Энди сув тубида шодон чайқалган майсалар эмас, хазон кўмилиб ётади... Еру кўкни кафандек оппоқ туман чулғайди. Оқ зулмат орасидан қарғаларнинг хосиятсиз фиғони эшитилади... Эрта-индин осмонга мотам либосини кийган булутлар чиқади. Ер устида узоқ чарх уради-да, аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкади. Сим-сим ёмғир ёғади: тўрт кунлик умрида дунёга сиғмаган, охир-оқибат жон таслим этган табиатга аза очиб, унсиз йиғлайди"[59].

Қаҳрамоннинг кундалигидаги сўнгги ёзувлари билан бошланаётган ушбу дилгир пейзаж тасвири романнинг илк саҳифасиданоқ китобхонга мотам исини ёғдиради. Эътибор берилса, "кундалик"да битилган ушбу манзара бу битиклар йигирма икки яшар навқирон йигитнинг эмас, балки ҳаётда ўз умрини яшаб, энди охират билан юзлашаётган қариянинг сўзларидай туюлади. Мана шу мунг, мана шу видо, ушбу мунис оҳанг бутун роман бўйлаб ўтади ва воқеалар сўнггигача сақланиб қолади. Шу ёзувларни қаҳрамон кундалигининг бошланишидаги сўзлар билан солиштирганда "шуд-

[59] Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. Роман. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1994. – Б.5.

ринг томчисидек мусаффо қалбига илк муҳаббат чўғи тушгач", "ўз хаёлида муҳаббат деб аталмиш қасрни бунёд этган"[60] каби тасвирнинг бутунлай акси эканини кўрамиз. Ҳаётга умид билан қараган, ундан мўъжиза кутган йигит уруш офати билан юзма-юз келгач, унинг характерида юзага чиққан ўзгаришлар романнинг алоҳида бир қатламини ташкил қилади. Асар давомида нафақат Рустамнинг ўйлари тасвирига, балки бошқа қаҳрамонлар қисматига ҳам сўнгги ёзувлардаги "оқ зулмат" ўз таъсирини ўтказганини кузатамиз. Айниқса, туғилган кунида онасидан хат олиб, ўзини бахтиёр ҳисоблаб турган қуролдош дўсти бир зумда, кўз олдида фожиали ўлим топиши қаҳрамоннинг қалбини ларзага солади. Буларнинг барчаси Рустам учун унутилмас аччиқ хотиралар бўлиб қолади. Бироқ, бундан ҳам даҳшатли фожиа Рустамнинг умуртқасидан яраланиб тирик қайтиши ва севган ёри билан турмуш қурган бўлса-да, уруш жароҳати қолдирган асорат туфайли унинг васлига етолмаганлиги туфайли юз беради. Натижада, севиб олган хотинига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади ва қалбини кемираётган рашк, юрагидаги аламзадалик ва характерида юзага келган қўрслик уни кун сайин мағлуб қилишга уринади. Оқибатда уруш оловлари ичидан омон чиқиб келган йигит ўзининг ёш умрини хазон этиб, охир–оқибат ўз жонига қасд қилади. Бу ҳол асарда, албатта, биргина давр мураккабликлари олдида ожиз қолган шахс фожиаси эмас, балки мафкуравий мустабидлик оқибатида юз берган жамият инқирози сифатида талқин этилади.

Рустам "мен миллатга бундай яхшиликлар қилдим" деб писанда қилмайди, аксинча, у ўз турмушини ўзига қисмат деб билади. Шунда ҳам у атрофдаги миллатдошларидан ёки ўзини шундай мажруҳ қилиб кўйганлардан эмас, балки ўзидан "ўч" олади. Ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг феъл-атворидаги бундай турфа сифатларнинг мажмуи ўлароқ романда миллий руҳ шаклланади, унинг шаклланишига сабаб бўлган бош омил сифатида эса қаҳрамон қисмати тилга олинади. Масалани бу каби ҳал қилиш анъанаси Ў.Ҳошимов поэтик услубида, аниқроғи, унинг айрим қисса ва ҳикояларида кўзга ташланган бўлса-да, бутун роман сюжетини характерлар қисмати асосига қуриш ҳолати "Тушда кечган умрлар" асари учун бош услубий тамойил даражасига кўтарилган. Романдаги бош услубий тамойил ҳақида сўз кетганда, услуб назарияси

---

[60] Кўрсатилган асар. – Б. 67.

билан жиддий шуғулланган рус олими А.Н.Соколовнинг шундай эслатмасини тилга олиш жоиз: "Бадиий асар услуби ўша асарни ташкил этадиган барча элементларнинг механик йиғиндиси эмас, балки ўша элементлар системасини бир–бирига туташтирадиган бадиий қонуният – муаллифнинг ўзига хос услубий тамойилидир"[61]. Айни мана шу услубий жиҳат романдаги турли йўналишдаги воқеа ва характерларни, кундалик ёзувларию, манзара тасвирларини бирлаштириб туради.

Бутун дунёга тинчлик шиорини кўтариб жар солган давлатнинг ўзи қурол-аслаҳа сотишда жаҳонда биринчи ўринда туриши, миллатлар ўртасига нифоқ солишнинг ҳадисини олган "тенг миллатларнинг бузилмас иттифоқи" нафақат мамлакат доирасида, балки жаҳон миқёсида ҳам сиёсий найрангларнинг уюштирувчисига айланиб қолганлиги романда юксак сиёсий мушоҳадалар билан эмас, балки қаҳрамонлар тақдирининг бадиий талқини орқали берилган. Жаҳоний тараққиётдан ортда қолиб бўлса-да, бир кунини кўраётган афғон халқига турли сиёсий даъволар билан зўравонлик қилишнинг ва бу юртни хароб, халқини банди қилишдан тоймаслик мақсадида олиб борилган уруш характерлари муҳим ижтимоий-сиёсий муаммолар сифатида асар сюжет тизимиға жуда катта маҳорат билан сингдириб юборилган.

Романда эндигина мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйган ёшларнинг тимсоли саналган Рустам қисмати етакчи сюжет йўналишларидан бирини ташкил этади. У гарчи Афғон фожиаларидан тирик қайтган бўлса-да, бу урушнинг сиёсий жиҳатларини англай олмаган, йўқотишлардан изтироб чеккан, руҳан ва жисман ногирон, аламзада ва кўрс бўлиб қолган. Кўнглида муҳаббат ғунчаси гул очган бу йигитни бахтиёрликка эришиш орзуси ўлим чангалидан омон олиб чиққан бўлса-да, айни мана шу туйғу уни бахтсизликка ҳукм қилганлиги фожиавий тақдир сифатида тасвирланган.

Ёзувчи бадиий маҳоратининг яна бир жиҳати шундаки, асарда биргина қаҳрамон ҳаётининг муаммолари кўрсатилибгина қолмасдан, балки миллатнинг икки авлод вакилларини ўзаро юзлаштириш орқали қисматлар тўқнашуви намойиш этилади. Бунинг учун ёзувчи осон йўл, яъни «баҳона» топади: янги уйга кўчиб ўтган Рустам тасодиф туфайли Комиссарга қўшни бўлиб қолади. Бир неча бор ичиқоралик билан Рустамга тўқнашган Комиссар унинг ўлимидан

[61] Соколов А.Н. Теория стиля. – М.: Искусство, 1968. – С 42.

сўнг Рустамнинг хотини Шаҳнозага ўз заҳрини сочади. Асли гумон бандаси эмасми, Шаҳнозанинг ҳар бир ҳаракатидан шубҳаланаверади. Айрилиқ азоблари билан ўртаниб юрган ёш келинчакни эрининг қотили сифатида гумон қилиб, ички ишлар ходимларининг фаолиятига бир неча бор аралашади. Шу боис, ўз наздида Шаҳнозанинг кирдикорларини очиш учун сохта гувоҳлик беришдан ҳам тоймайди. Қон-қонига сингиб кетган коммунистик руҳ унга бу ишда ҳам қўл келади. Чунки ҳар бир миллатнинг юксак фазилатлари қаторида унинг ўзигагина хос бўлган муайян камчиликлари ҳам бўлади. Ғурури баланд, тарихи залворли ўзбек кишиси даврнинг аёвсиз тегирмонида шубҳа бандасига айланиши, ўзининг яқинларини сотиб кун кўриши, ҳатто ўзи билан бир умр бирга яшаган кишисига ва фарзандларига ҳам самимий муносабатда бўлолмаслиги романда ишонарли баён қилинган.

Асарда XX асрнинг 80-йиллари охирида «Ўзбек иши» деб ном олган сиёсий ўйин ҳам ишонарли тарзда фош этилган. Рустамнинг отаси узоқ йиллар эл ичида ҳалол раис сифатида намуна бўлиб ишлаган бўлса-да, порахўрликда айбланиб қамалади. Марказдан келган терговчилар уни ноҳақ, асоссиз қамаб қўйиб, яқинларидан олтин ва бошқа бойликларни талаб қилади. Ҳатто келинининг номусини ўртага қўйиб қўрқитиш орқали миллат кишисининг молига ёки жонигагина эмас, балки миллий ғурурига, иффатига ҳам чанг солишади. Чунки улар бу миллат вакилларининг нозик нуқталарини ҳам яхши ўрганишган. Шунда раис ўзининг йўқ гуноҳини тан олишга, ўғли эса бор будини сотиб, "отасининг яширган мулки" сифатида уларга топширишга мажбур бўлади.

Давр кишиси ўз эътиқодини, ўзлигини унутишга мажбур қилинганлиги асарда жуда ишонарли воқеа ва деталларда тасвирланган. Бундай табиий тасвирларни ўқиган китобхон беихтиёр Соат Ғаниевдан очиқдан-очиқ нафратланади. Ў.Ҳошимов миллат тақдирини кишиларнинг оддий турмуш тарзи ҳамда даврнинг нотўғри сиёсати туфайли унинг бошига тушган фожиаларда кўради. Бу жиҳатдан «Тушда кечган умрлар» романи реалистик тамойиллар аниқ акс этган асар бўлса-да, асарнинг номи ҳам, қаҳрамонларининг ҳаёти ҳам рамзлар талқинида ифодаланган. Ҳар бир қаҳрамон муайян даврнинг тимсоли. Асарда тасвирланган воқеалар, тақдирлар тушда кечаётгандай таассурот уйғотса-да, асарнинг бошиданоқ, бу содир этилган воқеалар туш эмас, аччиқ ҳақиқат эканлигини ёзувчи ки-

тобхонга англатиб улгурган. Шу боис китобхон романни мантиқий туталлантан бадиият дурдонаси сифатида қабул қилди. Бинобарин, бу асар миллий руҳни ўзига хос ифода этгани учун кейинги йиллар-да яратилган романларнинг сараси сифатида баҳоланишга муно-сиб. Асарни ана шу руҳда баҳолашга ҳаракат қилган академик Б.Назаров ёзади: «Миллийлик, энг аввало, руҳдадир. Руҳ эса, олисларга парвоз қилиши мумкин, лекин унинг асосий қуввати илдизидадир»[62].

Демак, романдаги миллий руҳ воқеа-ҳодисаларнинг ташқи ри-вожидагина эмас, балки миллий анъаналарга сингиб кетган миллий руҳнинг илдизида – туб моҳиятида ўз ифодасини топиши табиий ҳолдир. Бироқ миллийликнинг заминини қайси тамойиллар асосида аниқлаш, қайси бадиий мезонлар воситасида тасвирлаш мумкин, деган муаммога адиб ҳам, мунаққид ҳам ўз дунёқараши, ўзига хос бадиий олами ва поэтик идрокидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Аждодлардан мерос сифатида сақланиб келаётган удумларими ёки кишилар феълига сингган, нимаси билан дир (Б.Қосимов ёзгани каби) бошқа миллат вакилларидан ажралиб турадиган ўзбек халқи ўз менталитети, давр тазйиқига қарамасдан ўзининг руҳиятига сингдирилган эркесварлиги билан миллийликни англаш йўлида яратилган романларнинг бош қаҳрамони сифатида бўй кўрсатди. Шу боис, бу даврда яратилган айрим романларни ўқир эканмиз, уларнинг қаҳрамони муайян персонаж эмас, балки яхлит миллат эмасмикан, деган таассурот уйғонади.

Миллий руҳ фақатгина ўзида тарихийлик тамойилини чуқур акс эттирган ва миллат тақдирига кучли таъсир кўрсатган тарихий шахслар талқинида эмас, балки кундалик ҳаётимизда ҳар қадамда учраши мумкин бўлган оддий одамлар қисмати мисолида ҳам акс этиши мумкин. Лотин Америкаси мамлакатлари романчилигидаги янги анъаналарни кузатар экан, тадқиқотчилар замон қарама-қар-шиликларини ифода қилишда Хулио Кортасарнинг «Сараланган ўйин» («Игра в бисер») романи билан бошланган руҳ Аргентина романчилигида бутун XX аср давомида ҳукмрон бўлганини ало-ҳида таъкидлайдилар[63]. Айни шу роман нафақат Аргентина роман-чилиги, балки бутун Лотин Америкаси мамлакатлари, қолаверса,

[62] Назаров Б. Ёзувчи олдидаги қарз // Жаҳон адабиёти. – 1998. – 1–сон. – Б. 29.
[63] Кутейщикова В., Осповат Л. Новый латино-американский роман. – М.: Сов. писатель, 1983. – С 259.

бутун дунё романчилигига ҳам ўз таъсирини кўрсатганини мутахассислар яхши билишади. Хулио Кортасар талқинида биргина шаҳар, яъни Буэнос-Айреснинг ўзи бутун мамлакат, аслида жаҳоннинг тимсоли сифатида романга киритилган. Бу тимсол воситасида муаллиф жаҳон интеллигенцияси тараққиётининг эртанги куни хусусида фикр юритади[64].

Ўзбек адиблари ижодида ҳам нафақат қаҳрамон ёки миллий руҳ доирасида, балки бутун бир авлод қисмати фонида рамзийликдан фойдаланиш анъанаси мавжудлигини истиқлол даври романлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Агар Ўткир Ҳошимов авлодлар қисматини даврдаги сиёсий шароитнинг ўзгариши билан боғлаб талқин қилса, ёзувчи Тоғай Мурод ўзгача йўлни танлади. Унинг романларида на Ўткир Ҳошимов тажрибаси, на Шукур Холмирзаевнинг ўзига хос услуби такрорланади. Ёзувчи айнан миллий характер яратишда, яъни яқин ўтмишдаги боболарининг қисматини ёритиб беришда шу куннинг одамлари образидан фойдаланади. Қаҳрамоннинг содда, самимий сўзлари авлодлар қисматига баҳо бериш билан бирга ўз яқинларини танииттирувчи ҳолат ҳамдир. Бироқ ёзувчи ҳар бир қаҳрамонни танитув жараёнида миллатни танитишга ҳаракат қилади, қаҳрамон бошидан кечирган машаққатлар эса ўзбекнинг кўргиликлари тарзида ҳикоя қилинади: «Мен ўзбакман, ўзбак! Ўзбак қаерда таваллуд топади – ана ўша ерда умр кечиради! Чанишев! Балиқ жаннатмакон соҳилда бўлса-да, ўлиб қолади. Ўзбак-да ана шундай! Ўзбакка жаннатмакон-да татимайди. Ўзбак жаннатмаконда-да ўз эл-юртини қўмсаб-қўмсаб адо бўлади. Ўзбак жаннатмакондан дўзахмакон пахтазорини қўмсаб-қўмсаб қайтиб келади»[65]. Бу киноялй сўзларда миллатнинг ғурури ҳам, фожиаси ҳам акс этган. Чунки унинг «жаннатмакон»и – дўзахмисол пахтазорда! Биргина қаҳрамон тилидан баён этилган бу сўзларда ўзбек халқига хос миллий руҳ ҳам, ўзбек деҳқонининг маиший турмуши ҳам шунчалар аниқ тасвирга олинганки, бу ёзувчининг ўзига хос кашфиёти даражасида қабул қилинади.

«Отамдан қолган далалар» романининг сарлавҳасию қаҳрамонларининг номланишидан тортиб, уларнинг феъли атвори ва ҳаракатларигача тўпори ўзбекона талқинини топади. Маълумки, отадан

---

[64] Қаранг: Карпентьер А. Роман в Латинской Америке / Судьбы романа. – М.: 1975. – С. 157-158.

[65] Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ НМК, 1994. – Б.42.

мерос қолиши мумкин бўлган нарсалар: бойлик, ер-сув, ҳовли, улов (машина) ва бошқалар. Лекин ўзбекка дала мерос бўлиб қолган. Бу мерос ҳам унинг ҳовлиси (у далада ётиб қолганини кузатамиз), унинг бойлиги ва ана шу бойликни яратиш йўлидаги машаққатлари ҳамдир. Демак, ўзбекка мерос бўлиб қолган дала меҳнатни, тиним-сиз ишлашни талаб қилади. Отадан мерос қолган дала болани ҳам ишлашга мажбур қилади, дала меҳнатини билмаган ўғил бу ўзбек хонадонига муносиб фарзанд бўла олмайди. Шунинг учун ҳам ўзбек даласига отаси каби меҳр қўяди, уни онаси каби эркалайди, севган ёри каби суйиб ардоқлайди, жонли тасаввур қилади: «Далаларим мудраб-мудраб олди. Далаларим кўз илиб-кўз илиб олди»[66]. Ҳатто уни ёрни тасвирлагандай инжа ўлчамлар билан таърифлайди, унинг инжиқ феълини назарда тутиб, унга нозик муомалада бўлади: «Дала кўнгли нозик бўлади – вақт-бевақт оралай берса, кўнглига олади. Дала феъли инжиқ бўлади – бот-бот трактор сола берса, айниб қолади»[67]. Шу ўринда романга илова қилинган Тоғай Мурод-нинг «Мен» сарлавҳали таржимаи ҳолига назар ташлашга эҳтиёж сезилади: «Мен бешинчи синфдан бошлаб пахта тердим... Бўйим пахтада ўсди. Ақлим пахтада кирди. Саводим пахтада чиқди. Аммо романни бошлаб... пахта нима эканини билмаслигимни англаб қолдим. Оппоқ қоғоз билан юзма-юз бўлиб... пахта билан мен бегона эканимизни билиб қолдим... Мен пахта билан юзма-юз бўлиб... мен ҳали пахтакор ким эканини билмаслигимни англадим... Илк кўкламда Олтинсой туманига йўл олдим... Мен бўлажак... Деҳқонқул билан юзма-юз бўлдим. Мен бўлажак... Деҳқонқул далаларини иш жойим этдим»[68]. Мана бу эътироф романнинг қаҳрамонлар тизимини ҳам, ўзига хос миллий руҳини ҳам қабул қилишга ёрдам беради. Айни «Далаларим кафтдай-кафтдай кўчди. Далаларим муштдай-муштдай кўчди. Далаларим тошдай-тошдай кўчди» деб ёзиш учун далада кетмон чопиш нималигини, ҳар чопиқ "кафтдай", "муштдай", "тошдай" бўлишини ҳис қилиш учун кетмон дастасидай қўли қабаргунча меҳнат қилиш керак эди.

Тоғай Мурод ижодидаги тасвирнинг янгилиги, воқеликнинг фалсафий моҳият касб этиши, реалистик услубнинг устуворлиги, мусиқий оҳангдорлик ва бахшиёна ифодага хос сажъ усулининг

---

[66] Ўша асар. – Б.78.
[67] Ўша асар. – Б.80.
[68] Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1994. – Б.268-269.

танланганлиги асар муваффақиятини таъминлади. Адиб миллий руҳ ҳамда миллий қаҳрамоннинг изтиробу ўйларини ишонарли тасвирлаб бера олганлиги боис бу асар адабиётшунослар томонидан ижобий баҳоланди[69]. Дарҳақиқат, кейинги давр романчилиги тўғрисида сўз борганда миллий руҳ ва миллий дард билан йўғрилган Тоғай Мурод романлари алоҳида эътиборни тортади.

Давр ва ижтимоий муҳитнинг миллий ўзлигимизга кўрсатган таъсирини Тоғай Мурод ўз асарларида катта маҳорат билан тасвирлашга эришган. Ёзувчи шўро даври иллатларини кичик оқибатларидан тортиб, бу сиёсат тарбиялаган кишиларнинг манкуртлашиш даражасига олиб келган омилларгача нозик чизгиларда, ишончли рангларда тасвирлайди. Асарни ўқир эканмиз, аср кишиси босиб ўтган машаққатли йўлнинг бадиий ифодасини кузатамиз. Миллий руҳ талқини жиҳатидан ушбу асар «Ўткан кунлар»нинг мантиқий давомидек таассурот қолдиради. Асар мустамлакачиликнинг қарийб 120 йиллик даврини, аниқроғи, шу даврда миллат бошига тушган оғир кунларни камраб олади. Адабиётшунос Й.Солижонов асар ҳақида шундай тўғри фикр билдиради: «Отамдан қолган далалар» ижтимоий публицистик романини ўзбек халқининг 120 йиллик оғир тақдирининг мунгли достони деб аташ мумкин. Бу тақдир яхлит тарих эмас, балки халқ бошидан ўтган қаттиқ синовларнинг бир неча муҳим ва қонли саҳифаларидан иборат талқинидир»[70].

Дарҳақиқат, асар ўзбек халқининг узоқ йиллик тарихидан ҳикоя қилиши билан бирга Деҳқонқул образи орқали ўзбекнинг турлитуман азоблари ва фожиаларидан ҳам сўз юритади. Шунинг учун ҳам адабиётшунос Д.Тўраев «Роман-эссе шаклининг танлангани ёзувчига эркин фикрлаш имконини ва асарнинг эркин қурилишини ҳам белгилаб берган… Қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари ва руҳиятидаги ўзгаришларни ифодалаш, сўз қўллаш йўлидаги ўзига хослик, тасвирдаги драматизм ва лирик майинлик ҳамда халқона кўчирик-

---

[69] Мирзаев И. Бадиий услуб сеҳри. – Самарқанд, 2000; Норматов У. Тафаккур ёғдуси. – Тошкент: 2005; Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фанлари доктори дисс. ... автореф. – Тошкент: 2002; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романларининг тараққиет тамойиллари: Филол. фанлари доктори дисс. ... автореф. – Тошкент: 2003.

[70] Солижонов Й. Ҳозирги ўзбек насрида нутқ шакллари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001. - 6 сон. – Б.13.

лар ҳам романчилигимиздаги жанрий-услубий изланишларнинг натижасидир» – деб ёзар экан, бу романни эссега мензаб таҳлил қилади[71].

Бизнингча, романнинг ўзига хослиги нафақат унинг тили ва услубида ёки тасвирдаги драматизм ва лирик талқиннинг майинлигида, балки ёзувчи ўз олдига қўйган бадиий мақсаднинг ифодасида ёркин намоён бўлади. Ўз айтмоқчи бўлган сўзига мос оханг ва ифода топган Тоғай Мурод, асар сюжетидан келиб чиқиб, воқелик талқинини драматизм билан тўйинтирган. Романни юзаки варақламай, унинг сатрлари тубига сингиб кетган китобхонгина бу асар саҳифаларидаги лирик майинлик қатидаги миллий фожиани англаб етади, халқона кочириқлар сиёсий ирония (пичинг) билан пайванд этилганини пайқайди.

Асарда тасвирланишича, Деҳқонқулнинг бобоси фарғоналик Жамолиддин кетмон ўзи ардоқлаган даласига руслар қадам қўйгани учун туғилиб ўсган юртидан бош олиб чиқиб кетади. Содда, самимий меҳнаткаш, юксак ғурурли, имон-эътиқодли Жамолиддин ўз назарида кочиб-кочиб Сурхондарёнинг Деновини ватан тутади. У оқпошшо истилоси даврининг жонли шоҳиди. Ушбу туғма меҳнаткашнинг характерини очишда ёзувчи "кетмон" деталидан фойдалангани ҳолда образ яратади. «Эл қаерда қандай улкан нима кўрса бўлди – бобомиз кетмонига нисбат беради.

– Ол-а, Жамолиддинни кетмонидай келади-я! – дейди эл».

Қаҳрамон гапни бобосидан бошлайди, унинг меҳнаткашлигидан, имон-эътиқоди бутун шахс бўлганлигидан бошлайди: «Бобомиз урмиш кетмонни ўзидан ўзга ердан тортиб ололмайди.

– Бобомиз калима қайтариб-қайтариб кетмон чопади. Худони ёдлаб-ёдлаб кетмон чопади. Худога шукрона айтиб-айтиб кетмон чопади» – деб таърифлайди»[72].

Бир қарашда меҳнатдан бошқа нарсани билмайдиган, тоат-ибодатдан бўлагини тан олмайдигандек кўринган бу одам юрт тақдири ҳақида ҳам чуқур қайғуга ботади. Ўзининг қалбида жўш урган ватан туйғусини, имон-эътиқодини, инсонлик шаънини баланд тутади, юртнинг покиза тупроғи, мусаффо суви бефаҳм келгиндилар томонидан булғанганлигига қарши бош кўтаради. Натижада шафқатсизлик, хўрлик ва таҳқир-надоматларга чидай олмай, ўзи туғилиб ўсган юртидан бош олиб чиқиб кетади.

---

[71] Тураев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.19.
[72] Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ НМК, 1994. – Б.6.

Отаси Сурхон Ақраб қизил империя сиёсати ташкил этилган даврнинг вакили сифатида тасвирланади. Аммо Сурхон Ақраб ҳам отаси сингари меҳнаткаш, қўли гул боғбон. Ёзувчи "Сурхон Ақраб" исми замирига ҳам рамзий маъно жо қилган: "Сурх" сўзининг луғавий маъноси "қизил" тушунчасини англатиши Деҳқонқулнинг отаси қизил империяга қарши курашда қон тўкканлигини англатади. "Ақраб" фалакиётдаги ўн икки бурждан бирининг номи бўлиб, "чаён" деган маънони билдиради. Асарда бу сўз шахс оти вазифасида берилиши орқали "қизил империя"нинг миллат кишилари қалбига "чаён" дай оғу солганлигига ишора қилинган. Адиб қаҳрамон тилидан уни шундай таърифлайди:

«Отамиз қадамиш чўп ниҳол бўлади.

Отамиз қадамиш дарахт шиғил-шиғил бўлади.

Отамиз кесмиш ток шокила-шокила бўлади.

Отамиз қиркмиш гул шода-шода бўлади», – дейди ифтихор билан[73].

Отаси Ақраб шу юртни рус босқинчиларидан тозалаш мақсадида курашади. Ўз юртининг мустақиллиги ва озодлигини ҳар нарсадан устун қўйган оиласи, фарзандларига садоқатли, эътиқодли, бир сўзли одам бўлганлиги боис, душманларга қарши мардона курашиб, шаҳид кетади. Унинг ор-номуси ва ғурури олдида душманлари ҳам тан беради.

Юрт озодлиги учун шаҳид кетган инсоннинг фарзанди Деҳқонқул бобоси ва отаси курашган тузумга кўр-кўрона хизмат қилади. Чунки у шўро даври одами. Ёшлигидан шўролар тарбиясини олганлиги учун ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўйлаб ҳам кўрмайди. У социалистик тузумнинг кичик бир механизмига айланади. Шу боис, ота-бобосида мавжуд бўлган юртсеварлик, миллий ғурур ва ўзликни англашга интилиш туйғуси Деҳқонқулга бегонадир. Унинг бутун умри пахта даласида, оғир меҳнатда ўтади. Бироқ ўша даврнинг илғорлари сифатида тилга олинса-да, қорни тўйиб гўшт емайди, усти тузукроқ кийимни кўрмайди: "Деҳқонқул шўро даври адабиётида завқ-шавқ билан қаламга олинган меҳнат қаҳрамонларига пародиядир, у тоталитар тузум, империя сиёсати етиштирган "меҳнат кишиси", "янги инсон" тимсоли, мустабид ҳокимият мунофиқона мафкурасининг тирик қурбони: шоир Чўлпонни қийнаган, Қаҳҳорни изтиробга солган, "Бошсиз одам", "Ўғри"дан то "Ўтмишдан эртаклар"даги Бабарга қадар миллат оёғидаги кишан

---

[73] Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ НМК, 1994. – Б.15.

бўлиб ётган мутелик, қуллик психологияси иллатининг аср поёнида ўзида энг ёрқин, мукаммал тарзда мужассам этган сўнгги намунасидир"[74].

Муаллиф ўзининг қаҳрамонига бўлган муносабатини яширмагани каби адиб сифатида унинг "елкасига ортган" маънавий юкни ҳам яширмай ўз қаҳрамонининг номига сингдирган. У Деҳқонқул, яъни деҳқоннинг қули эмас, балки қулликни зиммасига олган деҳқонларнинг типик вакили. Унинг онгига, вужудига "қуллик психологияси" сингиб кетганлиги учун ҳам мамлакатдаги эрксеварлик йўлидаги ўзгаришларни тушуна олмайди, юқорида ҳурматли олимимиз ёзганидай, қуллик психологияси унга Бабар типидаги қаҳрамонлардан мерос қолган.

Ёзувчи асарда Деҳқонқулни қул ва муте қилиб етиштирган шароитни, тоталитар тузум – қизил империя сиёсати тарбиялаб етиштирган «меҳнат кишиси», «янги инсон» тимсоли қилиб тасвирлаган. У шўро ҳукуматининг деярли тенгдоши. Деҳқонқул, аввало, партия ишига садоқат улуғ оғага ҳурмат руҳида тарбияланган. Унга "Ленин отамиз", "Крупскаяни онамиз" деб ўргатишган, миллий ўланлапарларнинг ўрнига партия-совет қўшиқларини ёдлатишган. Ниҳоят, уни 80-йилларга бориб коммунизмда яшашга ишонтира олишган. Вақт ўтиб, онги бироз ҳақиқатни англай бошласа "босмачи", "халқ душманининг фарзанди" деган тавқи лаънатлар билан руҳини синдириб туришган. Охир-оқибат уни пахта даласидан бошқа ишни билмайдиган манқуртга айлантиришган.

Деҳқонқул давр мафкурасининг бемаъни кўрсатмаларига ҳам қаршилик кўрсата олмайди. У айрим мунофиқ қаламкашларнинг "дала шунқорлари" ҳақида тўқиган ёлғонларига ҳам эътибор бермайди. Ўзининг, ҳамқишлоқларининг ночор турмушини кўра-била туриб, «Мунча ширин экан, бу совет даврони, мамнун яшар ҳам инсон – йўқдир армони» каби қўшиқларни бепарво тинглайди. Ҳатто марказга кўрик-кенгашга ижарага олинган кийимларни кийиб боришдан ҳам ор қилмайди. Қозони гўшт кўрмаслигини, аёлининг оддий инсон сифатидаги кундалик эҳтиёжлари қондирилмаслигини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Деҳқонқул озиб-ёзиб хотинига бир кийим жуҳути атлас олиб бериш учун пул сўраб, аввал колхоз кассирига, сўнг раисга учрайди. На унисидан, на бунисидан 200 сўм ололмайди. Шунда:

---

[74] Норматов У. Шахс жумбоғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2001. - 19 январь.

«Мен иссиқ-иссиқ чой ичдим.

Мен оғзим куйиб-куйиб чой ичдим.

Мен ич-ичимдан хокисорландим.

Мен ич-ичимдан хўрландим», – деб бироз ўзлигини англагандек бўлади. Омон-омон замонда икки дона хурмо учун етим боласини уриб оғзини қонатса-да, бироқ унинг кўр виждони бундан ҳатто қийналмайди ҳам. Шўрлик аёли ўзига ўт қўйиб оламдан ўтгач, руҳиятида бир исён кўзғалади-ю, ана шунда меҳнаткашнинг оғир аҳволи эсига тушади. Бироқ бу фожиалар ва қалб изтиробларидан сўнг ҳам унинг кўзи очилмайди, руҳиятида пайдо бўлган ўзгаришлар натижасида қалбидаги ички исён алангаланмайди. У борган сари манқуртлашиб, итоаткор қулга айланиб боравсради.

«XX аср инсон ва шахс онги фалсафасида манқурт, зомби каби тушунчалар мавжуд бўлиб, роман қаҳрамони Деҳқонқул характери манқуртлик ва зомбилик унсурларидан холи эмас»[75], – деб ёзади адабиётшунос З.Пардаева. Дарҳақиқат, замон ва сиёсат асар қаҳрамони Деҳқонқулни охир-оқибатда ўзи ардоқлаган тузум сиёсатининг янги ўйинлари гирдобида беихтиёр ўз комига тортиб кетади. Деҳқонқул қўшиб ёзишда айбланиб кўпчилик миллатдошлари сингари гуноҳсиз қамалади. У ана шундай машъум фожиа бошига тушганда ҳам Ч.Айтматовнинг «Қиёмат» романидаги ўз онасини ўлдирганини англамаган манқурт каби ўзини сиёсат қурбонига айлантирган раҳбар ва тузумдан мурувват кутиб яшайди. Чунки уни тарбиялаган муҳит ҳамиша кимлардандир мадад кутиб, кимларнингдир буйруғига итоат этиб, кимнингдир қўлига қараб яшашга ўргатган эди.

Жаҳон адабиётида уч авлод вакилларининг ҳаёти талқинига бағишланган Жон Голсуорсининг "Фарсайтлар достони", Томас Маннинг «Будденброклар» ва уларга тақлидан ёзилган ўнлаб романлар мавжуд. Лекин бу асарларда авлодлар қисмати орқали тасвирланган ижтимоий ўзгаришлар маълум маънода тараққиёт белгиси деб қаралган. Бу талқин билан муаллифлар жаҳон цивилизациясининг тарихий тараққиётини кўрсатишга интилган эдилар[76]. Бироқ Тоғай Мурод талқинида уч авлод вакиллари қисматигина

---

[75] Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент., 2003. – Б.39.

[76] Отходная роману. Дискуссия о современном романе / Судьбы романа. – М.: 1975. – С.41.

эмас, балки бобо, ота ва ўғилни боғлаб турган миллий хусусиятлар ҳам яққол кўзга ташланади. Жумладан, бу ерга, деҳқончиликка, ҳалол меҳнатга меҳр-муҳаббат туйғусидир. Уларнинг табиатида инсонга ёмонлик қилиш ёки қасд олиш одати ҳам йўқ. Уч авлод вакилларининг яна бир ўхшаш жиҳати уларнинг барчасида ўз аёлига ва фарзандига нисбатан меҳр меъёрлари маълум мезонда сақланади. Уларнинг оилага содиқлиги, ерга муҳаббат билан, фарзандига бўлган меҳр ғўзани ардоқлаш билан, аёлига бўлган садоқат меҳнатга бўлган эҳтиром билан ўрин алмашинган, биринчисига нисбатан бўлиши лозим бўлган муҳаббат иккинчисига нисбатан кучлироқ эди. Асарда уч авлод кишиларидан бирортасиям ўз фарзандини эркалаб суймайди, бироқ даласини суяди. Аёлининг сочларини силаш ўрнига Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг барг ва шоналарини силаб меҳр туяди. Лекин шундай бўлса-да, улар оила аталмиш муқаддас қўрғонга хиёнат қилмайдиган садоқатли, ҳаромдан ҳазар қиладиган миллат кишилари эдилар.

Шўро сиёсати юзага келтирган пахта яккаҳокимлигининг аянчли азоблари Зиёднинг ўлими тасвири орқали ҳам тасвирланади. Бунда ўзбекнинг келажагига бўлган эътиборсизлик яққол кўзга ташланади. Шахсга сиғинишнинг мудҳиш бир кўриниши сифатида ўзбек хонадонида туғилган гўдакка миллий исмларни эмас, Клара Цеткин ва Роза Люксембург номларининг қўйилиши ўша давр иллати сифатида асарга маҳорат билан сингдирилади. Айнан мана шу тасвир нафақат Т.Мурод асарида, балки Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасида ҳам мавжуд эди. Т.Муроднинг публицистик услубда битилган «Отамдан қолган далалар» асари саводхонликни тугатиш баҳонасида маънавий қашшоқ шахсларни тарбиялаш, миллат кишисининг қонидаги муқаддас анъаналарни йўқ қилишга уринган жамият раҳбарларининг кирдикорларини фош этишга қаратилган. Бу вазифа ёзувчининг маҳорати туфайли асар қаҳрамони Деҳқонқул образига юклатилган. У ҳикоячи-қаҳрамон сифатида воқеаларни хотира тарзида сўзлаб беради ва натижада адиб бадиий ниятининг рўёбга чиқишига хизмат қилади. Бизнингча, ёзувчининг «Отамдан қолган далалар» романи бизда ҳали анъанавий реализмнинг имкониятларидан фойдаланиб, миллий ўзликни англаш ва миллат дардини қаламга олиш имкониятлари жуда кенглигидан далолат беради. Адибнинг янги «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи тўғрисида адабиётшунослар қизғин баҳс-мунозаралар

билан чиқишди. Жумладан, У.Норматов бу асарни жаҳон адабиётининг дурдоналари билан қиёслар экан: «Монументал тарғибот»-даги Аглия билан «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романидаги Ботир фирка, бири аёл, иккинчиси эркак эканлигини мустасно этганда, кўп жиҳатдан бир-бирларига яқин: иккалови ҳам деярли тенгдош, 20-йиллар охири – 30-йиллари тарих саҳнасига чиққан, бутун вужуди коммунистик мафкура, эътиқод ғояси билан йўғрилган, шу эътиқод йўлига жонини тиккан, компартия арбоби – райком котиби даражасига кўтарилган, мустабид тузум сиёсатини амалга оширишда собит турган икки арбоб бу йўлда ҳеч кимни, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам аямаган. Ҳар иккисига ҳам узоқ умр насиб этди»[77].

Тоғай Мурод романларида миллий руҳ миллатнинг номини қайта-қайта тилга олишида ёки қаҳрамонлар нутқи ва турмуш тарзидагина эмас, балки миллат фожиасини беришда, замон билан миллий қаҳрамонни юзма-юз қилиш орқали ижтимоий иллатларни фош эта билишда кўринади. Демак, Тоғай Мурод романлари бадиий тил ва услубнинг ўзига хослиги, асарда тасвирланган воқеаларнинг туб-тубига миллат тақдирига дахлдор ижтимоий муаммоларнинг қўйилиши ҳамда қаҳрамонлар қисматини миллий ўзанда ҳал этиш тамойилининг устуворлиги нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

## Ижтимоий муаммолар ва қаҳрамон характерининг тобланиши

Ўзбек романчилиги тараққиёт босқичига муносиб ҳисса қўшган истеъдодли адиб Шукур Холмирзаев ўзининг «Сўнгги бекат» асаридаёқ ўзининг миллий руҳни ўзига хос тарзда акс эттириши билан китобхонлар эътиборини қозонган эди. Бу хусусият адибнинг кейинги романларида акс этган турли тақдирларнинг бадиий талқинида янада тиниқроқ, ёрқинроқ намоён бўла бошлади. Маълумки, адиб ўзининг илк романи ҳисобланган "Сўнгги бекатда" миллий руҳ ва қаҳрамон яратишда имкон қадар ранг-баранг бадиий деталь ва воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилган эди. Асар қаҳрамонларидан бири Сабоҳат йўқолиб кетаётган миллий урф-одат ва удумларни сақлаб қолиш учун ҳатто ўзининг дафн маросимларидан ҳам фойдаланишни васият қилади ва шу баҳона маросим фольклори намуналарини авлодларга қолдиришни ният қилган эди.

[77] Норматов У. Энг муҳим муаммо // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2003. - 21 март.

Роман муаллифи Маҳмуд Кошғарий номли ўрта мактаб педагогика жамоаси ва уларнинг турфа феъллари тасвири воситасида имкон қадар миллий руҳ ва характерлар хилма-хиллигини, уларнинг қиёфаларида жилоланган миллий табиатнинг ўзига хос қирраларини акс эттиришни ўз бурчи деб билганди.

Бинобарин, 90-йиллар ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топа бошлади. Ижод аҳли мамлакатдаги эврилишлар туфайли эришилган имкониятлар даражасида миллий ўзликни англаш жараёнига жиддий эътибор қаратди. Миллат кишисининг ўзлигини англаш жараёни ва бу борадаги муаммолар ҳамда ўзига хос фожиалари Ш.Холмирзаевнинг «Олабўжи» ва «Динозавр» романларига материал берди. Адиб ўзининг бу романларида миллий туйғу абадийлиги учун курашди ва авлодларга мерос бўлиб қолиши учун ҳақли ворис сифатида жон куйдирган миллат кишиси сифатида хизмат қилди.

Шукур Холмирзаев ижодида миллий туйғу абадий ва азалий мавзу бўлса-да, унинг асарлари марказида турадиган бош масала ҳамиша ҳам инсон ҳаётининг сир-синоатлари замирига қурилади. Жумладан, ёзувчининг «Олабўжи» романи ҳам инсон руҳиятини тадқиқ этишга, унинг ўзига хос табиатини бадиий талқин қилишга қаратилгандир. Адабиётшунос Қ.Йўлдошев «Олабўжи» романига муносабат билдирар экан, «унда қарашлари, тутимлари билан жамиятдан, атрофдагилардан илгарилаб кетган, маънавияти юксак, имони бутун одамга яшаш нечоғлик қийин бўлиши, у нафақат бегоналар, балки яқинлари назарида ҳам олабўжи бўлиб қолиши Ултоннинг мураккаб қисмати мисолида ғоят таъсирчан акс эттирилган»лигини қайд этган[78].

Муаллиф романнинг бундай номланишига ҳам рамзий маъно юклайди. Гўё асар қаҳрамони орқали даврга сиғмаган, ҳамманинг кўзига "эмас" бўлиб кўринган, оиласидан ҳам, жамоасидан ҳам ажралиб қолган киши фожиасини кўз олдимизда гавдалантирмоқчи бўлади. Бу – дастлабки таассурот, албатта. Аслида ёзувчининг мақсади миллат кишиси табиатида акс эттан ана шу "олабўжи"лик сифатлари ва уни вужудга келтирган ижтимоий муҳитдаги маънавий омилларни кўрсатишдан иборат эди.

«Олабўжи» романида бадиий тасвир воситалари асосан, тоғлар бағрида ўсиб-улғайган, ўз қисмати билан табиат тақдирини уйғун

---

[78] Йўлдошев Қ. Руҳият суратлари // Ўзбекистон овози. - 2000. – 20 июнь.

деб билган инсоннинг жайдари ва самимий характерини очишга қаратилгани билан эътиборни тортади. "Асардаги Тўқлибой Қўчқоров «ҳақиқий арбоб», у партия котиби сифатида партия сиёсатини изчиллик билан ўтказади. Котиблик бурчи вазифасини қойил қилиб адо этади"[79]. Аслида касби ўқитувчилик бўлган, узоқ йиллар ёш авлод тарбияси билан шуғулланган, кейинчалик эса амал курсисига ўтириб юртни бошқараётган раҳбар ходим бўлса-да, «янгичадан ҳам, эскичадан ҳам хабардор, «рўзи машҳар»ни ҳам эслаб туради»[80]. Шу сабаб гарчи тилида бошқача гапирса-да, дилида халқимиз тарихини яхши билгани учун аждодларимиз кечмишига оид манбаларга муносабатда ўзининг мустақил фикрига эга, кўпгина тарихий воқеа-ҳодисаларга холисона баҳо бера оладиган шахс. Қолаверса, гарчи тарихчи бўлса-да, ўзбек мумтоз шеъриятининг, айниқса, Машраб ижодининг шайдоси. Чунки унинг ўзи ҳам шоиртабиат, шеърлар машқ қилиб туради, ижод аҳлига ҳурмати баланд.

Ёзувчи қаҳрамон характерларини ёритишда холисликка интилади. Тўқлибой Қўчқоров гарчи партия сиёсатини туман миқёсида астойдил, сўзсиз бажарадиган раҳбар ходим бўлишига қарамай, аслида партия сиёсатини зимдан маъқулламайди. Бу даврлар бир кун келиб барҳам топишини, пичоқ суякка бориб тақалишини яхши билади. Шу боис, бу сохта сиёсатга муккасидан кетганларнинг устидан пинҳона кулади. Чунки асар қаҳрамони «босмачи» деб бадном этилган миллий озодлик курашчиларининг тарихдаги асл ўрни, хизматларини яхши билади ва уларни руҳан қадрлайди, бир кун келиб уларнинг пок номлари оқланишини юракдан ҳис этади.

Шукур Холмирзаев яратган қаҳрамон фожиаси шундаки, у давр фожиаларини ижтимоий муҳитдаги носозликлар, адолатсизликларнинг моҳиятини қалбан чуқур ҳис қилган ҳолда ўзи ҳам ушбу сиёсатнинг бир "винтчаси" сифатида фаолият юритади. Битта шахсда бир-бирига қарама-қарши иккита одам мужассам бўлади. Ёзувчи яратган Тўқлибой Қўчқоров ҳам худди М.Булгаковнинг «Итюрак» асаридаги Тараканов каби маънавий қашшоқ одамларнинг кирдикорларини батафсил билади[81], давлат ва партиянинг асл мақсадларини онгли тарзда тушунади, миллатга хос бўлган маънавий-диний қадриятларнинг атайлаб оёқости қилинаётганлигини англаб

[79] Норматов У. Шахс жумбоғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати . – 2001. – 19 январь.
[80] Холмирзаев Ш. Олабўжи: Роман // Шарқ юлдузи. - 1996. 1-4 сонлар.
[81] Қаранг: Булгаков М. Избранные. – М.: Художественная литература, 1993. – С. 221-311.

стади, айниқса, бошқа миллат вакиллари томонидан юрт бойликларининг таланиши, ташиб кетилиши она табиатнинг топталиши, ҳатто мурғак жуссаси оғир дала меҳнатида эзилган мактаб ўқувчиларининг ногирон бўлиб қолиши каби нохуш ишлардан қалби ўртанса-да, ўзи ҳам ижрочи ходим сифатида бу адолатсиз сиёсатнинг изчил давом этишини таъминловчи бир «мурват» сифатида фаол иштирок этавсради.

Шўро даврининг шу каби иллатлари туфайли икки ўт орасида қолган қаҳрамонлар руҳияти ва тақдирининг бадиий чизгиларини Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» ва «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» каби романларида ҳам кўриш мумкин. Бу асарларда ҳам ўлкамизда пахта яккаҳокимлигининг авж олиши, марказдан "мутахассис билан таъминлаш" баҳонасида юборилган "десантчи"ларнинг энг "ёғли" жойларини эгаллаб олиши, халқнинг қадимий анъаналари ҳамда миллий қадриятларнинг топталиши, юрт бойликларни собиқ иттифоқ пойтахтига ташиш каби ҳаётий воқеалар атрофлича тасвирланган. Шукур Холмирзаев романларидаги қаҳрамонлар ҳам бошқа асарларидагидек, асосан, Сурхон воҳасининг тоғ ва тоғ этакларида яшовчи кишилар, уларнинг дарду дунёси орзу-истаклари ва турмуш тарзи акс этади. Асарда тасвирланаётган раҳбар ходимлар образларининг ўзига хос руҳий олами, сурхонликларга хос тўпори ва қайсар, мард ва танти хислатлари реалистик бўёқларда ҳикоя қилинади. Бундай шахслар одатда онгли равишда, баъзан эса сиёсат учун шунчаки бир қўғирчоқ, итоаткор, қарам, ҳокимиятнинг қули эканини тушуниб етишган. аммо ўзлари эгарда турганликларини асло унута олмаганлар. Аниқроғи, унутиш ва унутилишнинг оқибатларини ҳам яхши билишган. «Бу дунёнинг ишларини ўйлайверсанг, жинни бўласан», – дейди роман қаҳрамонларидан бири[82]. Жинни бўлиб қолишдан асрайдиган йўл эса ҳаётни яхши еб-ичиш, айшишрат билан ўтказишда деб билади. Шу боис, у соддадил, пок қалбли, бир дунё орзулар қанотида учиб юрган содиқ шогирди Ултонга хиёнат қилади. Унинг энди куртак ёзган бокира туйғуларини, орзуларини ва йигитлик шаънини топтайди. Ўзига ўйнаш қилиб олган маккора Баҳорни унга рўпара қилиб, сахий киши сифатида дабдабали тўй ҳам қилиб беради. Кўп ўтмай кирдикорлари фош бўлиб хиёнат устида қўлга тушади. Бу воқеадан гангиб, ҳушини йўқотган

[82] Холмирзаев Ш. Олабўжи // Шарқ юлдузи. – 1996. – 2-сон. – Б. 57.

Ултонни жиннига чиқариб касалхонага жўнатиб юборади. Юзаки қараганда, асарда бу қўли узун арбоб оддий бир ўқитувчини ўзи бош-қош бўлиб уйлантириб қўйганлиги, сўнгра эса унинг тақдирини шунчаки эрмак қилгани тасвирлангандек таассурот қолади. Янги келин саналган Баҳорнинг тўшагида ўзи ишонган устози, вилоят ҳокимини тасодифан кўриб қолган куёвни ақлдан озганликда айблаб, жиннихонага жойлаштиришади. Сўнгра эса жиннихонадан чиқариб олиш эвазига уни сукут сақлаб юришга кўндиришга ҳаракат қиладилар. Ҳатто отасини йўқ қилишнинг йўлларини ҳам унга тушунтирадилар. Бундай худбинликлар ёш шоир, табиат шайдоси, инжа туйғулар эгаси бўлган содда ва самимий бир йигитнинг ҳаётини остин-устун қилиб юборади. Натижада яхши бир зиёли кишининг умри ҳам, истеъдоди ҳам бесамар хазон бўлади.

Романдаги Ултон шаҳар кўрган, зиёли ва мулоҳазали йигит. Шу сабаб Баҳорни учратган илк кунидан бошлаб гарчи унинг гўзаллиги, жамият ва табиат ҳақидаги дадил фикрлари, шўх ва самимий гап-сўзлари, ўзига жуда ярашиб турган хатти-ҳаракатидан қувонсада, унга нисбатан ичида аллақандай гумонлар шарпасини сезиб юради. Ўзи ишонган, ўзига яқин бўлган қизни атрофидагилардан у ҳақда сўраб-суриштиради. Баҳорнинг ўтмиши билан қизиқади. Бироқ ҳамма худди келишиб олгандек, "бу қиз сизга муносиб", деб баҳо беришади. Ваҳоланки, Ултондан бошқа ҳамма бу қизнинг кирдикорларини, яхши билар, у вилоят раҳбарининг ўйнаши эканлигидан хабардор эди. Лекин улар ҳокимнинг ғазабидан қўрқиб, бу ҳақда оғиз очишга ботина олмай Баҳор билан Ултоннинг муҳаббатига хайрихоҳлик қиладилар. Тўй кунида сидқидилдан ёрдамлашиб, югуриб-елиб хизмат қилишади.

Асарни ўқиш жараёнида китобхон миллий ўзликнинг топталиши, халқимизга хос азалий қадриятларнинг поймол этилиши ва миллат кишиси эътиқодининг хўрланишига гувоҳ бўлади. Масжидларнинг бузилиши, зиёратгоҳларнинг оёқости қилиниши, ҳатто нонвойхона қуриш, чойхона очиш, тўн ва дўппи кийиш, никоҳ ҳамда жаноза ўқитиш каби урф-одатларимизнинг эскилик сарқити сифатида қораланиши одамлар қалбига нечоғлик озор етказганини ёзувчи ишонарли тасвирлайди. Шунингдек, табиат ёдгорликларининг топталиши, ер ости бойликларининг келгиндилар томонидан таланиши, жонзотларнинг аёвсиз қириб юборилиши асарнинг оғриқли нуқтаси ҳисобланади.

Романда миллий ўзлигини оёқости қилган бир гуруҳ амалдор ва бойваччаларнинг кирдикорлари фош этилади. Миллат бошига кулфат келтирган мудҳиш офатлардан бири қўшиб ёзиш иллатининг сабаблари ёритилади. Бу ижтимоий воқеликнинг бадиий тасвири ҳам Ултон образи зиммасига юклатилади. У аждодларимиз тарихининг асл ҳолида талқин этилиши, ноҳақ қатағон қилинган ижодкорлар меросининг ўрганилиши ва номларининг оқланиши, Афгон урушининг асл мақсадлари ошкор этилишини истайди. Бироқ, охир-оқибат унинг бу истаклари сароб бўлиб, ёвузликка қарши бир ўзи курашмоқчи бўлиб, хато қилганлигини англаб етади. Охир-оқибатда уни яна жиннихонага жойлаштирадилар.

Ёзувчи асар сўнгида тоғда бир айиқ пайдо бўлганлигини ва ўша айиқ гоҳида қишлоққа яқин келиши боис, одамлар ўз фарзандларини «Олабўжи» келади, деб қўрқитиши ҳақида ёзади. Шу ўринда асар қаҳрамонларининг сўнгги қисматларидан маълумотлар берилади. Ш.Холмирзаевнинг «Олабўжи» асарида тасвирланган баъзи деталларни кейинчалик унинг бошқа асарларида ҳам қўлланилишини кузатиш мумкин. Жумладан, гор билан боглиқ тасвирлар, у ердаги қозон ва қумғонларни кўмиб белги қўйилиши ота-боболардан қолган анъанавий одат эканлиги тўғрисидаги маълумотлар «Динозавр» романида ҳам учрайди. Шунингдек, Бўтабой сўфининг уйидаги оёғидан боғланган қуш қирғийнинг ҳайкалини тирик деб ўйлаб, унга бориб урилиши, қушнинг озодликка интилиши каби тасвирлар «Банди бургут» ҳикоясида анча кенг тасвирланган.

Шукур Холмирзаевнинг «Динозавр» романида ижтимоий муносабатларга ёндошувнинг ўзига хос инсонийлик позицияси, шахснинг жамиятдаги ўрни, табиати ва руҳиятини бадиий гавдалантириш каби жиҳатлар кўзга ташланади[83]. Ёзувчи инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабати масалаларига очиқдан-очиқ муносабат билдирмайди, балки унда инсоннинг ўзгарувчан табиати воситасида ўзликни англашнинг янги йўлларини кўрсатади. Адиб ўзининг бу асарида узоқ вақтлик сиёсий кўникмадан сўнг бирданига янги тузумга мослаша олмай қийналаётган, аммо ўз эътиқодларидан воз кеча олмаётган шахсларнинг ўй-мушоҳадаларини, руҳиятидаги ўзгаришларини тасвирлайди.

---

[83] Холмирзаев Ш. Диназавр: Роман // Ёшлик. – 1996. – 2–3–сонлар. – Б. 36–53.

Ш.Холмирзаев мустақилликни ҳазм қила олмаган бундай қаҳрамон тимсолини «Озодлик»даги Каклик ва «Банди бургут»даги Бургут образларида рамзий аспектда тасвирлаб берган. Адиб ўзининг сўнгги романидаги бош қаҳрамон воситасида ушбу характер тадрижини мантиқан давом эттиргандек кўринса-да, аслида шўро даврида жабр кўрган ва мустақилликни ҳаммадан кўра қадрлайдиган мустаҳкам эътиқодли киши образини яратади. Қолаверса, адиб янги тузум баҳонасида ўз бебурдлигининг турли-туман қирраларини кўрсатган маънавий қашшоқ кишининг бадиий қиёфасини анчайин шафқатсиз ва очиқроқ тарзда чизишга эришган. Ташқи муҳитнинг инсон табиатидаги ўзгаришларга кўрсатган таъсири натижасида унинг ботинида яшириниб ётган муштарак туйғулар жуфтлиги – гўзаллик ва ёвузликнинг интиҳосиз талқини ҳар қандай инсон шахсиятида мавжудлиги тўғрисида фалсафий фикр юритади. Шу боис, асар китоб ҳолида чоп этилмаган бўлса-да, у адабиётшунос-танқидчилар назарига тушди ва бу роман тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилди[84].

"Динозавр" романида тасвирланишича, Маҳкам ўзининг хотини ва ўғли ҳамроҳлигида ота юрти – тоғ қишлоғига сафар қилиб, таниш-билишлари, қариндош-уруғлари билан дийдорлашади. Улар билан ўзаро мулоқот чоғида изтиробли ўйлар гирдобида қолади. Чунки у суҳбатлашган кишилар табиатида, дунёқарашида, орзу-истаклари ҳамда турмуш тарзида катта ўзгаришлар содир бўлганлигига гувоҳ бўлади.

Маҳкам атрофидаги кишиларни кузатар экан, шу қисқа вақт ичида улардаги ўзгаришларни кўриб ажабланади, ўзи билган, таниган одамлар характеридаги, яшаш тарзидаги, дунёқарашидаги эврилишлардан ҳайратга тушади. Асар қаҳрамони Маҳкамнинг юрагини "нимадир" қийнайди, "нимадир" ўртайди.ёзувчи асарда мана шу "ниманингдир" чизгиларини бериш учун қаҳрамонларини ўз услубига хос тарзда бутун икир-чикирлари, тафсилотлари билан тасвирлашга ҳаракат қилади. Асар қаҳрамонининг ҳаётида янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши осонликча кечмайди, «бозор иқтисодига ўтиш» даврида юзага чиқаётган мураккаб

[84] Мирзаев И. Бадиий услуб сеҳри. – Самарқанд, 2000; Норматов У. Тафаккур сеҳри. – Тошкент: 2005; Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004; Солижонов И. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фанлари д-ри дисс... автореф. – Тошкент: 2002; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фанлари д-ри дисс... автореф. – Тошкент: 2003.

муносабатларни, даврнинг ўзига хос шафқатсизликларини Маҳкам каби ижодкор одамнинг дарҳол ҳазм қилиши қийин кечади. Одамлар учун оддий ҳақиқат бўлган иқтисодий шароитни яхшилаш учун қилинган саъй-ҳаракатлар, энг аввало, пул топиш илинжидаги уринишлар Маҳкамни қийнайди. Айникса, юқумли дарддек унинг оиласига суқулиб кирган молпарастлик ва пулпарастлик иллатлари миллатга фидойилик туйгуси билан ўрин алмашаётгани унинг дилига озор етказади. Шунингдек, турмуш тарзининг ўзгариши унинг ижодга бўлган муносабатига ҳам кескин таъсир кўрсатади. Биз Маҳкам сиймосида ижтимоий воқеликка, янги даврнинг маънавий эврилишларга, кишиларнинг ўзгаришларига мослашиши жараёнининг қийин кечишини кузатамиз ва шу жараёндаги руҳий қийноқларга гувоҳ бўламиз. Шу боис, Маҳкам ўтиш даври зиддиятларини содда, самимий, виждонли инсон, истеъдодли санъаткор сифатида ўзида намоён қила олади. У китобхонда истиқлолни чин дилдан истовчи ватанпарвар ва фидойи инсон сифатида таассурот қолдиради.

Ёзувчининг бадиий нияти Маҳкам образи орқали ўзлигини англашга ҳаракат қилган миллат кишисининг руҳиятини, шунингдек, ҳар қандай давр тўфонлари натижасида йўқолмайдиган имони бутун, иродаси мустаҳкам шахснинг бадиий образини яратиш бўлган. Шу боис, муаллиф Маҳкам образи орқали маълум маънода ўз бадиий ниятига эришган ва миллат кишисининг руҳиятидаги ўзгаришларни тасвирлаш орқали бугунги кун муаммоларини асар марказига қўйишга ҳаракат қилган. Роман қаҳрамонлари турли касб эгалари бўлса-да, ижод аҳлига яқин кишилар. Улар бош қаҳрамон Маҳкамнинг яқинлари, дўстлари ва оила аъзоларидир. Куни кеча моҳир актёр сифатида ўз ўрнига эга бўлган хотини Шаҳлонинг бугунги кунда хорижий мамлакатлардан мол олиб келадиган уста тижоратчига айланиши Маҳкамни ташвишга солади. Нозик туйғулар эгаси бўлган бу аёлнинг пулга ўрганиши натижасида унинг характерида тубанлашиш пайдо бўлишини истамайди. Бироқ Шаҳло ўз наздида бугунги ижтимоий муҳитга мослашган ва ўзича яхши яшашнинг йўлини топган аёллардан. Шунинг учун ҳам у уқувсиз бўлиб кўринган эридан баланд келишга ҳақлиман, деб ўйлайди. У ҳатто эрини ҳам фақат пул топишга, оилага моддий бойлик олиб келишга ундайди.

Қиш кунларининг бирида Маҳкам ўз оиласи билан узоқ юртдаги опасини кўриб келиш учун йўлга чиқади. Тоғ дараси орқали ўтган йўлдан бораётганда уларнинг машинаси бузилиб, ўзлари йўлдан адашиб қолишади ва бир горда олов ёқиб жон сақлашга мажбур бўлишади. Шу ерда эр ва хотиннинг маънавий олами очилади. Шаҳло совуқда, бегона жойда қолганидан ёки эри билан ўғлининг соғлигидан ташвишланиб эмас, балки асарда тасвирланганидек: «...ўзининг хўрлангани, фалон минг доллари бўлатуриб ғариблардек бу куйга тушгани, тагин эрининг ўжарлигидан эмас, шифонернинг ичида ҳам салафан ёпқичда турадиган пальтосининг расво бўлгани, оппоқ ёқаларига кунаёттан ёғли доғларни кетказиш азоби, кетказганидаям сифати аслига қайтмаслигини, қолаверса, эрининг қишлоғига етиб боришганда қай алпозда кўриниши азобидан йиғлаяпти, яъни кўзидан милт-милт ёш оқаяпти»[85].

Аёл хаёлан эрини тафтиш қилади, ўзида унга нисбатан ачиниш, нафрат ва надомат туйғусини ҳис этиб, ўғли билан эрини муҳокама қилишгача боради. Шу йўл билан ўғилни отага қарши қўйиб, ўзининг ҳақлигини исботлашга уринаётганлигини англаб етмайди. Чунки унинг учун англанган ҳақиқат ўтиш даври ўзгаришларига мослашиш ва яхши яшаш учун курашишдан иборат эди. «Ман тушунмайман. Ман дадангни тушунмайдиган бўп қолдим, – деди она. – Шунча йилдан буён билмас эканман бунақалигини.

– Қанақалигини?

– Уф, дадангни тенгдошлари аллақачон йўл топиб кетишди. Бировлари аллақачон фондлар очвотти, фильм қивотганлариям кўп...

– Э, манга ёқмайди ўша фильмлар.

– Лекин керак экан-да. Яшаш учун қилиш керак! Давлат қарамай қўйгандан кейин...

– Умуман-ку, сиз ҳақсиз.

– Албатта, ҳақман-да! Уст–бошига қара, уч йил бурунги костюм-шим. Дуруст бир пальтоси йўқ... Бу кишига барибир. Мен уяламан даданг билан юришга»[86].

Кўриниб турибдики, иқтисодий муносабатлар ўзгариши оқибатида хотин билан эри ўртасида номуносиблик пайдо бўлган. Бир вақтлар ўзи айтганидек, фильмларию, китоблари чиқиб турган вақт-

---

[85] Холмирзаев Ш. Динозавр. Роман // Ёшлик. – 1996. – 2 сон. – Б. 25.
[86] Кўрсатилган асар. – Б. 26.

ларда тимқора жингалак сочлари ялтираб, қоп-қора костюмда кўзини ўйнатган эрига қараб туриб: «Бу одамни аҳволини кўринг... Вей, ўшанда қандоқ кучли эди! Иқтисодда гап кўп экан-де... Бечора чўкди-қолди. Ўйлайди, тентирайди. Йўқ... Бу ўжар: шунинг учун шароитга мослашолмаяпти... Гап шунда. Демак, бу кучсиз одам экан-да», – деб турмуш ўртоғи тўғрисида хулоса ҳам чиқариб қўяди[87].

Асарни ўқир экан, китобхон Маҳкамни тушунишга ҳаракат қилади. Энг аввало, у ростдан ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларига мослаша олмайдиган ожиз ва нотавон кимсами? Ёки, аксинча, иродали, оқимнинг турфа хил ўйинларига қараб товланавермайдиган, эътиқоди мустаҳкам одамми? Ё бўлмаса, шўро даври ҳаётини қўмсовчилар тоифасиданми, деган бир-бирига қарама-қарши саволлар туғилади. Ушбу қарама-қарши фикрлар моҳияти ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрилса, қаҳрамоннинг асл мақсади яққол кўзга ташланади. У бадиий ижод билан қизиқмайди, шунинг учун ҳеч нарса қилмай ҳаётни, одамларни кузатади. Бироқ Маҳкамнинг хатти-ҳаракатлари ва фикрлашида мустақилликка бўлган шукрона мавжуд. У ёзувчининг тасвирида шўро сиёсатининг жабрдийдаси, отаси ва тоғаси халқ душмани, чет эл жосуси деб қамалиб кетгач, қанча азоб-уқубатларни бошидан ўтказган. Эркаклик ғурури туфайли хотини чет элдан олиб келган иссиқ жемферни кийишдан ор қилиб, совуқда қунишиб ўтирган қаҳрамон ўз замондошлари ва юртдошлари томонидан эъзозланади. Атрофидагилар уни истеъдодли ижодкор сифатида юксак қадрлайдилар, уни бойлиги учун эмас, балки ғурурли ва нафсониятли миллат фидойиси сифатида табиатга ошуфталиги учун ҳурмат қиладилар.

Маҳкамнинг отаси билан тоғаси эл-юрт қайғуси билан яшаган зиёли одамлар бўлгани боис ҳам қатағонга учраган. Отаси қамоқхонанинг узоқ муддатлик жабру ситамларига чидай олмай Сталин ўлимидан олдин ўзини-ўзи осиб қўйган. Маҳкам шўро даврида ижодкор сифатида оғир шароитларни бошидан кечирган, бўлса-да, ижтимоий адолат учун курашчилар сафида туришга мажбур бўлган. У шўро сиёсатига эндигина кўника бошлаганида янгиланиш жараёни бошланади. У истиқлол туфайли ўзи ва аждодларининг орзу-армонлари ушала бошлаганидан хурсанд бўлса-да, янги шароитга тез мослаша олмаслиги боис бир ижодкор сифатида бошқаларга жўровоз булиб, унга мадҳиягўйлик қилишга шошилмайди.

[87] Курсатилган асар. – Б. 28.

Асарнинг яна бир қаҳрамони Жамолиддин қисқа фурсат ичида авваллари тасаввур этиши ҳам мумкин бўлмаган мулкдор, бизнесмен бўлиб етишади. Асарда худди шу хилдаги одамларнинг руҳияти ва табиатидаги ўзгаришлар роман марказига қўйилган. Тоғда Маҳкам билан тасодифан учрашиб қолган Жамолиддиннинг характерида ҳам миллатимизга хос соддалик, бағрикенглик, қўли очиқлик, мардлик ва тантилик кўзга ташланади. У иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган ижодкорга нафсониятига тегмайдиган қилиб ёрдам бермоқчи бўлади. Унинг халқимизга хос бағрикенглик ва тантиликни ўзида намоён қилган қаҳрамон эканини қуйидаги парча мисолида кўриш мумкин: «Шунақанги пайтда бир ҳижинада ўтирсанг. Гулхан ёқиб… Мана бу олифта кийимларни отвориб, оддийгина ўзбек чопонини кийиб, чордона қуриб… Вой-вўй, бунинг санобига ким етсин… Шундай қиловуз, шундай кунлар келади. Манинг уч-тўртта операциям бор. Ишда. Кейин, келишиб, битта зўр иш қиламиз… Миллатимиз учун. Биз ҳазилакам халқ эмасмиз… Бизнинг буюк боболаримиз, сиздек ижодкор оқаларимиз бор! Миллий бизнесменлар етишвотти. Ўзбекистон тўрт-беш йилда кўрасиз, Ўрта Шарқда машъал бўлиб кетади. О, биздаги бойлик, халқимизнинг меҳнаткашлиги…» – дейди ғурур ва фахр билан[88].

Жамолиддин Маҳкамга агар Амир Темур ҳақида кинофильм яратса, ўзи унга ҳомийлик қилиши мумкинлигини айтади. Бу таклиф хотини ва ўғлини хурсанд қилиб юборади. Уларнинг наздида бу билан гўё мўмай пул таклиф этилаётган эди. Бироқ Маҳкам бу таклифга рад жавобини беради: «Гап шундаки, Жамолиддин, Амир Темур ҳақида кўп серияли фильмнинг сценарийси тайёр. Талантли бир режиссёр малакали авторлар билан ҳамкорликда ёзган», – дейди у[89]. Бу жавоб, албатта, хотинининг жаҳли чиқади. Бегона эркак олдида хотинлик ўрнини унутади. Эрига нисбатан аччиқ гаплар қилади. Унинг бу ҳолати нафақат Маҳкамни, балки Жамолиддинни ҳам бефарқ қолдирмайди: «Айтмоқчи, айтиб қўйинг келинойимга… хим. хўрламасинлар, жон ака. Вақтинча камхарж бўлиб қолганингизни юзингизга солаверса, биз ўйлаб кўровуз…

– Раҳмат. Манам ўйлавомман… Қандай йўл топилади. Ахир ҳозиргина айтдик инсонда ақл бор. Ҳайвонларда кўникма, инстинкт, тағин алламбалолар бор»[90].

---

[88] Ўша асар. – Б.38.
[89] Ўша асар. – Б.41.
[90] Ўша асар. – Б 44.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, ушбу диалоглар, яқиндагина танишган Жамолиддиннинг ҳотамтойлик қилиб Маҳкамнинг аҳволини муҳокама қилиши китобхонда ноҳуш таассурот қолдиради, гўё ғururини яна кўпроқ топтагандай бўлади. Дарҳақиқат, инсонда ақл, эътиқод, имон деган тушунчалар мавжуд. У қандай шароитда яшамасин, аввало, қалбига қулоқ солиши керак. Қиладиган ишлари одамларгагина эмас, балки ўзига ҳам маъқул бўлиши керак. Қолаверса, шароитга тезда мослашиш ҳам, ҳар мақомга эврилавериш ҳам ақлли инсонларга хос мақбул жиҳат эмаслигини ёзувчи мажозий тарзда имо-ишоралар тасвири орқали уқтиради. Укаси қафасда сақлайдиган бўричаларни томоша қилдириб, уларнинг табиатини шундай шарҳлайди: «Бирон икки ойдан кейин оп-поқ, пух-лий бўлади… Шароитга мослашади-да келинойижон! Қорга мослашади. Мослашмаса, ўлади, овчиларнинг кўзига ташланади... Умуман, барча ҳайвонлар шундай…

– Ҳим, ҳайвонлар дуруст экан, – деди Шаҳло.

– Мослашмаса…

– Тўғри айтасиз, – деди Маҳкам.

– Чунки уларда табиий инстинкт шуни талаб этади.

– Воҳ, онгли бўлиб, мослашолмаётган одамларга нима дейсиз?

– Менимча, онгли бўлганлари учун мослашолмаяпти, – жавоб берди Маҳкам»[91].

Асар қаҳрамонларидан бири Абзал ака кеча таникли болалар шоири бўлгани ҳолда бугун мутаассиб тақводорга айланиб олади. Бу сохта тақводор билан бўлган суҳбатда Маҳкамнинг маънавий дунёси, дунёвий ва диний илмнинг нақадар билимдони эканлиги маълум бўлади.

Воқеалар ривожи давомида сўфийлик ва комиллик тушунчаларини англаб етмайдиган Абзал аканинг яхшигина маош эвазига диний газеталардан бирида ишлаётганлиги маълум бўлади. У Маҳкам акага ҳам ҳиммат қилгандек бўлади: яхши ҳақ тўлайдиган ишхона борлигини айтиб, Маҳкамни ўзи хизмат қиладиган «Ислом» газетасининг мухбирлигига таклиф этади. Бундан Шаҳлонинг боши осмонга етса-да, Маҳкам бу таклифни қабул қилмайди. Бу сафар ҳам эрини кўндиришга ҳаракат қилган Шаҳло шундай дейди: «Ахир, шунчаки маош учун… – Шаҳлонинг гапи оғзида қолди. Маҳкам дона-дона қилиб гапира бошлади:

[91] Ўша асар. – Б.50.

– Мен фақат маош учун ишлайдиган… яшайдиган бўлсам, ундай хизматни топардим, Шаҳло! Табассум қилмай эшитинг… Мана мана бу ерим, кўкракми-юракми, мана шу жойим ором топишини ҳам истайман.

Шаҳло чийиллаб юборди.

– Ундан пастроғини – қоринниям ўйлайсизми?»[92]

Таъкидлаш жоизки, романда маҳкам ва унинг хотини ўртасидаги тортишувда ҳадеб бир масалага урғу қаратавериши, уларнинг хар иккови нинг ҳам қадрини тушириб юборади. Ҳадеб бир нарсани такрорлайвериш жонига тегади, қаҳрамоннинг маълум даражада ёзувчи измн билан ҳаракат қилаётгани маълум бўлиб қолади.

Асарда кеча тарих ўқитувчиси сифатида ёш авлод онгига коммунистик ғояларни сингдириб раҳбар ходим сифатида эса даҳрийлик тарғиботига қўл урган Тоировнинг бугун катта фирма очиб, «бозор иқтисоди» даврининг бадавлат одами бўлиб олиши ҳам тасвирланади. Бу одам Маҳкамнинг отаси билан яқин дўст бўлганлиги сабабли отаси ва тоғаси «чет элнинг шпиони» деб айбланиб камалгандан сўнг уларнинг оилаларига яширинча ул-бул нарса бериб туради. Маҳкам у билан Чўлпон, Қодирий, Фитрат, Ҳамза, Усмон Носирнинг аччик кисмати, эллигинчи йилларда ноҳақ қамалган зиёлилар тўғрисида суҳбатлашар экан, бугунги истиқлол кунларига шукрона келтиради. Маҳкам табиатига хос бундай гўзаллик ва соддалик Тоировнинг истеҳзосига сабаб бўлади:

– Ҳе, Маҳкамбой, – деди ичида кулимсираб. – Одамларнинг бузилиб бораётгани ҳақида лоф урасан. Аммо бунақа «тузалиш», балки «очилишлар» ҳам бор-ку? – деб ўйлайди Тоиров.

У ўзи ҳақида кино қилишни сўраб келади бундан мақсад гўё шу баҳонада қатағон қилинган дўстларининг номларини ҳам тиклаш эканини айтади. Маҳкам ҳам дастлаб бунга кўнади, бироқ кейинроқ, унинг хотини билан ажрашиб, ёш аёлга уйланиб олгани ва буни “муҳаббат” деб баҳолашини эшитиб фикридан қайтади. Шу боис, хотинининг “шунчаки, катта эмас, кичикроқ лавҳа қилиб бўлса-да, пулини олинг”, деб берган маслаҳатига қулоқ солмайди.

Шукур Холмирзаевнинг ҳикоялари орқали бизга таниш бўлган ўзига хос тарзда ўжар, кеча қандай бўлса бугун ҳам шундайлигича қолган, яъни жайдари, қувноқ, танти ва тўпори характерга эга бўлган қаҳрамонлар ушбу романда ҳам ўз қиёфаларини намоён этган-

---

[92] Ўша асар. – Б.53.

лигини кўрамиз. Асарда бош қаҳрамон Маҳкамдан ташқари ҳалол пул топиб кун кўришга одатланган Қуюн ака, тез ўзгарувчан Абзал, ташқи қиёфасига зеб берувчи Шаҳло, алам ва ситамлар қалбига тош бўлиб чўккан Тошмат образлари шулар жумласидандир.

Бугунги ўзгаришлар даври авлодлар қисмати талқинида ҳам янги қаҳрамонларни юзага чиқарди. Аслида шўро давридаёқ сиёсатдан узоқ бўлса-да, ишига, оиласига нисбатан бундай покдил, ҳалол муносабатда бўлган қаҳрамонлар Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев каби адиблар ижодида ҳам муҳим ўрин олган эди. Бироқ масалага муносабатнинг ўзгариши туфайли адиблар бизга таниш қаҳрамонларни даврнинг эврилишлари доирасида қайта имтиҳон қилиб кўраётгандай, уларнинг қалбидаги самимий, табиий туйғуларнинг умрини ижтимоий-маънавий ўзгаришлар воситасида ўлчаёттандай тасаввур беради.

Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи ўз эътиқодидан воз кечолмай қийналаётган кишининг ўй-изтироблари таҳлилига бағишланган. Роман Ботир фирқанинг насли-насабини таништиришдан бошланади: «Таги кўрмаганга гилам битмасин. Қодирқулни чевараси, Холмат малайни невараси, Эсон хизматкорни боласи Ботир кўпчи тумандан айниб келди...

– Бир сўз билан айтсак, мен шу кундан бошлаб Ботир фирқа бўлдим! Айни вақтда, қишлоқ шўросини раиси-да бўлдим! – деди. Кимда-ким мени Ботир фирқа демас экан, ўзидан кўрсин!»[93]

Ёзувчининг таърифича, Ботир кўпчи «айниб» Ботир фирқага айланган. Узоқ йиллар шўро сиёсатига бош эгиб, унга садоқат билан хизмат қилди. У қайсидир маънода Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар»идаги Комиссарнинг «қариндоши». Отига "фирқа" сўзини қўшиб айтмаганларни «халқ душмани» дея айблайди. Бироқ у Комиссар сингари кўпнисини сотиб кун кўришни, ёлғиз қолган аёл шаънини топташ ва норасида гўдакка зуғум қилишни эмас, балки очлик йиллари Мирзахўжабойнинг беваси ва зурриётига яхшилик қилишни афзал билади.

«Нон чучук бўлди.

Ота ўз ўғлини бир зоғора нонга алмашди.

Она ўз қизини бир ҳовуч кепакка алмашди.

Одамзот кунжара ейишгача борди»[94].

---

[93] Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. – Б.7.

[94] Кўрсатилган асар. – Б 8.

XX асрнинг 30–йиллари бир бурда нон учун фарзандини сотиш учун бозорга олиб чиққан онани ўз қарамоғига олди, уларга ёрдам бериш ҳам иқтисодий жиҳатдан ночор ва сиёсий жиҳатдан хавфли бир кезларда уларга ёрдам қўлини чўзади. Адиб мана шу қаҳатчилик йилларининг қийинчиликларини тасвирлар экан, фақат бир пайтлар роҳат-фароғатда яшаб, шўролар даврида кун кечиролмай қолган Мирзахўжабойнинг беваси ва сағриндиси мисолидагина эмас, балки ўша даврда яшаган кўплаб бошқа оилалар тасвири орқали ҳам кўрсатади. Қаҳри темирдан қаттиқ НКВД ходимлари очдан ўлган ёки ҳолдан толганларни сувсиз ҳовузга кўммоқчи ва бу билан «Украинада орттирган тажрибалари» бўйича бизда очарчилик йўқ, деб, ўзларини халқпарвар кимсалар сифатида кўрсатмоқчи бўладилар. Ботир фирқа ҳовузга кўмиш учун олиб келинган қарияларнинг охиратини сўраб, сездирмай тиловат қилади. Ўзининг фирқалигини орага солиб, жонталаш она-боланинг ҳаётини сақлаб қолади. Ёзувчининг талқинида қаҳрамонлар нафақат ўз сўзи, феъли ва ҳаракати билан замон маҳобатини кўрсатадилар, балки замона зайли адибнинг беоҳор нутқида ҳам ўз ифодасини топади: «Гитлер уруш бошлашдан олдин... мағлуб бўлди. Ўз-ўзига гўр ковлади. Ўз бошини ўзи еди... Аммо–лекин Гитлер... мени сезмади, – деди Ботир фирқа.

– Фронт ортида... мен меҳнат қилаётганимни Гитлер билмай қолди!»[95]

Ёзувчи қаҳрамон қисматини даврлар долғасидан тез олиб ўтади, замонлар ўзгариши билан Ботир фирқа ҳам ижтимоий ҳаётдаги янгиланишларга осон мослашиш йўлини ахтаради. Бундай пайтларда Ботир фирқанинг қалбидаги миллий ғурур ва миллатга хос хусусиятлар вақтнинг ўтиши билан мутелашиб, рамзий маънода кар ва кўр, ҳатто "тилсиз" раҳбарга, партиянинг содиқ қулига айланиб қолади. Журналист Мадиев областнинг "биринчиси"га «я задерживаюсь» ("мен ушланиб қолдим") деб телеграмма бергани учун партиявий жазога тортилганда, адолатсизликка чидай олмаган Мадиевга ачингандай бўлади: «Ҳар туғул, орган жиноий иш қўзғамаса бўлди. Болапақир шоирлигига боради. Ўзига жавр этди». Бироқ бу ҳодиса олдида оддий томошабин бўлиб ҳам туролмайди, унга ёрдам бериш учун руҳий касаллар шифохонасига боради. Шоир тақдирига қизиқар экан, бу ердаги ҳолатни кўриб дили вай-

[95] Кўрсатилган асар. – Б.24.

рон бўладию, партия ходими эмасми, ноилож сир бой бермайди. Касалларнинг турли тоифалари билан таништираётган шифокорнинг «Диний-руҳий беморлар, тарихчи руҳий касаллар, бойвачча беморлар, ҳарбий қонун-қоида қурбонлари, ихтирочи-кашфиётчи, ҳақиқатсевар беморлар» каби таснифини кўриб Ботир фирқа бу жиннихона эмас, «тириклар қабристони» деган даҳшатли хулосага келади. Худди шундай жиннихона билан боғлиқ тасвирлар истиқлол даврида яратилган бошқа кўпгина асарларда ҳам учрайди.

Ботир фирқа шўро даври адолатсизликларини кўриб ўз нафратини ичига ютар, ички туғённи босиб, сукут сақлашга ўзини мажбур этарди. Унинг юрагидаги миллий ғурур қанчалик кучли бўлмасин, вақт ўз таъсирини ўтказган, яъни давр уни аллакачон «коммунистик руҳда тарбиялаб» улгурган эди. Шу боис, қайта қуриш, ошкоралик сиёсати даврида ўзи ишонган, эътиқод қўйган комфирқадан воз кечолмай қийналади. “Асарда Ботир фирқанинг бир қатор кулгили, довдир, бир қадар пишиқ, уқувли шахс эканлиги жуда таъсирли ва самимий тасвирланган”[96]. Асар қаҳрамони Шукур Холмирзаевнинг «Диназавр» романидаги Маҳкам образи каби янги даврга тезда мослашиб, янгича сўзлаб, янгича фикрлай олмаслигини тан олган ҳолда ўзининг атрофида бўлаётган ишларни сукут сақлаб кузатади ва бу давр сиёсатини ўзича таҳлил қилиб боради. Бир вақтлар партия сафидан ўчирмоқчи бўлганликлари учун жазавага тушиб, йиллар давомида жиннихонадан қўним топган Мадиев бугун партиядан осонликча воз кечиб, янги мазмундаги нутқлари билан одамларни ўзига қаратиши Ботир фирқани ажаблантиради. Шўро даврида руслашиб, ҳатто фоҳишалик йўлига кириб кетган Диланинг бугунги кунда ҳижобга ўраниб, амри маъруф қилишларини ҳам сира ҳазм қилолмай қийналади. Шу боис, буларнинг қилаётган ишларини бачканалик деб ўйлаб, ўзи эътиқод қўйган маслакита содиқ қолишни маъқул билади. Ботир фирқа ўз ўтмишига назар ташлар экан:

«Мен пионерга эътиқод қўйиб яшадим.

Мен комсомолга эътиқод қўйиб яшадим.

Мен партияга эътиқод қўйиб яшадим», – деб бугунги кунда нимага эътиқод қўйиш мумкинлигини англай олмай аросатда қолади. Шу сабаб, бу ҳаётда ўзини ёлғиз, кераксиз ва чарчаган ҳис этади.

---

96 Йўлдошев Қ. Янгиланишлар мунтазамлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2002. - 19 апрель.

Ботир фирқа ўлимини бўйнига олиб, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади. Бироқ қабристондаги гўрков билан бўлган суҳбатдан кейин бу фикридан қайтади. Чунки ўз жонига қасд қилган киши жанозасиз, ювувсиз кўмилишини, бу иш яратган Аллоҳга ҳам хуш келмаслигини билиб, тўхтаб қолади. Натижада унга тириклар дунёси бўлган бу ёруғ оламдаги ҳаётдан ҳам, ўликлар дунёси – қабристондан ҳам жой олиш осон кечмаслигини англаб етади. Бу дунёда ўлиб бўлмаслигини англаб етган ва икки йўл ўртасида ожиз қолган Ботир фирқа узоқ ўйга толганча уйига қайтади.

Изтироблар исканжасида юрган Ботир фирқани кексалар сафида янги ишларга фотиҳа бериш учун чақирганларида ўзида яна яшашга куч топади. Чунки миллий анъаналар тикланаётган бир даврда унинг ҳам ўрни борлиги ойдинлашади. Ўзи эккан чинорларни қўпориб ташлаб, ўрнига "Буюк ипак йўли" қурилишини эшитганида, қалбида миллий туйғулари жўш уради, дилида шукроналик ва фахр ҳисси пайдо бўлади. Бир томондан, ўзи эккан чинорларининг қисматига ачиниб, йиғлагиси келса, жаҳонга олиб чиқадиган Буюк ипак йўлининг қурилишини ўйлаб боши осмонга етади. Асар мана шундай мураккаб рамзий тафсилотлар билан якунланар экан, ёзувчи бир умр ора йўлда қолиб, руҳан қийналиб, ниҳоят кўника бошлаганида яна ўша икки йўл орасига тушиб қолган Ботир фирқа образини ишонарли ва халқона миллий характер тарзида акс эттиришга эришади.

Академик Б.Назаров Фаррух Жабборов билан бўлган суҳбатида шундай дейди: «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида муаллиф аввалги асарида бошланган бадиий ниятларини янада чуқурлаштирган. Адиб бу асарида ғояларга алданган, умри саробга айланган инсон фожиасини кўрсатишга ҳаракат қилади. Ёзувчи ўз қаҳрамонларини, бир қараганда, гўё фош этаётгандек, ҳажв қилаётгандек туюлади. Лекин жиддийроқ назар ташласангиз, ижодкорнинг мақсади уларни ҳажв этишдан иборат эмас, балки аниқ ва тиниқ акс эттириш экани кўринади»[97]. Дарҳақиқат, инсон фожиасини кўрсатишнинг турли хил қирралари мавжуд. Уни ёлғиз ҳажвий пландагина кўрсатиш юксак адабиётнинг имкониятларини чеклаб қўйиш билан баробардир. Ёзувчи сифатида буни яхши ҳис қилган Тоғай Мурод, шахс фожиасини давр қисмати билан уйғунликда

[97] Назаров Б., Жабборов Ф. Давралари давом этади // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2008. - 22 февраль.

кўрсатар экан, кўпинча, қаҳрамон характерига таянади, унинг руҳиятида кечган ботиний кечинмаларга кўпроқ эътибор қаратади.

Истиқлолдан сўнгги йилларда яратилган романларда миллат кишисининг миллий қиёфаси, дунёқараши, эътиқоди ва миллий ўзлигини англаш муаммоларининг ёрқин рангларда ёритилганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, истиқлол даври романларида ноанъанавий тарзда тасвирланган қаҳрамоннинг маънавий ва ахлоқий қиёфаси бутун тафсилотлари, бўй-басти, турлича ижтимоий оқибатлари муштараклигида акс эттирилмоқда. Ўзининг миллий гурури ва ор-номусини унутиб, виждон деган тушунчани сийқаси чиққан қарашлар тарзида англайдиган кимсаларнинг ботиний оламини кашф этиш ва унинг тақдиридаги фожиаларни акс эттириш учун ижодкорлар ранг-баранг бадиий услублардан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Бадиий асар мазмунини бойитувчи бундай изланишлар шаклан янги поэтик тасвир имкониятларини ва ўзига хос талқинларни юзага чиқармоқда.

Кейинги даврда яратилган романларда ижодкорнинг «...инсон феъл-атворининг турли шароитларда қандай товланиши ва бу товланишлар ўша шароитга қандай акс таъсир кўрсатганлигини тийран кўз билан кузатишга ҳаракат қилганлиги»[98] кўзга ташланади. Худди шундай ижтимоий воқелик ва давр кишисининг ўтган умрини тафтиш қилиш мавзуида Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Ш.Холмирзаевнинг «Динозавр», Т.Мурoднинг «Отамдан қолган далалар», «Бу дунёда ўлиб бўлмайди», О.Ёқубовнинг «Адолат манзили», О.Мухторнинг «Минг бир қиёфа» асари билан бошланган туркум романлар яратилди. Бу асарлар бадиий шаклнинг турли кўринишлари тарзида юзага келгани ва тасвир усулидаги янгиланишлар билангина эмас, балки фалсафий-эстетик асоси, ёзувчининг янгича тафаккур олами маҳсули бўлган қаҳрамонларнинг ўзига хос характерлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Айниқса, бу асарларда инсон руҳий оламини реалистик усулда таҳлил қилиш тамойилининг ўзига хослиги диққатга сазовордир. Гап ижтимоий воқелик ва инсон миллий руҳиятининг бадиий асарда қандай усулда ифода этилиши тўғрисида борар экан, бугунги кунда ижодкорнинг поэтик идроки ва эстетик идеали ишонарли ва нафосат билан намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

---

[98] Қўшжонов М. Бадииятнинг олмос жилолари // Халқ сўзи. - 2002. - 20 сентябрь.

Ўзбек романчилигида авлодлар қисматини акс эттириш ҳам ўзига хос тарихга эга. С.Айнийнинг «Қуллар», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ва «Улуғ йўл», Аскад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», «Чинор» романларида кенг таҳлил қилинган бу мавзу сўнгги давр романчилигида янгича талқинларда ифода этила бошлади. Энди ўзбекнинг сўнгги юз йиллик тарихига муносабатда ундаги курашчанлик, фахр ҳисси, давр қаҳрамони бўлиш каби хислатлар замирида яшириниб ётган ижтимоий иллатлар очиқ танқид остига олинди. Миллатнинг таназзулга юз тутиш сабаблари маълум маънода мустабид тузум сиёсати туфайли экани, шўро машинаси миллий руҳни сўлдириш орқали миллатни бу туйғудан маҳрум манқуртга айлантириб қўйиш жараёни романларда анча батафсил таҳлил қилинди. Бу жараён романларда қаҳрамоннинг миллийлиги, ўзликни сақлаш йўлидаги кураши, изтироб ва машаққатлар билан эришуви шаклида ўз аксини топди. Ана шу жиҳатдан Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод романларида миллатнинг ўзига хос қиёфасини кўрсата оладиган, уни бутун мусбат ва манфий томони билан ҳаётий тарзда акс эттира оладиган қаҳрамон образларини яратилиши жиддий ютуқ сифатида баҳоланишга лойиқ. 90-йиллар романчилигида ва XXI аср тонготарида вужудга келган асарларда миллий руҳ ва миллий қаҳрамон муаммоси романнинг асосий мавзуси, ғояси ва долзарб масаласи даражасида қўйилишининг боиси ҳам ана шундадир.

# ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ ВА МИФОПОЭТИК ТАЛҚИН

## Фольклоризмларнинг роман бадиий тўқимасидаги ўрни

ХХ аср ўзбек адабиётида миллий руҳ ва қаҳрамон талқинига бағишланган ўнлаб романлар яратилган бўлиб, уларнинг аксариятида миллий қадриятлар ҳамда халқ оғзаки бадиий ижоди анъаналари-фольклоризмлар ўз аксини топган. Зеро, миллий руҳ муайян миллий этномаданий анъаналар муҳитида шаклланади, халқнинг урф-одатлари, маросимлари ва оғзаки бадиий ижоди эса ана шу миллий муҳитни ташкил этувчи асосий компонентлар саналади[99]. Зеро, миллий руҳнинг бадиий-эстетик талқини хусусида сўз юритиш ҳамда муайян илмий хулосаларга келиш учун миллатнинг ўзига хос табиати, миллий характернинг шаклланишига асос бўлган маънавий қадриятлар ва анъаналарнинг мустақиллик даври ўзбек романчилигида қай даражада акс этганлигини ўрганиш зарурдир. Чунки миллий қадриятлар ва анъаналарни бадиий идрок этиш орқали бадиий асарлар яратиш, қолаверса, урф-одатлар ва маросимларда ўз ифодасини топган «миллий ўзлик»ни ёзма насрга сингдириш бугунги адабий жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Ёзма адабиётда фольклоризмларнинг қўлланилиши жуда қадимдан бадиий таомилга айланган анъанадир. Фольклор ҳамма даврларда ҳам ёзма адабиётнинг мазмун-мундарижасини бойитувчи, унинг поэтик имкониятларини муттасил такомиллаштириб борувчи бадиий–эстетик асос вазифасини ўтаб келган. Ёзма адабиётнинг шаклланиши ва тараққий этишида оғзаки ижод жанрлари муҳим бадиий замин сифатида фаол иштирок этади. Ҳар бир давр адабиёти миллий қадриятларга ўз бадиий-эстетик эхтиёжлари ва бадиий ният талаблари даражасидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати қадимги даврлардан то бугунги кунга қадар давом этиб келаётган энг изчил бадиий-эстетик анъаналардан бири сифатида фаол намоён бўлмоқда. Шунинг учун ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижоди ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ўзига хос жиҳатлари уларнинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни, бадиий матндаги

---

[99] Бу ҳақда қаранг: Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. – Тошкент: Фан, 2010.

фольклоризмнинг манбалари ва бадиий ниятини юзага чиқарувчи восита сифатидаги аҳамиятидан келиб чиқиб баҳолаиади. Ёзма насрда қўлланилган фольклоризмларнинг бадиий асар композиция-си ва сюжет қурилишидаги поэтик ўрнини илмий-иазарий жиҳат-дан ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Бу муаммо мумтоз адабиёт мисолида Н.Маллаев, М.Ҳакимов, Ж.Қобулниёзов, Т.Хўжаев[100] каби олимларнинг Алишер Навоий, Бобур, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Саккокий, Атоий каби шоирлар ижодидаги фольклоризмлар тадқиқига доир асарларида ўрганилган. Б.Саримсоқов ва И.Ёрматов фольклоризм-лар таснифи, тавсифи, манбалари ва типологияси масалаларини тадқиқ этишга[101]. Ғ.Мўминов, Ғ.Жалолов, А.Эргашев, Д.Қувватова, Ш.Ишниёзова, М.Имомкаримова, М. Пирназарова[102] эса XX аср ўзбек адабиёти асарларининг таҳлили мисолида фольклоризмлар-нинг бадиий матн структурасидаги поэтик хусусиятларини тадқиқ этишган. Мифологиянинг ёзма адабиётга таъсири масаласи эса ўзбек адабиёти материаллари асосида М.Саидов, Ғ.Акрамов, М.Жўраев, Т.Хўжаев, М.Нарзиқулова[103] томонидан ўрганилган. Биз

---

[100] Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. - Тошкент: Фан. 1974. – 28 б; Ҳакимов М. Ўзбек совет ёзувчиларининг асарларида мақол. матал ва афоризмлар: Филол. фанлари. д-ри... дис. – Тошкент: 1965. - 494 б; Қобулниёзов Ж. Ўзбек совет адабиётининг шаклланиш даврида ўзбек фольклори (эпик жанрлар бўйича : Филол. фанлари доктори.. дис. – Тошкент: 1957. - 377б; Хужаев Т. XУ аср I ярми ўзбек адабиёти ва фольклор: Филол. фанлари номзоди... дис. - Тошкент: 1996. - 131 б.

[101] Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981.

[102] Саримсоқов Б. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларига доир изланишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1976. 5 сон. - Б.85-88; Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1982. 2 сон. - Б. 59-61; Жалолов Ғ. Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди («Майсаранинг иши» комедияси аспектида): Филол.фанлари д-ри... дис. - Тошкент: 1961. - 352 б.; Муминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фанлари д-ри... дис. - 1994. - 287 б. Яна ўша муаллиф. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли. - Тошкент: Фан, 1985. – 78 б; Қувватова Д. Ўзбек миллий бадиий фонтастикасида фольклор мативлари. Филол.фанлари номзоди... дис. - Тошкент: 1997: Ишниёзова Ш.А. Ҳозирги замон ўзбек ва қирғиз насрида афсона ва ривоятларнинг қиёсий-типологик таҳлили: Филол. фанлари номзоди... дис. - Тошкент: 1996; Имомкаримова М. Ўткир Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини: Филол. фанлари номзоди... дис. - Тошкент:2004; Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар: Филол. фанлари номзоди... дисс. - Тошкент: 2006. Эргашев А. Ривоят ва унинг бадиий асар композицион структурасидаги ўрни: Филол.фанлари номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 1993.

[102] Саидов М. Туркий халқлар мифологиясининг ёзма адабиётга таъсири масаласига доир // Адабиёт кўзгуси. - №2. – Тошкент: 1996. – Б. 141-145; Акрамов Ғ. Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1996. - №2. –Б. 60-66; №4. – Б. 70-74; - №5.

эса истиқлолдан сўнгги йилларда яратилган ўзбек романларида қўлланилган фольклоризмлар, мифологизмлар ва миллий қадриятлар таҳлили орқали миллий руҳ ва қаҳрамон талқини қай даражада акс эттирилганлигини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Мифологик қарашлар қадимги одамларнинг ибтидоий тушунчалари маҳсули бўлиб, инсон тафаккурининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Бадиий асарда тасвирланган қаҳрамон характерига хос табиийликни сақлаб қолган ҳолда бугуннинг дардини, ҳозирги замон кишиси шууридаги кечинмаларни рамзий-метафорик усулда талқин қилиш учун ҳар бир адиб авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эътиқод ва ишончларга мурожаат этиб, уларни бадиий маҳорат билан асарга сингдириб юборади. Мифологик қарашларни бадиий асарга сингдиришда ҳар бир адиб ўзига хос усулини қўллайдики, натижада ёзма насрда мифологизмларнинг турли типлари юзага келган. Чунки ҳар бир миллатнинг ўзи қадрлайдиган маданияти, ўзига хос ўтмиши, маданий ва маънавий қадриятлари, миллий урф-одатлари ва яшаш тарзи, миллий дунёқараши ва маросимлари мавжуд. Шу каби ҳар бир давр адабиётининг ҳам ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи, халқ ҳаётини ҳаққоний тасвирлашга хизмат қиладиган, миллий колорит ва руҳиятни акс эттирадиган бадиийлик мезонлари борки, булар бевосита ёзма наср ва оғзаки ижоднинг ўзаро изчил муносабати натижасида гўзал бадиият намуналарининг ёзма адабиётга киритилишига асос бўлган.

Маълумки, жаҳон адабиётида фольклор анъаналари, жумладан, афсоналар асосига қурилган асарлар талайгина. Масалан, Гомернинг «Одиссея» достони юнон афсоналари ва эпоси асосида яратилган буюк асар эканлиги ҳаммага аён. Рус адабиётида М.Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» романи ҳам моҳиятан фольклор анъаналари асосида яратилган. Айни хусусият ўзбек болалар адабиётида кўпроқ намоён бўлганини таъкидлаш жоиз. Шу жиҳатдан Х.Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб", "Ширин қовунлар мамлакатида" каби романлари характерлидир. Бироқ айни ҳолат, яъни сюжет асоси фольклор манбалари замирига таяниш анъанаси тўғ-

- Б. 56-58; - №6. – Б. 53-57; Жураев М. Мифларнинг ёзма адабиётга муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1980. - № 6; Хужаев Т.Р. Мифик образ ва ёзма адабиёт // Адабий мерос. - 1991. - №2. –Б. 63-68; Нарзикулова М. «Сабъаи сайёр» достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Жураев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.

ридан-тўғри ўзбек романларига кўчмаган бўлса-да, Асқад Мухторнинг «Чинор», Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» асарлари- нинг бадиий қурилишида фольклоризмларга кенг ўрин берилган. Бевосита фольклор анъаналаридан фойдаланган ҳолда асосида яратилган бундай бадиият намуналарини бугунги кун насрида Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Тоғай Мурод, Асад Дилмурод, Улуғбек Ҳамдам каби ижодкорларнинг асарларида учратишимиз мумкин.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди анъаналарига мурожаат этиш ёзувчининг ўзига хос бадиий қиёфасини, асарнинг ғоявий-бадиий бутунлиги, услубий ранг-баранглиги ва сюжетнинг оригиналлигини таъминлайди. Шу билан бирга, рамзий-тимсолий тасвирларнинг бўёқдорлигини оширишда, миллий қадриятлар ва анъаналарга суяниб иш кўрган ёзувчи ўз бадиий ниятининг рўёбга чиқишига эришади. У асарнинг халқчиллигини ва миллийлигини таъминлабгина қолмай, унинг композицион қурилиши, бадиий тасвирнинг янгилиги ва қаҳрамонлар характерининг тўлақонли чиқишини ҳам таъминлайдиган бадиий асосга эга бўлади. Зеро, «ўзбек адабиётида роман жанрининг туғилиши тўрт муҳим манбага таянади, яъни, а) воқелик – ҳаётнинг ўзи; б) фольклор, биринчи галда эпик достонлар; в) ўзбек классик адабиёти; г) рус ва жаҳон илғор романчилиги»[104], – деб ёзган эди профессор С.Мирвалиев. Дарҳақиқат, олим тўғри таъкидлаганидек, фольклоризм нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон романчилигидаги ҳам муҳим ўрин тутади. Бугунги кун романчилигида миллий қадриятлар даражасига чиққан эътиқод ва туйғулардан ташқари фольклорнинг турли жанрга мансуб кўринишларини ҳам кузатиш мумкин. Шунга кўра биз ҳозирги ўзбек насридаги фольклоризмларни қуйидагича таснифладик:

1) халқимиз турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олган турли хил маросимлар, расм-русумлар, миллий анъаналар ва урф-одатларнинг ёзма насрдаги ифодаси;

2) қаҳрамон тақдири ва характерининг тўлақонли тасвирини яратиш мақсадида бадиий асар матнига олиб кирилган фольклорга хос поэтик образлар, бадиий тасвир воситалари ҳамда киритма эпизодлар талқини;

3) роман композицияси ва сюжет қурилишининг ўзига хослигини таъминлаш мақсадида бадиий асар тўқимасига сингдириб юборилган фольклор сюжетлари ва анъанавий эпик мотивлар;

[104] Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Б. 73.

4) қаҳрамон руҳиятини таҳлил қилиш ва унинг миллий-маънавий оламини шакллантириш мақсадида бадиий тасвир қатламларига сингдирилган мифологик тасаввурлар, турли хил халқ қарашлари ва адиб бадиий мақсади билан уйғун ишонч-эътиқодлар;

5) воқеликни бадиий идрок қилиш ва асар сюжет-композицион қурилишини шакллантириш жараёнида бадиий матнга сингдирилган мифологизмлар.

Ёзма насрда фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланиш ижодкордан катта маҳорат талаб қилади. Энг аввало, фолклор намуналарини ўз асарларида маҳорат билан қўллаш, шунингдек, шу орқали китобхонга маънавий таъсир этиш билан бирга асарнинг ўқимишлилигини таъминлаб туришни тақозо этади. Бироқ баъзи бир ёзувчилар ижодида фольклоризмларнинг ноўрин қўлланиши натижасида асарнинг жуда ғализ чиқиши, яъни воқелик ва мифологик тасвир унсурлари алоҳида-алоҳида йўналишни ҳосил қилиб бир-бирига ёпишмай қолган ҳолатлари ҳам кузатилади. Одатда бунда китобхоннинг тишига тегадиган ортиқча жумлалар, мантиқан тугалланмай қолган фикрлар, сўз ўйинларидангина иборат асарлар пайдо бўлади. Демак, фольклоризмлар табиатини билмаслик адабиёт оламида нафақат бўш асарлар яратилишига, балки китобхоннинг маънавий савиясига ҳам салбий таъсир қилиб, унинг бадиий диди ўтмаслашиб қолишига ҳам олиб келади. Шу жиҳатдан ўзбек насрида, хусусан, романларимиз таҳлили мисолида ижодкорнинг фольклор анъаналаридан фойдаланиш маҳоратини кузатиш фольклоризмларнинг ёзма наср поэтик қурилишидаги ўрнини белгилашга доир янги назарий хулосалар чиқариш имконини беради.

Омон Мухтор асарларида фольклоризмнинг ранг-баранг кўринишларини учратиш мумкин. Адибнинг «Афлотун» романида тасвирланган барча воқеалар инсон ҳаётининг моҳияти ҳақида ўйлашга, фикр юритишга, мушоҳада қилишга ундайдиган бадиий-фалсафий ҳақиқатлар, аниқроғи, ҳаётнинг моҳиятини бадиий таҳлил қилиш асносида ёзувчи тафаккурида туғилган ўй-кечинмалар маҳсулидир. Ёзувчи халқ оғзаки ижодининг анъаналаридан таъсирланиб, «Афлотун» романига олиб кирган "қудуқ" детали асарнинг бадиий жиҳатдан тўлақонли чиқишини таъминлаган. Маълумки, эпик қаҳрамоннинг қудуққа тушиш мотиви халқ эртакларида, шунингдек, мусулмон Шарқида кенг тарқалган Юсуф қиссасида баён этилган. Шу боис, бу мотив асар қаҳрамони ҳаётидаги сирли но-

кealар ечимини излашда китобхонга ёрдам беради ва миллий руҳият моҳиятини англашда ўзига хос калит вазифасини ўтайди. Адиб ўз қаҳрамонини қудуқ тубидаги дарча орқали ўзга оламга олиб ўтиши учун шароит яратиш мақсадида ер ости дунёси тўғрисидаги мифологик қарашлар билан боғлиқ анъанавий мотивлардан бири – қудуққа тушиш мотивидан рамзий тасвир сифатида фойдаланган. «Халқимиз ер ости оламига гўр, қудуқ, ёриқ-тешик ёки ғор орқали ўтиш мумкин деб ўйлаган», – деб ёзади М.Жўраев[105]. Фольклоршунос У.Сатторовнинг қайд этишича, "Мифологияда қудуқ ер ости оламига ўтиш воситаси деб талқин қилингани боис, қудуқ суви билан ер остидаги оби ҳаёт ўртасида алоқадорлик, рамзий боғланиш борлиги ҳақидаги қарашлар келиб чиққан»[106].

Қаҳрамоннинг қудуққа тушиши ва у ерда ғайриоддий персонажлар билан мулоқотда бўлиши ўзбек фольклори эпик жанрлари – эртак, афсона ва мифларнинг анъанавий мотивларидан бири саналади. Масалан, "Абдулазиз" эртагида тасвирланишича, саҳрода бораётган карвон бир қудуқ олдида тўхтаб, туяларни суғормоқчи бўлишади. Бир кишини белидан боғлаб қудуққа туширадилар, аммо сувдан дарак бўлавермагач, арқонни тортишса, ҳалиги одамнинг калласи кесилган экан. Кимни туширишмасин, шу ҳол такрорланаверибди. Навбат Абдулазизга етганида у карвонбошиға: "Мени оёғимдан боғлаб, бошим билан туширинглар", - деб илтимос қилибди. Улар Абдулазизни айтганидай қилиб қудуққа туширибди. Абдулазиз қудуққа тушиб, кўзини очиб қараса, бири оқ, бири қора иккита дев ўтирибди. Шу иккита дев қудуққа тушган одамларнинг бошини олиб, ҳеч кимга сув бермас экан. Абдулазиз оқ дев билан қора девнинг саволига тўғри жавоб бергач, улар қудуқ тубидан кетишибди ва йигит карвонга етарлича сув чиқариб берибди[107]. Кўринадики, бу эртакда эпик қаҳрамоннинг қудуққа боши билан тушиши унинг ер ости дунёсига қилган сафари сифатида тасвирланган. Дарҳақиқат, ер ости мамлакати тўғрисида турли хил ривоят ва афсоналар тўқилган бўлиб, халқ ишончларига кўра, осмон – малоикаларнинг макони; ер ости эса марҳумлар мулки, деб тушунилган. Шу боис, Омон Мухтор ҳам ўз бадиий ниятини амалга ошириш мақса-

[105] Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 23.
[106] Сатторов У. Ўзбек халқ топонимик ривоятлари: Филол. фанлари. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – Б. 82.
[107] Чалпак ёққан кун. Эртаклар. - Тошкент: Юлдузча, 1987. - Б.119-120.

дида мана шундай мифологик тасаввурларга суянганлиги боис Усмонни янги саргузаштлар оламига олиб кириш учун уни қудуқ тубига туширади.

Бизнингча, асарда Усмон билан қудуқ тубида учрашган кишилар аждодлар руҳининг поэтик тимсоллари бўлиб, шу ўринда адиб нима учун қудуқ тасвирини берди, деган савол туғилади. Бунинг сабабини ҳам халқнинг мифологик тасаввурларидан излаш керакка ўхшайди. Чунки халқ қарашларига кўра, "қудуқ" детали замин билан ер остини боғлаб турадиган рамзий восита, яъни икки оламни бир-бирига боғловчи йўл тимсоли деб тасаввур қилинади. "Ўзга олам" эса, кўпинча, ер остида жойлашган деб қаралади. Халқ оғзаки ижодида, хусусан, сеҳрли эртакларнинг қаҳрамонлари, кўпинча, "ўзга олам"га қудуқ ёки ғор орқали ўтишлари тасвирланган. Шундай мифологик қарашларга асосланган адиб аждодлар руҳининг рамзий ифодаси вазифасини бажарувчи персонажларни қудуқ тубидаги "ўзга олам"га жойлаштиради ва асар қаҳрамони ҳаракат қиладиган бадиий маконни ўша жойдан танлайди. Бундан ташқари, қудуқ туби тасвирига ёзувчи чуқур фалсафий моҳият бахш этган. Адиб идрокига кўра, инсон ўлимидан сўнг жисман ер остини макон қилса-да, бироқ унинг руҳи яшашда давом этади. Руҳ учун бизнинг тушунчамиздаги макон ва замон мезонлари йўқ, шу боис улар замоний ва макониий чегараларни билмай ҳаракатланадилар. Асарда қудуқ тубидаги инсонлар ер устидаги одамлардан, уларнинг қиладиган ишларидан бохабарлиги ва уларнинг вакили бўлган Усмонни бундан хабардор қилишларининг сабаби ҳам ана шунда. Ёзувчи аждодлар руҳининг мана шу огоҳи учун икки оламни бир-бирига боғловчи восита сифатида қудуқни танлаган.

Асарда ёзувчининг ўзи ҳикоячи-қаҳрамон вазифасини бажарганлиги боис тасвирланган воқеалар унинг хаёлотида рўй беради. Маълумки, хаёлотнинг учқур қанотлари макон ва замон нуқтаи назаридан чексиз парвоз қилиш имконига эга. Шунингдек, асарда келтирилган «Ассалому алайкум» айтими ҳам поэтик вазифа бажаради. Халқимиз орасида кўзига говмижжа чиққан киши эрталаб туриб итга, жийда дарахтига ёки ҳожатхонага салом беради деган қарашлар мавжуд. Сўз магияси билан боғлиқ бу ирим бажарилса, говмижжа тузалади, дейдилар. Худди шундай ҳолатларни, кўпинча, халқ эртакларида, одатда аждаҳо, ялмоғиз ва жодугар образлари тасвирида ҳам учратамиз: эпик қаҳрамон аждаҳога дуч келганида

бу мифологик жонзот оғзидан олов сочганча унга ҳужум қилади. Шундай мифологик персонаж тимсолига хос эпик талқинни қўллаган ёзувчи ҳавонинг ҳаддан ташқари иссиқлиги туфайли қаҳрамоннинг чанқаганлигини муболаға тарзда тасвирлаган. Адиб тасвирича, «бир тўп кишилар энгашиб, қудуқ ичига қарашди. Усмон ҳам қаради. Баъзан қудуқлар ичида ой бўлади, деб эшитган эди. Бу қудуқнинг ҳам тубида нимадир ялтирарди. Бироқ одамларга ой эмас, сув керак эди. Пастга челак туширишди. Челак тарақлаб, қуруқ чиқди. Яна қуруқ! Паришонланиб, одам тушириб кўришга қарор қилишди»[108].

Адиб тасвирлаган бу лавҳа, ва унда иштирок этган персонажларнинг хатти-ҳаракатлари замонавий романда тасвирланган бадиий воқелик учун ишонарли бўлиши керак эди. Ёзувчи мифологизмни қанчалик чуқур сингдирмасин, тасвирдаги ана шу бадиий ҳақиқатга ўқувчини ишонтиришга эришади. Чунки ҳақиқатдан ҳам сувсаб бораётган йўлчининг олдидан қудуқ чиққанда у ана шу қудуққа умид кўзи билан боқади. Воқеалар ривожи давомида адиб яна эпик мотивлардан фойдаланади: «Бир одамнинг белидан арқон боғлаб узатишди, қудуқдан бу одамнинг жасади чиқди. Унинг боши кесилган эди! Иккинчи одамнинг белига арқон боғлашди. Бунинг ҳам жасади чиқди. Қиличми, ханжар билан тилкалаб ташланган эди. Учинчи одам журъатланиб тушди. Яна жасад. Бунисининг кўксида қўрғошин. Энди қудуққа тушгани ҳеч кимнинг юраги дов бермай қўйди»[109].

Адиб мана шундан сўнг роман қаҳрамонини халқ эртаклари руҳидаги фидойи ва матонатли образга айлантиради. Асарнинг қаҳрамони Усмон бошқалар қатори оёғи билан эмас, қудуққа боши билан тушади. Шу ўринда адиб яна халқ эртакларига хос эпик тасвир усулини қўллайди. Етти кулоч арқон чўзилиб, етмиш кулоч бўлиб қолади. Қудуқнинг деворларидан қироат ва бошқа овозлар эшитилади. Қаҳрамон боши билан тушганлиги учун қудуқ тубидаги мис лаган атрофида ўтирган кишилар Усмонни ўлдиришмайди, аксинча, шаробми, сувми солинган косани унга тутадилар. Усмон эса ўзини эмас, ташқарида қолганларни ўйлайди. Лаган атрофидагилар эса ер юзида яшайдиган одамларни (аниқроғи, Усмон ва унинг ёнидагиларни) табиатни, замин юзини хароб қилганликда айблайдилар.

---

[108] Омон Муқтор. Афлотун. Роман. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 12.
[109] Кўрсатилган асар. – Б. 7.

Катта ижтимоий-фалсафий маъно сингдирилган бу лавҳадаги бадиий тасвир халқ эртакларидаги анъанавий мотивларни эслатади. Зеро, «бу ўринда мифнинг яшаш шакли ва мазмунида характер жиҳатидан соф асотирлик хусусияти сақланмайди. Унинг бадиий тафаккурдаги қолдиқларигина роман жанрига сингиб ўтиши содир бўлади».[110]

Биз ушбу асарни таҳлил қилар эканмиз, худди шундай мотивни «Сирли туш» номли ўзбек халқ эртагида ҳам учратамиз: «Сувсаган карвон қудуқдан сув олмоқчи бўлса, ҳеч сув чиқмабди. Шундан сўнг одам туширишга мажбур бўлибдилар. Бир хизматкорни белидан боғлаб қудуқ ичига туширибдилар. Унинг боши кесилган ҳолда чиқибди. Яна бир хизматкорни туширибдилар. Сўнгра тортиб олсалар, тушган одамнинг боши кесилган ҳолда танаси чиқаверибди. Бу аҳволдан таажжубланган карвон аҳли нима қилишини билмай, шошиб қолибди. Манзил йироқ, сув эса албатта керак. Агар сув бўлмаса ҳаммаси ҳалок бўлиши мумкин. Шунда Салом: “Майли мен тушай, бахтимни синаб кўрай, мени белимдан боғламангиз, оёғимдан боғлаб, бошим билан секин-секин туширингиз, – дебди”. Чунки худди шу пайтда қаландардан бир тиллага сотиб олган гапи эсига тушган эди. Саломни қудуққа секин-секин тушираётганларида тирикми, ё ўлдими деб “Салом” деб чақирипибди. Шунда бирдан Саломнинг эсига “Ассалому алайкум” сўзи келибди-да, “Ассалому алайкум” деб юборибди. Қудуқ тубида икки дев бир-бирига рўбару бўлиб ўтирган экан»[111].

Эпик қаҳрамоннинг қудуққа оёғи билан эмас, балки боши билан тушиши ҳам ўзбек фольклоридаги мифологияга дахлдор анъанавий мотивлардан бири саналади. Жумладан, Самарқанддаги «Шоҳи зинда» обидаси билан боғлиқ тарихий афсонада ҳам шу мотив қўлланилган.

Демак, эртак ва афсоналар сюжетига хос бу анъанавий мотивларнинг романга маълум бир эпизод сифатида киритилиши билан мазкур эпик мотивнинг эртак ёки мифдаги бадиий функцияси ўзгаришга учрайди: энди “қудуқ” детали ёзувчининг бадиий ниятига хизмат қилувчи сюжет элементига айланди. Бундай сюжет ёки қаҳ-

[110] Нурпазарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар: Филол.фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 2006. - Б.81.
[111] Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – Б. 8.

рамон адабий мифологизация жараёнида ўзига қўшимча маъно оттенкасини орттиради ва унинг роман бадиий структурасидаги поэтик вазифаси ҳам ана шу "маънавий юмуш"ни бажаришга қаратилган бўлади.

Омон Мухторнинг таҳлил қилинаётган романида адибнинг фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланишнинг яна бир ўзига хос жиҳати кўзга ташланади: Бу фольклордаги эртак–новеллаларга хос эпик ривоя усули, яъни ҳикоячи-қаҳрамон образининг «ички эпик позицияда» туриши билан белгиланади. Омон Мухторнинг ҳикоячи-қаҳрамони воқеалар силсиласининг бевосита иштирокчиси бўлганлиги учун ҳам асар давомида "ички эпик позиция"да туриб воқеларни баён қилади. Айтувчи шахсининг "ички эпик позиция"да бўлиши фольклорга ҳам хос белги бўлиб, масалан, «оғзаки ҳикоя жанрида баён қилинган ҳаётий воқелик билан айтувчи шахси ўртасида бевосита боғланиш бўлади. Айтувчи бевосита ўзи бошидан кечирган, гувоҳ бўлган ёки воқеа иштирокчисининг ўз оғзидан эшиттан ҳодисаларни ҳикоя қилади. Демак, айтувчи ўзи ҳикоя қилаётган воқеликка қай жиҳатдандир дахлдордир. Шунинг учун ҳам оғзаки ҳикоя жанрида айтувчи эпик позициянинг ички шакли кўзга ташланади»[112].

Кейинги давр ўзбек романларида фольклорга хос эпик ривоя усулидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда, тасвирланган воқеалар талқинининг бадиий ифодасида халқимизнинг уч олам – кўк, замин ва ер ости дунёси тўғрисидаги космогоник қарашлари, жоннинг «ўзга олам»га сафари ҳақидаги анимистик мифларнинг ўзига хос ифодаси ҳам кузатилади. Бу ҳол, айникса, биз таҳлилга тортган асарлардаги туш мотиви билан боғлиқ мифологик тасвирларда ҳам кўзга ташланиб, ижодкорнинг бадиий маҳоратини ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Зеро, қаҳрамоннинг ўзга оламга сафари қадимги туркийларнинг уч олам – осмон, замин ва ер ости дунёси тўғрисидаги қарашлари билан боғлиқ мазкур мотив бўлиб, сеҳрли эртакларда жуда фаол қўлланилади. Бу мотивнинг мифологик асослари оламнинг тузилиши билан боғлиқ космогоник тасаввурларга бориб тақалади. «Кўк – замин ва ер ости учлиги илк мифологик қаҳрамонларнинг бутун фаолиятини ўзида мужассамлаштирган эпик макондир. Қадимги туркийлар мифологиясида кўк – тангрилар маъвоси, эзгу руҳлар

[112] Сатторов У. Кўрсатилган манба. – Б.45.

маскани, замин – инсонлар диёри, ер ости – ёвуз кучлар, ўликлар олами сифатида тасаввур қилинган. Мифдаги трихотомик, яъни уч олам мотиви ўзбек халқ эртакларидаги эпик макон талқинига асос бўлган: қаҳрамон сафари уч йўналишдан биттасига қаратилган бўлади. Бу уч йўл қаҳрамонни уч оламга етаклайди: борса келар – кўкка; борса хатар – заминга; борса келмас – ер остига. Эпик маконнинг бундай афсонавий тасвири халқимизнинг қутблар ҳамда уч олам ҳақидаги мифологик тасаввурлари синтези сифатида шаклланган»[113].

Маълумки, туш мотиви ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодига хос анъанавий сюжет элементларидан бири бўлиб, муайян мотив, воқелик ёки персонажлар хатти-ҳаракатининг сюжет талабига кўра уч марта қайтарилиши, яъни «уч такрор» усули эпик туш мотиви талқинида ҳам ўз аксини топган. Чунки «бундай анъанавий учликлар навбатдаги саргузашт учун йўл очади ва унинг қизиқарли бўлишини таъминлайди»[114].

Маълумки, жаҳон фольклоршунослигида туш талқинини мифологик тасаввурлар доирасида текшириш амалиёти ҳам мавжуд. Чунончи, мифшуносликда «руҳий таҳлил назарияси» деб аталган йўналишга асос солган таникли олим З.Фрейд ва унинг издошлари қадимги мифларнинг пайдо бўлишини ибтидоий одамнинг табиатга бўлган онгсиз ҳиссий муносабатлари билан боғлаб тадқиқ қилишган. Улар миф билан тушни қиёсий таҳлил қилиб, тушда ҳам худди мифдаги сингари воқелик рамзлар воситасида баён қилинади деган хулосага келишган[115].

З.Фрейд, Э.Фромм, К.Г.Юнг каби олимларнинг мифларни руҳий таҳлил методи асосида ўрганиш усулларини ўзбек фольклоршунослигига тадқиқ этган Ж.Эшонқул туш ва мифни қиёсий тадқиқ этиб, туш билан мифдаги воқелик, рамзлар ва кечинма талқини бир хилдир, деган хулосага келган[116].

Бинобарин, ёзма насрда ҳам қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ва кечинмаларини кенг кўламда тасвирлаш учун туш мотивидан кенг фойдаланилган. Туш инсон руҳияти билан бевосита боғлиқ ҳодиса бўлиб, киши шуурини банд этган орзу-истаклар, қўрқув, хавотир-

---

[113] Жураев М. Ўзбек халқ эртакларида «сеҳрли» рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.59-60.

[114] Қаранг: Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.147.

[115] Фрейд З. Тотем и табу. Пер. с нем. - М., 1923.

[116] Қаранг: Жаббор Эшонқул. Фольклор: образ ва талқин. – Карши: 1999. – Б.102-149.

ланиш каби турли-туман психологик ҳолатлар инсон уйқудалик пайтида унинг онг ости ҳисларини фаоллаштириб, муайян рамзлар воситасида ифодаланадиган ахборотлар тизимини юзага келтиради. Ана шундай рамзлаштирилган ахборотлар инсон ҳаётида қачонлардир бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларнинг тимсолий ифодаси ёки энди рўй берадиган кароматли тушлар тарзида воқеланади. Ёзувчи ҳам ўз бадиий ниятидан келиб чиқиб асарда тасвирланаётган воқеаларни бир-бирига боғлаш ва қахрамон руҳий ҳолатини ёритиш мақсадида тушдан бадиий деталь сифатида фойдаланади. Омон Мухтор ўзининг «Афлотун» асарида Афлотун билан Суқротнинг танишишидан аввалги ҳолатини тасвирлашда туш деталини бадиий восита сифатида қўллаган: «Афлотунни учратишдан олдин у туш кўрган: тушида гўзал бир оққуш унинг кўксига келиб қўнган, сўнг ажиб нағма билан юксак фазоларга парвоз этган. Ва Афлотун рўпара келганида Суқрот: «Мана, менинг оқ қушим» – деб нидо қилган эди»[117].

Омон Мухтор романнинг бошқа бир жойида анъанавий туш мотивига мурожаат этиш орқали психологизмни янада чуқурлаштиради: «Тушимда оқ кийган ниҳоятда кўркам, улуғвор бир аёл менинг ёнимга келди. У менга, Суқрот, учинчи куни сенинг жанозанг ўқилади, – деди»[118]. Адиб Суқротнинг тушларини тасвирлашда халқимизнинг туш билан боғлиқ анъанавий ишончларига, жумладан, кароматли тушлар тўғрисидаги тасаввурларга асосланган. Халқ карашларига кўра, одам ўлгач, унинг жони қуш суратига кириб танани тарк этади ва кўкка – руҳлар оламига парвоз қилади. Шунга кўра Суқротнинг тушига кирган оқ қуш ҳам аслида улуғ алломанинг умри поёнига етганлигининг нишонаси, яъни унинг "ҳаёт қуши" руҳлар оламига парвозга чоғланганлигига рамзий ишора эди. Бу ўринда қушнинг оқ рангли эканлиги, яъни "оқ" ранг рамзидан фойдаланилганлиги ҳам мифологик заминга эга. Қадимги туркийларнинг мифологик тасаввурларига кўра, кўкда яшовчи улуғ тангрилар ҳақига оқ қўй, ер остини ўзига макон қилган ёвуз кучлар учун кора қўй қурбонлик қилинган. Оқ ранг – эзгулик, яхшилик, ёруғлик, эзгу руҳлар билан алоқадорлик маъносини англатса, қора ранг ўликлар мулки, ёвузлик, қоронғулик тимсоли саналган[119].

---

[117] Мухтор Омон. Афлотун Тошкент: Маънавият, 1998.– Б. 10.

[118] Ўша асар - Б.5.

[119] Сеідов М. Кој, аг, гара рэнкларинин эски инамла элагэси // Известия АН Республика Азарбайжан. Серия литература, язык, искусство. – 1978. - №2. – С.23-25.

Чунки «ранг билан боғлик рамзлар халқнинг кўп асрлик тарихида у ёки бу ранг ҳақида юзага келган эътикодий космогоник тасаввурларига асосланади»[120].

Дарҳақиқат, «Афлотун» романида туш билан боғлиқ тасвирларда қўлланилган ранг тимсоллари бадиий детал вазифасини бажаради. Эътибор берилса, асарда қўлланилган ҳар иккала тушда ҳам оқ рангнинг бадиий тимсол сифатида ифодаланиши кузатилади. Оқ ранг – халқ қарашларида ёруғлик, поклик, яхшилик ва улуғворлик тимсоли. Ўзбек мифологиясида оқ ранг эзгулик тимсоли деб қаралганлиги сабабли анъанавий маросим ва урф-одатларимизда бу рангнинг рамзий маъносига алоҳида эътибор берилади. Масалан, никоҳ тўйи удумлари орасида "оқлик олди", "оқлик ўради", "оқлик", "оқ кийди" каби расм-русумлар мавжуд. Қиз томон совчиларга розилик билдиргач, "оқлик олди" удумига кўра, «оқ рўмол» беради. Кўпгина вилоятларда мавжуд бўлган «оқлик» удуми бўйича куёв томондан қудалар олдига бир коса сут ва олтита нон олиб чиқилади. Тўйда қудаларнинг пешонасига оқлик бўлсин, деб ун суриладн, от-уловларнинг бўйнига оқ рўмол боғланади ва ҳ.к. Ана шу каби халқ қарашларини яхши билган адиб ўз асарида «оқ» ранг символикасига алоҳида бадиий вазифа юклайди: биринчидан, Суқротнинг тушига кирган қушнинг оқ рангда эканлиги унинг руҳлар олами – кўкка дахлдорлигини англатса, иккинчидан, бу ранг тимсоли эзгулик белгиси ўларок талқин қилиниши қаҳрамоннинг жамият тараққиёти учун қилган улуғ ишларига ишора қилади. Шу билан бирга, тушга кирган оқ либосли аёл образи ҳам қуш каби ниҳоятда гўзал, улуғвор, сеҳрли ва мафтункор қилиб тасвирланган. Биринчи тушда Афлотуннинг улуғ файласуф олим Суқрот даражасига кўтарилиши башорат қилинса, иккинчи туш Суқротнинг улуғвор ўлим топишига ишора ўларок баён этилган. Аёл (она) образи деҳқончилик маданияти ривожланган халқларнинг аграр мифологиясида серҳосиллик ва гўзаллик маъбудаси тарзида талқин қилинганлиги боис асарда Суқрот ва Афлотуннинг гўзал ғоялари ва эзгу ишларини асрдан-асрга етказувчи рамзий восита сифатида берилган. Бу эса ўз навбатида, адибнинг фольклордан фойдаланишдаги ўзига хос бадиий маҳоратини кўрсатувчи муҳим деталь ҳисобланади. «Афлотун» романида тасвирланган воқеалар талқини

[120] Жуматова Н.С. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ранг билан боғлик рамзий образлар. Филология фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.12.

шунчаки муаллиф хаёлотидан кечган тахайюл каби баён этилган, яъни эслатилган тарзда ёзилганлиги сабабли асар моҳиятига сингдирилган туш мотиви ана шу хаёлнинг ўзи оғир ва масъулиятли юкини ўз зиммасига олган. Тушнинг асар композицион қурилишидаги роли ва функцияси ҳам адибнинг психологик тасвирига хизмат қилишдан иборатдир.

Туш билан боглиқ худди шундай бадиий талқинлар Асад Дилмуроднинг «Маҳмуд Торобий» тарихий романида ҳам учрайди. Унда қаландар қиёфасида саройга келган Маҳмуд Торобий Хўжанд ҳокими Маҳмуд Ялавочга “Туш кўрдингизми?”, – деб мурожаат қилади. Ҳоким бундан ҳайратга тушади. Чунки чиндан ҳам тунни нотинч ўтказган ҳоким, дарҳақиқат, туш кўрган эди. Тушида патлари тим қора калхат учиб келадию, Маҳмуд Ялавочни елкасига миндириб Сумеру тоғига келтириб, шу ердан ер ости мамлакатига бориши мумкинлигини уктиради. Шунда ғойибдан бир нидо келади: “Қимирла, ҳей, инсон!”. “Ё раббий, фақир қайга борурмен?” – титраб кетган нойиб қўрқа-писа сўради. Ғойибдаги овоз таҳдид қилди: «Раббано сенга бегона, ул зотни унут!» Нойиб бўғзига йиғига ўхшаш нарса тиқилди: «Нечук?» Ғойибдаги овознинг кескин хулосаси янгради: «Сен жаннатдан ҳам, дўзахдан ҳам мосувосан, Эрлик ҳукмронлик қиладиган ер ости мамлакатига маҳкум этилгансан»[121]. Мана шундан сўнг қаҳрамон бошидан оғир синовлар ўтади. Чанқаб сув ичмокчи бўлса ёки боғдаги мевалардан емокчи бўлса улар ё йўқолиб, ё тошга айланиб қолади. Минг бир азоб билан аллақандай кулбанинг олдидан чиқади, у ерда эса Чингизхон ва унинг хотини Бурта қурғинни учратади. Қўй ҳайдаб ер юмшатаёттан Чингиз билан ўз эрига нонушта ҳозирлаётган хотин буни гарчи танишса-да, жуда совук қарши оладилар, уни сотқинликда, ўз юртдошларига хиёнат қилганликда айблашади. У Улген ва Эрлик деган зотлар қўлида қолади.

Маълумки, қадимги туркий мифологияда Эрлик ёмонлик оламининг ҳукмдори, Улген эса — бу эътиқод бўйича эзгулик тангриси ҳисобланади. Демак, Улген ва Эрлик икки олам, икки хил куч тимсолидир. «Олам эзгу ва ёвуз кучларнинг мувозанат, курашидан иборат. Бу кураш инсон ичкарисида, руҳиятида ҳам акс этади. Агар одам руҳиятида ёмонлик пайдо бўлса, ёвузлик тангриси унинг

---

[121] Асад Дилмурод. Маҳмуд Торобий. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1998. - Б.135.

ичкарисига кириб олиб, инсонни фақат ёмон ишлар қилишга ундайди, деган тасаввур бор"[122].

Қадимги туркий мифларда айтилишича, Улган олам уммони устидаги заминни яратган. Уммонда сузиб юрган Улган ўзининг онаси Оқ Энанинг маслаҳати билан заминни яратган ва унинг бевосита иштирокида замин юзасидаги жамики ўсимликлар ва жониворлар олами юзага келган. Шу тариқа улкан ёруғлик тимсоли сифатида замин эгаси бўлган. Ер ости дунёси эса Эрлик деган ёвуз куч ихтиёрига берилибди. Ана шунда Эрлик ер юзидан ҳассанинг учи сиғарлик жой беришларини сўраган ва унга шундай ер берилгач, у ўзининг ҳассаси билан заминни тешиб, ўша пайттача зулмат дунёси ер остини ўзига макон қилган илон, чаён каби жонзотларни ер юзига чиқарган экан[123].

Демак, Асад Дилмурод ҳам қадимги туркий қавмлар фольклоридаги мифологик образларни ўз асарига олиб кириш орқали бадиий ниятини амалга ошириб эзгулик ва ёвузлик кураши контекстида образ яратишга уринади. Фольклоризмни асар сюжетига сингдириш учун у ҳам туш мотивидан фойдаланади. Тушда тасвирланган воқелик орқали нафақат асар қаҳрамони, балки китобхонни ҳам ёвузликнинг, қабоҳат оламининг фожиаларидан огоҳлантиради. Тушда тасвирланишича, дунёни зир титратган Чингизхон ҳам у дунёга тўплаган бойлигини эмас, балки ўз амалларини олиб кетади. Дарада муз қотган шахслар ҳам ёмонликларини мерос қилиб олиб кетадилар. Чингизнинг узундан-узун насиҳати эса уйқудан уйғонган ҳокимга қанчалик таъсир қилмасин, у бундан тўғри хулоса чиқармайди. Бироқ ёзувчи ўз қаҳрамонининг руҳий оламини кашф этиш ва бадиий талқиннинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида туш мотивидан ўзига хос поэтик восита сифатида фойдаланади. Бунинг учун эса эртакларда кўп учрайдиган ер ости мамлакати, у ерга олиб борадиган йўл, эпик қаҳрамонни устига миндириб учадиган қуш (яъни икки олам ўртасида воситачи), қора рангли ёвузликлар каби мифологик тимсолларга мурожаат қилади.

Романда одамни кўтариб учадиган қуш тимсолининг берилганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки ўзбек халқ эртакларида худди шу

---

[122] Эшонқул Ж. Миф ва роман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1997. - 25 апрель.

[123] Дьяконова В.П. Религиозные представления алтайцев и тувинцев о природе и человеке // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. - Л., 1976. - С.269.

вазифани бажарувчи Семурғ образи кенг кўламда тасвирланган. «Семурғ — қадим аждодларимизнинг ибтидоий тушунчасига кўра, тотемистик ҳомийлик тимсоли, ботирларга мададкор бўлмиш улкан қуш. Бу гўзал лирик образ қачон пайдо бўлганлигини айтиш қийин, аммо Семурғ билан боғлиқ кадимий сюжетлар Шарқ халқлари фольклорида кенг тарқалган. У қаҳрамонни улкан қанотига миндириб, ер ости дунёсига олиб тушиш ёки заминга чиқариб қўйиш вазифасини уддалай олади».[124]

Атоқли олим В.М.Жирмунскийнинг тўғри қайд қилишича, «қаҳрамоннинг ер ости оламига тушиши эртак ва достонлардаги энг қадимий, кенг тарқалган мотивдир. Грузин фольклорида бу вазифани, яъни қаҳрамонни ёруғ жаҳонга олиб чиқишни Семурғга функциядаги жонзот – Паскунджи номли сеҳрли қуш бажаради. Қирғиз эпоси «Эр Тунгтук»да эса Тунгтукни ер остидан Алп Қора Қуш номли улкан қуш қутқаради. Алп Қора Қуш образи қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ ва олтой эпосида қаҳрамонлар ҳомийси ва халоскори сифатида гавдаланади. Бу эртак сюжети асосида қаҳрамонларнинг ер ости дунёси – ўликлар мулкига сафари ҳақидаги жуда қадимий мифологик тасаввурлар ётади»[125].

Ўтиб кетган кишиларнинг арвоҳи тушга кириши ва турли кирдикорлар гирдобига ботган қаҳрамонни бундай ёмон ишлар оқибатидан огоҳ қилиши Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой» романида сюжетнинг асосий ҳалқаларидан бири вазифасида келган. Асарда жонзодлар билан боғлиқ мифологик қарашлар ўз ифодасини топган бўлиб, бургут ва оқ бўкaнлар роман сюжет чизиғида ҳаракатланувчи қаҳрамонлар характерини ёритишнинг ўзига хос воситаларидан бири сифатида юзага чиқади.

Асарнинг икки қаҳрамони. яъни Муртазо билан Исмоилнинг руҳан яқинлиги туш орқали ифодаланади. Бу шахсларнинг иккиси ҳам ов орқасидан пул топиб. бойлик орттиришга муккасидан кетган. Бу йўлда ҳеч қандай ёвузликдан тап тортмайди. Исмоил ҳатто бош эгиб турган Она бўканга ҳам ўқ узади. Демак, миллий эътиқод. раҳм-шафқат деган тушунчалар ҳам унга бегона. Ана шундай талқин Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асарида ҳам эътиқод ва эъти-

124 Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.68.

125 Жирмунский В.М. Введение в изучение эпоса «Манас» // Киргизский героический эпос - «Манас». – Москва.: Наука, 1961. - С.153.

қодсизлик контрасти тарзида учрайди. Унда овчига бош эгиб турган она буғу отиб ўлдирилади. Ҳар икки асарда ҳам инсон билан табиатнинг азалий бир бутунлигига рахна соладиган эътиқодсизликнинг тубан қиёфаси очиб бериш она буғу ва она бўканнинг ўлими инсон учун фожиаларга сабаб бўлади, деган қараш илгари сурилган.

Демак, Муртазонинг тушига кирган Исмоил ҳам, ўз тақдиридан сабоқ олишга ундайди ва ёвуз кучлар хуружидан огоҳ бўлишга чақиради. Бироқ Муртазо ўз тушидан тўғри хулоса чиқармайди, балки тушида Исмоил айтгандек, «Ёвуз бўл, ёвуз бўл! Яна-да кудратвор юксакликлар маснадингга айланажак» деган ақидага амал қилиб яшашни маъқул кўради. Натижада ўзи қилган хатолар ва ёвуз кирдикорлари учун жазоланади: у кўзидан ажралади ва жарликка қулаб кетади. Бу асарда қўлланилган туш мотиви ҳам қаҳрамон учун огоҳлантириш ва айни пайтда асар таъсирчанлигини ошириш вазифасини бажаради.

«Қўрғонланган ой» романидаги туш мотиви эса асар тўлақонлигини таъминлаш билан бир қаторда қаҳрамон характерини ойдинлаштиришга ҳам хизмат қилган. Асарда шундай парча мавжуд:

"– Қўркма, Муртазо, – деди унинг номини атаб шу билан кўнглига таскин берувчи аллақандай бир оҳангда. – Юрагинг чиқиб кетишини ўйламаган эдим.

– Кимсан? – Муртазонинг тили базўр айланди.

– Исмоилман!

– Қайси Исмоил?

– Сенинг ҳамкасбинг, овчи Исмоилман. Наҳотки, одамлардан эшитмаган бўлсанг? Биров она бўканга ўқ узган деган, биров тўнгиз пайҳонлаган деган, яна биров кўчаларда телбаёна иштонсиз изғиб юрган деган ўша Исмоил-да ахир!.. Тўғрироғи, мен Исмоилнинг вужудида вақтинчалик маскан тутган Ёвузлик руҳиман"[126]. Кўринадики, инсон табиат ва жонзотларга озор етказмаслиги, акс ҳолда бу қилмиши учун жазосиз қолмаслиги асардаги туш мотиви орқали уқтириб ўтилган.

«Қўрғонланган ой» романи ўзбек насридаги бадиий тасвирнинг янгиланиш жараёнига хос тамойилларни кўрсатадиган асарлардан бири ҳисобланади. Адиб ушбу асар орқали ўзининг ботиний фикр оламига хос қарашни қаҳрамон руҳиятига сингдириб, ижтимоий муҳитнинг инсон ҳаётига кўрсатадиган таъсири тўғрисида ҳикоя

---

[126] Кўрсатилган асар. – Б. 145.

қилади. Асарда тасвирланишича, жамиятдаги иллатлар пок қалбли, таъсирчан, нозик туйғулар соҳиби бўлган Муртазонинг қалбига ёвузлик, худбинлик ва ҳатто, бефарқлик уруғини экади. Натижада аслида табиат гўзаллигидан завқланадиган ва атрофидаги одамлардан фақат эзгулик кутадиган асар қаҳрамонининг маънавий оламида катта ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Оқибатда ўзи ардоқлаган табиатни поймол қилиб уни ошён қилган жонзотларга нисбатан ёвузлик қилишга қодир бўлган муртад шахсга айланади. Муртазо ўз севгилиси Мавлудага нисбатан эътиборсизлик ва беписандлик билан қарайди, ҳатто унга хиёнат ҳам қилади. Инсон табиатининг бу хилда ўзгариши, яъни тубанлашиши ташқи муҳит таъсирида юз берганлигини инобатга олган ёзувчи асарнинг номини билдирувчи сўзларга ҳам рамзий маъно ташувчи бадиий юк қўяди. Халқ қарашларига кўра ой атрофида туман – ғуборли ҳалқа пайдо бўлса, яъни “ой қўрғонланса” буни ой ўзига тинч, одамларга нотинч“ дейдилар. Чунки ойнинг “қўрғонланиши” ёғин-сочин, ҳаво ўзгаришидан дарак беради. Адиб «Қўрғонланган ой», яъни атрофини юлдузлар куршаб олган ойни ғубор билан «қўрғонланган», «ўраб олинган» тарзида идрок қилар экан, бу билан асар қаҳрамони Муртазонинг атрофида фақат шафқатсизликлар, ноҳақликлар содир этилавериишига ишора қилаётганга ўхшайди. Чунки ижтимоий муҳитнинг бешафқат қўрғонига тутқун бўлиб қолган Муртазо инсон феномени нималарга қодир эканлигини англаб етади. Ҳатто кенг осмон қўйнида эркин парвоз қилиб юрган бургутни ўз мақсадлари йўлида қўлга ўргатишни ҳам “оддий иш” деб билади. Ўзининг бунга қодирлигини исботлашга ҳам ҳаракат қилади. Ёзувчи асардаги ана шу бадиий лавҳалар замирига сингдирилган тагмаъно орқали шўро сиёсатининг инсон ҳаётига, миллат тақдирига нисбатан қилган адолатсизликларини ифодалашни асосий мақсад қилиб қўйган. Миллат фарзанди руҳиятининг, дунёқарашининг ташқи кучлар ва ёт ғоялар таъсирида ўзгариб кетиши асарда теран тасвирланган. Ўз туғилиб ўсган юрти, ўз юртдошларига нисбатан қилинган ижтимоий адолатсизликлар, ҳукмрон сиёсатнинг “сиёсий ўйинлари”, жамиятни бамисоли қўрғонланган ой каби ўраб олиб, ўз таъсир доирасига тортган эди. Асарни ўқир эканмиз, вақти келиб ўзбек халқининг ҳам ички туғёни ва миллий ғурури Муртазо томонидан қўлга ўргатилиб, инсон манфаатлари йўлида хизмат қилишга маҳкум қилинган бургут каби исён этишини ҳис этамиз. Натижада

миллатимизга «улуғ оғалик» даъвосини қилган шўро сиёсати яратган омонат қадриятлар чок-чокидан сўкилиб кетиб, мафкуравий қуллик занжирини пора-пора қилиб ташлаган ватандошларимиз мустақилликка эришишини ёзувчи ўз асарида рамзий образлар замирига яширинган ҳақиқатлар талқинида тасвирлайди.

Ёзувчи маҳоратининг ўзига хослиги яна шундаки, рус миллатига мансуб бўлган ёш келин-куёв меҳмонларнинг маънавий оламини ҳам жуда таъсирли ва ишонарли тарзда ҳаққоний бадиий тасвирлар орқали ёритиб бера олган. Романда бу тоифа миллат кишиларига хос бўлган ватансизлик, елғизлик, яшашни фақат яхши еб-ичишдангина иборат деб билиш ва ўз жуфтига хиёнат қилиш каби салбий сифатлар бу тип шахслар табиатига хос одатий ҳол эканлиги очиб берилган. Адабиётимизда илгари кузатилмаган бундай лавҳалар ёзувчи тафаккуридаги эврилишнинг янги ва ўзига хос бир қирраси сифатида кўзга ташланади.

Ш.Бўтаев ўзининг «Қўрғонланган ой» асарида ўзбек халқ эртакларида учрайдиган "борса келар", "борса хатар", борса келмас" каби йўлларга бўлиниб-бўлиниб кетадиган чорсу" тасвирини чизишда эртак мотивларидан фойдаланган ҳолда ўз фикрини қуйидагича давом эттиради. «Бу чорсуга етиш бахти афсонаю асотирларда, эртакларда бемалол уйқуни уриб ётган баҳодирларга насиб бўлғай, аллақайси гўрдаги муҳожир эмас, девларни миниб, мастонларни йўлга солиб ана шу баҳодирлар келгайлар». Бу каби тасвирлар орқали Ўртақайнар ва Сузоқ деган юртда яшайдиган кишилар тўғрисида, уларнинг ўзига хос характерлари борасида фикр юритади. Убайдулла чавондоз Сузоққа Муртазони ҳам етаклайди.[127] Мифологик талқиндаги ёвуз руҳнинг қаҳрамон қалбига жойлашиши ва унинг бадиий асар сюжетига сингиб кетиши ушбу асарда етарли даражада асослаб берилган. Эътиқод ва ривоятларнинг қаҳрамон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқликда берилиши роман сюжетининг асосини ташкил этувчи воқеа–ҳодисалар талқинининг ишонарли чиқишига сабаб бўлган.

«Афлотун» билан «Қўрғонланган ой» романларидаги туш мотивининг бадиий талқини ҳар икки адибнинг ўзига хос услубий жиҳатлари кўриниб турибди. Назаримда, ёзувчилар туш мотивидан фойдаланиш орқали ўзларининг психологик таҳлилларини янада бойитиб асар персонажларининг руҳий оламини тўлақонли талқин

---

[127] Ўша асар. – Б.175.

қилишга эришганлар. Одатда туш руҳий кечинмалар маҳсули бўлиб, таъбир билан мукаммаллик касб этади. Бу икки асарда эса тушнинг бевосита таъбири эмас, балки унинг натижаси, яъни моҳияти ҳақида гап боради. Адиблар асарга туш тасвирини олиб кириш орқали ўқувчини воқелик тафсилотларига яна бир бор ишонтириш мақсадида қўллаган ҳолда ушбу туш мотивининг бадиий талқини ўқувчига унчалик ҳам оғир ботмаслигига ҳаракат қиладилар. Аксинча, туш мотиви адибларнинг фикрлари ва тасаввурини тўлдиришга хизмат қилади.

Ҳар икки адиб тасвиридаги муҳит ва маҳаллий колоритнинг ўзига хослигини ойдинлаштириб, қаҳрамонлар дунёқарашини миллий анъаналар заминидан келиб чиқиб тасвирлайди. Асарда шундай парча мавжуд: «Биз – Рангонтог фарзандлари, — дерди Зокир булбул. – Ундаги жонзотлар, ўт-ўланлар барча-барчаси қондош-қариндошларимиз. Бизнинг энг яқинларимиз оқ бўканлар бўлган»[128].

Худди шундай табиат неъмати бўлган тоғу тошлар, ҳайвонот ва наботот оламининг жозибаси, сеҳрли кучи, гўзаллиги тўғрисида Ч.Айтматов, Ш.Холмирзаев ва Н.Норқобилов каби истеъдодли адиблар ҳам маҳорат билан қалам тебратишган. Улар ўз асарларида бу мавзуда ўзларига хос тарзда меҳр ва фахр билан сўз юритишади. Шунингдек, табиатни асраш ва жонзотларни ҳуда-беҳудага овламаслик тўғрисидаги қадимий қарашларнинг бадиий талқинини Ш.Холмирзаевнинг барча асарларида кўриш мумкин. Айниқса, унинг табиат ва тоғларга, она – юрт гўзаллигига бўлган муносабати асарларида она ва фарзанд ўртасидаги самимий меҳр-муҳаббатга қиёсланиши билан ажралиб туради.

Ш.Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой» романида айнан табиат ва ҳайвонот оламига мурожаат, яъни бургут тасвири учрагани каби Ш.Холмирзаевнинг «Банди бургут» ҳикоясида ҳам мағрур ва қайсар бургут характери ёритилади. Бу адиблар ўз асарларида бургут билан боғлиқ мифологик қарашлардан унумли фойдаланишган. Чунончи, Ш.Бўтаев бу мавзуни ёритишда қаҳрамоннинг табиатга ва жонзотларга бўлган меҳри, шунингдек, ички дунёсини кўрсатиш мақсадида фольклор анъаналаридан ижодий фойдалана олган.

---

[128] Ўша асар. – Б. 26.

## Ўзбек романчилигида миллий қадриятлар талқини

XX аср ўзбек романчилигида миллий руҳ ва характерлар талқинини ўзига хос тарзда ифода этган ўнлаб асарлар яратилганлигини кузатиш мумкин, бирок айни ўша асарларда халқимизнинг миллий қадриятлари, халқ оғзаки ижоди анъаналаридан унумли фойдаланишганини ҳам эътиборга олиш керак бўлади. Чунки миллий руҳ муайян этнос анъаналари муҳитида шаклланади, сифатида халқнинг урф-одатлари, маросим ва оғзаки адабиёт анъаналари миллий муҳитни ташкил этувчи ҳодисалар тизимини ташкил этади. Шундай экан, миллий характернинг шаклланишига сабаб бўлган миллий қадриятлар ва анъаналар мустақиллик даври ўзбек романчилигида қай даражада акс этганлигини ўрганмай туриб, миллий руҳ ҳақида муайян илмий хулосаларга келиш мумкин эмас.

XX аср ўрталаридаги Европа романчилигида бадиий адабиётда фольклор анъаналарининг кучайиши баробарида романларда фольклоризм янгича кўриниш ва йўналишлари ривожланганлиги ҳам кўринади. Асар қаҳрамонлари ҳам маълум маънода романга асос қилиб олинган фольклор мотивининг иштирокчилари бўлиши билан бирга энди ёзувчи бирор фольклор асари сюжети ёки қаҳрамонларидан фойдаланибгина қолмайди, балки фольклор роман моҳиятини ўзида акс эттирувчи бадиий-эстетик асосга айланади. Фольклор қаҳрамонлари асарда ўз ҳаёти билан яшайди, бинобарин, бадиий асар сюжети ҳам фольклор асарининг қайта ҳикоя қилинган варианти эмас, балки бугунги кун воқеалари тасвиридан иборат структуруал бирлик сифатида берилади. Бу тип романларни романни тушуниш ва қаҳрамонлар ҳаракати замиридаги маънони англаш учун китобхон, аввало, фольклор мотивларидан хабардор бўлиши керак. Хусусан, Томас Манн қаҳрамони Ганс Касторп ўз характерига муносиб равишда иш тутмайди, балки у фольклордагидек ўзи ҳам даволовчи, ҳам мижоз сифатида гавдаланади[129]. У ўзини ўзи даволаш орқали катта илмий ҳақиқатни очмоқчи бўлади. Бирок унинг барча ҳаракатларини қаҳрамоннинг "мифик ўтмиши" бошқариб туради.

Буюк немис адиби Томас Манн бошлаб берган бу анъана, яъни романга фольклор мотивларини олиб кириш жараёни тез орада бутун Европа адабиётида етакчи бадиий таомилга айланди. Маълум

---

[129] Ленц З. Настоящее и будущее литературы / Судьбы романа. – М.: Прогресс, 1975. – С. 245.

вақтдан кейин ҳатто океан ортига кўчиб ўтиб, АҚШ ва Лотин Америкаси мамлакатлари романчилигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

XX аср Америка романчилик мактабининг йирик вакилларидан бири У.Фолькнер ижодида фольклор мотивларига асосланган романлар ўзининг янги қиёфасини касб эта бошлади. Унинг "Ривоят" романи насронийлик динининг тарихи, жумладан, Исо алайҳиссалом ҳаётига бағишланган. Бу асарда тарихийликдан кўра кўпроқ ўзида Инжил мифологияси асосига қурилган сюжет тизими билан характерланади. Роман талқинича, Исо Масиҳ бугуннинг қаҳрамони, бироқ муаллифнинг наздида у ўзидаги барча пайғамбарлик сифатларини сақлаган ҳолда ҳозир ҳаёт бўлганида ҳам унинг умри хочга михланиш билан якунлашган бўлар эди. Чунки унинг қисматида, биринчидан, тақдир ҳукми акс эттан, иккинчидан, атрофидаги оломон унинг буюклигини ва илоҳий қудрат соҳиби эканлигини тушуна олмагани сабабли ҳам айни мана шу мотив роман хулосасига ўз таъсирини кўрсатган. Шунинг учун ҳам бу асар "характерлар романи" эмас, балки тахайюл пўртанаси акс эттан ғоялар романи, фалсафий тафаккур ва унинг замонавий талқинларини ўзида акс эттирган асар сифатида баҳоланди. У.Фолькнер ўз романини онгли равишда "притча» (ривоят) деб аташ билан Инжил ривоятидан бугунги кун учун зарур бўлган фалсафани топиб тасвирлаган[130].

Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат" романига нисбатан ҳам худди шунга яқин ҳолатни айтиш мумкин[131]. Асардаги Понтий Пилат ва Исо пайғамбар тўғрисидаги анъанавий сюжет наркобизнесчилар билан Авдий Каллистратов муносабатлари акс эттан лавҳалар билан параллел кечади. Бири ўтмишнинг улкан сабоғи бўлса, иккинчиси, бугуннинг аччиқ қисмати. Фарқ шундаки, айни воқелик икки хил давр, икки хил муҳит тизимида тасвирланади. Бироқ, хулоса бир хил, икки руҳан яқин бўлган қаҳрамонларнинг қисмати бир хил: Исо алайҳиссаломни ғоялари учун хочга михлашган бўлса, Авдийни ҳалоллиги учун саксовулга осиб кетишади. Ҳар икки ҳолатга ҳам жаҳолат ҳукм ўқиган деган хулосага келинади.

XX асрнинг 20-йилларига қадар яратилиб, ўз давридаёқ Кошкин раҳбарлигидаги таржимонлик мактаби вакиллари томонидан рус тилига ўгирилган бўлса-да, шўро сиёсати мафкурасининг зуғуми туфайли нашр этилиши тўхтатиб қўйилган ирланд ёзувчиси

---

[130] Грибанов Б. Фолькнер. – М.: Молодая гвардия, 1976. – С.314-315.
[131] Айтматов Ч. Қиёмат. – Т.: 1987.

Жеймс Жойснинг "Улисс" романи ўзбек тилига таржима этилиши биланоқ матбуотда у ҳақда айрим мулоҳазалар эълон қилинди. Жумладан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилинган бир мақоласида ушбу асарни ўзбек романлари билан боғлашга интилиш тамойили яққол сезилиб туриши эътиборлидир. Айни роман муаллифи XX асрнинг ўрталаридаёк Франц Кафка билан биргаликда жаҳон модернизмининг "отаси" сифатида талқин этила бошлаган эди[132]. Чунки ўн саккиз эпизоддан иборат бу романда тасвирланган воқеаларнинг аксарияти қадимги юнон мифологияси ва фольклори асосига қурилган. Телемах, Циклоп, Пенелопа каби мифологик персонажларнинг ингичка талқиндаги ифодаси туфайли асарнинг сюжет ва композициясида илгариги романларда кузатилмаган ўзига хос бадиий қурилмалари юзага келди. Моҳиятан бу роман бутунича мифологик тафаккур асосига қурилган бўлиб, адиб замонавий мавзуни мифик тасаввур кўламида тасвирлаш йўлидан боради.

Ўзбек романларига ҳам миллий қадриятлар турли хил шакл ва услубий воситалар орқали кириб келган. Айрим романларда диний мотивларнинг тўғридан-тўғри тасвири берилса, баъзи асарларда Хизр, Азроил, Шайтон каби анъанавий образларга мурожаат қилиш орқали ёзувчи ўз бадиий ниятини амалга оширишга эришади. Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой» романида келтирилган азроил тўғрисидаги афсона асар мазмунини янада бойитиб, воқеликнинг таъсирчанлигини ошириб, талқиннинг ишонарлилигини таъминлаган. Ўз ўғлининг феъли ҳақида гувоҳлик бераётган чол: "Ўғлим аллақандай мухр босилган қоғоз кўтариб келдию, шундан сўнг овга баттар шўнғиб кетди, – деганди у тутила-тутила. – Энди ҳар куни бирор жонзотнинг жонини дорилбақога жўнатмаса тинчимасди...» деб чол ўлим олди талвасаси билан атрофдагиларга жавдирар экан, адиб бу тасвир орқали икки мақсадни кўзда тутган. Биринчи мақсад – қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўрсатиб бериш бўлса, иккинчи мақсад эса, Азроилнинг жон таслим қилаётган банда билан учрашиши ҳолатидаги психологик кечинмаларни хотира тарзида тасвирлаш орқали асарга ҳаёт ва ўлим фалсафасини сингдиришдан иборатдир.

---

[132] Дудова Л.В., Михальская Н.П., Трыков В.П. Джеймс Джойс: мифотворец XX века / Модернизм в зарубежной литературе. – М.: Наука, 2001.

Асарда келтирилган афсона қаҳрамон ёки муаллиф тилидан эмас, балки тўғридан-тўғри иштирокчи қаҳрамон сифатида тасвирланган азроилнинг тарзидаги нутқи орқали баён этилган. Ўз касбидан безор бўлган Азроилнинг Яратганга мурожаати романда шундай талқин қилинади: "Бир гал Азроил Қодир Мухторнинг олдига арз билан чиқди. Чор атрофнинг боду ҳавоси нашъа ташлаб турган маснад пойига қалтираб чўкканча, кўз ёшларини тўкди, айтди:

– Улгуролмаяпман, яна бошқа бир жон олгувчи буюринг…

– У чоғда фариштаю малоикаларнинг ҳам сон-саноғини ўзгартиришга тўғри келади, – деди Худо бир оз паст, қатъий ҳамда ўктам овозда. Дунёни бунёд этганимиздан буён амал қилиб келган тартибларимизга путур етади, – деб бундай қилолмаслигининг асл сабабини ҳам айтиб қўя қолди. – Менинг яктолигим ҳам шубҳали туюлади…"

Романда тасвирланишича, Азроилнинг арзига қулоқ солиб, Худованд унга онги-шуури билан иш кўришликни маслаҳат беради ва ундан:

" Шайтон йўриғингга юрадими? – деб сўради.

– Жонингни оламан деб қўрқитсам юрмай ҳам кўрсин-чи!

– Унда юргиз!

— Ёруғ оламнинг пок таомили – ўлимга ҳам шайтон илки узанса қандай бўларкин?!

– Руҳларга шайтоннинг илки заҳмат етказолмайди.

– Албатта, албатта! – Азроил жонланиб ўрнидан турди ва шитоб билан пастга шўнғиди...

Тикка бориб унинг (Исмоилнинг отаси – Ш.Д.) деразасига ёпишди:

– Бўрининг есаям оғзи қон, емасаям, – дерди Исмоилнинг қоқсуяк бўлиб қолган отаси гирди-теварагини ўраб олишган қондош қариндошларига ўкина-ўкина. Ўғлим энди бирор нарса овлайдими-овламайдими, ҳар йили ҳукуматга ул-бул топшириб туришга мажбур эди…

Азроил ичида кулди. Во-ой қурмағур шайтон-ей, бу шўрлик бандаларнинг қўл-оёқларини занжирсиз шундай кишанлайдики, улар қанча уринмасинлар, ўзларини минг мақомга солмасинлар, қутулиб кетишнинг барибир иложини топишолмайди. Бошқача тарзда айтадиган бўлсак, шайтон йўригига юрганларнинг ҳам, юрмаган-

ларнинг ҳам ҳолига вой. Қандай бўлмасин, бу калтадум махлуқларга тан бермай илож йўқ...»[133]

Юқорида келтирилган кўчирмадан кўринадики, Азроил тўғрисидаги афсона қаҳрамон нутқи орқали асарга киритилган бўлиб, у замона шайтонлари, яъни шўро тузуми томонидан инсон бўйнига илинган бўйинтуруқ уни эркин ҳаракат қилишга қўймаётгани, аксинча, киши қандай ҳаракат қилмасин, бу тушовдан чиқиб кета олмаслигига, мафкура қоққан қозиқ атрофида айланишга мажбур экинлигига ишора қилинган.

Ислом таълимотида жон олувчи фаришта сифатида эътироф этилган Азроил тўғрисидаги ривоятни асарга киритишдан кўзланган мақсад инсонлар орасидаги доғули "тип"ларни, яъни маккорликда «шайтонларга ҳам дарс бериши» мумкин бўлган айёр ва гирромларни кўрсатишдан иборат. Чунки уларнинг кирдикорларидан ҳатто Азроил каби фаришталар ҳам хижолат тортади, бундай шайтонсифат инсонлар етти ухлаб тушга ҳам кирмайдиган бузуқиликлар қилишади. Бундай кишиларнинг нафақат жамиятдаги, балки ўз оиласидаги инсонийлик мавкеи ҳам муҳим ўринда эмас. Уларнинг кингирликларини яқинлари билиб турадилар, лекин асарда тасвирланганидек, ҳатто ўлим тўшагида бўлмасинлар, ундан воз кеча олишмайди. Улар ҳатто энг сўнгги манзил – дорулбақога равона бўлаётганларида ҳам ноҳалол йўллар билан ўз кирдикорларини яшириб кетишни унутмайдилар. Мана шундай кимсаларнинг асл қиёфаларини очиш учун ҳам муаллиф романга норсал воқсалар тафсилотини киритиб, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва табиат ҳодисаларига муносабати орқали унинг шахсини, характерини очиб беришга ҳаракат қилади.

Муаллиф бу ўринда ҳикоячи-қаҳрамон нутқини қўллаш усулидан фойдаланган ҳолда асар композициясида муҳим ўрин тутган киритма эпизодни маҳорат билан роман сюжетига пайвандлайди. Бу эпизод бевосита асар воқсаларига боғланмаса-да, сюжетга дахлдор бўлмаган иккиламчи композицион восита сифатида асар бадиий тўқимасида муҳим ўрин тутади. Юқоридаги асар муаллифи Азроил ва Шайтон муносабати воситасида инсоният жамиятидаги фосиқ шахсларнинг кирдикорларини фош этса, айрим романларда одамлардаги шайтоний қиёфани бўрттириб кўрсатиш учун, шу-

---

[133] Ўша асар. – Б. 94-95.

нингдек, раҳмоний ва шайтоний дунё зиддиятини тасвирлашда ана шу анъанавий образга мурожаат этилганини кузатамиз.

Шойим Бўтаевнинг «Шох» деб номланган романида ҳам анъанавий образларнинг ўзига хос рамзий бўёқдорлик билан тасвирланган замонавий қиёфаларини тасвирлаш тамойили устуворлик қилади. Адабиётшунос Ҳ.Каримов ўзининг бир мақоласида «Шох» романи Жонатан Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» ва Адам Жексоннинг «Бой бўлмоқнинг ўнта сири» асарларини ёдга солишини эслаб, шундай ёзади: «…замонавий асарларда реал ҳаётнинг ўзигина ифодаланмай, янгича услублар ёрдамида ўтмиш ва бугун, ривоят ва реал ҳаёт воқеалари орқали жамиятдаги муносабатлар ва одамлар қиёфаси ёрқин ранглар билан акс эттирилмоқда»[134].

Дарҳақиқат, бу асарни ўқир экан китобхон гуноҳ ва хиёнатнинг асл илдизини кашф этгандек бўлади. Инсонни турли йўлларга бошқариб турадиган кўринмас куч борлигини ва бу куч унинг қонига сингиб кетганлигига, ҳатто юрагида макон тутганлигига гувоҳ бўлади. Ёзувчи мана шу қоннинг бузилиши билан боғлиқ қадимий ривоят сюжетини асарга олиб кириш орқали ҳамиша инсоннинг энг пок гўшаси – қалбини эгаллашни кўзда тутган шайтоннинг ҳийлакор образини асар руҳига сингдириб юбора олган. Чунки қалб бузилса, яъни инсон юрагини шайтонга бериб қўйса, унинг бутун руҳияти вужуди ва қисмати қабоҳатга ботади. Қолаверса, муаллиф қонида шайтоний хислатлар жўш урган бугунги кун кишиларининг бадиий қиёфасини ҳам чизиб берган. Адиб ўз асарида замонамиз тадбиркорлари ва ишбилармонларининг вакиллари Ҳотам ва Қулмаҳмуд образини маҳорат билан тасвирлаб, бугунги кун кишисининг қиёфасини анъанавий талқинлар билан уйғунлаштириб юборган. Шунингдек, шайтоннинг авлоди сифатида тасвирланган жаноб Химер ва унинг бир тўда гумашталари образи ҳам қаҳрамон талқинини чуқурлаштиришга хизмат қилган. «Жаноб Химер бобоси Иблиснинг ер юзига тушиши ҳақидаги турли халқларда турлича тўқилган юзлаб ривоятлардан яна биттасини шу китоб ичидан топиб олиб қизиқсиниб кўздан кечирмоқда эди.

Сеҳрлангандай китобдан кўз узолмай тураркан, унинг гезарган лаблари:

– Одам Сарандиб тоғига тушди…– дея ғижирлаётгандай пичирлади.

---

[134] Каримов Ҳ. Эгри шохнинг сиғиши // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2008. - 18 апрель.

Сўнгра оч нигоҳи билан ютоқиб, бунинг давомини излай бошлади...»[135]

Асардаги ушбу эпизоддан бошлаб унинг шайтоний сифатлари кўзга ташланаверади. Шайтоний олам маккорлиги инсонни йўлдан уриб, унинг қалбига иблис истакларини сингдиради ва охир-оқибат гумроҳ одамзод устидан кулади. Романда Ҳотам билан Қулмаҳмуднинг савдо-сотиқ қилиш учун рус ўлкасига бориши тасвирланади. Уларнинг мақсади мўмай даромат қилиш. Бу йўлда Ҳотам анча-мунча тажрибага эга, унинг оғирини енгил қиладиган Лариса Зиганшинага ўхшаш яқин одамлари ҳам бор. Бу аёл катта кучга, мавқега, ва молиявий имкониятларга эга. Уни Ҳотамнинг совға-саломи эмас, балки эҳтиросли оғуши қизиқтиради. Шу боис, «осиёлик»ни интиқлик билан кутади. Ҳотам ҳам бу муносабатдан ўта эҳтиёткорлик билан фойдаланади. Бир галги келишида ҳамюрти Қулмаҳмудни бир чемодан каркидон шохи билан бирга олиб келади. Ана шу сафар тафсилотлари тасвири билан асар сюжетидаги воқеалар ривожланади. Ёзувчи шох билан боғлиқ воқеалар тасвири давомида бугунги кунда жамиятимиз рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар, ҳозирги давр кишисининг табиати, руҳияти ва дунёқарашидаги янгиланишлар, ҳамда ана шу руҳий эврилишларнинг ижобий ва салбий оқибатлари тўғрисида фикр юритади, мушоҳада қилади.

Романнинг илк саҳифаларида Россияга олиб борган узумини сотолмай қийналадиган содда ва покдомон Аҳмад ака асар сўнггида шайтон измига тушган маккор шахс сифатида гавдаланади. Чунки у замонавий шайтон жаноб Химер таъсирига тушиб қолади ва натижада энди у туёқ ҳақида бош қотиради. Бойлик ортириш мақсадида йўлга чиқиб, ўзга юртларга келиб қолган Қулмаҳмуд эса ишқий муносабатларга муккасидан кетади. У гуноҳ ва савобни, ҳалол ва ҳаромни, бурч ва садоқатни батамом унутади. Жисмонан бақувват бўлиб, рус аёлларини янада лол қилиш мақсадида каркидон шохидан меъёридан кўпроқ истеъмол қилгани учун ўз юртига мажруҳ бўлиб қайтади, руҳий дардга чалингани боис, нафақат ўз мувозанатини, балки ўзлигини йўқотган кимсага айланади. Унинг юрагини кемириб, қонига кириб олган шайтоний хислатлар охир-оқибат сохта дабдабалар қурбонига айлантиради.

---

[135] Бўтаев Шойим. Шох. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. - Б. 109.

Лариса Зиганшина, Лиза, Рита, Полина эса ўз оиласига, турмуш ўртоғига хиёнат қилиб умргузаранлик қиладиган рус аёлларининг вакили сифатида талқин қилинган. Уларнинг ҳаёсизликлари, ишқий ўйинларга муккасидан кетиб аёллик шаънини ҳам унутганликлари асарда шахснинг фожиавий қисмати даражасига кўтарилган. «Кўк аланга» корпорациясининг бошлиғи жаноб Химер эса шайтон образининг замонавий қиёфа касб этган кўринишидир. Унинг мақсади аник-дунёни гуноҳ ва ҳаёсизликлар билан бузиш, инсоннинг эътиқодларини издан чиқариш. Шунинг учун Ҳотам билан Қулмаҳмуд олиб борган каркидон шохидан фойдаланиб, жаҳонда зинонинг авж олишига ҳисса қўшишга уринади. У «Висол» фирмаси томонидан «Олтин шох» шоу дастурини ўтказади ва бу тадбирга ҳокимликлар вакиллари, олимлар ва ижодкорларни ҳам жалб қилади. Шу ўринда ёзувчи рамзий образлар замирига яширинган киноялар ва қочиримлар орқали бизга маълум бўлган баъзи воқеаларга, кишиларга ишоралар қилади. Шиори «Биз албатта ғалаба қозонажакмиз» бўлган жаноб Химер эса кўзларидан кўк аланга сачратиб, ўзининг шайтоний хислатларини намойиш қилишда давом этаверади. Чунки асар бошида келтирилган ривоятда ҳам одам қонига кириш учун йўл излаётган шайтоннинг айнан шу сўзларни такрорлаши Химер типидаги шайтоний олам вакилларининг мақсади инсониятга кулфат келтиришдан иборатлигига далилдир.

Ёзувчи шох билан боғлиқ тафсилотларни берар экан, Искандарнинг шохи борлиги хақидаги машҳур ривоятни ҳам қистириб ўтади. Шу боис, Искандар Зулкарнайннинг лақаби «қўш шохли» деган маънони англатишини эслатиб, у билан боғлиқ воқеаларни Искандарнинг сочини олган сартарош қисмати орқали баён қилади.

Адиб «Олтин шох» шоу дастурида иштирок этаётганларни шундай тасвирлайди: «Саҳнанинг ўнг томонида, энг четда уч бошли ит ўтирибди. Унинг ярқироқ кўкиш кўзлари залнинг уч томонини назорат қилаётгандай»[136] Муаллифнинг изоҳидан маълум бўлишича, уч бошли ит юнон мифологиясига кўра, ер остида жойлашган ўликлар салтанати йўлини қўриқловчи ит – Кербердирнинг тимсолий қиёфасидир.

Асарда имон-эътиқоддан масуво бўлган, ҳаё пардаси кўтарилган одамларнинг жирканч қиёфалари тасвирланади. Бу ҳолат бугунги кунда манфаат ва яхши яшаш учун ҳар қандай йўлларни бўлса-

[136] Бутаев Шойим. Шох. – Б. 339.

ди, талашдан тап тортмаётган баъзи шахсларнинг маънавий оламида юз бераётган инкироз бўлса ажаб эмас. Адиб бемаъни ҳаёт саҳнасини шундай тасвирлайди: «Чироқчилар ҳаяжонданми-қўрқувданми, нима қилишларини билмай қолишди шекилли, ҳадеганда чироқ ёнавермади.

Ахийри, ҳаммаёқ чарогон бўлиб кетди-ю шу лаҳзадаёқ зал қоронгулашиб, саҳна ёришганича қолаверди. Бу маҳал саҳнада Хитой эстрада гуруҳиям, аждар ҳам кўринмас, фақат думли, шохли, туёқли одамларгина юришарди. Уларнинг баъзилари Абул Ҳаво қиёфасига кириб олишган, фавнлар, сатиралар ролини бажараётганлар ҳам гўлиб тошиб ётар эди»[137]. Маълумки, Абул Ҳаво араб афсоналарига кўра, боши ва кўкраги аёл сувратида, танаси эса мода шер бўлган хаёлий мавжудотдир. Фавнлар эса юнон мифологиясида ёввойи ҳирсни ўзида мужассамлаштирган ва фақат ана шу ҳайвоний ҳирсга тобе мавжудот номидир. Сатиралар – юнон мифологиясига кўра, ана шу ҳирснинг қулларидир. Демак, ёввойи ҳирс йўлида ўзининг инсоний қиёфасини унутган бир гуруҳ кимсаларнинг рамзий қиёфаси асарда тасвирланган мифологик образлар зиммасига юкланган. «Энг яхши шох» мукофотининг эгаси номини олган Қулмаҳмуд одамлар кўз олдида ақлдан озган кишидек ҳаракатлар қилади. Унинг бундай нотабиий ҳаракатидан ваҳимага тушган Ҳотамга эса жаноб Химер тасалли бериб, бу ҳодисанинг сабабини инсон қонидаги кўпириб тошишлар билан боғлиқлигини тушунтирмоқчи бўлади. Ваҳоланки, бу ишларнинг бошида унинг ўзи турган эди. Минг бир машаққат билан ҳамқишлоғини жиннихонадан олиб чиқиб, ўз юртига қайтган Ҳотам барча сир-синоатларни тушуниб етади. Бироқ табиб ва мулла–эшонларга қаратишга қарамай, Қулмаҳмуд шохли ҳайвонларни кўрса дарди тутадиган бўлиб қолади. Уни гуноҳ ва хиёнат азоблайди. Ёзувчи эзгуликка қарши қаратилган қабоҳатнинг азобини англатиш учун асарга ана шундай образларни олиб кирган эди.

Замонавий мавзуга бағишланган романларда бундай шайтон ва инсон муносабатларининг тасвирланиши асар сюжет қурилишига афсона ва ривоятларнинг олиб кирилиши билан боғлиқдир. Нореал воқеаларнинг баён этилиши ва фольклор мотивларининг қўлланилиши бевосита муаллиф нутқи орқали ҳам асарга киритилиши мумкин. Жумладан, Улуғбек Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» рома-

[137] Ўша асар. – Б. 249.

нидаги Одам Ато ва Момо Ҳавонинг тақдири тўғрисидаги афсона муаллиф нутқи орқали асарга сингдирилиб борилади. Бу афсона асарнинг композицион қурилишида муайян ўрин тутиб, қаҳрамонлар ҳаёти ва тақдирига қиёсан фалсафий моҳият касб этади: «Олам узра зулмат ҳукмрон эди у пайтлар. На қитгай ёруғлик бор эди ва на жиндай ҳаракат. Эҳтимол, мавжуд эди улар. Бироқ зулматнинг қаърида чўкиб ётарди. Бошқа ёқдан эса ёруғликни, ҳаракатни кўра оладиган, уларни идрок эта биладиган хилқатнинг ўзи йўқ эди. Фақат Тангри таоло бор эди. Вақти келиб У билинмоқни истади. Зулматнинг қорнини ёриб, бутун бошли дунё яратишни ният қилди. Ва «Ёруғлик бўлсин!» деди. Шунда зулматнинг бағри чок-чок сўкилиб, ичидан нур оқиб чиқди. Дунёда зулмат ва нур, тун ва кун пайдо бўлди. Бу яратилишнинг биринчи куни эди...»[138]

Афсона талқинидаги яратилишнинг биринчи куни қаҳрамоннинг турмадан озодликка чиқиши билан параллел ҳолда тасвирланади. Роман воқеаларидан маълум бўлишича, у ўз ўқувчисини бир шапалоқ ургани учун қамалган эди. Унинг қалбида нур, келажакка ишонч йўқ эди. Аммо ўша қора турманинг азоблари ортда қолиб, у озодликка чиқди. Жамиятдаги адолатсизлик билан илк бор юзма юз бўлган асар қаҳрамони қалбида энди исён ғалаён қила бошлади. Бу қаҳрамонни турмага тиққан замондошларига нисбатан қасос ўти эмас, балки унинг ўзига, ўз "мен"ига, ўз шахсиятига қаратилган исён эди. Уни турмага тиққан ҳамқишлоқларини доғда қолдириб, янгича ҳаёт бошлашга аҳд қилди. Бу зулмат қўйнидан чиққан ёруғлик, нур эди.

Аллоҳ барча нарсани инсон учун яратган. Ота ҳам фарзандлари учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Акбар овқат сўраб, арз қилган болаларига ҳамма нарсани, ноз-неъматларни муҳайё қилиш учун сафарга отланди. Бироқ, у яна адолатсизлик билан юзлашади. Ун икки тонна деб ортилган қовуни манзилга етиб келгач, саккиз тонна чиқади. Ўз акаси Нурматнинг хиёнатидан кўнгли ўксийди. Бегона юртларда мафия қўлида қолиб кетади. Шундан сўнг инсон учун ато этилган имкониятларга эришиш ҳам осон кечмаслигини англаб етади ва тақдирга ёзилган ёзуққа итоат қилишга мажбур бўлади. Дунё сирларини англаш қийинлигидан хаёлан минг бир кўчага кириб чиқади. Қаҳрамон руҳиятида ана шундай мураккаб жараёнлар кечаётганини тасвирлаш асносида иккинчи афсона нақл қилинади:

---

[138] Ҳамдам У. Исён ва итоат. Роман. – Т.: 2005. – Б.3.

«Яратилишнинг иккинчи куни бошланди. Бунда Худованд осмонни ердан айирди, гумбазни осмон, қуруқликни эса ер деб атади. Кейинги қатор кунларда ерни макон тутиб, кўкни ёпинчиқ этиб ўсадиган ўсимликлар, дарахтларни дунёга келтирди, кўкни ва ерни тўлдириб учадиган, юрадиган гала-гала қушлар, тўда-тўда ҳайвонларни яратди. Зулмат ва нурнинг алмашиб туриши ва олам узра бир мувозанат бўлиши учун кўкда қуёш, ой ва юлдузларни бор этди, уларнинг ҳаммасини хуш кўрди»[139].
Дунё яратилганининг иккинчи кунида рўй берган воқеалар тас-вири қаҳрамоннинг алданиши, ҳайвоний феълга эга кишилар дав-расига тушиши ва улардан қутулиш йўлларини ахтариш билан ба-робар кечади. Зулмат билан нурнинг алмашинишн, ойнинг ўн беши ёруғу ўн беши қоронғу ҳолида келиши нафақат Яратилиш фитрати билан боғлиқ, балки яралмишлар ичида нисбатан мукаммали ҳисобланган инсоннинг турфа феъллиги, у манфаат ва қорин тўйдириш илинжида ўзининг олий зот эканлигини унутиб қуяётганлигининг тафсилотлари контекстида яхлит моҳият касб этади.

Аллоҳ одамзод учун барча имкониятларни бериб, уни бегуноҳ қилиб яратди. Асарда тасвирланган Диана билан Акбар эса тақдирга исён қилишда давом этадилар. Диана, Лариса хола, Акбар ва табиб қисматидан бир-бирига ўхшамас жумбоқлар, хатоликлар, руҳиятидаги чигал ҳолатларнинг барчаси, лойдан ясалган банданинг хатолари маҳсули эди. Бу дунёдаги барча имкониятларга эга бўлган шахсларнинг руҳий ҳолатини акс эттиришни истаган муаллиф ушбу илоҳий ривоятни асарга олиб кириш билан ўз бадиий ниятидаги талқинни яна бойитишга эришган: «Ҳамма нарса муҳайё бўлган эди: ер ва кўк, сув ва ҳаво, ҳайвонот ва наботот… барча-барчаси… Фақат буларнинг устидан ҳокимлик қиладиган ва энг муҳими, дунёни, унинг Яратувчисини идрок этадиган, англаб биладиган зот ҳали яратилмаганди. Шунда Оллоҳ таоло ўзининг шоҳ асари – Одамни ўз суратида, илоҳий шамойилда тупроқдан ясади-да, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлаб, жон ато этди…

Еттинчи куни эса Оллоҳ яратишдан тинди. Чунки бу кунга қадар ҳал этилган борлиқ Унинг билиниши ва ёдларда мудом қолиши учун етарли эди…»[140]

---

[139] Кўрсатилган асар. – Б. 10.
[140] Кўрсатилган асар. – Б. 14.

Бу ўринда адиб томонидан асарга сингдирилган ривоят одамнинг яратилиши тўғрисидаги антропогеник миф намунасининг вариантларидан бири ҳисобланади. В.В.Ивановнинг фикрича, «антропогеник мифлар – яратилиш (шу жумладан, одамнинг ҳам яратилиши) ҳақидаги асотирлар бўлиб, космогоник мифларнинг таркибий қисмидир».[141] Олимнинг қайд қилишича, дунё халқларининг ер юзидаги биринчи одам тўғрисидаги мифологик афсоналарида инсоннинг тупроқдан у ёки бу дарахтдан яратилганлиги нақл қилинар экан. Масалан, Перуда яшовчи ҳинду қабилалари мифларида айтилишича, биринчи одам пальма дарахтининг ёнғоғидан ясалган дейилган. Ғарбий Сибирь, Узоқ Шарқ, Шимолий Америка халқларининг мифларида ҳам илк одам дарахтдан ясалганлиги ҳикоя қилинади[142].

Туркий халқлар мифологиясида ҳам айни талқин мавжуд бўлган. Ҳар ҳолда, айрим дарахтларни муқаддас билиш анъанаси, шунингдек, фольклорда ва халқ ишончларида мавжуд бўлган дарахт культи шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Фольклоршунос Ш.Шомусаровнинг фикрича, «Ўрта Осиё халқлари ислом динини қабул қилиши ва "Қуръони карим", Ҳадис, Тафсир ва бошқа манбалардаги исломий асотирларнинг бу ҳудудда кенг ёйилиши натижасида Одам Атонинг яратилиши ва ер юзида инсоннинг яшай бошлаши тўғрисидаги антропогеник афсоналарнинг сюжетлари ўлка халқлари фольклорида оммалаша бошлади. Ана шу тарихий-фольклор жараёни натижасида ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётида Одамнинг яратилиши тўғрисидаги антропогеник афсоналар силсиласи юзага келган. Ислом мифологиясининг бевосита таъсирида шаклланган ўзбек антропогеник афсоналарида Одам Атонинг яратилиши, одам яратиш учун зарур бўлган тупроқнинг заминдан қарзга олиниши, Одам Атога жон киргизилиши, Одам Атонинг қовурғасидан Момо Ҳавонинг яратилиши, уларнинг жаннатдан қувилиши. Одам Ато билан Момо Ҳавонинг ер юзидаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади»[143].

Шунингдек, ёзувчи Аллоҳ ҳамма нарсадан бохабарлигини инсон табиатидаги яхшилик ҳам ёмонлик ҳам Аллоҳга аён эканли-

---

[141] Иванов В.В. Антропогонические мифы // Мифы народов мира. Т.1. – Москва: 1992. - С.87.

[142] Иванов В.В. Антропогонические мифы. - С. 87.

[143] Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002. - Б.175.

гини, бироқ ана шу мутлоқ ҳақиқатни англаёлмаган инсон гумроҳлигини давом эттираётганлигини ушбу кўчирма билан англатган. Одамзотга гуноҳ қилишдан тийилиш имкони ҳам берилган бўлса-да, у инсоннинг ўз қисматига исён қилиб, биргина таъқиқ этилган нарса, яъни яхшилик ва ёмонликни англаш мевасини емасликини буюради. Бу парча Диана, Табиб ва Акбарни гуноҳга етакловчи ички ғалаённи босиш учун келтирилган. Бироқ, асар қаҳрамонлари турли касб, турли ёш, турли муҳитдаги кишилар бўлса-да, уларнинг ҳар қайси ўз ички дунёси билан яшаётган, бир бирини такрорламайдиган одамлардир. «Оллоҳ таоло Одамнинг ҳеч нарсадан кам бўлмай яшамоғи учун Адан боғини бунёд этди. Унга турли-туман дарахтлар ўтқазди, ирмоқлар келтирди. Сўнг Одамни у ерга қўйиб: «Сен бу боғнинг ҳар бир дарахтидан еявергин. Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еганинг куниёқ ўласан», деб буюрди…»[144]

Муаллиф бу ривоятни келтириш орқали қаҳрамон ҳаёти ўртасида ўзига хос кўприк қуради. Ана шу "кўприк" воситасида инсон ўз имкониятлари қайдаражада беҳисоблигию қанчалик чекланганлиги ўртасидаги ҳадни, чегарани билиши зарур. Чунки имконият англаб олинган заруратдир. Инсон ўз имконига эрк берса, таъқиқланган нарсаларнинг истеъмолига киришса, у ўз нафси туфайли бошига янги савдолар орттириб олиши муқаррарлиги эслатилади. Бироқ беайб Парвардигор деганларидек, у ҳар доим ҳам бундай "чекланиш"лар ва "эслатма"ларга қулоқ тута бермайди. Ақли "қилмагин" деб тайинлаб турган бир пайтда нафснинг қўйига кирган инсон бундай нопок ишларга қўл ура бошлайди ва табиийки, у ўз қилмиши учун нафақат қиёматда, балки шу дунёнинг ўзида ҳам жазога маҳкум этилади. Қасос қиёматга қолмайди.

Бизнингча, бу асарда инсон ботиний турфа кўринишлари бадиий таҳлил этилади. Чунки асар воқеалари бир неча йўналишда, ранг-баранг тақдирлар ва характерларнинг ўзига хос кўринишларини маҳорат билан яхлит тизим ҳолида тасвирлашга қаратилган алоҳида-алоҳида ҳикоялардан иборат бўлиб, бу ҳикоялар тақдири фожиа билан якунланган шахслар қисматининг тафсилотидан иборатдир. Асарда тасвирланган биринчи йўналиш Акбар ва унинг маънавий дунёси, иккинчиси, Табиб ва унинг қисмати, учинчи йўналиш Лариса холанинг фожиаси бўлса, тўртинчи йўналиш Дияна-

[144] Кўрсатилган асар. – Б. 23.

нинг ахлоқий оламидир. Шунингдек, бешинчи йўналиш ижтимоий муҳитнинг реал тасвири ва асарнинг тўлақонли чиқиши учун хизмат қилган ривоят жанрининг роман сюжетига сингдирилиши натижасида асарга олиб кирилган Одам Ато ва Момо Ҳаво қисмати ҳақидаги исломий афсоналардир. Бу йўналишларнинг ҳар бири ўзига хос бадиий қиёфалар, образлар ва руҳиятлар тўғрисида алоҳида-алоҳида мавзуларни ташкил этиб, уларнинг ўқ илдизи Акбар образи билан мантиқий боғланиб туради. Акбарнинг Табиб, Лариса хола, Диана ва хотини Фаридага бўлган муносабатларининг тасвири асар сюжетига асос бўлган воқеалар ривожини тараққий эттиришга хизмат қилади.

Ёзувчи ўзининг илк йирик асари «Мувозанат»да илгари сурган ҳаёт ва инсон тўғрисидаги фалсафий қарашларини «Исён ва итоат» романида мантиқан давом эттириб, янада такомиллаштирган. Адибнинг тасаввурича, одамзод пешонасига битилган қисматни ўзгартирмоқ учун ўз ҳаётининг маълум бир босқичигача тақдирга исён қилиб борар экан. Дарҳақиқат, инсон ўз мақсади йўлида не-не ишларга қўл урмайди, дейсиз. Охир-оқибатда узоқ давом этган ҳаёт йўлининг сўнгги сарҳадларида намоён бўлган тақдирга бутун умр бўйи унга йўлдош бўлган қисмат ёзғусига итоат этишга мажбур бўлади.

Улуғбек Ҳамдам томонидан яратилган ўзига хос адабий қаҳрамон типининг табиати ҳақида ёш олима М.Пирназарова шундай ёзади: «Улуғбек Ҳамдам инсон зотининг кучли ва ожиз жиҳатларини хилма-хил нуқтаи назарларда акс эттиради. Айникса, башариятнинг илк тарихи билан қиёсий таҳлил этишда илоҳий мазмундаги киритмалардан фойдаланиш ижобий натижалар берган. Одам зотининг тавба, англаш, ҳис этиш йўлини ўтиб итоатга келиши, Ҳақ йўлдаги бандасининг ҳидоят қилиниши билан боғлиқ илоҳий-фалсафий фикрлар бирмунча ҳаяжонли ўй-мулоҳазалар орқали Акбар образи мисолида илгари сурилади»[145].

Тақдир измига кимдир тез, кимдир кечроқ итоат қилади. Жумладан, Акбарнинг хотини Фарида ўз қисматини қишлоқда яшаш ва ишлашда деб билади. У ўз тақдирига итоаткор шахс. Шу боис, ўзи билан эри ўртасидаги муносабатларда кечаётган ўзгаришларга ҳам табиий ҳол деб қарайди. Акбар эса, аксинча, қалбидаги тақдирга

---

[145] Пирназарова М.М. Ҳозирги ўзбек романларда услубий изланишлар. Филол. фанлари номз. . дисс. – Тошкент: 2006. – Б.105.

нисбатан кўтарилган исён сабаб қишлоққа сиғмайди ва охир-оқибат у ердан қочиб, шаҳарга келади. Бироқ нафақат ўз яшаш манзили, балки ўзлигидан ҳам қочишга уринган Акбар бу ерда ҳам руҳий таскин топа олмайди. Фоҳиша аёлга ишқи тушиб, унга бўлган муносабати ўткинчи ҳислар алдови эканини билиб турса-да, буни чин муҳаббат сифатида тан олиши ҳам жуда қийин кечади. Узоқ сукутидан кейин тан олган, яъни севган аёли билан узоқ йиллар никоҳсиз яшайди ва муҳаббатларидан бир нишона ёки фарзанд ҳам қолдирмай, тўсатдан қишлоққа қайтиб кетади. Адиб Акбарнинг мана шу қайтишини узоқ муддатдан сўнгги тақдир измига итоат, яъни қисмат сифатида тасвирлайди. Бизнингча, бу асарда икки аёлни ҳам ўзига ипсиз боғлай олган нарса – бу ҳозирги замон кишисининг маънавий оламидаги инқироз, яъни худбин шахснинг ҳаёт йўлидир. Чунки оилавий ҳаёти давомида икки аёлдан биттасига ҳам ўзини фидо қилолмаган, уларга на моддий ва на маънавий кўмак беролмаган Акбарни фақат ўз орзу-истаклари "қуллиги"да яшаган худбин одам дейиш мумкин. Гарчи маълум даражада ақлли, меҳрибон, сермулоҳазакор, бир фоҳиша аёлнинг тўғри йўлга тушишига сабабчи бўлган фидойи одам бўлса-да, чексиз-чегарасиз ички изтироблар гирдобида умр ўтказадиган қаҳрамон аслида оила ва фарзанд, қолаверса, ҳақиқий муҳаббат олдидаги масъулият ва бурчни унутган шахсдир.

Диана эса маънавий-ахлоқий жиҳатдан балчиқда турган бўлса-да, жисман пок оламга, офтобга интилади. Гўзалликка ошуфталик, меҳр ва муҳаббатга ташналик уни ўзи учун бегона бўлган муҳаббат қўрғонига беихтиёр олиб киради. У Акбарни севиб қолгач, яъни аслида кўнгил қўйиб қолгандан сўнг ўзининг танлаган ҳаёт йўлидан қайтиб, ўрганган турмуш тарзини ўзгартиришга ўзида куч топади. Адабиётшунос Д.Тўраев Улуғбек Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» романини таҳлил қилар экан, «Асарда Диана илоҳий гўзалликни ўткинчи мол-дунё, бойлик, зеб-зийнатда яшаш учун қурбон қилганлиги, бундай ношукурлик Худога қарши, тақдирга қарши исён эканлиги, бу исён олови гўзаллик соҳибасини тубанликка улоқтирганн каби ҳаёт фалсафаси муаммолари билан боғланади»[146], деб ёзган эди. Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, Дианада ахлоқан покланишга нечоғлик уринмасин, унинг ичидаги ўйнаб-кулиб яшашга

---

[146] Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. Романчилигимизнинг янги уфқлари. - Т.: Янги аср авлоди, 2004.- Б.34.

бўлган ботиний истаклар батамом йўқолмайди. Натижада ўзининг севган кишиси билан узоқ йиллар бирга яшаса-да, фарзанд кўришга, оила қўрғонини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмайди. Акбарнинг қачонлардир кетиб қолишини сезиб, ўша куннинг кечроқ келишини кутиб яшайди. «Сени жунунингдан қўрқаман», – деб эътироф этса-да, ўз бахти учун, келажаги учун курашмайди. Ҳатто Акбарнинг кетишини табиий ҳолдек қабул қилади. Натижада Лариса холанинг фожиавий қисматидан сабоқ чиқара олмаган Диана бир олам хотиралар, севинчу қайғулар, аламли изтироблар исканжасида ёши ўтган дамда ёлғиз қолади. Диананинг муҳаббат қудрати воситасида ўз турмуш тарзини ўзгартириши ва бахтли бўлишга интилиши унинг тақдир ёзмишига қарата қилган исёни бўлса. Акбар кетганидан сўнгги ёлғизлик ва бўм-бўш кўнгил изтиробларита тўла ҳаётга кўникиши унинг қисматга итоатини англатади. Чунки асар мантиғидан англашиладики, унинг ёшлигини ўйин-кулгида, кексалигини эса ёлғизликда ўтказиши ҳар икки ҳолатда ҳам табиий ҳолдек бўлиб кўринади. Қолаверса, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ожиз бўлган Диана оилали эркак билан кўра-била туриб узоқ йиллар никоҳсиз айш-ишратга берилиб, сайру саёҳат билан умргузаронлик қилади. Натижада маънавий тубанлик оқибатида етилиб келаётган фожиа кун сайин уни ўз домига тортиб бораверади. Охир-оқибатда, гарчи бузуқлик гирдобидан чиқиб, анча вақт бир эркак билан оила қуриб яшаган бўлса-да, барибир ахлоқий жиҳатдан тубанлашганлигини исбот қилади.

Диананинг ёшлигини эслатадиган бир тарзда яшаб умргузаронлик қилган Лариса хола эса кексайганида бир оғиз ширин сўз, меҳр-муҳаббат ва эътиборга зор бўлиб қолади. Бола туғсам навниҳол қадду қоматим бузилади, бола тарбиялаб, катта қилишдан ҳам муҳимроқ ишлар бор бу ҳаётда, деб фарзанд кўришга рози бўлмаган, болали бўлганлиги учун ўз опаларининг устидан кулган ва ҳатто, улар билан қариндошлик ришталарини ҳам узган Лариса хола кексайганида қадрдон ўртоқларидан бирин-кетин айрилиб, кунларни ёлғиз ва маъносиз кечиришга маҳкум бўлади. У бундай яшашдан зерикади, ҳатто ўлимини кутиб чарчаган кампир ўз жонига қасд ҳам қилади. Ёзувчи таъбири билан айтганда, «Лариса хола кимга қўнғироқ қилмасин, бу дунёни тарк этган эди». Ўз умрини маъно-мазмунсиз бир тарзда кечирган кекса бир кампир ҳаёт йўлидан сабоқ чиқарар экан. Диананинг тақдирида ўз кечмишини кўргач,

унга ўзининг бугуни ва келажагини раво кўрмай, панд-насиҳатлар қилади.

Ёзувчи, қаҳрамон тақдири ва қисмати муаммосини маънавий-ахлоқий қарашлар тизимига олиб чиқар экан, “одамзод эшитгани ва кўрганига ҳамиша ҳам амал қилавермайди” деган мантиқ Одам Ато ва Момо Ҳаводан қолган мерос эканлигини китобхонга эслатиб туриш мақсадида бадиий тасвир қатламларига улар тўғрисидаги афсонани изчиллик билан сингдириб боради. У ўз наздида “инсон жуфт бўлиб яшаши керак” деган ҳаётий ҳақиқатни табибнинг тақдири мисолида бадиий таҳлил қилади. Чунки табиб хотинининг хиёнатидан сўнг ёлғиз яшашга аҳд қилади. Тақдирни қарангки, ҳамиша одамларга яхшилик қилган, шогирдларига меҳр қўйган, ўз касбига содиқ бўлган имон-эътиқодли бу инсон жойномоз устида икки букилиб ўлиб қолади. Яқинларига қилинган насиҳатлар эса қоғозга битилади, холос.

Адиб ўз асаридаги Турсунбой жонталаш образи орқали одамгарчилик ва меҳр-оқибатнинг меҳнаткашлик билан ўрин алмашганлигини кўрсатишга ҳаракат қилган. Натижада инсоннинг шайтонга эргашиб ҳаётий ҳақиқат меъёрини бузган ҳамда унинг бошқа жонзотлардан фарқи ҳам ақл ва тафаккур соҳиби эканлиги билан белгиланишини ёдидан кўтарган инсон охир-оқибат гумроҳга айланади, деган мантиқий хулосага келган.

Романга олиб кирилган мифологик афсоналар ҳам маълум маънода асар моҳиятини ифодаловчи ана шу ҳаётий мантиқнинг давомийлигини таъминлашга хизмат қилган бўлса-да, баъзи жойларда диалоглар чўзилиб кетгандек таассурот туғдиради. Асарда иблиснинг хиёнаткор бўлиши ва одамни тақиқланган олмадан ейишга даъват этиб, гуноҳга қўл урдириши ҳақидаги ривоятдан сўнг адиб биргина жумла ёзган: «Бироқ табиб Акбарга жавоб ёзмади...» Ушбу жумланинг моҳияти ва бадиий тўлақонлилиги ривоятдаги мантиқнинг бевосита давоми сифатида таассурот қолдиради. Бу жумлада шайтоннинг йўлига юрган бандаларнинг гуноҳкор бўлиши ва Оллоҳга ширк келтириши англатилади. Кўриниб турибдики, табиб Акбарни оиласига хиёнат қилганликда ва ўзининг пок ҳаёт йўлини гуноҳ ишлар сари буриб, хато йўлни танлаганликда айбламоқда.

Ёзувчи бир ўринда «инсоннинг бандалиги шундаки, дард чекканда қўлга киритган сабоқлари дарддан фориғ бўлганда эсидан

чиқади. Шунинг учун бу дунёда ҳамма нарса такрорланиб келаверади, жумладан, хатолар ҳам...» деб ёзади. Асарда адибнинг бундай "олимона тафаккури" акс этган ўринлар анчагина учрайди. Чунки у асарда нафақат ёзувчи, балки ҳикоячи, холис кузатувчи, фикр юритувчи қаҳрамон сифатида ҳам кўринади. Асарнинг сўнггида Акбар устозидан қолган хат билан танишар экан, ўз тақдирига итоат қилганлигини тан олади.

Ёзувчи ёлғизлик фақат Оллоҳга хослигини, фақат Яратганнинг ўзигина инсон тақдирини ўзгартиришга қодир эканлигини жамиятдаги турли тоифадаги шахслар, турли касб эгалари, турли характерли кишилар образининг талқини орқали кўрсатишга ҳаракат қилган. Унинг қаҳрамонлари орасида журналист, табиб, қария, фоҳиша, деҳқон, тадбиркор, ёш қизча сингари турли типдаги образлар мавжуд. Адиб бу персонажларнинг ҳаёти мисолида инсон кўпинча ўз ҳаётини ўзгартириш мақсадида тақдирга қарши исён қилса-да, ва охир-оқибат барибир қисмат йўриғига итоат қилишини, бўйсунишини қаламга олган.

У.Ҳамдам ижодини кузатганда шунга амин бўламизки, адибда ёлғизлик фожиасини тасвирлашга мойиллик кучли. Ёзувчи инсон дунёга ёлғиз келади, ёлғиз кетади, гуноҳ ва савобни ҳам ёлғиз ўзи қилади, унинг пешонасига битилган ёзиғи ҳам ёлғиз унинг ўзига тегишли бўлади деган фалсафий қарашни илгари суради. Шу боис, унинг «Ёлғизлик» қиссаси билан бошланган "ёлғизлик феномени" нинг бадиий талқини адибнинг «Мувозанат» романида янги босқичга кўтарилган: асар қаҳрамонларининг ҳар бири ўз дунёси, ўз сир-асрори билан яшашини тасвирлаш орқали адиб "ёлғизлик феномени"нинг шахс қисматидаги ўрни ва роли муаммосини мантиқий давом эттирган. Ёлғизликнинг ҳаётий талқини «Исён ва итоат» романида анча изчил, табиий ва ишонарли тасвирларда берилган. Айниқса, ҳар икки романда ҳам адиб бадиий ниятининг амалга ошишида мифологик тасвир имкониятлари ва халқ ривоятларидаги эпик талқин усулига кенг ўрин берилиши қаҳрамонлар характерининг тўлақонли чиқишини таъминлаган. Бу, албатта, ёш ёзувчи қаламининг чархланиб бораётганлиги ва унинг ўзига хос бадиий олами ҳамда ижодий услуби шаклланишда давом этаётганлигини кўрсатади.

Омон Мухторнинг "Аёллар мамлакати ва салтанати" деб номланган романида турли ҳолатларда инсоннинг ҳаёти, тафаккури ва

шахсиятига реаллик ва хаёлот кесмасида ҳар томонлама ёндошилади. Бу асар матни фольклорга хос анъавий мотивларни бадиий асар сюжет тизимига сингдириш нуқтаи назаридан анча пухта ишланган. Адабиётшунос олим У.Норматов мазкур роман ҳақида фикр юритар экан, шундай хулосага келади: «Роман муайян доира бўйлаб айланувчи, бетиним такрорланиб турувчи ўзига хос сирли-сеҳрли мусиқий оҳанг билан йўғрилган, насрий ифода ва шеърий сатрлар омухталиги, насрдан шеърга, шеърдан насрга эркин кўчиш, ўзга шоирлар шеърий сатрларидан эркин фойдаланиш, тарихий ҳужжатларга мурожаат, халқ оғзаки ижоди намуналари - ривоят ва эртаклар сюжетининг қайта ҳикояси, хусусан, "Бир ёлғонда кирк ёлғон" эртаги басни булар асар матнига ажиб файз, кўпоҳанглилик бахш этган… Омон Мухтор романлари шакл-шамойили, сюжет тузилиши, ифода тарзи жиҳатдан янгича"[147]. Дарҳақиқат, ушбу асарни мутолаа қилган кишида бамисоли эртак ўқигандек таассурот қолади. Чунки унда тасвирланган воқеалар китобхонни сеҳрли-фантастик эртакларга хос ғаройиб воқеалар сари етаклайди. Асарда аёл дея аталмиш сирли ва сеҳрли ҳилқат ҳақида, унинг ўзига хос фазилатларию жумбоқларга тўла ички дунёси хусусида гап боради. Чунки эркак ва аёл, образли ибора билан айтганда, "икки ёрти бир бутун" дея таърифланган зотлар ҳамиша бир-бирига интилиб, бир-бирини тўлдириб, ҳаётда ҳамроҳ бўлиб яшашади. Аёлнинг назокати, ўзига хос нозик диди эркакнинг қобилиятлари-ю, имкониятларини ҳамиша сартарози қилиб, баҳолаб туради. Шу боис, мазкур асарда халқимиз орасида кўп ишлатиладиган пурмаъно ҳикмат – "Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин" деган мақолнинг моҳияти бутун асар давомида бамисоли ўқ чизиқ бўлиб ўтиб, воқеалар талқинининг марказида тургандек кўринади. Қаҳрамон ана шу фикрнинг ҳақлигини исботлаш учун халқ оғзаки ижоди намуналаридан, хусусан, достон, эртак, мақол ва ривоятлардан ўз бадиий ниятини амалга оширишда кенг кўламда фойдаланади.

Адибнинг асосий бадиий нияти аёлнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ҳамда эркак киши фаолиятидаги ўрнини романга хос бўлган кенг эпик планда талқин қилишдан иборат эди. Асар қаҳрамони Олим ўз уйидан, (яъни аслида аёл исканжасидан) сирғалиб чиқиб,

[147] Норматов У. Умидбахш тамойиллар. - Тошкент.: Маънавият, 2000. – Б.59-60.

ўз аёлининг руҳий хуружлари қуршовидан қутилиб, бироз эркин бўлиш мақсадида ўзга бир аёлнинг ҳузурига ошиқади. Лекин тез орада бу аёл ҳам у ҳаётда кўрган-билган, учратган бошқа хотинлардан сираям фарқ қилмаслигини ҳис эта бошлайди. Шунда Олим беихтиёр қуйидаги сўзларни эслайди: "Эрни эр қиладиган ҳам..? Бу кимдан, қачон чиққан?! Бу – илк қарашда, аёлларни сал камситиб-тергаб айтилганга ўхшайди-ку... Ўйлаб кўрсангиз. Сени ё у ёқ (эр), ё бу ёқ (қаро ер) қиладиган хотин бўлса! - Демак, сенинг тақдирингни ҳал қиладиган - ХОТИН (АЁЛ) экан-да!"[148]

Аслини олганда Омон Мухторнинг бу асари ана шу фикрларни баралла (катта ҳарфлар билан) учун ёзилгандек кўринади. Лекин асардаги воқеаларни ўзаро уйғунлаштириб, ягона семантик марказга бирлаштириб турувчи ўқ чизиқ аслида бу эмас. Романда аёл зотининг ўзига хос руҳий дунёси таҳлил қилинган, аёл қалбининг, аёл тафаккурининг сиру синоатлари сарқалам қилинган. Унинг ички кечинмалари олами ва тафаккур тарзини атрофлича ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган адиб ўзининг бадиий ниятини тўла амалга ошира олиш учун аёл тимсолига ментзаш мифологик образлар талқинини асарга сингдириб юборган. Жумладан, асар сюжети Фаришта ёки Алвастининг мифологик образи воситасида янада тўлақонли чиққан. Шу билан бирга, асарда тасвирланган воқеалар ҳаётда ҳам бўлиши мумкин бўлган ёки инсон хаёлотидагина содир бўладиган ҳолатлар эканлигига ўқувчини тўла ишонтириш учун муаллиф ўрни билан халқ достонлари ёки эртаклари сюжети, мотивлари ва образларини матнга сингдиради. Асар қаҳрамонининг тилидан ҳикоя қилинадиган воқеалар китобхонга таниш, халқ орасида мавжуд бўлган қадимий ишонгилардан иборат бўлганлиги учун ҳам жуда ҳаётий, табиийдир. Асар қаҳрамони Олим – хаёлот одами. У ўзидан олдинги синфда ўқиган Алпомиш деган йигитни эслар экан, беихтиёр «Барчиной тўқсон қалмоқ полвонлари ўртасида талаш бўлди. У Алпомишнинг Бойсундан келиб, шартларини бажариб, уни озод этиб, олиб кетишини кутар эди...» деб ўй суриш билан бирга аёлнинг эр кишига ишониши ва суяниши, эркак киши эса аёл учун ҳар нарсага тайёр бўлиши лозимлигига шаъма қилади. Шу боис, асарда аёлга хос жиҳатларнинг чуқур бадиий таҳлил этилиши орқали бугунги аёлнинг жамият ҳаёти ва оиладаги ўрни ҳам эслатилади.

---

[148] Омон Мухтор. Аёллар мамлакати ва салтанати. – Тошкент: 1997. – Б.79.

Адиб Олим образи орқали жамиятга назар ташлар экан, аёл зотига хос хислатларнинг турфа шаклларини кўрсатиш натижасида аёлларни уч тоифага бўлиб талқин қилган. Бу талқин фақат учта сўз орқали катта ҳарфлар билан ифодаланган бўлиб, ўқувчи бу ўринда адибнинг бадиий ниятини англашга унчалик ҳам қийналмайди. Қаҳрамоннинг эса боши қотган: чунки унинг ҳаётида учраган аёлларнинг мураккаб, чигал тақдирлари, ўй-хаёллари, дунёқараши, қиладиган ишларию, ўзига, жамиятга муносабати ва фикрлари уни қизиқтиради. Шуларни билишга, англашга интилади. Асар қаҳрамони Олим аёлларни уч тоифага бўлади ва уларни "Алвасти", "Фаришта", "Оддий аёл" деб таърифлайди. Бу таърифни асардаги баъзи воқеалар орқали тўлдиришга уринади: «Бу (Аёл)лар ОДАМ наслидан эмас, ПАРИми, АЛВАСТИми бўлишса-чи?!. Парилардан-ку, зиён кам, дейишади. Алвастилар ёмон! Хонумонинг куяди! У, Парилар, Алвастилар, Жинлар, Девлар, биз яшаган ОЛАМдан бошқа Оламлар борлигига эса шубҳаланмас эди! Болаликдан каттиқ ишонарди! Баъзан унга ҳар қандай Аёлнинг ўзи – бошқа ОЛАМга мансуб бўлиб ҳам туюлар эди! Ҳозир кўрганлари бунга далолатдек эди»[149].

Адиб бу ўринда қаҳрамон руҳий оламига хос хусусиятларни ёритишда ўзбек фольклорининг бир қатор анъанавий персонажлари – пари, алвасти, жин, дев образлари билан боғлиқ мифологик тасаввурлардан фойдаланган. Бу персонажлар номи ва талқинларининг асар матнида келтирилиши адиб бадиий ниятини амалга оширишга хизмат қилган бўлса-да, ҳар бири алоҳида моҳиятга эга.

Маълумки, халқ орасида пари билан боғлиқ икки хил эътиқодий қараш мавжуд: биринчи тип тасаввурларга кўра, «пари» ўзбек фольклорининг энг қадимий анъанавий мифик образларидан бири бўлиб, эртак ва достонларда эпик қаҳрамонга ошиқ бўлиб, турмушга чиқадиган; дев, аждаҳо ва бошқа эпик рақиблар томонидан ўғирлаб кетилган нарсани излаб топишда қаҳрамонга кўмаклашадиган; қаҳрамонга маслаҳат бериб, ҳомийлик қиладиган гўзал қиз кўринишидаги хаёлий-мифологик образдир. Бу мифологик персонаж ўзининг бениҳоя чиройлилиги, сеҳрли-магик хусусиятга эгалиги, ўз шаклу шамойилини ўзгартириб, турли хил жонзотлар (қуш, оҳу, илон ва ҳ.к.), инсон (гўзал қиз ва йигит) ва нарса-ҳодисалар (чўғ, олов, гул, сув) кўринишида намоён бўла олиши билан бошқа асо-

[149] Ўша асар. - Б. 94.

тирий персонажлардан фаркланиб туради. Пари образи Ўрта Осиёда яшаган қадимги одамларнинг кут-барака ва ҳосилдорлик бахш этувчи маъбудалар тўғрисидаги мифологик тасаввурларининг тадрижий ривожи натижасида келиб чиққан[150].

Пари тўғрисидаги мифологик қарашларнинг иккинчи тини бевосита «Авесто»да ёвуз кучлар сирасига мансуб деб тасаввур қилинган «паирика» образи билан алоқадордир. Бунга кўра, парилар одамларга ёмонлик қилувчи ғайриоддий куч тарзида талқин қилинади[151]. Халк орасидаги «пари теккан», «пари қоққан» каби иборалар орқали пари, йўлиққани, яъни бу ғайриоддий мавжудодлар билан кўришгани учун руҳий хасталикка чалинган беморлар назарда тутилади. Айникса, сув парилари ана шундай ёвуз мавжудот сифатида тушунилади. Халқ карашларига кўра, сув парилари даре, ариқ, кўл, қудуқ, чашма каби сув ҳавзаларини ўзларига макон қилишар экан. Улар гўзал қизлар кўринишидаги хаёлий мавжудотлар бўлиб, сув бўйига келган кишини исмини айтиб чақирар ва сувга ғарк қилар эмиш[152]. Бундай мифологик тасаввурлар ўзбек фольклоридаги афсона, эртак ва демонологик ҳикояларда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, афсоналардан бирида айтилишича, ўтмишда каналларда сув тўлиб оқкан пайтларда сув парилари қурбонлик талаб қилиб, айрим одамларни номини айтиб чақирганлар. Натижада бу одамлар сув бўйича боришган ва каналга тушиб, чўкиб кетиб ҳалок бўлганлар. Романда ҳам аёлнинг вазиятга караб турли қиёфага кириши, яъни гўзал юзли париваш ҳолатида намоён бўлгани ҳолда ана шу малоҳат остига гоҳида ёвузлик яширинган бўлиши ҳам мумкинлиги маъноси мазкур мифологик тасаввурлар асосида талкин қилинган.

Туркий халқлар мифологияси талқинича, «зиёни кам»рок дея тасаввур қилинган парилардан фарқли ўларок, ғоят хунук бадбашара ва бадфеъл аёл сифатида тасаввур қилинган алвасти образи – ёвуз кучлар тоифасига кирадиган персонаж саналади. Фольклоршунос О.А.Халипаеванинг ёзишича, "алвасти аёл кўринишида та-

---

[150] Бу ҳақда қаранг: Бертельс А.Е. Пери // Культура и искуство народов Средней Азии в древности и средневековье. - Москва: Наука, 1979. - С.125-130; Қаюмов О. Пари ҳақидаги халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиети. - 1996. - № 1. – Б.43-45; Ўша муаллиф. Пари ва амазонка образлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1997. - №2. – Б.52-55.

[151] Басилов В.Н. Пари // Мифы народов мира. Т.2. - Москва: 1992. - С.286.

[152] Қаюмов О. Сув париси билан боғлиқ халқ қарашлари // Адабиёт гулшани. Илмий тўплам. - Тошкент: 1999. – Б.17-23.

тасаввур қилинадиган ёвуз мифологик образ бўлиб, асосан, ҳомиладор ва чиллалик аёллар ҳамда чақалоқларга хавф солар эмиш. У сочлари пахмоқ, ўзи жуда хунук, эмчаклари осилиб кетган қари аёл кўринишида тасаввур қилинган"[153]. Ўзбекларнинг мифологик қарашларига кўра, алвасти янги туғилган чақалоққа ўз кўкрагини тутса, ўша чақалоқ нобуд бўлар эмиш. Шунинг учун илгарилари айрим тажрибали доя момолар чақалоқ туғилиши билан унинг оғзини ўз жимжилоқлари билан силаб қўядилар. Шундай қилинса, алвасти унга хавф сола билмас эмиш. Бадбашара аёл суратида тасаввур қилинувчи бу мифологик образ айрим манбаларда «мортув», «сариқ қиз» деб ҳам аталади[154].

Халқимиз орасида кенг тарқалган мифологик афсонада айтилишича, алвастига йўлиққан киши дарҳол унинг узун сочларидан ўраб тутиб олиши керак эмиш. Ана шунда у одамга қарата «Тила тилагингни!» дер экан. Бундай пайтда алвастининг тилининг тагида сақлаб юрадиган тангаси ёки китобчасини беришни сўраш керак, ана шунда алвасти «етти пуштингга зиён етказмайман» деб қасам ичар эмиш. Акс ҳолда, алвасти ўзи йўлиққан кишиға зарар етказмасдан қўймас, алвастидан зиён топган кишиларга нисбатан «Фалончини қора босибди» деган ибора қўлланиларкан.

Мифологик талқинга кўра, ўзининг функцияси, кўриниши, инсонга муносабати ва мақсади билан фариштадан фарқланиб турадиган алвастининг ёвуз асотирий тип сифатидаги хусусиятлари романда қаҳрамон тахайюлида туғён ураётган «аёл» образининг сифатларини кўрсатишга бўйсундирилган. Алвасти образи фольклорда ёвуз куч тимсоли ўлароқ талқин қилингани боис, адиб қаҳрамони «алвастига йўлиққан кишининг хонумони куяди», – дейди.

Адиб қўллаган «жин» образи ҳам ўзбек мифологиясида "ёвуз кучлар олами"га тааллуқли демоник персонажлардан бири деб тушунилади. Халқимизнинг мифологик тасаввурларига кўра, жинлар ғайритабиий хусусиятга эга бўлган демонологик персонажлардан бири бўлиб, улар одатда одамлар кўзига кўринмайди. Ёнғоқ, жийда, туранги каби дарахтлар ўсадиган жойлар, култепалар, ахлатхоналар, ташландиқ харобалар, кимсасиз чолдеворлар, эски қабристонлар, мол сўйилган жойлар, қари тут ёки гужум дарахтларининг

---

[153] Халилова О.А. Кумыкская мифология и ее турецко азербайджанские параллели // Turkolog. Тюркологические публикации. http: // turkolog.narod.ru /

[154] Басилов В.Н. Алвасти // Мифы народов мира. Т.I. – Москва: 1992. - С.58.

таги уларнинг асосий макони деб қаралган. Жинлар эчки, мушук, қурбақа, учқун, (олов), кучук боласи ва одам кўринишида намоён бўлар эмиш[155].

Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида «чіwі» деб аталувчи жинлар тўғрисида қуйидаги афсона баён қилинган: «чіwі – бир тоифа жинлар номи. Бу шундайки, икки гуруҳ турклар бир-бирлари билан урушади. Урушдан олдин ҳар қайси гуруҳ юртида яшовчи жинлар ўз юртларидаги одамларга эргашиб, бир-бирлари билан жанг қиладилар. Қайси юрт жинлари енгса, эртаси ўша юрт шоҳи ғалаба қилади. Қайси юрт жинлари енгилса, ўша юртдаги шоҳ ҳам енгилган ҳисобланади. Жанг қилувчи гуруҳлар аскарлари жинлар ўқлари тегишидан қўрқиб, чодирларга кириб яширинадилар. Бу турклар орасида тарқалган урф-одатдир»[156].

Ўзбекларнинг «жин» образи билан алоқадор мифологик тасаввурларининг такомиллашишида «Қуръони карим»даги ояти карималар ҳам муҳим роль ўйнаган. Исломий ривоятларга кўра, «жинлар оловнинг ёлқинидан яратилган кўзга кўринмас мавжудотлардир. Инсониятни саодатга етакловчи пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом одамлар билан бир қаторда жинларга ҳам пайғамбар қилиб юборилгандир. Шу боис, жинлар тоифасига мансуб мавжудотлар орасида Оллоҳнинг ҳақлигига иймон келтирганлари ҳам, аксинча, жаҳолатда қолиб кетганлари ҳам бор экан»[157].

«Қуръони карим»даги йигирма саккиз оятдан иборат «Жин» сурасининг 11-оятида жинлар тилидан «Албатта, бизларнинг орамизда яхшилар ҳам бордир ва (шунингдек) орамизда ундоқ эмаслар (яъни ёмонлар) ҳам бордир», – дейилганлиги ҳам шу фикрни тасдиқлайди[158].

Адиб қўллаган «жин» образи ҳам ўзбек мифологиясида «ўзга олам»га тааллуқли персонажлардан бири деб тушунилади. Халқимизнинг мифологик тасаввурларига кўра, жинлар ғайритабиий хусусиятга эга бўлган демонологик персонажлардан бири бўлиб, улар одатда одамлар кўзига кўринмайди[159].

---

[155] Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.60.

[156] Маҳмуд Кошғарий. Курсатилган асар. – Б. 244.

[157] Жураев М., Шомусаров Ш. Курсатилган асар. – Б.61.

[158] Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Чўлпон, 1992.

[159] Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.60.

Халқ орасида азалдан кенг тарқалган мифологик тасаввурлар тизимининг анъанавий персонажлари ҳисобланган «пари», «алвасти», «жин», «дев» ҳақидаги ривоят ва эртаклар сўзлаб берилади. Бироқ асарда тасвирланган ҳолат жамиятдаги баъзи бир аёлларнинг ўзига хос сифатларини кўрсатишга қаратилган. Инсон фарзанди ҳар жиҳатдан тўкис, мукаммал бўлмаганидек, аёл зотининг хислатлари ҳам бирёқлама бўлиши ишонарсиз ҳол. Айрим ҳолларда мураккаб хилқат ҳисобланмиш бу зот асар қаҳрамони ажратиб кўрсатган ҳар учала тоифага мансуб аёлларга хос хислатларни ҳам ўзида мужассамлантирган бўлиши ёки ана шу хусусиятлардан айримларининггина соҳиби сифатида кўзга ташланиши мумкин. Чунки аёл меҳри, муҳаббати, садоқати уни фаришта мақомига кўтарган бўлса, унинг қаҳрли ва нафратли қиёфаси кўзингизга алвастидек кўриниши мумкин. Қаҳрамон оддий инсонларда мавжуд бўладиган жамики хислатларни учинчи тоифага мансуб аёлларда кўргани боис, оддий инсоний туйғулар эгаси, яъни ҳаётий аёл ҳақидаги фикрларини ана шу учинчи типга мансуб аёллар образида мужассамлаштирган. Ёзувчининг аёл зотига бўлган ҳурмати ва самимий муносабати асарнинг ғоявий йўналишини бошқа ўзанга етаклайди.

Ёзувчи халқ оғзаки бадиий ижодидаги асрий қадриятларнинг ўзига хос бадиий талқини орқали аёлнинг сеҳрли ва сирли куч соҳибаси эканлигини кўрсатишга, эркак киши эса унга беихтиёр бўйсуниши табиий бир ҳол эканлигини далиллашга, қолаверса, ана шу нозик ва айни чоғда сирли хилқатнинг моҳиятини очиб беришга, унинг ғаройиб оламини инкишоф этишга ҳаракат қилади. Лекин адибнинг ана шу бадиий нияти асарда тўлиқ очиб берилган деб бўлмайди. Чунки баъзи бир ўринларда ёзувчининг фикрлари тугалланмай қолгандек, яъни фикрлар очқичини топиш ўқувчи зиммасига юклатилгандек таассурот уйғотади, назаримизда. Бу орқали ўқувчи асарнинг ечими ҳақида ўйлашга, фикр юритишга, воқеалар талқинининг моҳиятини ўзича таҳлил этишга мажбур бўлади. Адиб эса буни гўё табиий бир ҳолдек қабул қилади ва асар воқеалари ривожини иккинчи ўқ чизиқ томонга буриб юборади. Бундай пайтда адибнинг иккинчи ўқ чизиқ бўйлаб бориши, яъни бадиий тасвир йўналишининг бу хилдаги ўзгариши нафақат ёзувчини, балки ўқувчини ҳам чалғитади.

Воқеалар ривожининг бу тарзда кескин бурилиши ўқувчининг адиб айтмоқчи бўлган фикрларни илғаши, асарнинг туб моҳиятини

англашини қийинлаштиради. Натижада ёзувчининг кўзлаган бадиий нияти бошқача бир кўринишда давом эттирилади ва бошқача, кутилмаган тарзда якун топади. Аслида эса, бундай "кутилмаган ечим" унчалик ҳам ишонарли чиқмаган ва асарга мажбуран ёпиштирилгандек таассурот қолдиради. Хусусан, адибнинг истеъдодли шоира Нодира сиймосини гавдалантиришга ҳаракат қилишида ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Асарда қаҳрамоннинг Нодира шахсиятига қизиқиши аслида ёзувчининг унга бўлган ўзгача меҳри, ҳатто бу аёл ҳақидаги тарихий факт ҳамда маълумотлардан яхшигина хабардор бўлишга интилиши мазкур романнинг сюжет тизимига Нодира образининг олиб кирилишига сабаб бўлган. Адиб Нодира билан Умархон ўртасидаги муҳаббатни тасвирлаш жараёнида машҳур бир ривоятни романга олиб киради. Бу ўринда биз ёзма насрда фольклордан ижодий фойдаланишнинг анъанавий усулларидан бири – халқ ривоятлари матнини бадиий асар сюжет-композицион қурилишига сингдириб юбориш ҳолатини кўрамиз. Ўзбек адабиётида, жумладан, роман жанрининг сюжет-композицион қурилишида ривоятларнинг тутган бадиий ўрни масаласи А.Эргашев[160] томонидан махсус ўрганилган. Шоира Нодира билан боғлиқ тарихий ривоятнинг бу асар бадиий қурилмасида бажарган етакчи поэтик вазифаси роман структурасини шакллантиришга қаратилганлиги билан белгиланади.

Ёзувчи "Аёллар мамлакати ва салтанати" деганда беназир ғазалларию, покиза қалби билан гўзалликка ошно дилларни ўзига ром этган Нодирабегимнинг кўнгил мулкини ва унинг ворислари бўлмиш дилбар аёлларнинг сеҳрли ҳамда сирли салтанатини назарда тутгандек бўлган. Бизнингча, адиб маълум маънода ўзининг ана шу бадиий ниятига эриша олган. Лекин бу ўринда бир нарсани алоҳида қайд қилиш жоизки, ёзувчи асарда Нодира сиймосини гавдалантиришда бир ўқ чизиқ йўналишида иш юритмасдан, балки уни асарнинг бош қаҳрамони сифатида тасвирлаганида эди, "буюк Нодира сиймосини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантириб берган"[161] бўларди.

Шунингдек, адиб ўз бадиий ниятини амалга оширишда эртак мотивларидан ҳам фойдаланган. Бир подшонинг бўйи етган қизи

---

[160] Эргашев А. Ривоят ва унинг бадиий асар сюжет-композицион қурилишидаги ўрни. Филол. фанлари номз... дисс. автореферати. – Самарқанд: 1994. 28 б.
[161] Омон Мухтор. Менинг ўз оламим бор (Ш.Дониёрова билан суҳбат) // Моҳият. – 2001. - 9 февраль.

турмушга чиқиш учун «Кимки, уч ёлғондан ҳар бири ичида қирқ ёлғон топиб келса, шунга тегаман!» – деб шарт қўяди. Бу эртак мазмунида қиз айтган шартга камбағал-қашшоқ бўлса-да, ақлан етук бўлган бир етим йигит жавоб топа олади ва маликага уйланади.

Ўзбек халқ маиший эртакларини тадқиқ этган Қ.Бекназаровнинг ёзишича, «Эртакда подшо қизининг «қирқ ёлғон айтиш»ни шарт қилиб қўйиши бизга ҳеч ғалати туюлмайди. Чунки тўғри гапни ҳар қандай киши айта олса, бу каби ёлғонни фақат доно ва ҳозиржавоб кишигина тўқий олади»[162]. «Қирқ ёлғон», «Уч ёлғондан қирқ ёлғон» каби эртаклар сюжети нафақат ўзбек, балки бошқа туркий халқлар, шунингдек, жаҳон халқлари фольклорида оммалашганлиги билан характерланади. Эртакшунос Ж.Юсуповнинг аниқлашича, «Қирқ ёлғон» эртаги сюжети Енисейдан Қримгача бўлган улкан ҳудудда истиқомат қилувчи туркий халқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, унинг «сюжети жуда қадимий, шубҳасиз, исломдан бурунги даврлар маҳсулидир»[163].

Бизнинг фикримизча, «Қирқ ёлғон» эртаги сюжетининг келиб чиқиши қадимги мифология ва маросимлар билан бевосита боғлиқлиги тўғрисида қозоқ олими Е.Турсуновнинг қуйидаги мулоҳазаси анча асосли: «Бу эртак сюжети ёшларни синаб кўриш маросими – қадимги инициация шартлари билан боғлиқдир. Бу шартга кўра, ёлғон тўқий олиш орқали ўзининг магик хусусиятга эгалигини намойиш этган ўсмир йигитлар сафига қабул қилинган. Эртакдаги «Ёлғон ҳикоя» ҳам аслида қадимий синов маросимида иштирок этган ўсмирларнинг нариги дунёга қилган "рамзий сафари" ҳақидаги мифологик ҳикояси асосида келиб чиққан»[164].

Ўзбек фольклорида кенг тарқалган ана шу машҳур эртакдаги «ёлғон айтиш шартининг қўйилиши» мотивидан ижодий фойдаланган адиб мазкур эртак мотивининг ўзига хос бадиий талқини орқали «Одамзодга ёлғоннинг нима кераги бор?» деган саволни қўяди. Асар қаҳрамони Олим ҳам умри давомида кўпчиликка ёлғон сенги изҳор қилган, ёлғондакамига ваъдалар берган, неча-неча қизларни умидвор қилиб қўйган. Бирок, бирор марта ҳам бу ишнинг оқибатини ўйлаб кўрмаган эди. Фақат доира йўл бўйлаб юрар экан, шу

---

[162] Бекназаров Қ. Ўзбек халқ маиший эртаклари. Филол. фанлари номз… дисс. автореф. – Тошкент: 1993. – Б.7-8.

[163] Юсупов Ж. Қайноқ қалб сурури. Сайланма. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.81.

[164] Турсунов Е. Генезис казахской бытовой сказки. – Алмата: 1973. – С.92.

куни унга дуч келган аёлларнинг барчаси у ҳаётида учраган аёлларнинг айнан ўзи экани, уларнинг ўзига нисбатан муносабатлари ҳақида ўйлаб қолади. Шундагина ёлғоннинг умри қисқалиги унга аён бўлади.

Омон Мухтор асар қаҳрамони Олимни жар тубидаги гордан ўзига номаълум бўлган оламга олиб киради. У ерда марҳум дўсти Исмоил ва бир вақтлар санъаткор бўлган Тожи ака қиёфасининг бирлашиши натижасида кўзга кўринган Тожи Исмоил сиймоси билан мулоқотда бўлади. Бу одам баъзан Исмоилдек мулойим муомала қилса, гоҳида Тожи ака каби баджаҳл одамга айланади. Сирли, маънодар ва жумбоқли боқишлар Олимни ўйга толдиради. Ўзи излаб юрган аёлни айтгач эса, бу ерда ҳам ўзига таниш бўлган аёлларнинг суратларини кўриб ҳайратланади. Олим кўприк устига чиққан пайтда пастда, яъни сув бўйида турган ўзига таниш бўлган аёллар қисқа вақтда айлана йўлдаги деразалар қаршисида пайдо бўлиб қолганини кўриб ҳайратланади. Болалиги ўтган боғ ҳовлида ана шу аёллар яна бирин-кетин тўпланиши ёки жар тубидаги ташкилот биносининг деворида уларнинг суратларини кўриб ажабланади. Асар охиригача бу аёллар Алвастими, Фариштами эканлигини ажратолмай боши қотади. Ҳатто ўз хотини Ҳурриятга ҳам шубҳа билан қарайди. Шу ўринда «Аёлларда НАЗОКАТ қани?! Йигитларда ВАЛЛОМАТЛИК қани?!» деган саволни кўндаланг қўяди ва бунга жавоб излайди, бироқ теварак-атрофга нечоғлик изланиб боқмасин, бунга жавоб тополмайди. Китобхон асарни ўқиб тугатар экан, сирли ва сеҳрли воқеалар замирида аслида мураккаб ҳилқат саналмиш аёл образи турганлигини англайди.

## МИЛЛИЙ РУҲ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ

### Миллий руҳ ва қаҳрамон тафаккури

Ҳозирги ўзбек романларидаги миллий руҳ ва қаҳрамон талқини кўп жиҳатдан маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий матнда акс этиши ва давр контексти ечимида ифодаланишида кўринади. Чунки одатда инсоннинг дунёқараши, хулқ-атвори, характери, ўлчиноди, яхшилик ва ёмонликка, борингки, дунёга ва ўз-ўзига бўлган муносабати унинг маънавий-ахлоқий қарашлари доирасида юзага келади. Ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини танишида ва ўзига хос менталитетини ўзида мужассамлантирган "мен"лигини жаҳон оммасига намойиш қилишида бадиий адабиёт жанрлари, хусусан, романларнинг аҳамияти чексиздир. Чунки айнан роман жанрининг поэтик имкониятлари ва воқеликни бадиий ифода этиш кўлами ўша миллат ҳақида тўла-тўкис тасаввур беради. Этнос сифатидаги муайян миллатнинг ижтимоий моҳияти, маданий ҳаёти ва маънавий дунёси билан танишиш даставвал ўша халқ адиблари яратган миллий романлар мутолаасидан бошланади. Лотин Америкаси мамлакатларида яратилган миллий романларнинг муваффақияти ҳам маънавий-ахлоқий қарашларнинг миллий заминдаги талқини билан бевосита боғлиқдир. Чунки бу типдаги романлар билан "Лотин Америкаси адабиёти тарихида янги эстетик ўз-ўзини англаш даври бошланди. Бу ўринда номлари дунёга машҳур бўлган айрим шахслар – романнавислар эвазига эмас, балки, умуман, романчиликнинг ривожи миллий ўз-ўзлигини англашда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди"[165].

Ҳозирги ўзбек романларини шу нуқтаи назардан кузатганда, бу ҳолат нафақат истиқлол даври романларида, балки шўролар даврида яратилган романларда ҳам, истиқлол арафасида чоп этилиб, замондошларимизнинг маънавий-ахлоқий қиёфаларини акс эттиришга жазм қилинган асарларда ҳам ўз ифодасини топганлигини кўрамиз. Давр кишиси образини мураккаб ва ҳаққоний чизгиларда тасвирлаш жиҳатидан истиқлол даври ўзбек романчилигида энг эътибор топган асарлардан бири Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бо-

---

[165] Тертерян И. Теоретические искания и проблема национального своеобразия литературы в Латинской Америке / Теории, школы, концепции. Художественный процесс и идеологическая борьба. – Москва: Наука, 1975. – С. 215-216.

зор» романи эътиборга моликдир[166]. Ёзувчи асарда ҳаётнинг моҳияти ҳақидаги фалсафий қарашларини ўзига хос маҳорат билан бадиий маъно ташувчи тимсолий образлар ҳамда метафора тили билан тасвирлаб беришга эришган. У бир қараганда оддийдек туюлган ҳаёт оқими беҳисоб қарама-қаршиликлар, манфаатлар тўқнашуви ва турли-туман зиддиятлар курашидан иборатлиги ҳамда инсоннинг чалкаш тақдирларини Фозилбек образининг талқини орқали зимдан кузатади. Асар шундай бошланади: «Қани, кен қолинг, асалидан оп қолинг! Асал бўлса сотармидинг, анойи?! Бешик борми, бешик?! Сумаги қолди... Тери борми, тери? Тўйга қалампир ола кетинг!»[167] Мана шу жумлаларнинг ҳар бири рамзий маънога эга бўлиб, унинг замирига яширинган боқий ҳаёт фалсафаси бутун асар моҳиятига сингиб кетганга ўхшайди.

Маълумки, инсон дунёга келиши биланоқ ҳаётдан нимадир олишга интилади, умр бўйи нималарнидир излаш билан машғул бўлиб, имкони борича фаол ҳаёт кечиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам бу ёруғ дунё ўзининг азалий ҳикматлари билан бизга бамисоли бозорни эслатади. Шу боис, адиб «асал бўлса сотармидинг, анойи» деган биргина жумла орқали ғоят муҳим бир фалсафий қарашни, яъни «ҳаётнинг ўзи аччиқ қисмат-ку, агар у ширин бўлганида сотармидинг?» деган пурмаъно мушоҳадани ўқувчи мулоҳазасига ташлайди. Сумак олиб кетишга ундаш эса келажакка ишонч ва одамзот наслининг давомийлигини эслатиб турса, «тери» детали бу дунёдаги юзсиз ва беҳаё кимсаларга, одамлар ўртасидаги ҳаё пардаси кўтарилганлигига ишорадир. Халқимиз одатича, тўйга олинадиган харажлик маҳсулотларига туз, қалампир, хуллас, аччиқ нарсалар аралаштирилмайди. Шунинг учун ҳам тўйга олинадиган қалампир руҳан бир-бирига яқин бўлмаган кишиларнинг аччиқ қисматига нисбатан қўлланилган бадиий тимсолдир.

Асарни ана шундай сўзма-сўз, жумлама-жумла таҳлил қилсаккина, адиб мушоҳадалари ва бадиий нияти замирида мужассамлашган фалсафий қарашларнинг теран ҳаётий моҳиятини англай олишимиз, бугунги кун кишисининг маънавий-ахлоқий дунёсини кашф этишимиз мумкин бўлади. Шу билан бирга, асарда бугунги кунимизнинг дарди, изтироб ва ташвишлари, замондошларимизнинг дунёқараши ва руҳий оламида кечаётган ўзгаришлар, ўзликни анг-

---

[166] Дўстмуҳаммад Х. Бозор // Шарқ юлдузи. - 2000. - №1. – Б. 41-72. - №2. – Б. 40- 97.
[167] Дўстмуҳаммад Х. Бозор // Шарқ юлдузи. - 2000. 1- сон. Б 42.

дан ва шахснинг ҳаётдаги ўз ўрнини ҳис этиши жараёнида юзага келаётган муаммоларнинг ҳам ҳаққоний тасвирини кўрамиз. Энг асосийси, маънавий-ахлоқий муаммоларнинг моҳияти миллатнинг ўзлигини таниши ёки ўзлигидан чекиниши билан боғлиқ воқеалар тизими сифатида кўрсатилади. Унинг қаҳрамонларини миллий руҳнинг ифодачиси тарзида ҳам, миллатга хос айрим камчиликлари мавжуд бўлса-да, ҳарқалай шахсий комиллик йўлидаги изланишларнинг ҳимоячилари сифатида ҳам тавсифлаш мумкин.

Романнинг етакчи қаҳрамони Фозилбек бўлиб, у адиб томонидан идеал шахс сифатида талқин этилади. Бевосита қаҳрамон таҳлилига ўтишдан аввал адабиётдаги эстетик идеал муаммоси ва унга назарий муносабатни ойдинлаштириб олиш зарурдай туюлади. Бадиий ижодда эстетик идеал муаммосини жиддий ўрганган адабиётшунос олим В.Хмара муайян бир асарда акс этиши мумкин бўлган эстетик идеалнинг ўзига хос тамойиллари ҳақида шундай ёзади: "Бадиий феномен асосида уч муҳим жиҳат: ёзувчи томонидан акс эттирилаётган реал борлиқ (бу ўринда инсоннинг маънавий ҳаёти ҳам назарга олинади), бу борлиқнинг муаллиф фикр ва ҳиссиётлари тизими орқали берилиши ва ниҳоят, ёзувчи истифода қилаётган бадиий воситалар тизими ётади"[168].

Демак, идеал шахс ёки қаҳрамон ҳақида сўз юритиларкан, асарда тасвирланаётган борлиқ ёки ҳаётий муҳит маълум маънода муаллиф эстетик идеалининг рўёбга чиқиши учун хизмат қиладиган адабий майдон вазифасини ўтайди. Иккинчидан, ўша реал борлиқ қандай бўлса, шундайлигича айнан акс эттирилибгина қолмай, тасвирланаётган воқеа ва ҳодисалар муаллифнинг кўнгил кўзгуси орқали ифода этилиши ёки қайта ишланиши натижасида бадиий идрок этилган воқеликнинг янгича талқини яратилади. Учинчидан эса, мана шу қайта ишланиш жараёнида муаллиф иш кўраётган воситалар, яъни романнинг образлар тизими, сюжет ва композицияси ҳамда бадиий нутқ воситалари воқеликнинг бадиий таҳлили қилинишга йўналтирилади. Гарчи масалага анча кенг кўламда қаралган бўлса-да, мана шу уч жиҳат Хуршид Дўстмуҳаммад романининг дастлабки лавҳалариданоқ яққол кўзга ташланади. Тасвир объекти бўлган реал борлиқ, яъни муҳит сифатида БОЗОР олинади. Табиийки, адиб бозорда нимани кўрса айнан романга олиб кира-

---

[168] Хмара В. Эстетический идеал и творчество. – Москва: Советский писатель, 1983. – С. 9-10.

вермайди, балки уни қалб призмаси орқали ўтказиб, таҳлил қилади ва бу жараёнда юқорида кўрганимиздек, бозордаги ҳар бир савдо предмети рамзий маъно ташийдиган бадиий деталга айланади. Адиб мана шу тасвирдаги муҳитга мос қаҳрамонлар танлайди, уларнинг хатти-ҳаракатлари асосида асар сюжетини яратади ва романнинг композицион қурилишини ҳам тасвир объекти қилиб олинган бозор талқинидан келиб чиқиб белгилайди. Ана шу ҳолатларни роман таҳлилида бирма-бир кўриб чиққанда, дастлаб, мутахассисларнинг асар бош қаҳрамони Фозилбек хусусидаги хулосаларига эътибор қаратиш керак. Адабиётшунос Й.Солижонов «...менга Фозилбек ҳозирча характер даражасига кўтарилмагандек туюлади. Боз устига у романда фаол эмас, шунчаки муносабат воситаси, холос», – деб ҳисоблайди[169].

Бизнингча, Фозилбек роман бадиий структурасида асосан, кузатувчи – қаҳрамон вазифасини бажариш билан бирга асарда тасвирланаётган воқеаларни боғлаб турувчи асосий бадиий марказ ҳам ҳисобланади. «Бозор» қаҳрамони "Ўткан кунлар" қаҳрамони Отабек исмига оҳангдош тарзда "Фозилбек" деб аталган. Фозилбек ҳам Отабек сингари бозор тижорат одами. Яна кўп жиҳатлари билан "Ўткан кунлар"ни ёдга туширувчи бу роман мавзу ва муаммолар талқини, сюжет тузилиши, воқеа-ҳодисаларни ифодалаш тарзи, персонажлар тақдири, характери, руҳияти тасвири, бадиий таҳлили жиҳатидан бутунлай янгичадир"[170]. Қаҳрамон руҳиятидаги янгилик унинг исми ва исмига мос ҳаракатидагина эмас, балки шу алғовли давр шароитида ўзини-ўзи намойиш қилиши учун ёзувчи томонидан берилган имкониятда ҳам кўзга ташланади.

Фозилбек маънан соғлом, феъли кенг инсон. У ичмайди, чекмайди, фаҳш ишларга қўл урмайди. Бировларнинг ишига аралашмайди, ҳаётни ва одамларни зимдан кузатади. Атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиришга, ўз фикрини баён қилишга ва бирор ишга қўл уришга шошилмайди. Гарчи ҳамиша одамлар орасида бўлса-да, эл-юртдан, жамиятдан узилгандек, бамисоли танҳоликда кун кечираётгандек туюлади. Кундалик юмуши эса бозор кезишдан иборат, холос. Китобхон бу романни ўқиб тугатса ҳам Фозилбек нима касб билан машғул бўлганлигини билолмайди. Асарда тасвирланган воқеалар Фозилбекнинг хаёлида кеч-

---

[169] Солижонов Й. Романнинг ойдин йўли // Шарқ юлдузи. - 2004. 1-фасл. – Б.152.
[170] Норматов У. Шахс жумбоғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати . - 2001. - 19 январь

ган бўлиб, бевосита унинг гувоҳлигида рўй берган воқеа-ҳодисалар шоқинидан иборатдир.

Фозилбек ўзининг туғилишини эслаб қийналади. Чунки ўзи туғилганида вафот этган онасининг ўлимида ўзини гуноҳкор деб билади. Шу боис, “онасининг этагида қолган бу бола қалбида ўзининг дунёга келишидан норозилик ва гуноҳкорлик ҳисси жўш уриб, бу туйғу бамисоли бир шарпа каби ҳамиша қаҳрамонни бетиним таъқиб қилиб юради. Ёзувчи унинг дунёга келиши билан боғлиқ воқеалар тасвирини баён қилиб берар экан, бир мунча ишончсиз туюладиган тафсилотларни бевосита қаҳрамон нутқи воситасида нақл қилади. Аслида ўзининг дунёга келишини фожиа деб ҳисоблагани учун виждон азоби гирдобига тушган Фозилбек бозор кезиш асносида ҳаётдаги фожиаларни кузатар экан, кўнгли бироз таскин топгандек бўлади. Шу тариқа, аста-секин “фожиавийлик” дардидан фориғ бўлади. Асар мантиғидан келиб чиқилса, ёзувчи идрокича, инсоннинг бу дунёга келишининг ўзи аслида катта бир фожиа: чунки кишининг таваллуд дақиқаси ўлим сари қўйилган илк қадам эканлигини англашнинг ўзи ҳам ана шу улкан фожианинг нозик чизгилари тарзида тасвирланишидан далолат беради. Инсон фоний дунёдан боқий оламга юзлангунига қадар йўл қўйган хатоларию, нотўғри хатти-ҳаракатлари бу фожиалар занжиридаги учинчи ҳалқа эканлиги ва кишининг бундай “фожиа”лардан баланд туриши унинг ахлоқий амалларининг натижаларига боғлиқлигини адиб рамзий бадиий бўёқларда ишонарли тарзда тасвирлаган. Шундай экан, инсон ҳар дақиқада огоҳ бўлмоғи лозим, чунки ташланган биргина нотўғри қадам ёки бир оғиз ёлғон сўз кишини фожиалар гирдоби сари етаклайди деган фикр асарнинг ўқ чизиғини ташкил этади. Х.Дўстмуҳаммад ўз асарида кишилик жамияти ва шахс ҳаётида рўй берадиган кўпгина фожиаларнинг заминини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Асарда тасвирланишича, одамлар бозорда харид қилиш жараёнида, айни пайтда шошиб-пишиб таклифнома тарқатишга, тезроқ тўй ўтказиб олишга ҳаракат қилишади. Улар тўйни дабдабали қилиб ўтказишга интиладилар-у, аммо ўзларига бир умрлик ҳамроҳ бўладиган инсоннинг руҳиятини, кўнгил сирларини, маънавий дунёсини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бунга бозорда Фозилбекдан бошқа бирор кимса қизиқмайди. Бозорнинг бу каби ташвишларидан фақат у ажабланади ва ўз тақдирида бундай хатоларга йўл қўй-

масликка аҳд қилади. Шунингдек, Фозилбекнинг отаси мисолида бозор (яъни ҳаёт) тақдирига, унинг келажагига қизиқиш ва ўзини бунга масъул ҳис этиш ҳолати кузатилади. Асарда тижорат аҳли характеридаги маънавий қашшоқлик, тубанлашиш, олчоқликка юз тутиш ҳолатлари билан бирга теварак-атрофдаги одамларнинг лоқайдлик касаллигига мубтало бўлганлиги ҳам тасвирланади. Айникса, қамалган кишига нисбатан ишончсизлик ва нафрат, алданган, хўрланган, хиёнат ҳамда ёлғонга рўбарў бўлиб изтироб чекаётган киши тақдирига бефарқлик шахс ўзлигини кемирувчи мудҳиш иллатлардан бири сифатида бадиий таҳлил марказига олиб чиқилади. Инсон аталмиш имкониятлари чекланмаган онгли мавжудотнинг бундай иллатларга, бефарқлик, лоқайдлик маскани – бозорга муносабатини ранг-баранг тасвирларда маҳорат билан чизиб беришга адиб руҳий таҳлил усулини фаол қўллаши кузатилади. Бу тасвирлардан ташқари, коса тагида нимкоса деганларидек, адиб рамзий бўёқлар воситасида туйғулар фожиасининг турфа кўринишлари ҳақида ҳам ўзига хос шаклдаги тимсолий ифодалар тили орқали кенг маълумот беради. Асар бошидан охиригача Фозилбекнинг уйланиши билан боғлиқ муаммоларга алоқадор воқеалар тафсилотидан иборат. Ёзувчининг мақсади икки ёшни жисман қовуштириш эмас, балки йигит билан қиз вужудини ошён қилган руҳни бирлаштиришга қаратилган. Асарда Фозилбек учун “келин” излаган ўгай онаси, опаси ва янгасининг сайъ-ҳаракатлари натижасида Муносибхоннинг топилиши билан боғлиқ воқеалар давр дардига айланган муҳим ижтимоий муаммо даражасига кўтарилади. Бу муаммо Фозилбекнинг уйланиши билан боғлиқ воқеалар тасвири кесимида ўзига хос тарзда акс этади. Ўзгаларнинг тавсияси билан уйланишни хоҳламаган Фозилбек ўзи уйланмоқчи бўлган қизни чин қалбдан севишини, чунки бир умр ёнида бўладиган киши унга руҳан яқин бўлиши кераклигини ҳис этади. Шу боис, “бозор” тимсолидаги ҳаётни кузатар экан, ўз истакларини галвирдан ўтказаётган саволларга маълум даражада жавоб ҳам топади. Айнан ана шу жавоб Фозилбек назарида катта фожиаларга олиб келади.

Асарда тасвирланган фожиалар Фозилбек образи орқали ёзувчи фикрини исботлашга хизмат қилади. Жумладан, Инъомали ҳам, унинг онаси ҳам отасидан нафратланишади. Ҳатто унинг ўлимидан қувонишади ҳам. Тақдирнинг ўйинини қарангки, оила қуриб, узоқ йиллар биргаликда яшаган ва фарзанд кўрган эр-хотин ўртасида

ўзаро меҳр-муҳаббат йўқ. Шунинг учун ҳам аёл бир ёстиққа бош қўйган эрининг ўз ҳаётидаги, тақдиридаги, руҳиятидаги ўрнини ҳис қилолмайди. Ёки бўлмаса, Фозилбекнинг опаси Замирани олиб кўрайлик: у ота-онасининг раъйига қараб турмуш қурган. Эр ўз хотинига кўнгилсиз бўлса-да, ўртадаги тўрт фарзандни ўйлаб яшайверади. Гарчи ана шу фарзандларини деб ўзи кўнгил қўймаган хотин билан умргузаронлик қилса-да, гўё қисматнинг бу тарздаги изтиробига аёл айбдордай, хотинини тинимсиз калтаклайди, ўз дардига малҳам излаб, охир-оқибат ичкиликка ружу қўяди. Умрининг охирида ўз уйидан бош олиб чиқиб кетади ва орадан етти йил ўтгач, аллақайсрдандир унинг ўлиги топилади. Хотини унинг иззатини қилиб кўмади, эл қатори ош-сувини бериб, маракаларини ўтказади. Бу удумларнинг барчаси эрига бўлган ҳурмат-эътибор туфайли, яъни чин кўнгилдан эмас, балки эл-юртнинг кўзи учун бажарилади, холос. Бу дунёга келиб эр бўлиб, оила қуриб, фарзанд кўрса-да, лекин умр йўлдошидан меҳр топмай бир умр армонда ўтган кўнгилнинг фожиаларини адиб теран бадиий маҳорат билан тасвирлаб бера олган. Бундай ҳаётий воқеа- ҳодисаларни кўп кузатган Фозилбек мана шундай кўнгилсизлик туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган фожиадан чўчиб юради.

Асарда тасвирланишича, Фозилбек бўлажак умр йўлдошини бир кўришдаёқ ёқтириб қолади. Бу ҳам аслида ҳаётда бўлиши мумкин бўлган ҳодиса, албатта. Аммо асар қаҳрамонининг ўта синчковлиги, мулоҳазакорлиги ва эҳтиёткорлигини ҳам унутмаслик керак. У ўзининг ана шундай характерига зид равишда бир кўришдаёқ Қадриянинг сутга чайилгандек оппоқ юзига маҳлиё бўлиб қолиши, бир-икки бора суҳбатлашгандан сўнг эса дарҳол уйланишга қарор қилиши, шунингдек, қизга ҳали муҳаббат изҳор қилмай, унинг розилигини олмай туриб тўй ҳақида гапириши қандайдир эриш туюлади. Унинг устига қизнинг ўтмишида қандайдир сир борлигини ҳам сезадию, аммо ана шу "сир"ни билиш билан мутлақо қизиқмайди. Қизнинг ота-онаси кимлиги ва яшайдиган манзили қаердалиги билан эмас, балки унинг ишлайдиган жойи, яъни қироатхона тақдири билан қизиқади. Бу ҳолга асар қаҳрамони –жамиятдаги лоқайдлик иллатига контраст қилиб тасвирланган Фозилбек характеридан келиб чиқиб ёндошсак, тасвир анча ишонарсизга ўхшаб кўринади. Бироқ, шу ўринда асарда тасвирланган воқелик рамзий моҳият касб этишига эътибор қаратилса, адибнинг Фозилбек ва

Қадрияни учраштиришдан кўзлаган асосий мақсади фозиллик билан инсоний қадр-киммат бирлашса, комиллик шаклланади, деган ҳақиқатни ифодалашдан иборат эканлигини кўрамиз.

Фозилбекни фозиллик, донолик ва зукколикнинг тимсоли қилиб яратар экан, унинг жуфти ҳалолини маърифат ва қадриятнинг, инсон қадр-қимматининг бадиий тимсоли сифатида гавдалантиради. Бу қадимий ва барқарор туйғуларни бамисоли инсонлар суратига жонлантириб, "хаёт" дея аталмиш бозорга, яъни одамлар орасига киритади. Бу борада тадқиқотчи М.Пирназарова ҳам шундай ёзади: «Бозор» романидаги Қадрия шунчаки қизнинг исмигина эмас, балки рамзий маънода тарихий-маънавий қадриятларни ҳам билдиради. Фозилбек эса Форобий тасвирлаган «Фозил шаҳар одамлари»дан бирини, донишманду покдомон элдошимизни ифодаласа ажаб эмас»[179]. Шу ўринда тадқиқотчи назарда тутган маънавий-ахлоқий тамойилларни унутмаган ҳолда Фозилбекни "фозил одамлар шаҳри"нинг фукароси сифатида талқин қилиш қаҳрамон руҳиятига у қадар мос келмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки "Фозил одамлар шаҳри" улуғ аллома орзу қилган идеал бир жамият бўлиб, Форобий шаҳар тимсолида бутун ислом оламини назарда тутади ва фозилликка эришишни маънавий-ахлоқий маърифатнинг чўққиси сифатида тасвирлайди. Хуршид Дўстмуҳаммад қаҳрамони эса, шунчаки Фозилбек, яъни жамиятнинг оқил, фозил ва пок бир аъзоси. Унинг бу исм билан аталишида нафақат рамзийлик, балки ироник, яъни киноявий маъно ҳам ифодаланаётганлигини асар воқеаларидан билиб олиш мумкин.

Қизнинг исми "Қадрия" деб аталиши эса унинг ўтмишида қандайдир бир сир борлигига ишорадир. Бизнингча, адиб бу ўринда халқимизнинг яқин тарихидаги кечмиши, яъни шўро давридаги мафкуравий қуллик кўланкаси бизнинг асрий қадриятларимиз ва миллий тарихимизга соя солиб турганлиги, маданиятимиз ва маънавиятимизга нисбатан оқилона муносабатда бўлишга йўл бермаганлигига ишора қилган. Ёзувчи буни миллат қалбидаги оғриқли нуқта сифатида тасвирлаган.

Романда Фозилбек ва Қадриянинг оила қуришига хайрихоҳ бўлган бозорбоши Қосимбек образининг яратилиши адиб бадиий ниятининг янада тўлақонли чиқишига хизмат қилади. Қосимбек

---

[179] Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т.: 2006. – Б. 97.

аслида бозорни бошқариши, ҳар куни одамлар орасида бўлиб, аҳли тижоратнинг турли муаммоли масалаларини ҳал қилиши керак эди. Бироқ у уйига қамалиб олади-да, хонанишин бўлиб, ҳеч ким билан суҳбатлашмайди. Ўз хаёллари ва дарду дунёси билан андармон бўлган бу одам аслида ҳеч ким билан гаплашишни истамайди. Чунки у бозордаги бедодликлару одамларнинг маънавий оламидаги бузилишларни кўравериб безган. Одамларнинг маънавий нопоклиги, ўзаро қадр-қиммат ва инсофу диёнатнинг йўқолганлигидан чуқур изтиробга тушган бозорбоши ўз ҳасратлари оғушида гўшанишин бўлиб қолган эди. Қадрия билан Фозилбекнинг топишиши эса унинг наздида рамзий маънода ҳаётдаги адолат, инсоф, ҳалоллик ва маърифатнинг давомийлигига, эзгу туйғуларнинг умри боқийлигига ишора қилади. Шу боис, буларнинг топишишидан бозорбошининг кўнгли бироз таскин топади.

М.Пирназарова яна бир ўринда «Одамлар табиатидаги айниш ва тубанлашиш ўзаро меҳр-шафқат танқислиги, миллий қадриятлар унутилиши боис келиб чиққанини етарлича англаб етилмаганлиги фожиаси ва ундан келиб чиқадиган маъно Х.Дўстмуҳаммаднинг диққат марказида туради. Унинг мақсади одамлар онгида рўй берган силжишлар, руҳий ўзгаришлар, эврилишларни кўрсатишдан иборат. Романда шахснинг миллий ўзлигини англатиш жараёни поэтик тарзда ифодаланган»[172], – деб тўғри қайд этади. Дарҳақиқат, инсоннинг маънавий таназзули жамиятга, яъни адиб тасвиридаги «бозор»га, миллий ўзлигини унутган миллат вакилининг тақдирига салбий оқибатлар олиб келади.

Х.Дўстмуҳаммад асарда яна бир персонажни тасвирлар экан, исмлар замирига мужассамлашган рамзий маънони қаҳрамон характери ва асардаги вазифасига кўра жуда ўринли қўллаб, жамият ва шахс тақдирини бадиий таҳлил қилади. Бу Фозилбекнинг жияни, Диёрбекнинг ўғли Аёнбек образидир. Аёнбек асарда фақат бир вазифани бажаради, яъни ҳар куни бобосини сўраб келувчи кишини кўради. Қизиғи шундаки, бобосини сўраб келувчи бу киши Аёнбекдан бошқа ҳеч кимга кўринмайди. Бу ҳолатдан ҳайратга тушган оила аъзолари ҳам ушбу ғайриоддий синоат мағзини чақолмай, қайғуга ботиб, саросимага тушишса-да, бир-бирларидан ниманидир сир тутишади. Асар охирида эндигина оёққа туриб, йўлакка чиққан Қосимбек ўша ҳар замон сўраб келувчи кишига ўзи дуч келади. Ана

[172] Кўрсатилган асар. – Б. 88.

шунда бозорбоши рўпарасида турган кишининг кимлигини англаб етади ва унинг сўзсиз нигоҳидан умри поёнига етганлигини англайди. Бу тасвир бозорбошининг фоний дунёдан боқий оламга сафар қилишига бир ишора эканлиги ана шундан кейингина ўқувчига аён бўлади. Бобосини сўраб келувчи кишини ҳар куни кўрадиган Аёнбек образига юкланган бадиий вазифа ҳам ана шу ҳақиқатни етказишга қаратилган.

Асардаги йўл-йўлакай айтилгандай тасаввур берадиган айрим сўз ва жумлалар остига ҳам тагмаъно жойлаштирилган бўлиб, луғавий бирликлар орқали берилган рамзий чизгилар ва тимсолий талқинлар ҳам асар моҳиятини англашга ёрдам беради. Асарда сичқон кўпайганлиги бир жумла билан эслатиб ўтилади, холос. Аслида ана шу «эслатма» зиммасида ҳам тегишли бадиий юк мавжуд. Маълумки, сичқон зараркунанда жонивор. Шунинг учун ҳам сичқоннинг кўпайиши исрофгарчилик ва нопоклик ифодаси сифатида тасвирланиши билан бирга инсон нафсининг урчишига ҳам нисбат берилади. Адабиётшунос А.Расулов «Бозор романини «ёркин изланишлар самараси»[173] деб тўғри баҳолайди. Чунки адибнинг ушбу асаридаги бадиий тасвир усули бевосита жаҳон адабиёти дурдоналарини ёдга солади. “Сичқоннинг кўпайиши”га ўхшаш тасвирлар А.Камюнинг «Вабо» романида ҳам учрайди. Бу асарда тасвирланишича, шаҳарда «вабо» касали тарқалганида «каламушлар кўпайиб кетади». Ёзувчи каламуш образини офат ва фалокат рамзи сифатида талқин қилади. Кўплаб рус адабиётшунослари таъкидлаганларидек, бу романнинг номи сифатида қўлланилган «Вабо» атамаси «уруш»нинг рамзий ифодаси сифатида талқин қилинади. Бироқ А.Камю ўзининг ижоддаги тенгдоши Ф.Кафка ва унинг романлари ҳақида фикр юритаркан, “Натурализм ҳақида сўз юритилганда, ҳодисанинг натурал тасвиридан рамзийлик ахтариш жуда мураккаб иш. Қаҳрамоннинг саргузаштлари тасвири ҳаққонийдек кўрсатилган сари ўша оддий инсон ҳаётида ноодийликни, мураккабликни кўрамиз. “Жараён”да мана шундай оддий инсонлар ҳақида сўз кетганда ҳам биз унинг бутун мураккаблиги билан қабул қиламиз”[174], деб қайд қилади. Худди шу каби Хуршид Дўстмуҳам-

---

[173] Расулов А. Янгиланаётган роман. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати . – 2003. – 22 август.

[174] Камю А. Бунтующий человек. Философия. Политика. Искусство. – Москва: 1990. – С. 94.

мад бозордаги оддий ва жўн бўлиб кўринган ходисаларга кучли рамзийлик бағишлай олган, унинг асарида тасвирланган ҳар бир оддий ҳодиса замирида чуқур тагмаъно бор. Шунинг учун ҳам у роман шунчаки маънавий-ахлоқий покликка чақирувчи дидактик асар эмас, балки бугунги маънавий муаммоларнинг таҳлили ҳамдир.

Қолаверса, Х.Дўстмуҳаммад жаҳон адабиётидаги рамзий-фалсафий йўналишдаги модерн романларни чуқур билади. Ёзувчи ўзининг рамзлар асосига қурилган янги типдаги романида БОЗОР сифатида тасвирланган сирли махлук аслида инсон нафсининг тимсолий кўринишларидан биридир. Бозор майдонининг чўкиши – алдов, юзсизлик ва очофатлилик оқибатида ҳаётнинг издан чиқиши ва инсониятнинг маънавий тубанлашувига ишора бўлса, бозорда ямоқчи ва терифурушларнинг кўпайиши (уларнинг «қўй териси бор, ямаб берайми?» деб қичқириб юриши) кишилик жамиятида илдиз отган манфурлик юзсизликнинг ифодаси сифатида тасвирланади. Бозор майдонлари ва расталаридаги беҳаёликлар, ўз манфаати йўлида виждонини сотишдан ҳам қайтмайдиган қаллобларнинг кўпайиши адиб назарида ҳаётни издан чиқарувчи омиллар сифатида талқин қилинган. Одам ўғирлаш шунчаки инсон ҳаётининг қадрсизланишига ишора бўлибгина қолмасдан, шахснинг қадрият сифатидаги инкори ҳамдир, ёзувчи яратган «Вон Суу» образи неча-неча асрлардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эзгулик ва меҳр-муҳаббатнинг давомийлигини таъминлашга хизмат қилувчи аёл образидир.

Асарда тасвирланишича, кампир қиёфаси фақат Фозилбек ва Қориятагина кўринади, холос. Бозордаги одамлар уни йўқолиб қолди деб ўйлаб, хавотирга тушишади ва излаб юрадилар. Биз эса уни бозордаги, яъни ҳаётдаги барқарор туйғуларнинг поэтик рамзи деб биламиз. Шунинг учун уни фақат покдомон кишиларгина кўра оладилар. Адиб одамларнинг фозил ва доно, маърифатли, ўз қадр-қимматини биладиган етук инсонлар бўлиши билан бирга ўзаро меҳр-муҳаббатли, оқибатли ва садоқатли бўлишини ҳам истайди. Шунобарин, инсоннинг мукаммал бўлмаслигини инобатга олган адиб Вон Суу образида салбий ва ижобий фазилатларни бир бутун ҳолда жамлаган ҳолда ифодалайди. Бу эса ҳаётда эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, ишонч ва рашкнинг ҳамиша уйғунлигига доимо ёнма-ён юришига ишорадир.

Х.Дўстмуҳаммад Ғуломжон образи талқинида рамзийлик билан бирга реал воқелик тасвирини ҳам уйғунлаштириб, ижтимоий воқе-

лик қиёфасини ишонарли тарзда ифодалаб бера олган. Бу эса ҳаётий ҳақиқатни қисқа тасвирларда бера олганлиги адибнинг бадиий тафаккур кўлами кенглигидан далолат беради. Асарда шундай тасвир бор: «Саъдулла ҳам, Қадамбой ҳам, Бердибой ҳам шоирлик дов-дастгоҳини йиғиштириб, ўзини бозорга урди... Олимжонни айтмайсанми? Нима, бу умрлар эссиз эмасми?.. Эмин шоир бозор билан беллашаман деганди, нақ белини синдиришди... Ҳей, менга қаранг, аҳли қаламга бозор билан, қаранглар, мана шу қутурган бозор ва бозорда учрайдиган тимсоҳу аждаҳолар билан олишишни ким қўйибди?» Ёзувчи бадиий ижод оламига мансуб айрим кишиларнинг бозор иқтисодиёти туфайли тирикчилик кўйида ўзини савдога уриб кетганлигига ишора қилиш билан бирга, бу тоифа кишилар ниҳоятда ишонувчан, ғоят самимий ва хаёлпараст бўлганлиги боис кўпинча алдов қурбонига айланишини бадиий тасвирга олган. Қолаверса, бозорга чиққан ижодкор солиқ ходимлари, паттачию савдо аҳли билан рисоладагидай муомала қилади.

Романда шундай тасвир бор: «Зериккан-зерикканимда анави тахмоннинг пардасини кўтарамап, сандиқнинг устида гоҳ эркак, гоҳ бирорта аёл пайдо бўлади, беармон гапиради, десанг. Тунов куни биттаси чиқиб, ярим кун қопқон ясашни ўргатди». Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ёзувчи телевидение ва радио орқали бериладиган айрим кўрсатув ҳамда эшиттиришлар ақл ўргатиш йўлига ўтиб олганлигига ишора қилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кун кишисининг тафаккурини, дунёқарашини, яшаш тарзини турли-туман усуллар орқали онгимизга сингдириш муаммолари ҳақида сўз юритаётгандек бўлади. Бу ўринда "қопқон" детали ҳам бежиз қўлланилмай, инсон руҳиятидаги бокира туйғуларга қўйилган тузоқ ифодасидир. Асардаги бундай тимсоллаштирилган тасвирлар реалик ва рамзийликнинг уйғунлашуви натижасида рўёбга чиққан. Бозор тасвирига оид кўпгина мулоҳаза уйғотадиган чизгилар, ҳаёт ва инсон тақдирининг баъзи бир фожиали кўринишлари бир жумла ёки бир сўз орқали маҳорат билан кўрсатилган бўлса-да, салмоқли ижтимоий мазмун касб этган. Роман бошидан охиригача бозор, яъни ҳаёт ва инсон тақдирини кузатиш асносида олинган таассурот ва кечинмалар билан йўғрилган бўлиб, унда руҳий таҳлил ва туйғулар тасвири бир меъёрда чизилиши адиб бадиий ниятининг ўз ечимини топишини таъминлаган.

Бизга маълумки, истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад, ўзининг бу асарига «Жажман» ҳикоясидаги баъзи тасвирларни ҳам сингдириб юборган. Бу ҳолат, эҳтимол, ёзувчининг катта асарга қўл уришдан олдинги ижодий тажрибаларини ривожлантириш билан боғлиқ ўзига хос услуби бўлиши ҳам мумкин. Чунки худди шундай ҳикоядан қиссага ёки қиссадан романга қараб ижодий такомиллашиш, тадрижий ўсиш ҳодисасини бошқа адиблар ижодида ҳам кузатиш мумкин. Ёзувчи асарга объект қилиб олинган бозор тасвири орқали ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашларини ўзига хос маҳорат билан чиройли бадиий тимсоллар пардасига ўраган ҳолда ифодалашга эришган. У ҳаётнинг турли муаммолари, кунончу ташвишлари, зиддиятлари ҳамда инсоннинг чалкаш ва мураккаб тақдирларини Фозилбек образининг талқини орқали зимдан кузатади.

Х.Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романи матбуотда эълон қилиниши биланоқ мунаққидлар эътиборига тушди ва “рамзий роман” сифатида баҳолана бошлади. Бу романнинг адабиётшуносликда фалсафий-рамзий асар сифатида тавсифланиши ва ҳозирги ўзбек насрининг муҳим ютуқларидан бири тарзида таҳлил қилиниши унинг бир қатор ўзига хос жиҳатларини ойдинлаштиришга йўл очди. Хусусан, филология фанлари доктори, профессор С.Содиқов ўз мақоласида «Бозор» асари билан ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад инсон қадр-қимматини кўтаришга чақирувчи маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган салмоқли фалсафий роман яратишга мувофиқ бўлди»[175] деган ҳақ гапни ўртага ташлади. Бироқ, ушбу асарни таҳлил қилган Й.Солижонов роман моҳияти хусусида фикр билдирар экан, асардаги рамзийликнинг муваффақиятига унчалик ишонқирамай, қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: «Асарда образлар хатти-ҳаракатидан бошлаб, ҳар бир сўзигача тўла равишда рамзий маъно касб этган. Бироқ, романда шартли элементлар, тасвирлар шу қадар кўпайиб кетганки, уни тушуниш, мағзини чақиб олишга баъзан ўқувчининг ақли бовар қилмайди»[176]. Адабиётшунос З.Пардаева эса асарда қўлланилган шартли рамзий услуб, шунингдек, роман концепциясига илоҳий тушунчаларнинг дадил сингдирилишини ижобий ҳодиса деб ҳисоб-

---

[175] Содиқов С. Ҳаққонийлик кучи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2000. - 8 декабрь

[176] Солижонов Й. Романнинг ойдин йўли // Шарқ юлдузи. - 2004. 1-фасл. – Б. 152.

лайди[177]. Демак, романнинг номи сифатида қўлланилган "бозор" атамаси С.Содиқов, Й.Солижонов ва З.Пардаева каби олимлар тўғри қайд қилишганидек, "рамзий-тимсолий маъно" касб этар экан, унинг мантиқ-моҳияти, ҳеч шубҳасиз, инсон маънавий дунёсининг рангин жиҳатлари таҳлилига қаратилган. Ёзувчи ўз бадиий ниятини рамзий образлар ва тимсолий тасвирлар орқали ифодалар экан, бугунги кун кишисининг маънавий оламини ёритишга ҳаракат қилган. «Бозор» романи «Алкимёгар»дан олдин босилиб чиққан бўлса-да, Фозилбек образи, нимаси биландир Сантягони эслатади, «нимасидир» деганда, биз ҳар икки романда ҳам маънавият олий қадрият сифатида кўрсатилганини назарда тутамиз», – деган хулосага келади П.Қодиров[178].

Тажрибали адиб П.Қодировнинг ушбу эътирофида ҳар икки қаҳрамон табиатидаги умумий ўхшашликлар назарда тутилгани ҳолда уларнинг характерига хос айрим хусусиятларнинг ташқи жиҳатларигина асос қилиб олинган. Бироқ айни асар ўзбек тилида чоп этилишидан аввал жаҳон адабиёти намуналарини изчил кузатиб борган Х.Дўстмуҳаммад унинг рус тилидаги нашри билан танишган бўлиши мумкин. Иккинчидан, бу муҳим умумий ўхшашлик бадиий тафаккур тарзидаги муштараклик маҳсули ўлароқ юзага келган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки Хуршид Дўстмуҳаммаднинг адабий қаҳрамони ўзбек миллатига хос миллий хусусиятларини талқин қилишга бағишланган. Унда ўзбек руҳиятига хос ирода қуввати, бағрикенглик ва улкан самимият каби қатор хусусиятлар жамланган. Сантяго эса бошқа дунёнинг, Ғарб кишиси мансуб бўлган жамиятнинг вакили. У жуда кўп масалаларга айни мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндошади. Шу ўринда биз Фозилбекка миллий қаҳрамон сифатида ёндошиб, ўзбекка хос бир қатор хусусиятлар унинг феълига сингганига эътибор қаратмоқчимиз.

Дарҳақиқат, 90-йиллар ўзбек миллий романчилигида ҳаётий, воқеликни тарихий шароит ва ижтимоий муҳит контекстида акс эттириш анъанаси устуворлик қилиб, анъанавий реализм билан бирга турли услубий йўналишларга хос талқинларнинг уйғунлигида яра-

---

[177] Пардаева З. Бадиий-эстетик тафаккур ривожи ва ўзбек романчилиги. - Тошкент, 2002. - Б.59-60.

[178] Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2004. - 26 март.

нинг кўплаб асарлар пайдо бўла бошлади. Бундай янги типдаги асарларнинг ўзига хослиги, уларда инсонни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули деб эмас, балки кўпроқ илоҳий, табиий, сирли ва сеҳрли хилқат тарзида кўрсатиш тамойилининг устиворлик қилиши билан белгиланади. Миллий романчиликда ўзига хос бетакрор инсоний туйғулар ва турфа характер қирраларининг бадиий тадқиқ этилиши ҳамда, чуқур фалсафий асосга таянувчи рамзий тасвир етакчилик қила бошлаши кузатилади.

Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романи[179] бугунги кун руҳи билан суғорилганлиги ҳамда замонавий қаҳрамонларнинг ишонарли образлари яратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мустақиллик йилларида юртимиз ҳаётида содир бўлган ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қиладиган бу асар қаҳрамонлар талқинида психологик тасвир етакчилик қилади. Асардаги воқеалар мантиқидан маълум бўладики, бугуннинг одами ўзининг турмуш тарзини ўзгартириши учун энг аввало, моддий аҳволини яхшилаш лозим. Бироқ бунинг учун у маънавий инқирозга учраши ва ўз виждонига қарши бориши шарт эмас, деган ғоявий мотив етакчилик қилади. Шўро сиёсати туфайли ижтимоий мавқеи ва фаоллик қамрови чегараланган ҳамда “қолиплаштирилган” ҳаётда яшаб ўрганган кишилар бирданига мустақиллик имкониятларини идрок қила олмайдилар. Асарда сиёсий-ижтимоий кўрсатмалар билан яшашга кўникиб қолган миллатнинг ҳар бир аъзоси янги муҳитда, янги даврда мувозанатни қандай сақлаб туриши тўғрисида фикр юритилади. Шу боис, романнинг «Мувозанат» деб номланиши ҳам ўзига хос рамзий моҳиятга эга. Давр ва шахс, давр ва муҳит, давр ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимидаги мувозанат асарда ҳаққоний, ишонарли, ўзига хос маҳорат билан ёритилади. Асарнинг туб мағзи ҳақида сўз юритган Й.Солижонов шундай фикрни айтади: «Унда замондошимизни ўйлантирадиган дард, юрагини ларзага соладиган, фикрлашга ундайдиган залворли гап бор»[180]. Дарҳақиқат. асарда келтирилган қуйидаги ўринлар шундай хулоса чиқаришга асос беради: «Аввало, одамзоднинг ичида, кейин ташқарида – ер юзида мувозанатни сақлаш учун ҳам бировга ақл, бошқага бойлик, бировга ҳусн, бошқага сабр... ато этиб қўйиб-

---

[179] Ҳамдам У. Мувозанат. - Тошкент: Шарқ НМК, 2007. – Б. 260.
[180] Солижонов Й. Роман кашфиётлар манбаидир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2003. – 5 сентябрь.

ди»[181]. Ушбу келтирилган фикрлар ёзувчининг қаҳрамон тилидан баён этган фалсафий қарашлари бўлиб, бутун асар бўйлаб ўқ чизиқ тарзида ўтадиган бадиий мантиқни ташкил этади. Адиб одамзод яшаш учун курашар экан, ҳаёт уммонида қалқиб кетиб, муаммолар гирдобида ғарқ бўлмаслик учун мувозанатни сақлай олиши шарт, деган донишмандона ақидани ўртага ташлайди.

Асар қаҳрамони вилоятдан келиб пойтахтда ўқиб, ишлаб қолган бугунги кун ёшларининг вакили. У ўз умрини миллий тарихсиз, талабаларсиз тасаввур этолмайди. Унинг пайтахтда доимий яшаш учун турар жойи ҳам йўқ. Ёш хотини ва фарзанди билан ижарама-ижара кўчиб яшайди. Мусофирчиликнинг барча қийинчиликларини ўз бошидан кечирган. Нафақат ўзи, балки унинг оиласи ҳам маълум сарсонгарчиликда умргузаронлик қилмоқда.

Романни ўқир экансиз, адибнинг бадиий нияти бир неча кўринишларда ўзининг фалсафий ечимини топганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Дунё ҳамиша ўзгаришлар, янгиланишлар, эврилишлар жараёнини бошидан кечирар экан, ҳаётнинг гултожи ҳисобланган инсон мана шу ўзгариш ва эврилишларга мослаша олиши, унинг моҳиятини тўғри англай билиши ғоят муҳим. Асарда ҳаёт фалсафасининг ранг-баранг кўринишлари, инсон тақдирининг жумбоқли, сирли ва сеҳрли, шу билан бирга мураккаб жиҳатлари, шунингдек, шахс маънавий-ахлоқий оламининг турфа манзараларини кузатиш мумкин. Чунки «романда инсон моддий - маънавий мувозанатга катта эҳтиёж сезади. Модда ва руҳ мувозанати таъминланса, мақсадни амалга оширмоқ мумкин бўлади, деган фикр илгари сурилган. Ёзувчи мазкур фикрни турли дунёқарашдаги, эҳтиёжу мақсадлари ҳар хил, турлича тарбия кўрган, моддий мавқеи ҳам бир-биридан фарқланувчи персонажлар орқали кўрсатади»[182].

Дарҳақиқат, ёзувчи ҳар бир инсонни ўзига хос бир оламга тенглаштиради. Бу ҳолат тўрт нафар оилавий жуфтлик тақдирида оила аталмиш муқаддас тушунчанинг замирида содир этилади. Эътибор берайлик, Юсуф ва Ойгул, Саид ва Манзура, Миразим ва Заҳро, Амир ва Гулшода алоҳида мустақил оилани ташкил этса-да, улар ўз қарашлари, орзу-истаклари, қизиқишлари, эътиқодлари, армонлари,

---

[181] Ҳомдам У. Мувозанат. - Тошкент: Шарқ НМК, 2007. – Б. 131.

[182] Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар. Филология фанлари номзоди... дисс. – Т.: 2006. – Б. 100.

юрак тубидаги дардлари билан бир-бирларидан бутунлай йирок, яъни ўз "дунё" сига эга бўлган алоҳида шахслардир.

Юсуфнинг сарсонгарчиликларига чидай олмаган Ойгул қалбидаги ички ғалаён сабаб яхши яшашга интила бошлайди. У "кўчманчи ҳаётдан", яъни ижарама-ижара юришдан безади, ўзи кетиб бораётган йўлда бирор-бир ёруғликни кўрмайди. Шу боис, кишлоққа қайтишни охирги чора деб билади. Бу борада у ҳақ, чунки инсон уй-жойсиз яшаши қийин, бирок қалбига гўзал эътиқод жо бўлган Юсуфнинг табиатини ўзгартириш ҳам осон иш эмаслигини у яхши тушунади. Шунинг учун ўғли билан ёлғиз ўзи отасиникига қайтиб кетади. У бир кунмас бир кун сарсангарчиликдан чарчаб, Юсуф яна қишлоққа қайтиб келади, деб ўйлайди. Юсуф эса бу айрилишни бамайлихотир қабул қилади. Бирок улар ўртасидаги ришта фарзандининг ўлимидан сўнг узилади ва эр-хотинлик муносабатига якун ясалади. Юсуфнинг хотини ўзи танлаган йўлдан кетади, Юсуф эса оиласидан, фарзандидан ажралади. Яқинларининг яшаш тарзидан куйиниб, йўқчиликдан қийналади. Севган машғулотидан воз кечишига тўғри келади, эътиқодига хиёнат қилиб, илмий изланишларининг баҳридан ўтади ва янги бир йўлни танлаб давр оқимига қўшилиб оқишга мажбур бўлади. Бу ҳолат вақтинчалик эканлигини яхши англаган ҳолда ўзи учун бегона бўлган йўлларга – худбинлик (бу – ўзининг шогирди пул сўраб келгандаги ҳолатида), ишончсизлик (не орзуларда жамғарган пулини қарз олиб қайтариб беришмагандан сўнг) ва хиёнатга (ўз ўртоғининг хотини Заҳро билан бўлган муносабатлари) киради, натижада тўкин-сочин ҳаётга эришади.

Юсуф бу ҳаётда ўз ўрнини топиш учун фақат маънавий олам доирасида яшашнинг ўзи кифоя қилмаслигини, муҳитга мослашиш зарурлигини тушунади, ўзи англаган ҳақиқатга етишишни ўйлаб, шунга ҳаракат қилади. Асарда шундай жумлалар бор: «Шиддат билан ўзгариб бораётган воқелик аллақачон янги ва бошқа ижтимоий-сиёсий муҳитни яратиб улгурган. Янги муҳит янги бир ёндошувни, янгича қадриятларни талаб қилади, қилмоқда. Бу шундан иборатки, одамзод гўё фақат маънавиятни танлаб, моддиятни менсимаса ёки аксинча, моддият йўлида маънавиятни қурбон берса, аввало, ўзини, сўнгра жамиятни, дунёни маҳв этадиганга ўхшайди. Бунинг ёркин мисоли мана мен, мана Заҳро, мана акам»[183].

---

[183] Ҳамдам У. Мувозанат. - Тошкент: Шарқ НМАК, 2007. - Б. 92.

Кўриниб турибдики, Юсуф ҳаётни янгича тафаккур билан англаяпти. Ҳаттоки, бу янги муҳитда фаолият кўрсатаётган турли кишиларнинг ҳаётини кузатади ва улардан ўзи учун сабоқ чиқаришга ҳаракат қилади. Қаҳрамон ўзининг синчков кузатувлари натижасида «одамзод табиатан тақлидчи. буюк тақлидчи. У ўз замонасига хос хусусиятларни бирпасда ўзлаштириб олади» деган хулосага келади.

Дарҳақиқат, инсон қайси даврда яшамасин ўша давр кишиси сифатида фаолият кўрсатади, фикрлайди ва жамиятга муносабат билдиради. Агар жамиятда сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар бўлиб, бир тизим иккинчи бир тизим билан ўрин алмашса, албатта, ўз-ўзидан кишилар кайфиятида ҳам муайян узилиш, тараддудланиш пайдо бўлади. Шу боис, замондошларимиз мустақилликнинг илк дамларида анчайин довдираб, улар учун адиб айтганидек: «виждон, ахлоқ, оқибат, вафо, ватанпарварлик... каби тушунчалар ортиқча ва кулгили дахмазалардек туюлиб қолди». Натижада одамлар ўзлари билиб-билмай нотўғри йўлларга кириб қолдилар. Бу йўлларнинг оқибатлари юртта хоинлик, оилага хиёнат, ўз виждонига қарши бориш, эътиқодларидан воз кечишга ундаш каби иллатларни юзага келтирди. Шу сабаб ёзувчи Юсуф образи орқали унинг атрофидаги одамларни кузатар экан, уларнинг маънавий-ахлоқий оламига кириб боради ва турли эврилишлар чорраҳасида турли тубан шахслар қиёфасини фош этиб ташлайди. Бу иллатларнинг оқибатлари тўғрисида фалсафий мушоҳада юритади.

Болалигида тоғасининг олдига, касалхонага борган Юсуф ундан юрт тарихи билан боғлиқ гапларни эшитади ва ўсмирларга хос тасаввур орқали фикр юритиб, тоғасини тушунишга уринади. Натижада унда миллат кишисига хос дунёқараш шаклланади, миллат дардини ўзича туйгандек бўлади. У тоғаси вафотидан олдин моддий ва маънавий хазинаси бўлган боғ ва китобларини маҳалладошларга мерос қилиб қолдириб, ўзига квартира совга қилинишини аввалига тушунмайди. Бироқ вақт ўтгач, тоғасининг болалари буларнинг барчасини тортиб олиб талон-тарож қилиштач, тоғаси эъзозлаган қадриятларнинг қадрсизланганлигини кўриб эзилади. Ана шунда тоғасининг маънавий дунёсини, эзгу-интилишларини англаб етади ва ўқишга, тарихни ўрганишга жазм қилади.

Асарда Юсуфнинг ота-онаси ўртасидаги муносабатлар, уларнинг болажонликлари миллатга хос эзгу фазилатлар сифатида тан-

қин этилган. Ҳаётда қанчалик қийналишмасин нолиш нималигини билмайдиган бу ота-она охирги сигирларини ҳам сотиб болаларининг эҳтиёжлари учун ишлатишади. Оллоҳдан борига шукур қилиб, фарзандларининг соғлиги ва дунёнинг тинчлигини сўраб яшашади. Юсуф ёшлигини эслар экан, ота-онаси билан бир дастурхон бошида жамулжам бўлиб ўтиришларини эслайди: "Нонуштага ҳар сафар Ҳалима ая бир неча патир иситар ва қизиб турган нон устига сариёғ ташлаб, бармоқлари куйгунча қатларига шимитар, ота ва болалар сўлакларини ютганча буни кузатиб туришарди. Сўнг ҳар ким ўз улушини ширин чойга теккизиб, пок-покиза тушираркан, она "тўймай қолишмасин", дея ҳар эҳтимолга қарши тағин нон иситмоққа тутинарди"[184]. Кўриниб турибдики, бунда биргина қаҳрамоннинг эмас, балки асардаги барча иштирокчиларнинг миллат кишисига хос маънавий руҳий олам манзаралари кўзга ташланади.

Асарда миллий қадриятлар ва маънавий-ахлоқий муаммолар ўзининг ишонарли тасвирини топган. Ўзбекка хос бағрикенглик, меҳмоннавозлик, ўзаро ҳурмат, қўни-қўшничилик ва миллий анъаналарнинг қадрланиши, халқ оғзаки ижодидаги аския жанрига доир айрим лавҳаларни асарга сингдирилиши бадиий тасвирга миллий руҳ бағишлаган. Содда, меҳрибон, самимий миллат кишисининг беғубор турмуш тарзи ранг-баранг бўёқларда тасвирланадики, бу билан фақат водий колоритинигина эмас, балки миллатнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ойдинлаштириб беради. Шунингдек, романда бугунги кун миллий қаҳрамонининг ўзига хос характери ва ҳар бир инсоннинг сирли, инжа қалб дунёсига турли жиҳатлардан назар ташланиб ишонарли ифода қилинган.

Жумладан, Юсуфнинг талабалик давридаги дўстлари, ҳамхоналари Саид билан Миразим руҳиятидаги, яшаш тарзидаги ўзгаришлар уни бефарқ қолдирмайди. Энди у теварак-атрофни, ўзи билган кишилар ҳаётини кузатади. Натижада ҳаётнинг мураккаб жумбоқларига дуч келади. Саид билан Манзура сиртдан қараганда бахтли оила вакиллари бўлса-да, иккаласи икки дунё, бир-биридан жиддий фарқланувчи бутунлай бошқа-бошқа олам кишиларидир. Ташқи томондан кузатган киши, улар бир-бирларининг қилган ишларини қўллаб-қувватлаб, бир-бирини илҳомлантириб, ўз навбатида, жуфтларининг ақл ва заковатини тан олиб, ўзаро меҳр-муҳаббат билан яшайдиган бахтли оила деб билади. Бироқ Саид хотинининг қан-

---

[184] Ҳамдам У. Мувозанат. - Тошкент: Шарқ НМАК, 2007. - Б. 4.

чалик ақлилигини тан олмасин, унга барибир ишонмайди, ундан ва ўзи эгаллаб турган амали ҳамда мавқеидан қўрқиб, ўз ички кечинмаларида ошён тутган сирли ва яширин дунёси билан яшайди. Манзура эса эрига нисбатан бўлган муносабатида аёллик фазилатларини ниқоб қилиб, ундан усталик билан фойдаланади. Фикру ёди бойлик ва оилавий ҳукмронликка якка ҳоким бўлишдир. Улар руҳан ва қалбан бир-бирига бегона жуфт бўлиб, яширин ишончсизлик ва аллақандай ички ҳадик билан умр ўтказсалар-да, ўз сохта яқинлик ниқоби остида яширинган ҳақиқий қиёфаларини кўз қорачиғидек сир сақлашади. Шу сабаб уларнинг ўртасидаги самимий муҳаббат ниқобида бегоналик ҳукмрон. Саиднинг қўли узун бўлишига қарамай, Юсуфга ҳавас қилади. Чунки унинг қалбида янги тарихни ёритиш иштиёқи жўш уради. У бу йўлда Юсуфга суяниш мумкинлигини билади, бироқ унинг ўзидан ўзиб кетишини истамайди. Шу боис, юрагидаги изтиробларни пинҳон сақлашга мажбур бўлади. Хотинига қилган биргина қўполлиги учун ишдан олиниб, омад ундан юз ўгирганда Юсуфнинг олдига бош уриб боради ва унинг самимиятидан ўзини анча енгил ҳис этади. Саид ўз қалбининг тубида сақланаётган тарих илмига бўлган иштиёқни Юсуф орқали амалга оширишга ҳаракат қилади.

Миразим маишатбозлик ва бойликка меҳр қўйган киши, унинг бу ёруғ дунёда яшашдан кўзлаган асосий мақсади кўпроқ пул тўплаш ва ўйнаб-кулишдан иборатдир. Инсоний туйғуларни ҳам пул билан ўлчашга ўрганиб қолган бу одам ҳатто атрофида нималар бўлаётганлигини ҳам сезмайди. Хотини Заҳрога маликалардек шароит яратиб берган, уйида хизматкор, яхши еб-ичиб, кўнгли тусаганини кийиб, ўзи истаган чет мамлакатларда ҳордиқ чиқариб яшашга имконият яратиб қўйибди. Бироқ аёлининг қалб дунёси, қизиқишлари билан иши йўқ. Унинг ўзи ҳам баъзида пул топишдан зерикади, шундай дамда хотини сингари ўзига нимадир етишмаётганини сезгандай бўлади-ю, бироқ унинг ана шу кўнгил кемтиклигининг айнан нималигини англаб етолмайди. Маънавий жиҳатдан қашшоқ Миразим ўзининг эркаклик ғурурини, аёли олдидаги садоқати ва бурчини батамом унутади. Натижада бойликдан кўра юксакроқ туйғуларни, инсон маънавий оламининг гўзаллигини қадрлаган Заҳро хиёнатга қўл уради. Унинг бу хиёнатини тўқликка-шўхлик деб бўлмайди. Балки жиндайгина бўлса-да, меҳрга, эътиборга муҳтож аёл қалбининг, гўзаллик сари интилиши уни шу “иш”га ун-

пайди. Захро ўз жуфтининг маънавий кашшоклигидан топмаган нарсасини атрофдан излайди ва Юсуфдан топади. Бирок фарзанд, ота-она ва оила олдидаги бурч ҳам унга бегона эмас. Шу боис ўзи-ги-ўзи карши чикиши нечоғлик қийин бўлса-да, бу йўлдан кайтишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам асарни ўкиган хар кандай китобхон Захродан нафратланмайди. аксинча, унга ачинади, холос.

Асардаги асосий қахрамон хаётда ўз маънавий мувозанатини сақлай олмаган Амир образидир. У руҳан ва жисман кучли шахс. Қалби эзгулик ва гўзалликка ошно, диний ва дунёвий билимларга ... , ноёб истеъдод соҳиби. Бирок. ёзувчи меҳр билан яратган шунча фазилатларни ўзида мужассамлаштирган шахс ўз ҳаётида бирёқлама кетмаслиги керак эди. У ҳалол меҳнатда суяги қотган отаси англаган ҳақиқатни англай олмайди. Шу боис, фарзандлик, Эрлик, оталик, қолаверса, инсонийлик бурчини унутади. Диний таълимотларга ҳаддан зиёд берилиши ва исломий фалсафани нотўғри англаши натижасида таркидунё қилиб яшашни одат қилади. Асарда мусулмончилик тўғрисида гап борар экан, Амирга отаси Одил ака шундай дейди: «Сен айтгандай фақат номоз ўқиб, борига шукр қилиб яшаш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бу йўл зоҳидларники. Бунинг ҳам яхши, маъқул томонлари бордир, албатта. Лекин бу йўлни бутун халқ қабул қилсин. дейиш нотўғри. Ўша мусулмончилик гуллаб-яшнаган даврда ҳам девонаю қаландарлар мингтадан битта чиққан. ё чиқмаган»[85].

Кўриниб турибдики, мусулмончиликнинг бурчларини нотўғри англаган Амир ўз ҳаётини барбод қилади. Натижада рўзғор қийинчиликларига дош беролмай ўз жонига қасд қилган касал хотини, ёш умрини хазон этади. Фарзандларининг қалби кемтик бўлиб, тақдири дарз кетади ва оғир моддий қийинчиликда яшайдилар. Ўзи эл ўртасида кулги бўлади, ота-онасини изтиробга солади, болаларининг соғлиги издан чиқади, ўзлигини англай олмаган ноёб қобилиятли. чуқур билим ва истеъдод эгаси бўлган Амир шу тариқа тубанликка юз тутиб охири, жиннихонадан кўним топади.

Ёзувчи қаҳрамон характери ва тақдирини таҳлил қилар экан, диний ва дунёвий фалсафага атрофлича назар ташлайди, шунинг учун ҳам асар қаҳрамонларининг кўпчилиги имон-эътиқод, раҳмон ва шайтон, савоб ва гуноҳ ҳақида суҳбатлашишади. Бундан ташқари, асарда ҳикоячи-қаҳрамон вазифасини бажарган муаллиф ва

---

[85] Ҳамдам У. Мувозанат. - Тошкент: Шарқ НМАК, 2007. – Б.45.

персонажлар нутқида ҳам ана шу тушунчалар баҳсига кенг ўрин берилган. Ёзувчи романда Жалолиддин Румий фикрларидан, халқ қарашлари, ривоят ва афсоналардан фойдаланиб, асарнинг тўлақонлилиги ва сюжетнинг тугаллигини ҳамда давомийлигини таъминлашга эришган: «Румий ҳазратлари дейди: Одамлар Каъбага турли хил томондан келишади, йўлда бир-бирлари билан «Менинг йўлим ҳақ, сеники ботил...» дея баҳс-мунозара қилиб келишади. Каъбага келгач, уларнинг мақсадлари ҳосил бўлади ва ҳаммаларининг истаклари бир – Оллоҳ эканлигини билишади. Шунда тортишувлар ҳам барҳам топади». Англашиладики, ушбу парча асардаги мантиқни боғлаш учун хизмат қилиши билан бир қаторда романда тасвирланган воқелик моҳиятини ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Шунингдек, асарда рамзий-фалсафий тасвирлар жуда ишонарли, табиий берилган. Инсоннинг қариганида болафеъл бўлиб қолиши асардаги табиати болалардек беғубор буви образи орқали тасвирланиши, унинг ҳаёт фалсафасидан дарс бериши ёзувчи қарашларини табиий ифодалаш усулларидан бири вазифасини бажарган. Бир вақтлар меҳнатдан қочмаган, набираларини елкасида кўтариб рўзғор ишларини қилган энаси энди ёш боладек ожиз кўринганига қаҳрамоннинг юраги ўртанади:

"– Ўғлим, ҳар келганингда шунақа канд опкелгин. Булар менга беришмайди. Овқатни ҳам қизғанишади, – деди энам кандларни тўшаги тагига яшириб, биттасини титроқ қўллари-ла оғзига соларкан»[186]. Бундан, албатта, тоғаси ва янгаси хижолат бўлади. Юсуфга тушунтиришга уринишади. Вақт ўтиб энаси бу дунёни тарк этгач, барча қатори Юсуф ҳам бунга оддий ҳол деб қарайди. Одам қариганда ўлиши керак, деб ўйлайди. Елкаларида ўзини опичлаб, эркалаб катта қилган инсоннинг бу дунёдан ўтиши қаҳрамон қалбини ларзага солиши ўрнига унинг хотиржам тортишига сабаб бўлади. Ёзувчи Юсуфнинг ўша вақтдаги маънавий қиёфасини янада ойдинлаштириш учун ҳаётнинг ана шу каби аччиқ фалсафасини воқеалар баёнига олиб кирган.

Адиб рамзий бўёқлар орқали оддий воқеликни ҳаёт фалсафаси билан уйғунлаштириб, жамиятда учраб турадиган баъзи бир иллатларни таҳлил қилиб, мантиқий хулоса чиқаради. Бу ҳолат жиннихонадаги касаллар, қишлоқ аҳлининг оддий ҳаёти ва турмуш тарзи, орзу-интилишлари, дунёқарашлари, қизиқишлари, характерлари

---

[186] Ҳамдам У. Мувозанат. – Б. 43.

тасвирида ҳам яққол кўринади. Бироқ, асардаги парижлик машҳур актриса Мателда Сорел билан боғлиқ ҳодисалар, ёш тадқиқотчи М.Қўчқорова таъкидлаганидек[187], асарга ёпишмайроқ турибди. Чунки бу тасвирларнинг сюжетга зўрма-зўраки ёпиштирилганлиги яққол сезилиб туради. Яна бир ўринда шундай жумлалар бор: «Ҳой, қаранглар, ўлиб қолганга ўхшайди, қимирламаяпти – ҳавода эркак кишининг овози янграseverally.

– Ростданам. Уни ўлдириб кетишганга ўхшайди, деб бир эркак гапга аралашди. Амир миқ этмасди. У машинанинг тезроқ даф бўлишини кутар, назарида вақт ҳам машинага қўшилиб тўхтаб қолганга ўхшарди. Шу пайт бир неча аёлнинг пиқиллаши баробарида Амирнинг юзига бир помидор «пилч» этиб келиб тегди. Ҳақорат худди чақмоқ зарбидек таъсир қилди. У яраланган шер янглиғ ҳайқириб юборди: «Ҳе, онангни! Инсофсизлар!..» Шу баробар машинага газ берилиб, шитоб билан юқорига ўрлай кетди»[188].

Ушбу тасвир қаҳрамон руҳияти ва ахлоқий мезонларига мос бўлмай, асарда мантиқсизликни ҳосил қилгандек бўлиб туюлади. Эътибор берайлик, биринчидан, мусулмон киши кимнидир кимсасиз тоғда яланғоч ҳолатда тошга боғланганини кўрса, ҳеч қачон баҳслашиб, маслаҳатлашиб ўтирмайди. Аксинча, дарҳол, аввало, ёрдамга шошилади, қолаверса, мусулмончилик бурчларини бажаришга (бандининг авратини ёпишга) бел боғлайди. Иккинчидан, бундай ҳолга гувоҳ бўлган аёлларнинг кулишлари ҳам ҳақиқатга яқин эмас. Чунки ўзбек аёлида ибо ва ҳаё устунлик қилади. Қолаверса, аянчли бир аҳволдаги одамнинг бетига «пилч» эткaзиб помидор отилиши ёки ёрдамга муҳтож одамни кўрган машина ҳайдовчисининг ўз йўлида лоқайд бир тарзда давом этиши ҳам қаҳрамоннинг миллий табиатига мос эмас.

Асар сўнггида қишлоқдан қайтиб кетаётган Юсуф автобус кетидан чопиб келаётган акаси Амирни кўради. Бу шунчаки, югуриш эмас, девоналарча мажнунваш бир ҳаракат эди. Сўнгги жумлалар шундай тасвирланган: «Юсуфнинг ичида нимадир қарсиллаб сингандай бўлди, йўқ, аниқ синдики, у автобус полида ўтириб қолди. Наҳотки, ҳаммаси яна бошидан бошланади?! – деган фикр юрагига наштардек санчилди... ҳамманинг кўзи Юсуфда эди

---

[187] Қўчқорова М. «Мувозанат» - руҳият мувозанати // Моҳият. – 2002. – 8 ноябрь.
[188] Ҳамдам У. Мувозанат. – Б. 128.

ва яхши англаб турардики, нима воқеа юз берган бўлмасин, қаддини кўтариши, туриши керак...

Туриши керак эди...

Туриши керак»[189].

Демак, Юсуф мувозанатини сақлаши учун акаси Амирга эътибор бермаслиги, ўз йўли ҳақ эканлигини яна бир бор англамоғи керак эди. Унинг ичида қарсиллаб синган «нимадир» эса Юсуфнинг қалбида нураб бораётган қондошлик меҳри эди. Уни автобус полига ўтиришга, яъни мувозанатини йўқотишга мажбур этган куч ўз жигарбандининг телбаларча қилган ҳаракатларидан андишаси эди. Акаси танлаган йўлнинг нотўғрилигию, ўзи танлаган йўлининг ҳақлигига ва ўз келажагига бўлган яна бир карра ишонч эди. Юсуф англадики, нафақат тафаккуридаги, балки тахайюлидаги тушунчалар ҳам уни тўғри йўлга бошлайди. Шу боис. асар қаҳрамони ўрнидан туриши кераклигини ақл билан ҳис этмоқда эди.

«Мувозанат» бугунги кун романчилигига янги характерлар, янги қаҳрамонларнинг ранг-баранг маънавий-ахлоқий муаммоларини олиб кирганлиги билан ҳам китобхонлар назарига тушди. Чунки бу асарда миллатнинг ўтмиши ва келажагига дахлдор фалсафий ўйлар, ўзбек характерининг тугал қиёфасини ёритиш учун қилинган ҳаракатлар акс этган эди. Айникса, романдаги Амир образи ўзбек халқининг жуда кўп донишмандона хусусиятларини ўзида бирлаштирганлиги билан характерланади. “Амирнинг саҳардан кечгача қиладиган иши таҳорат олиш, намоз ўқиш. масжиддагиларга “Тарихи Муҳаммадийййа" китобидан соатлаб ўқиб бериш, ора-сирада бошқа ўқиганларини қўшиб ваъз айтиш, диний китоблар, хусусан, Қуръон тафсирлари, “Баҳоуддин Балогардон”, “Ғавсул Аъзам” каби асарларнинг мутолааси...”[190] Бу каби тасвирлар биргина Амирга тааллуқли эмас, имони бутун ҳар бир мусулмон фарзанди ўқиши, ўрганиши лозим бўлган асарлар сифатида тилга олинади. Романнинг маънавий ва маърифий аҳамияти бу образнинг талқинидагина эмас, балки қаҳрамон характерининг талқини орқали кишиларни маънавий покликка тарғиб этаётганлиги билан ҳам белгиланади. Мана шу қаҳрамон характери роман бошланғичида ёзилган қуйидаги парчаданоқ аён бўлиб туради: “Оллоҳ ёруғ бу оламни заррадан то қуёшга қадар – ҳамма-ҳаммасини жуда нозик заргарлик санъати билан дои-

[189] Ҳамдам У. Мувозанат. – Б. 260.
[190] Ҳамдам У. Мувозанат. – Б. 66.

ний мувозанатда яратган экан, мазкур интизомнинг бузилиши ҳамма вақт улкан бухронларга сабаб бўлаверади"[191]. Романга эпиграф қилиб олинган бу парча нафақат асар сарлавҳаси ("Мувозанат")нинг моҳиятини шарҳлашда, балки Амир образи билан боғлиқ ахлоқий қарашлар инқирози муаммосининг юзага чиқишига ҳам сабаб бўлади. Чунки бу каби қаҳрамонлар характери ўзбек романчилигида айни шу йўналишда тасвирланмаган ва бундай образлар шимирига ахлоқий-маънавий муаммолар сингдириб юборилмаган эди. Ёзувчи ўзининг ахлоқий қарашларини ана шу қаҳрамон образининг талқини воситасида китобхонларга етказишга ҳаракат қилган.

Шундай қилиб, "Мувозанат" муаллифи миллий руҳ ва қаҳрамон талқинида мавжуд анъанавий тасвир услуби билан бир қаторда янгича шакл ва воситалардан фойдаланган ҳолда маълум маънода ижодий новаторлик имкониятларини дадил қўллаб, миллий романчилигимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшди.

### Қаҳрамон характерида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг ифодаси

Романнавислар ўз асарларида миллий руҳни акс эттиришнинг турли хил шаклий ва услубий воситаларига мурожаат этадилар. Бинобарин, ёзувчи услуби ҳам ана шундай воситалар орқали шаклланади ва такомиллашиш жараёнини бошдан кечиради. Асарнинг ғоясига мос равишда қаҳрамонлар танланади. Миллий характер миллий руҳни акс эттирувчи ва шу руҳиятга мос келувчи воқеалар силсиласини ҳаракатга келтирувчи катализатор вазифасини бажаради. Қаҳрамон концепциясидан ташқари атроф-муҳит талқини, пейзаж тасвири, руҳий кечинмалар ва коллизияларнинг ифодаси каби бадиий воситалар борки, ёзувчи ана шундай кўламдор бадиий тасвирлар ёрламида миллий руҳни ўзига хос бетакрор бўёқларда акс эттириши мумкин. Ёзувчи турли хил характер ва воқеа-ҳодисалар тафсилоти билан иш кўрар экан, уларни ўз ижодий манерасидан келиб чиққан ҳолда бадиий идрок этади ва асарга киритади.

Ижодий манера ва услуб ҳақида сўз юритиларкан, айрим адиблар лиро-романтик услубга мойиллик кўрсатсалар, баъзилари ҳаёт ҳақиқатини шафқатсиз реализм нигоҳи билан кузатадилар ва воқеликни шу позициядан келиб чиққан ҳолда тасвирлайдилар. Табиий-

---

[191] Ҳамдам У. Мувозанат. - Б.

ки. реал ҳаётда юз берган кескин бурилиш ва эврилишлар адиб услубига ҳам таъсир этиши мумкин. Бутун жамият ўзгаришига сабаб бўлган эътиқод ва тафаккурнинг янгиланиши туфайли эса муаллиф ўз қаҳрамонларини тасвирлашда янгича бадиий талқинларга ён бериши мумкин. Кейинги даврда яратилган романлар таҳлили шуни кўрсатдики, бу асарларда ижодкорлар «...инсон феъл-атворининг турли шароитларда қандай товланиши ва бу товланишлар ўша шароитга қандай акс таъсир кўрсатганлигини тийран кўз билан кузатишга ҳаракат қилганлиги»[192] яққол кўзга ташланади. Ижтимоий воқелик ва давр кишисининг ўтган умрини тафтиш қилиш мавзуси Омон Мухторнинг «Майдон» номли роман-ҳангома шаклидаги асарида ўзига хос услубда тасвирланган. Романда лифт ичида тасодифан қамалиб қолган кишиларнинг ўз бошидан кечирган воқеаларни ҳикоя қилиб боришлари орқали кўнглидаги сир-асрорлари очилади, уларнинг гуноҳ ва савоб ишлари сарғарозу қилинади. Кўпчилик гувоҳлигида уларнинг виждонлари бироз бўлса-да, покланиб руҳан енгил тортадилар. Ёзувчи турфа тақдирлар баёни орқали инсонни ҳаётда учрайдиган катта-кичик фожиалардан огоҳлантириб боради.

«Майдон» романи ўзининг бадиий моҳияти ва шаклий тузилишига кўра қисса жанрига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган асардир. Адибнинг бу асарини ўқиган китобхон бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча қаҳрамон ҳаёти, ўй-хаёллари, дарду ташвишлари, хуллас, қаҳрамонлар тафаккурида кечаётган турфа ҳолатлар билан бевосита боғлиқ бўлган чигал воқеалар тафсилоти билан танишади. Гарчи асарда иштирок этувчи алоҳида қаҳрамонлар мавжуд бўлса-да, ҳикоя қилинаётган воқеалар аслида уларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ эмас. Роман персонажларининг руҳий ҳолати, кўрган-кечирганлари, хотираларининг бадиий талқини орқали қаҳрамонлар характерига хос сифатлар очила боради. Адиб ана шу усулни қўллаш учун, аввало, ўзига хос бадиий маконни танлайди. Асар қаҳрамонлари анъанавий романчиликдаги каби «очиқ» майдонда эркин ҳаракат қилишмайди, балки уларнинг фаолияти маконий нуқтаи назардан чекланган: ўзига хос микромайдон доирасида кечади: улар оддий техник носозлик туфайли лифт ичида қамалиб қолишганлиги боис роман сюжетига асос бўлган воқеалар юзага чиқиши учун маконий асос ҳосил қилинади.

---

[192] Қушжонов М. Бадииятнинг олмос жилолари // Халқ сўзи. - 2002. - 20 сентябрь.

«Майдон» романига хос бадиий макон талқинининг поэтъанавий моҳият касб этганлиги ана шундай ўзига хос ҳолат ва маконнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бу макон қаҳрамонларини ўз бошидан кечирган воқеаларни бирма-бир айтиб бериш ва хар бир ҳикояда баён этилган воқеа моҳиятини фикран таҳлил қилиб унга ўзининг муайян муносабатини билдириш учун зарур бўлган имкониятни юзага келтирган. Ана шу имкониятнинг ёзувчи томонидан амалга оширилган тасвири асар сюжетига асос бўлган воқеалар занжирини ҳосил қилади. Бу ерда ҳикоя қилинган кечмишларнинг бари аллақандай синиқ тақдирлар, қиёфасиз образга айланган шахслар қисмати, емирилган эътиқод талқинидан иборат. Бу жиҳатдан мунаққид У.Норматовнинг ушбу фикрлари эътиборли: "Омоннинг янги романларидаги аксар персонажлар парчаланган, емирилган, майдаланган, қиёфасиз кимсалардир. Бу ҳол собиқ мустабид-тоталитар режимнинг шахс қисматидаги мудҳиш асоратларидир"[193].

«Майдон» романи «Минг бир кеча» эртаклари силсиласига кирувчи асарларни эслатувчи услубда ёзилган бўлиб, ҳикояларнинг мантиқий давомийлиги бутун роман бўйлаб сақланиб туради. «Минг бир кеча» эртакларидаги қолипловчи сюжетни Шаҳризода образи бириктириб турганидек, «Майдон»да тасвирланган воқеалар ва тақдирлар ёзувчи ва Паноҳ образи воситасида ягона тизим ҳолида намоён бўлади. Бу образлар асар воқеаларининг давомийлигини таъминлаб, боғлаб туради.

Омон Мухторнинг «Майдон» романида жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири бўлмиш Агата Кристининг «Ўнта негр боласи» асарига хос бадиий компонентларнинг ҳам қўлланилганлигини кўрамиз. Маълумки, Агата Кристининг «Ўнта негр боласи» номли романида оролдаги кимсасиз қасрга тўпланиб, ёлғиз қолдирилган, яъни қаср тутқунларига айланган кишилар ижтимоий муҳитдан узилган ҳолатда ўзларининг хатолари ва гуноҳлари билан юзма-юз бўладилар. Ҳар бир кишининг ўз қисматдошларига сўзлаб берадиган ҳикоясидан тараптан руҳий изтироб аламлари меҳмонхона жовонидаги ўнта негр боласи ҳайкалчасининг бирин-кетин йўқолиши ва ҳар бир ҳайкалча йўқолган куни қасрдаги одамлардан ҳам бирининг ўлиши? гуноҳкор бандаларнинг жазоланиши муқаррарлигининг бадиий тимсоли сифатида талқин қилинади. Шу жиҳати билан «Майдон» романидаги қаҳрамонлар тақдири «Ўнта негр боласи»

---

[193] Норматов У. Шахс жумбоғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2001. - 19 январь

асарида тасвирланган «гуноҳкорлар» қисматига ўхшаб кетади. Бу эса ўзбек романнавислигининг услубий янгиланишига жаҳон адабиёти кучли таъсир қилганлигини кўрсатади. Шунингдек, З.Пардаева тўғри таъкидлагандек. «Асрга татигулик кун», «Уч мусулмон ва бир қиз» ҳақидаги ҳикоя замиридаги моҳиятни ҳам «Майдон»да уққандек бўламиз»[194]. Бундай воқелик тасвиридаги муштараклик адабий алоқалар ва ўзаро ижодий таъсирнинг анъанавийлигидан далолат беради.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ёзувчининг бадиий тафаккури инсоннинг чигал, ранг-баранг тақдирини тасвирлаш орқали назаримизда оддийтина кўринган, лекин аслида анчайин аянчли ва мудҳиш оқибатларга олиб келувчи фожиаларга сабаб бўлган воқеаларнинг ўқ илдизлари – ўзак томирлари ҳақида баҳс юритишга йўналтирилган. Жумладан, ёзувчи ўз асарида қаҳрамоннинг руҳий покланиши жараёнини унинг ички олами, изтироблари, маънавий ва ахлоқий тубанлашишига сабаб бўлган ижтимоий омиллар таҳлили орқали ёрқин рангларда, ишонарли тасвирларда беришга ҳаракат қилади. Асар қаҳрамони икки бемор, уларнинг ҳар иккаласи ҳам оилали ва фарзандли кишилар. Икковлон ҳам ҳаётда тўкин-сочин, ҳеч бир камчиликларсиз яшайдилар. Улар тақдир тақозоси туфайли шифохонада учрашиб, танишадилар ва бир-бирларига кўнгил қўядилар. Шу тарика уларнинг ораларида самимий муносабатлар пайдо бўлади. Улар ёш йигит-қизлар сингари аҳду паймон қилишмасада, ҳаётда улар ўз жуфтларини топгандек бўлишади ва бир неча кун бўлса-да, бир-бирларига суяниб яшайдилар. Охир-оқибатда улар шифохонадан даволаниб, тузалиб чиқиб кетишади.

Асардаги севишганлар учрашуви тасвирланган ана шу лавҳадан кейин инсоний туйғулар фожиасининг талқини бошланади. Бу бадиий ниятни амалга ошириш орқали ёзувчи инсоннинг ғоят мураккаб руҳий дунёсини, ички кечинмаларини, кўнглидаги пинҳон туйғуларини, чигал тақдирлар бадиий чизгилар билан нозик ифодаларда тасвирлашга ҳаракат қилади. Қолаверса, асарда, биринчидан, ёши бир жойга бориб қолган, оилали, бола-чақали эркак билан аёл муҳаббат дардига мубтало бўлиб қолиши ўз аксини топган. Улар шу дард билан ўртаниб, ич-ичидан ёниб яшайдилар. Шунинг учун ҳам буни биз маънавий ва ахлоқий инқироз дейишимиз мумкин эмас.

[194] Пардаева З. Ўзбек романлари поэтикаси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – Б. 39.

Иккинчидан, уларнинг қалбидаги муҳаббатнинг гўзал ғунчалари бевақт гуллаган олча гули сингари хазон бўлишга махкум бўлишлиги боис шикаста дилларга эришиб бўлмас орзу-ҳавас ва армон муҳри босилади. Натижада фарзандларини олқишлаб, набираларини суюб, эркалаб ўтириши керак бўлган ёшда кексалик гаштини суриш ўрнига ўзга бир инсонни қўмсаб, соғиниб, ушалмас орзулар оғушида кимнингдир васлига интилиб яшаш ҳар иккаласининг ҳам қалбини тинимсиз кемиради.

Учинчидан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам онгли ва ақлли кишилар. Шу боис, ўзларининг қилаётган ишлари гуноҳ, маънавий-ахлоқий бузуқлик ҳамда хиёнат эканлигини англашади. Ҳатто ана шу гуноҳи азимнинг тубсиз азоб-уқубатларию, бевақт гул очган муҳаббат ғунчасининг изтиробларидан озор чекиб, икки ўт орасида ўртаниб қийналадилар.

Янада чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, бизнингча, асар қаҳрамонлари руҳиятида кечаётган бу ҳолат аслида инсонни руҳий фожиага етакловчи омиллардан биридир. Эътиборли томони шундаки, китобхон бу асарни ўқиш давомида ёзувчи томонидан маҳорат ва холисона бир самимият билан тасвирланган образлардан нафратланмайди. Адибнинг ўзига хос маҳорати шундаки, у қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлигига китобхонни ишонтира олади, шу боис, ўқувчи ҳам уларга хайрихоҳ бўлади. Чунки муҳаббат абадий ва азалий туйғу бўлиши билан бирга ёш ҳам ҳусн ҳам танламайди. Бу туйғуга ошно бўлган қалб соҳиблари учун икки дунё бир қадам. Шунинг учун ҳам шифохонага келган бемор ўз дардини унутади, чунки у кўнглида илдиз отган муҳаббат риштасидан шифо топади. Бироқ айнан ана шу ишқ туфайли бир умрлик виждон ва қалб оғриғига гирифтор бўлади. Ёзувчи асардаги ушбу тақдир эгаларининг қалб изтиробларини холис тасвирлар орқали берадики, китобхон асар қаҳрамонлари каби кишиларнинг маънавий ва ахлоқий бузилишига сабаб бўлган омилларни ўз нуқтаи назари билан баҳолаб олади. Натижада осма қути (лифт) ичида қамалиб қолган ҳамда ўзини оилали эркакка кўнгил қўйган аёл сифатида гуноҳкор ҳис этган қаҳрамон ўз ҳикояси орқали покланишга ҳаракат қилади.

Бизнингча, аёл ўзини гуноҳкор ҳисоблаши, унинг қалбидаги муҳаббатнинг сохталиги, туйғуларининг ўткинчилиги, эркакка нисбатан бегоналик ва руҳан ундан узоқлигидан далолат беради. Бу эса

Омон Мухторнинг бадиий нияти адабиёт оламига янги типдаги қаҳрамон образини олиб киришга қаратилганини англатади. Тўғри, шўро даври адабиётида ҳам шу типдаги ошиқ-қаҳрамонлар образи тасвирланган асарлар мавжуд эди. Лекин улар хиёнаткор, яъни оила деб аталмиш муқаддас қўрғонга бевафолик қилганликда айбланган персонажлар сифатида талқин қилинар эдилар. Биз бундай асарларни ўқиганда шу типдаги образлардан сабоқ бўла оладиган фазилатларни излар эдик. «Майдон» асарида илгари сурилган масалалар эса, асосан, қаҳрамон тақдирининг чигал нуқталарини тасвирлаш орқали замондошимиз, яъни бугунги кун кишисининг инсоний туйғулари ва унинг ўзига хос фожиасини бор бўй-басти билан кўрсатиб беришга қаратилган. Асардаги ошиқ персонажлар туйғуларининг фожиавийлиги, яхлит олганда, шахс ва тақдирлар фожиасига айланиб улгурмайди. Улар ўз хатти-ҳаракатлари ва ўй-мушоҳадалари билан ўз қалбига кириб келган кечиккан муҳаббатни англашдан, тан олишдан кўра оилани муқаддас деб билишади.

Кейинги давр насрида, хусусан, янги бадиий тафаккур тарзининг маҳсули ўлароқ яратилаётган романларда шаклий янгиланиш билан бир қаторда бадиий ғояни тасвирлаш услуби ҳам янгича поэтик қиёфада кўрина бошлади. Шу боис, танқидчиликда бу каби асарлар тўғрисида хилма-хил ва ҳатто бир-бирига зид фикрлар юзага келди. Айниқса, истиқлол даври романчилиги тўғрисидаги қарашларда фикрлар ранг-баранглиги яққол кўзга ташланмоқда. Чунки бадиий асарни ҳар ким ўзича, ўз дунёқарашига мос, билими ва ҳаётий тажрибаси даражасида тушунади, ҳис этади. Асардан йўқ нарса изланмайди, бор нарса беркитилмайди. Лозим ўринда бутун диққат-эътибор муаллиф шахсиятига ёки асар яратилган тарихий шарт-шароитга ёки муайян қаҳрамон характерининг талқинига қаратилади.

Кейинги йилларда дунё юзини кўраётган баъзи бир бадиий асарларда аёл образининг анъанавий талқинлари, яъни кўпчилик учун нотабиий туюлган маънавий ва ахлоқий қиёфаси акс этмоқда. Ижодкорлар табиатан сеҳрли ва сирли, шу билан бирга, мураккаб характерли аёл характерини кашф этиш, унинг тақдиридаги фожиаларни ҳам акс эттириш мақсадида ранг-баранг услубларни қўллагани ҳолда, унинг ички дунёсига йўл топишга ҳаракат қилишмоқда. Бу ҳаракат эса шаклан турли хил бадиий тасвир усуллари ва талқинларини юзага чиқармоқда.

Ёзувчи ўзининг "Майдон» деб номланган романида муҳаббат, садоқат, вафо ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини «Аёл» номли ҳикояcига ҳам сингдириб юбора олган. Ҳикояда тасвирланган воқеалар орқали адиб, асосан, бундан аввалги тақдирлар фожиаси талқинининг мантиқий давомини ифодалашни кўзда тутганлигини англаймиз. Бунда ҳам адибнинг қарашлари ҳикоячи-қаҳрамон нутқи орқали китобхонга етказилади. Ёзувчининг кузатишлари аёл ва эркак ўртасидаги инсоний туйғуларнинг ўзгариб, янгиланиб туришига қаратилган. Омон Мухтор асарда ўз қаҳрамонини маънавий ва ахлоқий жиҳатдан айблай олмайди, балки шундай ҳолат бўлиши мумкинлигини китобхонга эслатади, холос. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ёзувчининг бадиий нияти инсоннинг чигал, ранг-баранг тақдирига оид чизгиларни тасвирлаш орқали бир қарашда оддийгина кўринса-да, аслида анчайин аянчли ва мудҳиш фожиаларга сабабчи бўладиган воқеаларнинг замини, сабаблари, оқибатлари ҳақида баҳс юритишдан, мушоҳада қилишдан иборатдир. Ана шу жиҳатларга кўра, Омон Мухтор адабиётга муҳаббатнинг янгича талқинлари ва тасвирларини олиб кириб, севги туфайли ҳаётида фожиа юз берган кишилар қисматини ўзига хос равишда бадиий таҳлил қила олган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Қолаверса, адиб гуноҳларини тан олган кишининг ўз виждони олдидаги покланиш жараёни ва кечинмаларини ҳам қаламга олган. Севиб турмуш қурган аёлнинг эри бахтсиз тасодиф туфайли ҳаётдан кўз юмади. Ўғилчаси билан ёлғиз қолган аёл маълум вақт ўтиб, яна турмушга чиқади. Бу оилада қизча дунёга келади, аммо аёлнинг бахти қайтиб, иккинчи эри ҳам вафот этади. Ёзувчи ўз асарида ана шу муштипар аёлнинг чигал тақдири ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг ҳар иккала эрига бўлган муносабатини очиқ-ойдин қиёслайди. У биринчи эрини севиб турмуш қурган бўлса-да, унинг ўлимидан сўнг ўз муҳаббатини унутади. Натижада бошқа бир эркакка чин дилдан меҳр қўяди ва уни ҳам севиб қолади. Аёлнинг биринчи эри шиқли шахс бўлганлиги сабабли ўлимидан сўнг, анча йиллар ўтиб унинг шарафига бағишлаб тантанали юбилей ўтказилади. Ушбу тантанада бева аёл ҳам ўз фарзандлари билан иштирок этади. Гарчи бегона бўлса-да, одамлар аёлнинг иккинчи эридан туғилган қизига ҳам ҳурмат кўрсатишади. Шуниси қизиқки, қиз ўзига нисбатан билдирилаётган бу меҳрибончиликлардан сармаст бўлолмайди. Тантанада ўзининг бегоналигини ҳис этади. Ўз отасига нисбатан қалбида

жўш урган муҳаббат туғёни бирданига онасига нисбатан нафратга айланади. Чунки бир вақтлар биринчи эрига турмушга чиққанидан афсусланиб, қизчанинг отаси билан ўзини бахтли ҳис этган аёл вазият тақазоси туфайли уни унутиб. юбилей тантанасида биринчи эрини хотирлаб, тўлқинланиб сўзлашини қизча ўзига сингдиролмайди.

Асарда адибнинг бадиий нияти ўз тақдири ва истаклари йўлида муҳаббатдек муқаддас туйғу билан оддий кўникмани бир-биридан фарқлай олмаган, чигал туйғулар гирдобида, аросатда қолган бир инсоннинг руҳий кечинмаларини ёритишни кўзда тутганлигини кўрамиз. Натижада муҳаббат ва ҳаётий эҳтиёж ўртасидаги исканжа азобида қолган одамларнинг кўнгил изтироблари ва уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини кўрсатиб берилади

Шўро даврида яратилган асарларда урушда вафот этган ёки бедарак кетган севгилисини кутиб, унинг хотираси ҳурматига қайта турмуш қурмай умргузаронлик қилган аёлларни фидойилик тимсолига айлантириш урф бўлган эди. Агар муҳаббат биз ўқиган асарлардагидек, ўзгармас ва абадий туйғу бўлганда эди, аёл биринчи эридан қолган ўғли билан ўз умрини ёлғиз яшаб ўтказар ва муҳаббатига содиқ қолармиди? Шунда ўзининг илк муҳаббатини унутиб, иккинчи эрига бўлган туйғуларни ҳис этмаган ва тан олмаган бўларди. Адабиётимизда ўз муҳаббатига содиқ қолган аёллар образи кўп тасвирланган. Омон Мухторнинг бадиий қарашлари ана шундай образлар яратиш анъанасига маълум маънода зидлиги билан, шунингдек, жуда ҳаётий асосга эга ва фавқулоддалиги билан ажралиб туради. Асарда тасвирланганидек, аёл яна муҳаббатни ҳис этиб, ўз бахтини топишга ўринмасин, тақдир бу аёлни барибир ёлғизлик гирдобига ташлайди. Бироқ аёлнинг ўз табиий эҳтиёжлари ва туйғулари ўлмаган бир оддий инсон сифатида иккинчи бора турмушга чиқишини қоралаб ҳам бўлмайди. У иккинчи эри билан қисқа муддат яшаган бўлса-да, шундай ширин, ҳаётбахш дамларни ўз бошидан кечирган ва унинг қизчаси мана шу инсоний туйғулар меваси эди. Афсуски, хотира кечасида сўзга чиққан аёлнинг иккинчи эрига бўлган муносабати биринчи эри ҳақидаги тотли хотираларнинг соясида қолиб кетади. Аёл буни ҳатто сезмайди ҳам. Ёзувчи мана шу ҳолатни қиз қалбида кечган туйғулар туғёни орқали англатишга эришна олган: онанинг биринчи эрига бўлган хотиралари ва туйғуларининг қайта қалқиб чиқиши ва ошкор бўлишини

ҳам қилолмаган қизда ўз онасига нисбатан кучли нафрат ҳисси уйғонади.

Асардаги ҳаётий фожиа ҳам мана шу ердан бошланади. Бизнингча, бу фожиалар бир неча ингичка қизил ипларни ҳосил қилиб, ҳаётий инқирозга олиб келувчи улкан фожианинг туб илдизига айлангандек бўлади. Бу фожианинг бир илдизи назаримизда, фарзанднинг ўз онасига нисбатан нафратидан юзага келган ички ғалаёнларга бориб тақалса, иккинчи риштаси ўзининг дунёга келганлигидан норозилик ҳисси қалбини кемираётган шахс кечинмаларига боғланади. Шунингдек, акага нисбатан бўлган бегоналик ва рашк ҳиссининг туғёни ҳам оиладаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Асарда ҳикоячи-қаҳрамон сифатида тасвирланган онанинг ўз тақдиридан ўкиниши ҳамда босиб ўтган умр йўли беҳуда кечганлигидан афсусланиши ҳам инсон руҳиятининг азобланиши ва фожиасининг ифодасидир. Аслида бу аёл қисматига ёзилган аянчли тақдирнинг ўзи бир фожиа бўлса, фарзандларнинг ўз онасига нафрат кўзи билан боқиши келгусида илдиз отажак янги фожианинг ибтидоси тарзида намоён бўлади.

Ҳикоячи-қаҳрамон сифатида ўз ҳаётида рўй берган воқеаларни бир бошдан сўзлаб бераётган бу аёлнинг тақдири тўғрисида чуқурроқ ўйлаб қаралса, аёлнинг биринчи эри хотирасига бағишлаб ўтказилаётган тадбирда мутлақо қатнашмаслиги ҳам инсофдан бўлмас эди. Чунки хотираси эсланаётган киши бу аёлнинг ўтмишигина эмас, балки ҳаётининг бир бўлаги, илк муҳаббатининг соҳиби, тўнғич боласининг отаси ва умр йўлидаги энг ширин дамларидан хотирадир. Албатта, ўтмишни ортга қайтаришнинг иложи йўқ. Аммо ўз отаси билан фахрланадиган ўғлининг қувончига шерик бўлишга унинг ҳаққи бор. Аммо ўз ўғлининг шодлигини бирга баҳам кўрамиш деган онанинг бу ҳаракати ўғлининг қанчалик меҳр- муҳаббатига сазовар бўлса, кейинги эридан туғилган қизининг шунчалар кучли нафратига сабаб бўлади. Чунки у биринчи эрининг ширин хотираларига берилиб кетиб, қизчанинг отасини бир дамгагина унутган эди-да! Мана шундай икки ўт орасида қолган аёл қалбининг изтироблари ишонарли ва ҳаётий тасвирлар орқали адиб томонидан яхши очиб берилган. Бу ҳолатнинг фожиавийлиги шунда эдики, аёл нима қилганда ҳам фарзандларидан биттаси барибир уни тушунмас, шаксиз кўнгли ўртаниб, ўкинар эди. Ёзувчи шу каби изобли умр соҳибларининг қалб изтироблари ҳаётда кўплаб учраши

ҳақида эмас, балки бундай чигал тақдир эгаларининг ғоятда оғир кечадиган ҳаёт йўли ва вужудга келадиган кўнгил изтироблари ҳақида сўзлайди, бундай ҳаётий фожиаларнинг инсон руҳиятига кўрсатадиган маънавий-ахлоқий таъсирида юз беражак оқибатларни таҳлил қилишга ҳаракат қилади.

Асарни ўқиётган китобхон бу аёлнинг иккинчи бор эрга тегишини ахлоқий ва маънавий қашшоқлик белгиси деб ўйлаши ҳам табиий. Лекин бу аёлнинг ҳис-туйғулари, орзу-тилаклари тирик одам эканлигини ҳам унутмаслик керак. У нафақат бева, балки оддий бир аёл сифатида табиий-инсоний туйғулардан мосуво эмаслиги, ҳар бир инсонда мавжуд бўладиган табиий истак ва эҳтиёжлар унгаям бегона эмаслиги яхши очиб берилган. Ана шу каби ҳаётбахш туйғулардан воз кечишнинг ўзи аслида инсон учун қай даражада фожиа бўлса, ўз туйғуларидан воз кеча олмаган яъни ўзининг тирик вужуд эканлигини англаб етган аёл учун буни тан олиш ҳам аслида катта ҳаётий фожианинг ибтидоси эди. Ана шу карама-қарши туйғулар искапжасида юзага келган руҳий изтироблар ҳамда ҳиссиётлардан бирининг ғолиб чиқиши натижасида ўғилнинг кўнгли ўсади, қизнинг кўнгил косаси синади, аёлнинг ўзи ҳам икки ўт орасида қолади.

Адиб ўз асарида инсон деб аталмиш мана шундай мураккаб зот ҳаётининг моҳиятини шу каби фожиалар занжири тизимида таҳлил қилади. Инсон кўнглининг ғоят нозик сиру синоатларга бой руҳий кечинмаларини кўзгута солади, унинг қисмати ҳақида сўз юритади. Шу билан бирга, ушбу асарда ҳам ака-сингил, она-бола ўртасида пайдо бўлган бегоналик туйғуси кўзга ташланади ва бу тасвир А.Камюнинг «Бегона» асаридаги она билан фарзанд ўртасидаги бегоналикка ўхшаб кетади. «Бегона» асарида тасвирланишича, ўз онасига нисбатан бегона туйғулар билан яшаган ўғил онасини охирги йўлга кузатганда волидасига жуда совуқ нигоҳ билан боқади. Омон Мухтор эса ушбу тасвирни бироз юмшатгани ҳолда жаҳон насрида ўзининг анча жонли ва ишонарли ифодасини топган бегоналик туйғусини ўз асарларига сингдиришда миллий бадиий тафаккур мезонларидан келиб чиқиб иш кўради.

Асарнинг яна бир қаҳрамони Осий бўлиб, у чекмайди, ичмайди, аёлларга ҳирс билан қарамайди. Бундай олиб қараганда, у ахлоқий етук, маънавий бой, бегуноҳ ва фаришта мисол покиза одам. Лекин «беайб парвардигор» деган гап бор. Шу боис, ҳам бу қаҳрамон анча

йиллар илгари ўз бошидан кечирган муҳаббат изтиробларидан қўрқиб яшаётганлиги сабабли қизларга нисбатан ишончсизлик ва нафрат билан қарайди. Шундай дамларда фақат ўзи гувоҳ бўлиб қолган бир воқеадан кейинчалик виждони олдида азият чекади. Чунки у сувда чўкаётган қизчани кўриб турса-да, лоқайдлик ва қўрқув сабаб бўлиб, уни қутқармаган эди. Ҳатто, хаёлпарастлиги сабаб, бу воқеа ўнгида содир бўлганмиди ёки хаёлидами, англай олмай азият чекади. Осма қути ичида қамалиб қолганида эса ўша қизчани эслаб, ўзини гуноҳкор ҳис эта бошлайди ва «қизча менинг айбим билан ўлди, мен уни қутқара олмадим, қўрқоқлик ва лоқайдлик қилдим» деб ўз виждони олдида ҳисоб беради. Ўша воқеани кўз олдига келтириб қийналади ва қизчанинг ўлими учун айбдор эканлигидан ўзини кечиролмайди. Лекин бу воқеа аслида ҳаётда содир бўлмаган ва қизча ўлмаган экан: чунки қизчанинг сувга оқиши лавҳаси хаёлпараст қаҳрамоннинг онгида, хаёлида содир бўлган, холос. Ана шунда Осий юрагида қўним топган аллақандай «гуноҳкорлик ҳисси», «чўкаётган қиз» манзарасини унинг хаёлотида ҳамиша гавдалантириб Осий дилини жунбушга келтирар эди. Шу боис, у Осий ҳам, айбдор ҳам эмас экан.

Масалага бошқа жиҳатдан қарасак, агар ушбу воқеа чиндан содир бўлганида Осийнинг лоқайдлиги сабаб бўлиб, қиз ўлиб кетиши ҳам мумкин эди. Ёзувчи ўз асари орқали маънавий фожиаларнинг турли кўринишлари ҳақида гапириб, инсон ва гуноҳ, инсон ва лоқайдлик, инсон ва маънавий ахлоқ ҳақида бевосита қаҳрамон тили орқали ҳикоя қилади. Бизнингча, адиб бу образ талқини орқали инсон ҳар бир қадамида билиб-билмай, беихтиёр гуноҳ ишларга қўл уриши ёки хатога йўл қўйиб, мудҳиш ҳалокатга сабабчи бўлиб қолиши ҳам мумкин деган мулоҳазани ифодаламоқчи бўлган. Шу боис, адибнинг бадиий нияти ҳам Осий қисмати орқали инсон табиатига оралаган лоқайдлик иллатини очишга қаратилган. Қолаверса, лоқайдликнинг ижтимоий иллат сифатидаги маънавий-ахлоқий шаклини асардаги бошқа персонажларга ҳам тааллуқли бўлиб, уларнинг ҳар бири билан ўз ҳаётини шу нуқтаи назардан таҳлил қилади ва сўзлаб берган ҳикояси орқали «мен қандай одамман» деган саволга жавоб излайди. Худди шундай воқеа арбобнинг ҳикоясида ҳам акс эттирилади. Асарда тасвирланишича, йигит билан қиз севишиб турмуш қуришган. Лекин улар каталакдек бир хонали уйда меҳмон кутиш азобидан қийналиб, қариндош-уруғларидан қочиб,

бошқа бир олисроқ жойга кўчиб кетишади. Орадан кўп вақтлар ўтиб, аста-секин мансаб пиллапояларидан кўтарилган йигит йирик амалдор бўлиб етишади, данғиллама уй қуради. Энди унда ҳамма нарса: обрў-эътибор ҳам, мансаб ҳам, қанча меҳмон бўлса сиғадиган кенг ҳовли-жой ҳам бор, лекин унинг қалби бўм-бўш, чунки унинг меҳрибонлари, ана шу ҳайҳотдек меҳмонхонаю, ҳовлини тўлдирадиган яқинлари йўқ. Ёзувчи китобхонга фақат шу тафсилотнигина ҳикоя қилиб беради, холос.

Бундан хулоса чиқарадиган бўлсак, биламизки, йўқчилик инсонни маънавий қашшоқ қилиб кўрсатади. Миллий руҳимизга сингиб кетган меҳмоннавозлик анъаналаридан қочиш ёш келин-куёвнинг маънавий оламидаги худбинликни келтириб чиқаради. Лекин инсон яқинларидан, дўстларидан, қариндошларидан қочгани билан ўзидан-ўзи қочиб қутулолмайди. Инсон қаерда бўлмасин ўз яқинларини соғинади, уларнинг даврасида бўлишни қўмсаб яшайди. Йўқчилик деб аталган ҳолат муайян шахс билан унинг яқинлари ўртасида ана шундай кўринмас жарлик ҳосил қилади. Кейинчалик инсон имкониятлар кенгайган бир дамда яқинларини қўмсайди ва ана шундагина уларни "йўқчилик" олдида бир зум эсанкираш сабабли бир умрга йўқотганлигини сезиб, вужуди сесканиб кетади. Асар қаҳрамони ҳам ана шундай маъшум ҳолатни ўз бошидан кечирганлиги боис, ёлғизликнинг даҳшатини ҳис этиб, лифтдаги тақдирдошларига ўз изтиробларини сўзлаб беради. Ёзувчи ушбу ҳикояда тасвирланган воқеаларнинг мантиқий давомини асарнинг навбатдаги қаҳрамони тақдири талқинига сингдириб юборади. Ҳаётда ҳеч нарса боқий бўлмаганидек, амал ҳам мансаб ҳам абадий эмас, демоқчи бўлади. Ҳикоячи–қаҳрамон томонидан баён этилган воқеликни кузатар эканмиз, унинг маънавий ва ахлоқий қиёфаси кўз олдимизда жонланади. Амалдорга куни бўйи бир қанча телефон қўнғироқлари бўлади. Бу шунчаки, иш юзасидан ёки бирор таниши томонидан қилинган қўнғироқлар эмас. Қўнғироқ қилганлар уни эмас, балки бу ерда ундан аввал ишлаган раҳбарларни сўраб–суриштиришади. Қаҳрамон бундоқ ўйлаб қараса, қўнғироқ қилган одамлар сўраётган собиқ раҳбарларнинг бири вафот этган, иккинчиси нафақага чиқиб кетган, бошқаси эса ишдан олинган, яна бири бошқа ишга ўтган. Ана шунда лифт ичидаги қаҳрамон ҳар бир киши амал курсисига вақтинчалик "меҳмон" эканини, бу курсида кимлар ўтирмагани ва яна кимлар ўтириши мумкинлиги ҳақида

ўйлаб қолади ҳамда ўзи ҳам қачонлардир ўша «телефонда ўраладиганлар» қаторига қўшилажагини ҳис этади. Ёзувчи ана шу ҳаёт ҳақиқатини осма қути (лифт) ичида туриб тан олган қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини маҳорат билан акс эттиради.

Адиб бу ҳикоясида ҳаётда мавжуд бўлган амалпарастлик билан боғлиқ маънавий тубанликнинг турфа кўринишларини ранг-баранг бадиий бўёқларда тасвирласа-да, лекин ўзи бир нуқтада туриб холис бир кузатувчи сифатида воқеалар ечимига четдан нигоҳ ташлайди. Воқеалар тафсилоти билан қаҳрамонлар суҳбати орқали танишиб бораётган китобхон эса, бир–бирини тўлдириб, яхлит ижтимоий муаммо тусини олаётган дардлар ичида яшайди, ҳар бир тақдир эгасига дардкаш бўлади. Шу билан бирга воқеаларнинг ҳар бир иштирокчисига оддий бир инсон, яъни ўз ҳаёт йўли, тақдири, қизиқиш доираси, дунёқараши, ютуқлари, камчиликлари ва албатта, ўзига хос характерига эга бўлган «шахс» деб қарайди.

Кейинги йилларда яратилаётган асарларда ижодкор ўз қаҳрамонининг оддий бир куни ҳақида ҳикоя қилиш орқали ҳам жамият ҳаётига дахлдор катта фалсафий умумлашмалар чиқаришга интилиши кузатилмоқда. Бунда бадиий тафаккур кенгликлари нечоғлик катта камровни эгаллаганлиги ҳамда таҳлилнинг чуқур ва теран олиб борилиши ҳам муҳим рол ўйнайди.

Асарнинг бадиий ифода мезонлари шунда кўринадики, унда биз қаҳрамон ҳаёти, ўй-хаёллари, дарду ташвишлари, хуллас, унинг тафаккурида кечган барча жараёнлар, уларнинг маънавий ва ахлоқий олами билан бевосита ҳикоя қилинаётган воқеалар тасвири орқали танишмаймиз. Балки, бу типдаги асарларда, гарчи иштирок этувчи қаҳрамон мавжуд бўлса-да, ҳикоя қилинаётган воқеалар ривожи уларнинг бевосита фаолияти билан эмас, балки персонажларнинг руҳий ҳолати, ўй-кечинмалари, кўрган-кечирганлари ва хотираларининг бадиий талқини орқали тасвирланади. Шу билан бирга, истиқлол даври романлари тўғрисида гап борар экан, Қ.Йўлдошев тўғри таъкидлаганидек, «бу қаҳрамонлар на шахслик табиати, на жамиятдаги мавқеи, на интеллектуал савияси, на туйғулар кўламига кўра бир-бирига ўхшайди. Улар тамомила ўзига хосдирлар. Ҳар бирининг табиати у ёки бу даражадаги нуқсонлардан ҳам холи эмас»[195].

---

[195] Йўлдошев Қ. Замон, қаҳрамон ва ўзлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 14 март.

Дарҳақиқат, ҳаётда бир-бирига айнан ўхшаш, бири иккинчисини мутлақо такрорлайдиган ҳодисалар деярли бўлмаганидай, инсоннинг табиати ва тақдири ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳам инсон бунинг бадиий асарда тасвирланган образлари ҳам турлича бўлиб, такрорланмас поэтик маҳорат туфайлигина воқелик тасвири ҳаётий ҳақиқатдан бадиий талқинга кўчирилади. Ёзувчи Омон Мухтор истиқлол даври адабиётини янги шакл ва мазмун касб этган романчилик намуналари билан бирга, миллат кишиси руҳиятидаги ўзгаришларнинг янгича бадиий талқинлари билан ҳам бойитди.

Аббос Саиднинг «Кўчада қолган одам» номли романи Ги Де Мопассаннинг «Азизим» романини эслатади. Юз йилдан кўпроқ вақт олдин ёзилган «Азизим» романида Дюруа образи орқали Франциянинг ўша вақтдаги ижтимоий ва сиёсий ҳаёти акс эттирилган. Унда журналистлар ҳаёти билан бирга оддий деҳқон фарзандининг киборлар оламига кириб бориши, унинг бойлик ва обрў-мартабага эришиш йўлидаги машаққатлари, шунингдек, ўша даврдаги кибор хонадонларга мансуб хонимларнинг маънавий-ахлоқий олами реалистик бўёқдорлик билан тасвирланган. «Кўчада қолган одам» романи эса истиқлолдан сўнгги йиллардаги ҳаёт ва бугунги кун кишисининг руҳий-маънавий олами тасвирига бағишланган. Шахс маънавий ва ахлоқий дунёсининг таназзулга учраши унинг жамиятда қандайдир мартабага ва бойликка эга бўлиш йўлидаги ҳаракатлар фонида ишонарли тасвирларда берилган. Жорж Дюруа ўз мавқеини ошириш учун аввалига дўстининг хотини Мадленани ишқий илтижолари билан ўзига қаратади. Ўша вақтда у қорнини ва чўнтагини гўзал ўйнаши, бойвачча хоним Клотильданинг ҳисобига тўлдириб юради. Уни сеҳрли ишқий ўйинларга ром этиб қўйган бўлса-да, эри борлиги учун уйланишни ўйлаб ҳам кўрмайди. Чунки, касал дўстининг хотини унга бойлик манбаи бўлиб кўринади. Натижада Мадлена хоним турмуш ўртоғи вафот этгач, касал эрининг ўлимидан олдин севги изҳор этган йигитга турмушга чиқади. Журналистик фаолияти анчайин ўсиб, сиёсатчилар даврасида обрў топган йигит энди, оилавий борди-келди қиладиган, ўз бошлиғининг хотини Вальтер хонимни кўз остига олади. Ишқий таъқиблар билан унинг ҳам қалбини забт этади. Натижада чин дилдан севиб қолган аёл тез-тез ижарага олинган хуфия уйда учрашиб туришга қаноат қилмай, уни тинимсиз ўз уйига меҳмонга таклиф қилади. Бу вақтда Жорж Дюруа эса қари ўйнашини доғда қолдириб унинг ёш гўзал

қизи Сюзаннанинг илк муҳаббатига айланади. Онасини қаршилигини билгач, қизни ўзи билан бирга қочишга кўндиради. Оқибатда, катта бойликка эга бўлиб, дабдабали тарзда унга уйланади. Вальтер хоним эса рашкдан эсдан оғар даражага келиб қолса-да, бироқ, у ўз сири очилишидан қўрқиб, қалб қийноғига бардош берганча ноилож сукут сақлайди.

Аббос Саиднинг «Кўчада қолган одам» асарида эса ўз шахсий манфаатлари йўлида бир эмас уч аёлнинг кўнглини овлаб юрган ёш йигит тақдири, унинг дунёқараши, орзу-армонлари ва тафаккур олами акс эттирилган.

Асарда пул топиш сирларини яхши билган тадбиркор аёлларнинг нопок ахлоқий олами фош этилади. Бойлик эвазига ҳамма нарсага эга бўлишни, ҳатто ўз фарзандлари тенги ёш бир йигитни ўйнаш қилиш ҳам мумкин, деб ўйлаган бу уч аёлнинг маънавий қиёфасидаги жирканч, энг қабиҳ жиҳатлар қаламга олинади. Асар қаҳрамони Журъат ўз орзуларига етишиш ва яхши яшаш учун ҳар қандай пасткашликдан тап тортмайди. У онаси қатори аёл Сакина хонимнинг пинжига кириб, унинг кўнглини овлайди. Савдо-сотиқ сирларини ўрганади. Уни кўнглини олиш учун бор санъатини ишга солади. Сакина хонимнинг кўнглига йўл топган Журъат кейинчалик ўзининг шахсий дўконини очиш мақсадида пулдор хотин Мадина опадан фойдаланишга аҳд қилади. Охир-оқибат унинг кўнглига йўл излаб топади ва аёлга инъом этилган ишқий муносабатлар орқали ўз мақсадларига эришади. Бу аёлдан олган пулларни ўз манфаатлари йўлида ишлатади. Натижада аёлнинг олдида тили қисиқ, у истаган вақтда ишқий ўйинларга берилишга мажбур бўлиб қолади. Бу бойвачча хотинни эса пул эмас, балки бақувват ва ёш йигитнинг келишган қадди-қомати, қизғин эҳтирослари қизиқтиради. Ўз орзулари йўлида амалдорларнинг пинжидан жой олишга, уларнинг ишончига киришга ҳаракат қиладиган Журъатга эса бу маъқул келади. Шу боис, у навбатдаги ўлжасини ҳам қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилади. Ўзига кўп ёрдам берган масъул лавозимдаги шахснинг ўйнаши Покизани кўз остига олади ва ишқий таклифлар билан унинг ҳам бошини айлантиради. Маънавий тубан аёлнинг кўнглини пуч ёнғоққа тўлдириб, уни ўз манфаати йўлида бир қўғирчоққа айлантиради.

Охир-оқибатда ўз фарзандидек кўриб, сир-асрорларидан бохабар қилган, ҳаётида ҳеч ким қилмаган ёрдамни берган инсоннинг

ўлимидан сўнг унинг хушторига эгалик қилади. Албатта, бу аёл ҳам ундан анча ёши катта бўлади. Асарда тасвирланишича, зиёли, раҳбар ходим, ёши элликларга яқинлашган, пулдор аёл Покиза ўзидан анча ёши кичик бўлган, амалпарастлик касаллигига йўлиққан дўкондор, янги ўзбек тадбиркорларининг вакили Журъат билан дон олишади. Унинг ҳам, Журъатнинг ҳам оиласи бола-чақаси бор. Бироқ улар оилага нисбатан қилган хиёнатларини хаспўшлашга, ўзларининг кўр-кўрона маънавий тубанлигини яширишга уринишади. Ораларидаги муносабатда муҳаббатдан кўра ҳирсий нафс ва айшишрат қилишга мойиллик устуворлик қилади. Бу асарда фаолият кўрсатадиган қаҳрамонларнинг исмида ҳам рамзий маъно акс этган. Нопок аёлга “Покиза” деб исм қўйган адиб, ўзидан катта аёлларга ишқий муносабатда бўлишни табиий ҳол деб билган, қолаверса, ўзига кўп яхшиликлар қилган устозининг собиқ хуштори билан ошиқ-маъшуқ ўйинини ўйнашга жазм қилган йигитга “Журъат” деб ном берган. Бу асарда юқорида таҳлил қилинган асарлардагидек, туйғулар танназули эмас, балки очиқдан-очиқ инсоннинг маънавий дунёсидаги ахлоқий фожиа тасвирланган. Натижада аёллар ўртасида талаш бўлган бу ошиқ йигитнинг кирдикорлари очилади. Яъни рашк ўтида ўртанган Сакина хоним Журъатнинг Покиза билан учрашиб турадиган манзилини унинг эрига маълум қилади. Оқибатда эса эри ва ўғли томонидан қўлга тушган аёл шармандаларча оиласидан, обрў-эътиборидан ажралиб, собиқ ўйнашидан қолган уйда маънавий тубанлиги билан яккама-якка қолади. Келин қилиш орзусида ясаниб совчиликка бориб юрган онанинг ширин орзулари саробга айланади. Мана шу машъум кундан сўнг эл нафратига ва Оллоҳ қаҳрига учраган ахлоқи бузуқ Журъат руҳий касалхонадан ўзига қўним топади. Шунча йиллик меҳнати ва орттирган обрўйи сувга оқиб кетади. У меҳр қўйган ва ишонган дўкони бузилиб, хотини ва фарзандлари ҳам уни ташлаб кетадилар.

«Азизим»даги Жорж Дюруа билан «Кўчада қолган одам»даги Журъат бир-бирига руҳан жуда яқин образлар. Уларнинг яшашдан мақсади, ниятига етиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари, маънавий ва ахлоқий олами ҳам деярли бир хил. Бироқ тақдирларидаги якун ўзгача. Асар сўнггида улардан бири янги истиқболлар сари қадам ташласа, иккинчиси эса, ҳаётдан завқланиш бахтидан бебаҳра инсонга айланади.

Кўриниб турибдики, асарда шахс маънавиятидаги инқирознинг сабаб ва оқибатлари тасвир этилган. Ушбу романни таҳлил қилган мунаққид Санжар Содиқ ўзининг эътирозларини шундай баён қилган эди: "Энг аввало, романдаги ортиқчалик унинг экспозициясини ҳаддан ташқари узайиб кетганида кўринади... Иккинчидан, романдаги ортиқчаликлар асардаги сюжет чизиқларининг ўзаро чамбарчас боғлаб юборилмагани оқибатида келиб чиққан... Учинчидан, романдаги ортиқчаликларнинг аксарияти аввал қандайдир қаҳрамон, воқеа, тафсилот тасвирланиб ёки тилга олиниб, кейин буткул унутиб юборилиши оқибатида юзага келган"[196]. Бизнингча, ҳурматли мунаққидимиз романдаги ортиқчаликлар айнан қайси воқеа тасвирида намоён бўлишини ва бунинг сабаблари нимадалигини аниқ таҳлилда ифодаласа мақсадга мувофиқ иш қилган бўлур эди.

Ўзбек романчилигининг ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари тўғрисида гап борар экан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган «Эркин ижод имкониятлари» деб номланган давра суҳбатидаги баҳсда иштирок этган профессор У.Норматовнинг фикрича, «Бу жанр тараққиётидаги янгиликлар моҳиятини ҳам, ожизликларини ҳам етарли очиб бера олганимиз йўқ. Бадиий ижод, хусусан, роман фақат ва фақат салмоқдор фикр, мустақил қарашни тақозо этади»[197]. Демак, ушбу фикрдан шундай хулоса қилиш мумкинки, яратиладиган романлар орасида анчайин бўш асарлар ҳам мавжуд. Шунинг учун романчиликнинг ютуқлари билан бир қаторда айрим асарларнинг бўш чиққан жиҳатларига ҳам эътибор қаратмоқ лозим.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлолдан кейинги даврда яратилган романларда инсоннинг маънавий-ахлоқий олами анча кенг «тадқиқ» этилган. Унда, айниқса, мураккаб хилқат саналмиш аёл табиати унинг барча иллатлари ва фазилатлари билан бирга очиқ тасвирланган. Шунингдек, янги иқтисодий муносабатлар туфайли майдонга келган тадбиркор ва ишбилармонларнинг миллий қиёфалари ҳам ҳар жиҳатдан ёритилмоқда. Чунки мустақиллик шарофати бадиий ижодда ҳаётийлик тамойили устуворлик қила бошлади, яъни воқеликни муболаға ва ниқобларсиз, аслида қандай бўлса шундайлигича акс эттириш бош мезонга айланди. Бу бадиий асар-

[196] Содиқ Санжар. Романми ёки латмон? / Роман ва танқид. – Т.: Фан, 2008. – Б. 32-34.
[197] Норматов У. Эркин ижод имкониятлари. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2003. - 22 август.

нинг ишонарлилигини, ҳаётийлигини, тарбиявий аҳамиятини таъминлайди. Бироқ бу тасвирларни ифодалашда ижодкор маҳорати ҳам катта аҳамиятга эга. Акс ҳолда, истиқлол даври романчилигида ҳам кўплаб бадиий шачор асарлар яратилаверади.

Бу даврда яратилган асарларнинг оригиналлигини бадиий шаклга оид турли изланишлар ва тасвирий усуллардаги янгиланишлар билангина белгиланмайди. Балки ёзувчининг янгича бадиий тафаккур оламида шаклланган қаҳрамонларнинг ўзига хос характерлари очиб берилганлиги ҳамда инсон руҳий оламини реалистик услубда таҳлил қилиш тамойилларининг устуворлик қилиши билан ҳам диққатга сазовордир. Гап ижтимоий воқелик ва инсон руҳиятининг бадиий асарда қандай услубда ифода этилиши тўғрисида борар экан, бугунги кунда ижодкор бадиий тафаккури нафақат модернистик, балки реалистик услубда ҳам жуда гўзал тарзда намоён этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Академик М.Қўшжонов тўғри таъкидлаганидек, «Ижтимоий, сиёсий ҳаётда рўй берган бурилиш бадиий адабиётимизда яна бир йўналишнинг пайдо бўлишига олиб келди. Биз бу ерда мураккаб услубдаги асар яратиш йўлини назарда тутаяпмиз»[198]. Устоз олим бу мулоҳаза билан мураккаб услубни О.Мухтор ижодига менгзаган бўлса, У.Ҳамдам ҳам адиб, ҳам тадқиқотчи сифатида «Ҳаёт бор экан, одамзод яшар экан, унинг кўрган куни, шу кунда туйган туйғуси ўша палла учун ҳамиша реал, булар акс этган ҳар қандай санъат асари эса, реализм намунасидир… Бундай ҳаракат натижаси сифатида дунёга келган асарларни эса, кўпинча, биз модернизм меваси ўлароқ қабул қиламиз»[199] – деган хулосага келади.

Тўғри, бундай янгича услубларда қалам тебратаётган ижодкорлар томонидан яратилган реалистик романлар ёзувчи тафаккури, унинг ўзига хос ижодий усуллари ва бадиий маҳоратини ўзида акс эттиради. Бундай эркин фикрларга тўйинган асарлар янгича тафаккур имкониятлари ҳамда ранг-баранг бадиий изланишлар натижасида дунё юзини кўради. Шу билан бирга, модернистик йўналишга хос жиҳатлари билан адабиётшунослар ўртасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган асарлар бугунги кун китобхонининг эстетик эҳтиёжи ва дидини ҳам намойиш этмоқда. Қолаверса, катта ижодий анъанага эга бўлган ўзбек романчилик мактаби тажрибала-

---

[198] Қўшжонов М. Бадииятнинг олмос жилолари // Халқ сўзи. - 2002. - 20 сентябрь.
[199] Ҳамдамов У. Турфа ранглар уйғунлиги // Ўз АС. - 2000. - 29 сентябрь.

рининг кўп йиллик тарихий тараққиёти натижасида яратилган асарларга «абсурд», «полифоник», «модерн» каби атамаларни мажбуран ёпиштириш, бундай «атамабозлик»ни баъзан илмий тадқиқотлар майдонига ҳам олиб кириш тамойили ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, З.Пардаеванинг «Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари» мавзуидаги докторлик ишида юқоридаги фикрларимизнинг исботини кўриш мумкин. Тадқиқотчининг таъкидлашича: «Янгиланиш ва тикланиш даври ўзбек романчилигида етук ёзувчилар, илғор адабий методлар таъсири кучайди. Аммо адабий таъсирдан кўра кўпроқ бадиий таассуб кучлироқ намоён бўлди. «Капалаклар ўйини» абсурд роман сифатида модернистик талқин услубини намоён этган бўлса, Ш.Бўтаевнинг полифоник талқин услуби йўлидаги изланишлари «Қўрғонланган ой» романида Ч.Айтматовнинг «Қиёмат»ига ҳамоҳанглик касб этганида кўринади».[200]

Тадқиқотчи «Адабиётнинг янги романи» номли мақоласида эса «абсурд роман» деб аталувчи бадиий ҳодисаларга доир айрим фикрларни ўртага ташлаб, «Капалаклар ўйини» романини таҳлил қилиш асносида шундай хулосага келган: «Роман таҳлили жараёнида амин бўламизки, ёзувчи романга жалб қилган манбалар талқинида адабий-бадиий синтез йўлларига мурожаат этган. Бунда онг оқими, абсурд роман унсурлари намоён бўлади. Менимча, романда абсурдга хос мотивлар устувор, шунинг учун асарни абсурд роман сифатида белгилашга монелик қилмайди"[201]. З.Пардаева ўз таҳлили давомида «Мана шу нарса, баъзан асарни абсурд роман сифатида белгилашга монелик қилади. Чунки қаҳрамоннинг нияти аниқ, интилиши бор. Шу сабабдан ёзувчи абсурддан кўра онг оқими талқини услубларига мурожаат этгандек кўринади»[202], – деб ўзининг юқоридаги фикрига қарама-қарши қарашлари билан ўзини-ўзи инкор этиб қўяди.

«Капалаклар ўйини» романини С.Содиқ суяб ва аяб таҳлил қилади. У романда ҳали онги шаклланмаган ёшларни йўлдан оздирадиган ва ҳаётдан бездирадиган иллатлар фош этилганини, муаллифнинг истеъдодида ҳажвий йўналиш кучли эканини домла тўғри кўрсатади», – деб С.Содиқнинг фикрларига қўшилган таниқли адиб П.Қодиров бу асарни гоҳ «Жеймс Жойснинг онг оқимига, гоҳида

200 Пардаева З. Адабиётнинг янги романи // Ёшлик. - 2003. 3-сон. – Б.23.
201 Пардаева З. Адабиётнинг янги романи // Ёшлик. - 2003. 3-сон. – Б.23.
202 Кўрсатилган асар.

эса М.Прустнинг экспрессив услубига амал қилади, аммо уларга хос юксак маҳоратни эгаллай олмагани учун тақлиддан юқорига кўтарила олмайди»,[203] – деган баҳсли мулоҳаза билан асарга баҳо беради.

П.Қодиров ўз фикрини давом эттириб, «Алберт Камюнинг «Сизиф» ҳақидаги ривоят» асари абсурднинг қадим замонларга илдиз отган ҳодиса эканини кўрсатади», – деб, эътиборни Сизифнинг маъносиз ҳаракатларига қаратадики[204], бу абсурд роман хусусиятларини англашда муҳим ахамиятга эга. Шунингдек, абсурд асар борасида адабиётшунос олим У.Норматовнинг қуйидаги қайдлари ҳам эътиборли: «Реализм бошқа ижодий-фалсафий оқим ва йўналишларни, жумладан, абсурдга хос тасвир ва талқинни ҳам ўз бағрига жо эта олади. 90-йиллар ўзбек насридаги изланишлар бу фикрни тасдиқлайди»[205]. Олим ўзининг ана шу эътирофи билан 90-йилларда яратилган насрий асарларни "абсурд асар" деб баҳолайди. Бироқ биз юқоридаги фикрларга асосланиб, абсурдга хос белгиларни умумлашма характеридаги мулоҳазаларсиз, бадиий асарнинг таҳлили орқали асослаш ўринли, деб ўйлаймиз.

З.Пардаева таҳлилга тортган Т.Рустамнинг «Капалаклар ўйини» романида бир неча ёшларнинг мустақил ҳаёт остонасидаги ўй-фикрлари, орзу ва армонлари акс этган. Унда ёшларнинг катта ҳаёт бўсағасидаги алданишлари, адашишлари, изтироб чекишлари, ўзаро манфаатларнинг тўқнашишлари каби ижтимоий ҳодисаларнинг қаҳрамон хаёлида қайта жонланиши тарзида ифода этилса-да, тадқиқотчи тўғри қайд қилганидек, абсурд, яъни бемаъно ёки бемаъни нарса эмас. Бизнингча, бу асарнинг ютуғи адиб тафаккуридаги кечинмаларнинг тагмаъно касб этувчи рамзлар орқали ифодаланиши бўлса, унинг қусури бадиий услубдаги қайтариқ ва чайналишлар ҳамда ҳеч бир қаҳрамон ҳаётида, қолаверса, асарнинг ўзида ҳам ечимнинг йўқлигидадир. «Капалаклар ўйини» романи тўғрисида фикр билдирган Й.Солижонов ҳам асарнинг ана шу каби ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратиб, қуйидагиларни ёзган эди: «Т.Рустамнинг «Капалаклар ўйини» асарида романбоп муаммо етишмагандай туюлади. Натижада воқелик инфляцияси юзага келган: битта қиссага хамиртуриш бўла оладиган материални атай ро-

---

[203] Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2004. - 26 март.
[204] Ўша мақола.
[205] Норматов У. Бугунги насримизнинг етакчи тамойиллари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001. 3-сон. – Б. 3.

манга айлантиришга уриниш оқибатида иккинчи даражали эпизодлар кўпайиб кетган. Асар қаҳрамони Бадал Армоннинг нега айнан зироат ва зираворшунослик факультети талабаси сифатида танлангани ҳам айтилмоқчи бўлган фикрга дахли йўқдек туюлади»[206].

Дарҳақиқат, олим тўғри эътироф этганидек, бу асарда бадиий тасвирнинг сунъийлиги кўп кўзга ташланади. Бугунги кун адабиётшунослигида бадиий асарнинг қиммати унда тасвирланган ҳаёт ва инсоннинг янгича концепцияси ҳамда бадиий талқинининг поэтик ифодасига қараб белгиланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнингча, Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой» романини ҳам З.Пардаева таъкидлаганидек, “полифоник талқинда яратилган асар” дейиш ҳам тўғри фикр эмас. Чунки реалистик услубда яратилган «Қўрғонланган ой» романи муайян бир ғоя ва изчил сюжет атрофида, қисқа давр воқеликларини бадиий баён қилиш усули тарзида талқин этилгандир. Шу боис, «Қўрғонланган ой»ни «рамзий асар» дейиш мумкиндир, лекин уни “полифоник роман” деб бўлмайди. Чунки у анъанавий услубда яратилган романларнинг янги бадиий тафаккур турланишлари билан суғорилган шаклидир. Қолаверса, бизнингча, ўзбек адабиётида «полифоник роман» дейишга арзугилик асарнинг ўзи йўқ. Фақат М.М.Дўстнинг «Лолазор», О.Мухторнинг «Минг бир қиёфа» ва У.Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» романларида полифоник романнинг айрим унсурларинигина учратиш мумкин.

---

[206] Йўлдошев С. Роман кашфиётлар манбаидир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2003. - 5 сентябрь.

## ХУЛОСА

Истиқлол даври ўзбек адабиёти такомилида янгича концепция ва тамойиллар, инсоний муносабатлар ва уларнинг холис, поэтик мукаммал тарзда ифодаланиши учун катта имкониятларни юзага келтирди. Айникса, бу даврда ўзбек романчилигининг бадиий тасвир кўлами ва қамров доираси кенгайиб, қаламга олинган мавзулар хилма-хиллашди. Тасвирдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатда ҳам, миллий руҳ ва қаҳрамонлар талқинида, ҳам қаҳрамон характерининг миллий қиёфасини бугуннинг муҳим ижтимоий-маънавий муаммолари билан уйғун ҳолда тасвирлашда ҳам жиддий янгиланиш кўзга ташланди. Бундай янгиланиш жараёни ўзбек миллий романчилигининг мазмунан теранлашиб, бадиий тафаккурнинг янги-янги имкониятларини юзага чиқариш билан бир каторда эпик тасвир анъаналаридан ижодий фойдаланиш ҳамда бадиий шаклдаги турли-туман ўзгаришларда яққол кўзга ташланмоқда. Романчиликда яратилаётган янги типдаги қаҳрамон характери, уларга хос инсоний хислатларнинг бугунги кун кишисининг маънавий дунёси, миллий ўзликни англаши, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга фаол муносабати, ботиний ва зоҳирий олами, тафаккур кенгликлари, яшаш тарзи, эртанги кунга ишончи каби қатор фазилатлари билан намоён бўлаётгани диққатга молик. Бу ҳол миллий романчилигимиз янги бадиий ўзанда ўзига хос тарзда ривожланаётганлигидан далолат беради.

Қарийб бир асрлик тажрибага эга бўлган ўзбек романчилиги мактаби вакилларининг бугунги ижодий намуналарида акс этган миллий руҳ ва қаҳрамон тасвири, уни акс эттиришда анъанавий шакл ва воситалар билан бирга ноанъанавий усуллар, тасвир ва баёндаги ўзига хосликлар каби масалаларни алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш романчиликнинг тараққиёт тенденциялари ва истиқболлари тўғрисида янги назарий хулосалар чиқариш имконини беради.

Таъкидлаш жоиз, истиқлол даври адабиётида тарихий ва замонавий мавзуда кўплаб романлар яратилди. Бу асарларда давр ва шахс, замон ва қаҳрамон муносабатларига хос янгича поэтик концепция ва бадиий-услубий изланишлар самарали кечмоқда.

Бу даврда тарихий мавзуда яратилган романларда акс этган ўтмиш ва келажак тасвири бугуннинг муаммолари асосида бирлашиши ва миллий руҳ, маҳаллий колорит ҳамда қаҳрамон талқинида

миллий заминга асосланганлик етакчи тамойил сифатида бўй кўрсатди. Тарихийлик тамойилларининг ўзбек романларида жорийланишида тарихий қаҳрамон, тарихий муҳит ва тарихий талқин каби хусусиятлар асосий омил сифатида кўзга ташланади. Зеро, тарихий асар халқ ва жамият тараққиётида муҳим роль ўйнаган машҳур шахслар ҳаёти асосида яратилади ва ўз прототипига эга бўлган тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятининг ёзувчи эстетик идеали билан боғлиқ қирралари асарда акс этган бўлади. Бу ўринда тарихий асарларда тасвирланган миллий қаҳрамон образини яратишда кўпроқ ҳаётий манбалар, фактларга таяниш етакчилик қилишини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Бундай тарихий қаҳрамонларни акс эттирган романларда тўқима образлар ёки тарихда ўз прототипига эга бўлган персонажлар характерини яратиш жараёнида тарихий воқеаларни китобхон кўз ўнгида гавдалантириш, уларга миллий руҳ бағишлаш ва тарихий шахсларни миллат қаҳрамони даражасида кўрсатиш тамойили устуворлик қилади.

Миллий руҳ ва характерлар талқинида халқимиз маънавий қадриятлари ҳамда халқ оғзаки ижоди анъаналари акс этганлиги миллий романчилик ютуқларидан бири ҳисобланади. Аёнки, ҳар бир давр адабиёти миллий қадриятларга ўз эстетик эҳтиёжи ва бадиий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлишади. Шу жиҳатдан қараганда, фольклор унсурларининг ёзма наср бадиий структурасидан мустаҳкам ўрин олиши ва фольклоризм типологиясининг романларда янгича моҳият, янги мазмун касб этиши муҳим ижодий ютуқлардан бири ҳисобланади. Бадиий асар қаҳрамонларини ўзининг ҳаётий асосларидан узоқлаштирмай, табиийлигини сақлаб қолган ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъанавий эътиқодлар фонида тасвирлаш ва асар тўқималарига юксак маҳорат билан сингдириб юбориш муҳим тамойиллардан бири бўлиб қолмоқда.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

## I. Илмий тадқиқотлар, монографиялар

1. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 528 б.

2. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 49 б.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 173 б.

4. Абдусаматов Ҳ. Тарих ва бадиий талқин. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. 184 б.

5. Абдулаҳадов А. Фольклор ва миллий роман // Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш. – Тошкент: Фан, 1991. – 272 б.

6. Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Тошкент: Фан, 1978-1979. – Б. 416-445.

7. Аристотель. Поэтика. Русчадан М.Маҳмудов ва У.Тўйчиев таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 150 б.

8. Аҳмедов Н. Тарихий шахс талқини. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. 128 б.

9. Басилов В.Н. Пари // Мифы народов мира. Т.2. – М.: Сов. Энциклопедия, 1992. – С.286.

10. Бахтин М.М. Формы времени и хронотопа в романе / Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература, 1986 – С.121-291.

11. Бахтин М.М. Из предыстории романного слова / Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература, 1986. – С.353-392.

12. Бахтин М.М. Эпос и роман / Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература, 1986. – С.392-428.

13. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1986. 444 с.

14. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Наука, 1972. 318 с.

15. Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 261 б.

15. Борев Ю. Теория литературы. Т.IV (Литературный процесс). – М.: 2001. 370 с.

16. Болтабоев Ҳ. Ҳужжатлар тили ва бадиийлик сеҳри / Меҳрга йўғрилган ижод. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – Б. 62-68.

17. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992. 120 б.

18. Бучис А. Роман и современность. – М.: Сов. писатель, 1977. 210 с.

Введение в литератураведение: Учебник / Под ред. Л.М.Крупчанова. – М.: ОНИКС, 2005. 416 с.

19. Введение литературоведение: Хрестоматия / Под ред. П.А.Николаева. – М.: 1997. 287 с.

20. Введение в литературоведение. Литературное преизведение: Основные понятия и термины / Под ред. Л.В. Чернец. – М.: 1999. 316 с.

21. Владимирова Н.В. В поисках утраченного рая… (Вместо предисловия) / Хамдам У. Бунт и смирение. – Тошкент: Заркалам, 2006. – С. 3-8.

22. Гайтисоло Х. Возможности романа / Судьбы романа. Сборник статей. – М.: Прогресс, 1975. – С.181-189.

23. Гассет Х.О. Дегуманизация искусства. – М.: Радуга, 1991. 639 с.

24. Гегель В.Ф. Эстетика. – М.: Искуство, 1973. Т.3. 537 с.

25. Генезис романа в литературах Азии и Африки. Национальные истоки жанра. – М.: Наука, 1980. 288 с.

26. Гей Н.К. Художественность литературы. Поэтика. Стиль. – М.: Наука, 1975. 471 с.

27. Гришман М.М. Ритм художественной прозы. – М.: Советский писатель, 1982. 368 с.

28. Грибанов Б. Фолькнер. – М.: Молодая гвардия, 1976.

29. Давидьюк В.Ф. Украинская мифологическая легенда и её эволюция. АКД. – Минск: 1986. 24 с.

30. Дудова Л.В., Михальская Н.П., Трыков В.П. Модернизм в зарубежной литературе. – М.: Наука, 2001. – 128 с.

31. Зайниддинова А. Тарихий романларда шоҳлар тимсоли. – Тошкент: Адабиёт ва санъати нашриёти, – 1999. 92 б.

32. Жўраев М. Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. 183 б.

33. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. 408 с.

34. Жирмунский В.М. Введение в изучение эпоса «Манас» // Киргизский героический эпос – «Манас». – М.: Изд.АН. 1961. – С.153.

35. Затонский Д. Искусство романа и XX век. – М.: Наука, 1982. 118 с.

36. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 446 б.

37. Еқубов Ҳ. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: 1983. 208 б.

38. Еқубов И. Муҳаммад Али ижодида тарихий жараён концепцияси ва лиро–романтик талқин. – Тошкент: Фан, 2007.

39. Иномхўжаев Р. Роман таҳлили. – Тошкент: 2002. 52 б.

40. Камю А. Бунтующий человек. Философия. Политика. – М.: Искусство, 1990.

41. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 556 б.

42. Каримов Н. Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари. – Тошкент: Фан, 1982. – 56 б.

43. Каримов Н. XX аср манзаралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 536 б.

44. Каримов Ҳ. Давр ва инсон. – Тошкент: Фан, 1992. 128 б.

45. Каримов Ҳ. Тарихий шахс ва бадиий образ. – Тошкент: 1999. 151 б.

46. Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1982. 128 б.

47. Каттабеков А. Тарих сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1986. 95 б.

48. Карпентьер А. Роман в Латинской Америке / Судьбы романа. – М.: Наука, 1975. – С. 158.

49. Кожинов В.В. Происхождение романа. - М.: Сов. писатель, 1963. 439 с.

50. Кутейщикова В., Осповат Л. Новый латиноамерканский роман. – М.: Сов. писатель, 1983. 259 с.

51. Лейдерман Н.Л., Липовецкий М.Н. Современная русская литература. Т. 2. “Семидесятые годы». – М.: Academia, 2006. – 716 с.

52. Мамажонов С. Услуб жилолари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. 219 б.

53. Массон М.Е. Соборная мечеть Тимура, известная под именем мечети Биби-ханум. – Самарканд, 1929.

54. Маҳмуд М. Аҳли дил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. 256 б.

55. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 3-том. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.244.

56. Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. – М.: Наука, 1986. 316 с.

57. Меҳрга йўғрилган ижод. Пиримқул Қодиров ижоди адиб ва мунаққидлар талқинида. Тўплаб, нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.138 б.

58. Мирвалиев С. Тарихийлик ва замонавийлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 196 б.

59. Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969. 313 б

60. Мирвалиев С. Роман ва замон. – Тошкент: Фан, 1983. 56 б.

61. Мирзаев И. Давр руҳи ва адабий жараён. – Самарқанд, 1997. 115 б.

62. Мирзаев И. Бадиий услуб сеҳри. – Самарқанд: 2000. 106 б.

63. Муродов Ғ., Темирова Д. Тарихий романда сюжет муаммоси. – Тошкент: Фан, 2008. 39 б.

64. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги. – Тошкент: 1984. 199 б.

65. Назаров Б. Бу сеҳрли дунё. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 173 б.

66. Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Фан, 1985. 224 б.

67. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Тошкент: Фан, 2004. 180 б.

68. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. 112 б.

69. Ленц З. Настоящее и будущее литературы / Судьбы романа. – М.: Прогресс, 1975. – С. 245.

70. Отходная роману? Дискуссия о современном романе / Судьбы романа. – М.: 1975. – С. 41.

71. Одиноков В.Г. Поэтика романов Л.Н.Толстого. – Новосибирск: Наука, 1978.

72. Пардаева З. Бадиий эстетик тафаккур ривожи ва ўзбек романчилиги. – Тошкент: Янги авлод, 2002. 100 б.

73. Расулов Т. Бадиий асар қанотлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. 76 б.

74. Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб… – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. 64 б.

75. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ НМК, 2007. 356 б.

76. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. 232 б.

77. Структура литературного произведения. Л.: Наука, 1984. 224 с.

78. Содиқ С. Роман ва танқид. – Тошкент: Фан, 2008. – 120 б.

79. Соколов А.Н. Теория стиля. – М.: Искусство, 1968. – С. 42.

80. Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004. – 72 б.

81. Судьбы романа. Сборник статей. – М.: Прогресс, 1975. 376 с.

82. Теории, школы, концепции. Художественный процесс и идеологическая борьба. – М.: Наука, 1975. – 320 с.

83. Теория литературы. В 2-х томах / Под ред. Н.Д.Тамарченко. – М.: Academia, 2005. – 416 с.

84. Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. 229 б.

85. Тўраев Д. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 2008. 192 б.

86.Умуров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романи. – Тошкент: 1983. 148 б.

87. Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Тошкент: 2001. 119 б.

88. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент.: 2002. 252 б.

89. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Советский писатель, 1972. 399 б.

90. Храпченко М.Б. Художественное творчество. Действительность. Человек. – М.: Советский писатель, 1976. 416 с.

91. Хрестоматия по теории литературы / Сост. Л.В. Осьмакова. – М.: 1980. 512 с.

92. Хмара В. Эстетический идеал и творчество. – Москва: Советский писатель, 1983. – С. 218.

93. Худойберганов Н. Ишонч. – Тошкент: 1979. 248 б.

94. Худойберганов Н. Ҳам инсон, ҳам табиат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. 63 б.

95. Худойберганов Н. Меҳру муҳаббат йўлларида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. 110 б.

96. Шарафиддинов О. Маънавий камолот йўлларида. Тошкент: Маънавият, 2001. 224 б.

97. Шарафиддинов О. Истеъдод ва эътиқод. Тошкент: Шарқ НМК, 2000. 208 б.

98. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Тошкент: Маънавият, 2004. 581 б.

99. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент.: Шарқ НМК, 2004. 637 б.

100. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973. 170 б.

101. Чавда П. Роман сегодня / Судьбы романа. Сборник статей. – М.: Прогресс, 1975. С. 72-79.

102. Эйхенбаум Б.А. О прозе. О поэзии. – М.: Художественная литература, 1986. 476 с.

103. Эшонкулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. 149 б.

104. Қодиров П. Амир Темур сиймоси. – Тошкент: Шарқ НМК, 2007. 245 б.

105. Қосимов У. Ҳозирги ўзбек адабиётида Тоғай Мурод ижоди. – Тошкент: Ёзувчи. 1997. 32 б.

106. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Чўлпон, 1992. Б. 464 б.

107. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 351 б.

108. Қўшжонов М. Ҳаёт ва қаҳрамон. Адабий мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. – 366 б.

109. Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари / Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 299-382.

200. Қўшжонов М. Ёзувчи камолоти / Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 21-32.

201. Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ НМК, 2006. 384 б.

202. Ғафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ НМК, 2008. 356 б.

203. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 198 б.

204. Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. 196 б.

## II. Диссертация ва авторефератлар

205. Акбаров О.А. Комил Икромов ижодида тарихийлик ва замонавийлик: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. – Тошкент: 1997. 134 б.

206. Болтабоев Х. Стилевые искания современной узбекской прозы. Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент: 1983. 147с.

207. Давронова Ш.Ғ. Адабий жараён ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент: 2004. 23 б.

208. Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент: 2001. 128 б.

209. Жалолов Ғ. Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди («Майсаранинг иши» комедияси аспектида): Филол. фанлари номз ... дис. – Тошкент: 1961. 352 б.

210. Жалматова З. Урбанистик асарларда муштараклик ва ўзига хослик (П.Қодиров «Олмос камар» асарининг қиёсий таҳлили асосида): Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент: 1999. 23 б.

211. Жуматова Н.С. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар: Филология фанлари номзоди... дисс. автореферати. – Тошкент: 2000. – Б.12

212. Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик (М.М.Дўст, Ғ.Ҳотамов ва О.Отахонов асарлари асосида): Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент: 1994. 24 б.

213. Имомкаримова М.М. Ўткир Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент: 2004. 23 б.

214. Икромов О. Ўзбек романларида ижобий қаҳрамон проблемаси. Филол.фанлари доктори дисс. – Тошкент: 1969. 480 б.

215. Исаева Ш. Б. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент: 2001. 22 б.

216. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси: Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент: 1993. 49 б.

217. Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси. Филол. фанлари доктори... дисс. – Тошкент: 1994. 320 б.

218. Маҳмудова З. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романининг миллий ўзига хослиги: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореферати. – Тошкент: 1996. 21 б.

219. Мирзаев И. Янгича тафаккур ва ҳозирги ўзбек насрининг тараққиёт йўллари: Филол. фанлари доктори...дисс. автореф. – Тошкент: 1991. 48 б.

220. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фанлари доктори... дисс. – Тошкент: 1994. 287 б.

221. Нарзиқулова М. «Сабъаи сайёр» достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2006. 22 б.

222. Нурматов А. Бадиий асарда полифонизм: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: 1996. 24 б.

223. Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фанлари доктори... дисс. автореферати. – Тошкент: 2003. 55 б.

225. Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар: Филол. Фанлари номзоди... дисс. – Тошкент: 2006. 151 б.

225. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси: Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент: 2002. 44 б.

226. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: Филол. фанлари доктори... дисс. автореферати. – Тошкент: 1993. 52 б.

227. Раҳимов З.О. Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» романи поэтикаси: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент: 2000. 25 б.

228. Самандаров И. Ўзбек тарихий романларида тарихийлик: Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент: 1992.145 б.

229. Сатторова Г.Ю. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси: Филол. фанлари номзоди. дисс… автореф. – Тошкент: 2002. 25 б.

230. Солижонов Й. ХХ асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент: 2002. 49 б.

231. Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар): Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент: 1994. 53 б.

232. Тўлаганова У.Й. Тоғай Мурод насрида ритм: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент: 2005. 24 б.

233. Ҳамрақулова Х.Қ. Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романида шахс фожиаси талқини: Филол. фанлари номзоди… дисс. автореф. – Тошкент: 2004. 25б.

234. Ҳамидова М.О.Ҳозирги ўзбек адабиётида миллий қаҳрамон муаммоси: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент: 2001. 24 б.

235. Шамсиева Б.А. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении: Дисс…канд. филол. наук. – Тошкент: 1994. 138 б.

236. Юсупова Г. А. Ҳозирги ўзбек романларида Амир Темур ва темурийлар образининг бадиий талқини: Филол. фанлари номзоди. дисс… автореферати. – Тошкент: 2005. 26 б.

237. Эргашев А. Ривоят ва унинг бадиий асар сюжет-композицион қурилишидаги ўрни: Филол. фанлари номз… дисс. автореферати. – Самарқанд: 1994.

238. Қурбонов Т. Одил Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати: Филол. фанлари номз… дисс. автореф. – Тошкент: 1997. 24 б.

239. Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари мисолида). – Т.: Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент: 1998. 45 б.

240. Қобулниёзов Ж. Ўзбек совет адабиётининг шаклланиш даврида ўзбек фольклори (эпик жанрлар бўйича): Филол. фанлари доктори... дис. – Тошкент, 1957. – 377 б.

241. Қувватова Д. Ўзбек миллий бадиий фантастикасида фольклор мотивлари: Филол.фанлари номзоди... дис. авт. – Тошкент: 1997. – 21 б.

### III. Вақтли матбуот материаллари

242. Абдуллаев М., Холмирзаев Ш. Толстойнинг нияти мени мафтун этган // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 13 февраль.

243. Абдуллахонов Ж. «Мувозанат»ни ўқиб... // Жаҳон адабиёти. – 2003. – 1-сон. – Б. 207.

244. Аҳмад О. Шахс, жамият ва абадият // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. – 14 март.

245. Алимбеков А. Рўй-рост ёзиш ҳуқуқи // Шарқ юлдузи. – 2003. – 4 сон. – Б. 146-148.

246. Алимбеков А. Тарих жозибаси // Моҳият. – 2005. 30 декабрь.

247. Берлимуродов А. Улуғ салтанат шукуҳи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 13 август.

248. Болтабоев Ҳ. Шартлилик табиати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. – 5-сон. – Б. 34-38.

249. Дўстмуҳаммад Х. Уйғониш жозибаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2000. – 7-сон.

250. Жўраев М. Етти ҳомийнинг мифологик асосларига доир // Адабий мерос. – 1989. – 2-сон. – Б. 60-65.

251. Жўрақулов У. Миф ва ижодий жараён // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2005. – 29 апрель.

252. Жўрақулов У. Муаммонинг тугуни // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 9 июль.

253. Йўлдошев Қ. Дастлабки довон белгилари // Шарқ НМК юлдузи. - 2001. 1-сон. – Б. 5-10.

254. Йўлдошев Қ. Сифат ўзгаришлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 9 июнь.

255. Йўлдошев Қ. Замон, қаҳрамон ва ўзлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 14 март.

256. Йўлдошев Қ. Янгиланишлар мунтазамлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2002. – 19 апрель.

257. Йўлдошев Қ. Руҳият сувратлари // Ўзбекистон овози. – 2000. – 20 июнь.

258. Ёқубов И., Пирназарова М. Адабий мистификация бадиий восита сифатида // Илм сарчашмалари. УрДУ ахборотномаси. – 2001. – 4-сон. – Б. 31-32.

259. Ёқубов И. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. – 4-сон. – Б. 31.

260. Ёқубов И. Романнинг тафаккур ва услуб жилоси // Илм сарчашмалари. УрДУ ахборотномаси. – 2004. – 3-сон. – Б. 79-81.

261. Каримов Н. Тарих ва адабий жараён / Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 60-65.

262. Каримов Ҳ. Эгри шохнинг синиши // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2008. – 18 апрель.

263. Каримов Ҳ. Янги тамойиллар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. – 4 апрель.

264. Мелиев С. Асл адабиёт – эзгуликка хизмат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2000. – 34-сон.

265. Мустақиллик даври насри: таҳлил ва талқинлар. Давра суҳбати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2005. – 20 май.

266. Мухтор О., Ш.Дониярова. Менинг ўз онозим бор... // Моҳият. – 2001. – 9 февраль.

267. Мухтор О. Ҳар кимнинг ўз замини, ўз осмони бор // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1998. –10 март.

268. Муҳаммад Али, Алимбеков А. Бадиий тарих манзаралари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2006. – 27 январь.

269. Норматов У. Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1995. – 3 ноябрь.

270. Норматов У. Бугунги насримиз тамойиллари // Жаҳон адабиёти. – 1997. – 3-сон. – Б. 157-167.

271. Норматов У. Гўзал инсон мадҳи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1998. – 19 июнь.

272. Норматов У., Ҳамдамов У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи // Жаҳон адабиёти. – 2000. – 12-сон. – Б. 152.

273. Норматов У. Шахс жумбоғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2001. – 19 январь.

274. Норматов У. Энг муҳим муаммо // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 21 март.

275. Норматов У. Янгиланиш анъанаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 9 июнь.

276. Норматов У., Қуронов Д. Романнинг янги умри // Жаҳон адабиёти. – 2001. 9-сон. – Б. 173-188.

277. Норматов У., Болтабоев Ҳ. Янги назарий тамойиллар // Жаҳон адабиёти. – 2008 – 3 сон. – Б.154-163.

278. Назаров Б., Жабборов Ф. Давралари давом этади... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2008. – 22 февраль.

279. Назаров Б. Ёзувчи олдидаги қарз // Жаҳон адабиёти. – 1998. – 1 сон. – Б.29.

280. Расулов А. Янгиланаётган роман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 22 август.

281. Расулов А. Улуғ салтанатнинг шаклланиши // Жаҳон адабиёти. – 2003. –11– сон. – Б. 135-138.

282. Расулов А. Тарих, фалсафа, роман // Жаҳон адабиёти. – 2003. – 9-сон. – Б. 154-165.

283. Раҳимжонов Н. Бугуннинг қаҳрамони ким? // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. – 6-сон. – Б. 26-29.

284. Рўзимуҳаммад Б. Постмодернизмни нима деймиз ёхуд таклидми, таъсирланиш? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 27 февраль.

285. Рўзимуҳаммад Б. Ҳаёт тажрибалари ва хаёл чиғириғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2000. – 11 август.

286. Сабирдинов А. Изланишлар самараси. Ўзбек романи кеча ва бугун // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2005. – 28 январь.

287. Содиқ С. Пруст изидан // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2002. – 29 ноябрь.

288. Содиқ С. Самиранда исёни // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 3 сентябрь.

289. Содиқ С. Романми ёки рисола? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 30 январь.

290. Содиқ С. Таажжуб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 13 февраль.

291. Содиқ С. Ҳаққонийлик кучи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2000. – 8 декабрь.

292. Содиқ С. Миллатпарварлик фожиаси (А.Қаҳҳорнинг «Сароб» романи хусусида) // Тил ва адабиёт таълими. – 1997. – 5 – сон. – Б.70-75.

293. Саримсоқов Б. Фольклор ва адабиёт муносабатларидаги акс жараёнларнинг ҳозирги аҳволи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1988. – 6-сон. – Б.28-31.

294. Саримсоқов Б. Абсурд маънисизликдир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2002. – 28 июнь.

295. Сафаров М. Улуғ она қиссаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 19 ноябрь.

296. Солижонов Й. Роман кашфиётлар манбаидир //. Ўзбекистон адабиёти ва санъати – 2003. – 5 сентябрь.

297. Солижонов Й. Романнинг ойдин йўли // Шарқ юлдузи. – 2004. – 1-фасл. – Б.152.

298. Холмирзаев Ш. Кечирасиз, жаноб комментатор, вақтим зиқроқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2000. – 31-сон.

299. Шарафиддинов О. Фикр эркинлиги – зарур эҳтиёж // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 14 май.

300. Шарафиддинов О. Ижод захмати // Шарқ юлдузи. – 1967. 8-сон – Б; сана

301. Шермуҳамедов П. Тарихчи ва ижодкор нигоҳи // Шарқ юлдузи. – 1977. – 3 сон. – Б.205.

302. Эшонқул Н. Самовий завқ лаззати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2000. 7-сон.сана

303. Эшонкул Ж. Миф ва роман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. – 25 апрель.

304. Қаюмов О. Сув париси билан боғлик халк қарашлари // Адабиёт гулшани. Илмий тўплам. – Тошкент: Меҳнат, 1999. – Б. 17-23.

305. Қодиров П. Шоир ёзган роман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 24 октябрь.

306. Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 26 март.

307. Қодиров П. Амир Темур сиймоси // Жаҳон адабиёти. – 2006. – 7-8-сонлар. – Б. 121.

308. Қосимов Б. Олам ичра олам бўлмоқ // Жаҳон адабиёти. – 1998. – 1-сон. – Б. 76.

309. Қосимов Б. Улуғ салтанат сирлари // Халқ сўзи. – 2003. – 18 март.

310. Қўшжонов М. Бадиятнинг олмос жилолари // Халқ сўзи. – 2002. – 20 сентябрь.

311. Қўшжонов М. Меъёр ва мувофиқлик жозибаси // Ўзбекистон овози, 2002. – 15 июнь.

312. Қўшжонов М. «Ишқ аҳли» романи ҳақида // Шарқ юлдузи. – 2001. – 1-фасл. – Б.15

313. Қўчқорова М. «Мувозанат» – руҳият мувозанати // Моҳият. – 2002. – 8 ноябрь.

314. Ҳамдамов У. Турфа ранглар уйғунлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2000. – 29 сентябрь.

315. Ҳамдамов У. Ижтимоий фаоллик даври // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 22 август.

316. Хўжаев Т.Р. Мифик образ ва ёзма адабиёт // Адабий мерос. – 1991. – 2-сон – Б. 63-68.

## IV. Бадиий адабиётлар

317. Аббос Саид. Кўчада қолган одам: Роман. – Тошкент: Шарқ НМК, 2004. – 608 б.

318. Булгаков М. Избранные. – М.: Художественная литература, 1993. – С. 221-311.

319. Бўтаев Ш. Қўрғонланган ой. – Тошкент: Шарқ НМК, 1995. – 192 б.

320 Бўтаев Ш. Шох. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 330 б.

321. Бегматов Х. Девона Машраб. – Тошкент: Шарқ НМК, 2005. – 271 б.

322. Дилмурод Асад. Маҳмуд Торобий. – Тошкент: Шарқ НМК, 1998. – 300 б.

323. Дилмурод Асад. Фано даштидаги қуш: Роман // Шарқ НМК юлдузи. – 1998. – 5-сон. – Б.118-181; 6-сон. – Б.

324. Дўстмуҳаммад Хуршид. Бозор. Роман. – Тошкент: Шарқ НМК, 2000. 192 б.

325. Омон Мухтор. Бухоролик бир йигит / Романлар. – Тошкент: Ёзувчи, 1998 – 302 б.

326. Омон Мухтор. Афлотун: Роман, қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 191.б.

327. Омон Мухтор. Аёллар мамлакати ва салтанати. – Тошкент: Шарқ НМК, 1997. – 238 б.

328. Омон Мухтор. Ишқ аҳли // Шарқ юлдузи. – 2001. – 1-фасл. – Б.17-71.

Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. – Тошкент: Шарқ НМК, 2006. – 335 б.

329. Муҳаммад Али. Сарбадорлар. – Тошкент: // Адабиёт ва санъат. – 1997. – 558 б.

330. Тўхтамурод Рустам. Капалаклар уйини: Роман // Ёшлик. – 1995. – 4-сон.

331. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ НМК, 1994. – 268 б.

332. Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. – Тошкент: Шарқ НМК, 2001. – 206 б.

333. Холмирзаев Ш. Диназавр: Роман // Ёшлик. – 1996. – 2-сон, 3–сон. – Б. 36–53.

334. Холмирзаев Ш. Олабўжи: Роман // Шарқ юлдузи. – 1996. – 1-4-сонлар.

335. Қодиров П. Она лочин видоси. – Тошкент: Шарқ НМК, 2001. – 239 б.

336. Ҳамдам Улуғбек. Мувозанат. – Тошкент: Шарқ НМК, 2007. – 270 б.

337. Ҳамдам Улуғбек. Исён ва итоат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 439 б.

338. Ҳамдам Улуғбек. Сабо ва Самандар. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – 309 б.

339. Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси: Роман. – Тошкент: Шарқ НМК, 1996. –558 б.

340. Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар: Роман. – Тошкент: 1993. 333 б.

## МУНДАРИЖА

**Кириш**..........3

**Тарихий шахс образини яратишда ҳаёт ҳақиқати ва бадиий талқин**

Характер яратишда тарихийлик ва бадиийлик..........6

Тарихий романларда эстетик идеал ва адабий қаҳрамон муносабати..........27

**Давр зиддияти ва қаҳрамон характерининг шаклланиши**

Ўзбек романчилигида авлодлар қисматининг бадиий ифодаси..........49

Ижтимоий муаммолар ва қаҳрамон характерининг тобланиши..........68

**Ўзбек романчилигида фольклор анъаналари ва мифопоэтик талқин**

Фольклоризмларнинг роман бадиий тўқимасидаги ўрни..........87

Ўзбек романчилигида миллий қадриятлар талқини..........106

**Миллий руҳ ва маънавий-ахлоқий муаммолар талқини**

Миллий руҳ ва қаҳрамон тафаккури..........135

Қаҳрамон ҳарактерида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг ифодаси..........159

**Хулоса**..........180

**Фойдаланилган адабиётлар**..........182

*Илмий-адабий нашр*

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов
Мусаҳҳиҳа: Камола Болтабоева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO'Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Нашриёт лицензияси AI № 103. 15.07.2008
Теришга берилди: 02.02.2011
Босишга рухсат этилди 17.02.2011
Қоғоз бичими 60х84 1/32. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 10,0
Шартли босма табоғи 12,5. Адади 500
Баҳоси келишилган нархда

Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-60-33

«MUMTOZ SO'Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-81-20